

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

84(59)6

X-71

ЎТКИР
ҲОШИМОВ

ИККИ КАРРА ИККИ — БЕШ



• ҲАЖВИЙ ҚИССА •

**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

ЎТКИР ҲОШИМОВ

ИККИ КАРРА ИККИ — БЕШ

Ҳажвий қисса




„О‘ҚИТУСЧИ“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
ТОШКЕНТ — 2018

УЎК: 821.512.133-31
КБК 84(5Ў)6
Ҳ 71

Элимизнинг атоқли ва ардоқли адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг „Баҳор қайтмайди“, „Дунёнинг ишлари“, „Икки эшик ораси“, „Тушда кечган умрлар“ каби салмоқли қисса ва романларини, юзлаб жиддий ҳикоя ва бадиаларини мутолаа қилган китобхон ларзага тушади, кўп саҳифаларни ўқиганида кўзига ёш келади. Ўткир Ҳошимов серқирра адиб. Унинг ўнлаб ҳажвий ҳикоялари, комедиялари ичак узди ҳангомаларини ўқиган ва томоша қилганда дилингиз равшан тортади, беихтиёр қаҳ-қаҳ уриб куласиз.

Адибнинг мазкур ҳажвий қиссасида ҳам воқеалар кескин юмор остига олиниб, ғоят ҳаётий акс эттирилган. Асар ўқувчига жуда кўп билим ва тарбия бера олишига ишонамиз.



БИРИНЧИ БОБ

КАСАЛЛИК ТАРИХИ

— Э, дўхтиржон! Қийнаб нима қиласиз, одамни! Айтяпман-ку, сопла-соғман! Раҳмат, яхши даволадинглар. Эсингиздами, баннисага келган кунларим, бир лунжим оқиб тушган нондек осилиб ётувди. Оғиз — ёмғирда қолган ўчоқ! Қўлим билан тўғрилайман, деб харчанд уринаман, қани жойига келса, тагин қийшайиб қолади, хумпар! Кўзнинг ҳам биттаси катта, биттаси кичкина эди! Мана, ҳаммаси бип-бинойи! Энди, дўхтиржон, бизга жавоб берсангиз... Нима? Яна сўрайсиз-а? Жиноятчисан, деб терговчи сўроқ қилса, жиннисан, деб дўхтирлар сўроқ қилса... Нима қилай, ахир? Кимга айтай додимни!

А? Ҳеч қанақа касал бўлган эмасман! Болалигимда ҳам, ундан кейин ҳам... Ангина-мангина, қизамиқ-пизамиқ — биронтаси бизга йўлаган эмас! У ёғини сўрасангиз, беш ёшга тўлгунимчаям яланғоч юрганман! Нима? Ҳа, қишдаям!

Бир куни десангиз, қаҳратон қишда ҳовузнинг музини ёриб, ичига тушиб олганман. Дадам велосипед олиб бераман, деб ваъда қилмагунча, ҳовуздан чиқмаганман. Ўшанда онам „Вой, энди нима қилдим, болажоним ўлиб қолади“, деб чирқиллагани эсимда... Балоям урмади... Қайтага маза қилдим: яланғоч одам эркин нафас олади-да, тўғрими? Одамнинг ҳамма жойи нафас олиши керакми, ахир? Тўғрими-йўқми? Қолаверса, инсон боласи ўзини-ўзи чиниқтириши керак. Ҳа, ана энди ўзингизга келдингиз, дўхтиржон! Раис бува ҳам доим шунақа дерди. Айтган гапини маъқулласам: „Ана энди ўзингга келдинг, Кўшовой, ақлинг тошни ёради“, дерди.

Оббо! Яна ўша саволми? Айтяпман-ку, умрим бино бўлиб грипп бўлган эмасман, томоғим оғримаган,

ичкетар бўлмаганман. Тошни есам, қум қилиб юбораман!

А? Авариядаям қолган эмасман! Жўрам Шодивой билан бир марта авария қилишимизга сал қолган-у, Худонинг ўзи бир асраган.

Нима? Йиқилишга-йиқилганман! Ёнғоқдан! Қир учидан! Ўзиям ёнғоқмисан-ёнғоқ эди-да! Ёнғоқ-ку томорқада эди. Аммо шунақанги тарвақайлаб кетгандики, томорқадаги дарахтнинг сояси кун тиккага келгунча ҳовлимизнинг ярмисини қоплаб ётарди. Пахтага дори сепадиган самолёт қишлоғимиз устидан учиб қолса, ҳовлимизнинг тепасига келганида вариллаб, ҳаволаб кетарди. Бир сафар пастроқ учган экан, битта қаноти узилиб ёнғоғимизнинг шохига илиниб қолган. Ўн кунгача даканг варракка ўхшаб лапанглаб турган. Темир шапка кийган одамлар осмон баравар нарвон келтириб, амаллаб тушириб олишган. Мен ана ўша ёнғоқнинг қир учидан йиқилиб тушганман. Нима? Неча ёшдалигимни қаёқдан билай? Хуллас, ҳали мактабга бормаган пайтларим эди-да!

Фира-шира эсимда. Томсувоқ бошланган кезлар эди. Томсувоқни биласизми? Ҳа, яшанг! Томорқадаги худди ўша ёнғоқ тагидан лойхандақ қазиб, сомон босишди. Лойни сомонга аралаштириб роса қоришди. Дадам шимининг почасини қайириб, лойхандаққа кирди. Ҳашарчиларнинг пақирига пайдар-пай лой солиб турибди. Ҳашарчилар зипиллаб ташиб турибди. Э, дўхтиржон, сиз билмайсиз! Қишлоқ жойда ҳашар деса, ҳамма ёпирилиб келаверади. „Қаёққа, нимага“, деб суриштириб ўтириш — номардлик бўлади. Хуллас, ҳовлимизга тумонат одам тўпланди. Қарасам, башанг кийиниб олган ўзим тенги бола ёнғоққа кесак отяпти. Шунақанги дўмбоқ, шунақанги думалоқ болаки, хўппа семиз куёнга ўхшайди. Отган кесаги том баравар кўтарилса, ўла қолай! „Ҳой, кимсан?“ десам, йиғламсираб, „ёнғо-оқ“ дейди. Чаққонлигимни бир кўрсатиб қўйгим келди. Кафтимга туфлаб туриб, ёнғоққа тирмашганим эсимда. Меҳмон болани ёнғоқ билан сийлай қолай, деб маймундек типирчилаб, дарахтнинг қир учига чиққаним

хам ёдимда. Ёнғоғимиз ҳам хўп мева солган экан ўзи! Ҳар биттаси олмадек келади жонивор! Тағин ғуж-ғуж. Энг юқоридаги шохни силтаганимни биламан. Бир маҳал қарасам... Телевизорда кўрсатадиган сувга шўнғувчилар бор-ку, ўшанга ўхшаб лойхандаққа калла ташлаб тушяпман. Оёқ-қўлларимни жуфтлаб олганман, денг. Ҳали тушяпман, ҳали тушяпман, қани лойхандаққа етсам! Бир маҳал „шўлқ“ этган овозни ўзим ҳам эшитгандек бўлдим. У ёғи эсимда йўқ. Кейин айтиб беришди. Лойхандақнинг қоқ ўртасига бошим билан санчилиб қолибман. Дадам ишга қизиқиб кетиб сезмабдиям. Ҳатто бир-икки марта кетмоннинг орқасини жуфтлашиб турган оёғимга қоқиб, лойини тозалабди. Қозиқ деб ўйлаган-да! Анчадан кейин чарчаб „перекур“ қипти. Носқовоғини товонимга уриб-уриб, тагидаги ёпишиб қолган носини кўчирмоқчи бўлган экан, қитиғим келиб, оёғимни типирлатиб қолибман. Қитиғим ёмон-да! Отам турган жойида тахта бўпқопти. Ҳамма ёқ қий-чув бўлиб кетибди. Кўплашиб лойхандақдан суғуриб олишибди. Ювиб-тараб, мундай қарашса, бошим тарс ёрилиб кетганмиш. Мен бўлсам йиғлаш ўрнига кулиб ётганмишман. Тўғрисини айтайми? Ўшандан бери ҳеч йиғламаганман. Нукул куламан. Ўшандаям онам „Вой, болажоним, сенга нима бўлди“, деб йиғлаганида кулиб тураверибман. Сал-пал эсимда бор, негадир ўшанда онам кўзимга иккита бўлиб кўринди. Овози битта-ю, ўзи иккита.

— Тирикмисан, болажоним! — деди овози битта, ўзи иккита онам.

— Тирикман, эналар! — дедим илжайиб.

Кейин бошимга отам эгилди.

— Нима бўлди, Кўшовой?

Негадир дадамнинг кўзи тўртта бўлиб кўринди.

Ўнг қўлимнинг тўртта бармоғини диккайтирдим.

— Кўзларингизга қўлларимни тиқиб олайми?

Дадам ҳуркиб, ўзини орқага ташлади.

Йўқ, уч кун ичида ҳеч нима кўрмагандек ўйнаб кетдим. Дадам жўраларига мақтанди: „Бизнинг ўғил маладес! Тегирмонга тушса бутун чиқади!“

Ҳа, айтмоқчи, ўша куни уйимизга меҳмон келди. Худди ўша — „ёнғоқ“ деб йиғламсираган дўмбоқ бола. Оти — Шодивой экан. Буни қарангки, Шодивой отасини бошлаб кепти. Раис буванинг ўғли экан. Раис бува қўлимга зарқоғозли ишкалад берди.

— Шодивой билан қиёматли жўра бўлларинг! — деди.

Маили, Шодивой билан жўра бўлсам, бўларман-у, ўша кундан бошлаб ғалати одат чиқардим. Бир қарангиз, миям, тракторчи қўшнимиз Турсунбой аканинг пат-патига ўхшаб қарсиллаб ишлаб кетади, бир қарангиз, ҳеч балога ақлим етмайди. Устига-устак, тагин битта айбим бор: лоф-қоф билан гапирмасам, кўнглим жойига тушмайди. Ўзимдан бир ёш кичкина Жу деган синглим бор. (Оти Мавжуда, мен уни „Жу“ дейман). Масалан, дадам синглимга дўппи олиб келса, кўчага чиқиб, шовқин соламан.

— Дадам Жуга тўртта дўппи олиб келди!..

Сигиримиз туғса, яна кўчага югураман.

— Суюнчи беринглар! Сигиримиз учта туғди! — бу ёғиниям бир зумда тўқиб ташлайман. — Иккитаси урғочи, учинчисиям урғочи!

Бирпасда онамнинг рўмоли саккизта, дадамнинг этиги ўн тўртта, ўзимнинг ботинкам ўн олтита бўлди! (Кошки ботинка кийсам!)

Турсунбой акамнинг мотоцикли битталигини биламан. Аммо бутун қишлоққа хабар тарқатиб келдим: „Турсунбой аканинг олтита пат-пати бор!“

Кечқурун Ойсара янгам бизникига чиқиб, онамга ҳасрат қилди.

— Қўшовой тушмагур ҳамма ёққа Турсунбой ака олтита пат-пат сотволди, деб гап тарқатибди. Опажон, ўзи янги рўзғор бўлсак. Шу битта пат-пат ўлгурниям Раис бува олиб берди: куёвингиз яхши ишлагани учун. Билмаганлар, булар битиб кетган экан, демайдими? Болангизни тийиб қўйинг, опажон!

Ойсара янгамни яхши кўраман. Онамнинг айтишича, қишлоғимиздаги энг сулув жувон шу эмиш.

Жамоа хўжалиги кутубхонасида ишларкан! Шунақа-ку, янгамнинг гапи менга ёқмади. Ҳозир калтак ейман, деб чўчиб турган эдим, ундай бўлмади.

Онам бепарво қўл силтади.

— Бола-да, ўргилай келин, бола! Нима қипти, ўғирлаб опти демабди-ку. Яхшилигингизни ошириб, ёмонлигингизни яширса ёмонми!

Энамни шунақанги яхши кўриб кетдимки, кечқурун дадам ишдан келиши билан мақтандим.

— Дада-чи, дада, энам бугун сизга уч қозон палов дамлаб қўйдилар!

Онам, хурсанд бўлиш ўрнига, дадамга ҳасрат қилди:

— Бу тентагингиз қачон одам бўлади-а, номусга ўлдирипти-ку! Бир ҳафта олдин сигиримиз учта туғди, деб ҳаммага айтиб чиққан эди. Бугун Ойсара келин ҳасрат қилиб чиқди. Бечораларнинг битта пат-патини олтита деб гап тарқатибди.

Қараб турсам, дадамнинг ўнг лунжи учяпти. Кошки, одатини билмасам! Лунжи уча бошладими, жаҳли чиққани шу!.. Аслида дадам менга ҳам, Жугаям бирон марта қўл кўтарган эмас. Онамнинг айтишига қараганда, отам уруш битай-битай деб турганида фронтга кетган экан. Ўша ёқдан шунақа баджаҳл бўлиб қайтган эмиш. Тўйдан кейин менинг битта акам, яна битта опам туғилибди-ю, акам чилласи чиқмай, опам ёшига тўлмай ўлибди бечора. Шунинг учун „Қўша-қўша фарзанд кўрайлик“, деган ниятда бизга Қўшоқвой деб от қўйишган экан. Болани яхши кўргани учун дадам бизни уришмас экан.

Ўша куниям дадам лунжи учиб-учиб қўйди-ю, барибир койимади.

— Ўғлим, — деди елкамга қоқиб. — Одам бошқа нарсада адашса майли, лекин ҳисобда адашмаслиги керак. Мен — буғалтирман-ку, биламан-ку. Мана, сендан кичкина синглинг мактабга қатнаяпти. Эрта-индин сен ҳам борасан. Қани, айт-чи, йигирмани-йигирмага қўшса, қанча бўлади?

— Элик! — дедим ўйлаб ўтирмай.

— Дард! — Дадамнинг жаҳли чиқиб кетди. Ўн лунжи пайдар-пай уча бошлади. — Мисол учун, сенда иккита йигирма тийинлик бор. Пахта пункти ёнида ўтирадиган Раҳмон пистачидан семичка олмоқчисан. Бир истикон пистичка йигирма тийин туради. Икки истикони қанча бўлади?!

Раҳмон пистачидан семичка олавериб пишиб кетганман.

— Қирқ тийин! — дедим ишонч билан.

— Бўпти-да, ўғлим! — Дадам қувониб кетди. — Ҳисобда адашиб бўлмайди. Адашсанг, ўзингга жабр қиласан!

— Адашмасам-чи?

Қизиқ, дадамнинг лунжи тагин учди.

— Ундаям жабр бўлади, — деди хўрсиниб. — Раис, ҳисобдан адашмаганим учун ёмон кўряпти-да мени. Унга ҳисобни билмайдиган ҳисобчи керак.

Дадамнинг гапини унча тушунмадим. Лекин мактабга боргунча ҳисобни бинойидек ўрганиб олдим. Кўшиш, кўпайтириш... Айниқса, пул ҳисобини...

Тўғриси айтсам, ўшандаям лоф-қоф билан гапириш одатим қолмаган экан. Мактабга борган биринчи кунимоқ шу дардим кўзиб қолди.

ИККИНЧИ БОБ

МАКТАБГА КИРИБ ОЛДИМ

Мактабга онам кўлимдан етаклаб олиб борди. Гулзор ҳовлининг икки томонидаги қатор-қатор оппоқ хоналардан бирига кирдик.

Чиройли кийинган, сочини силлиқ тараган бир қиз стол ёнида ўтирган экан. Лип этиб, ўрнидан турди.

— Мана, Муҳаббатхон, сизга яна битта ўқувчи олиб келдим! — деди онам илжайиб.

Ўқитувчи опа бошимни силади.

— Вой, қандоқ яхши... Бу — Мавжуданинг... — шундай деди-ю, бир менга, бир онамга қараб, анграйиб қолди. Чамаси, тойлоқдек бўйимни кўриб ҳайрон бўлди: мен Жунинг укасиманми, акасиманми?

— Акаси! — деди онам тушунтириб. — Сал тоби йўкроқ эди.

Ўқитувчи опа яна бошимни силади. Фақат бу гал қоқ икки паллага бўлинганида томорқадаги ўқарикдек чуқур из қолган бошимга бармоғининг учини тегизиб кўя қолди.

— Ажаб қипсиз! — деди кулишга уриниб, ўзи куляпти-ю, афти худди йиғлаётган одамникига ўхшайди.

— Фамилиянг нима, болакай? — деди менга юзланиб.

— Салимип! — дедим бақриб.

— Салимовми? — У столдаги каттакон дафтарни очиб, тез-тез ёзди.

— Отинг?

— Кўшовой!

— Кўшоқвой дегин... Яхши. Ёшинг нечада?

Худди шу пайт эски дардим кўзгаб, лоф-қоф билан айтиш касалим тутиб қолди.

— Ўн беш.

Ўқитувчи опа бир чўчиб тушди. Кўзимга хавотирланиб қараб кўйди. Онам думбамни шу қадар ачитиб чимчиладики, илжайиб кўйдим.

— Муҳаббатхон! — деди онам кулимсираб. — Кўшоқвой ҳазиллашди, ўзи шунақа ҳазилкашроқ бола. Тўққиз ёшга тўлди.

Ўқитувчи опа яна йиғламоқдан бери бўлиб кулди.

— Шунақа денг... Майли. Мавжуда қизимиз пишиқ, — деди онамга. — Аъло ўқияпти. — Кейин мендан сўради. — Бошқа сингилларинг ҳам борми?

— Бор. Ўнта!

Ўқитувчи опанинг пастки лаби осилиб кетди. Оғир-оғир киприк қоқиб, онамга узоқ тикилиб қолди. Чамаси, тўққиз йилда ўн иккита бола туққан хотинни биринчи марта кўриб турган бўлса керак.

Онам думбамни чимчилашдан иш чиқмаслигини пайқади шекилли, биқинимни ўймалаб олди. Қитиғим келганидан ҳиринглаб кулиб юбордим. Ўқитувчи опа гоҳ онамга, гоҳ менга қараб, қисқа-қисқа нафас ола бошлади. Кўлидан ручкаси тушиб кетди.

— Кўшоқвой, — деди кўрқа-писа. — Дадангиз?..

— Иккита! — дедим шоша-пиша.

— Нима?

— Иккита!

Шу гапни айтганимни биламан! Онам уч қадам орқага тисарилди. Эскирган чит кўйлагининг ўнг енгини шимарди-да, юзимга чунонам тарсаки тортиб юбордики, хонадаги деразалар жаранглаб кетди.

Юзим оғриганидан эмас, кулгим қистаганидан кўчага отилдим.

— Тўхта, ер юткур! — Онам кетимдан чопди. — Тўхта, жувонмарг!

Тўхтаб бўпман! Ҳаллослаб, дадамнинг олдига чопдим. Биламан, дадам жамоа хўжалиги идорасида ката-лакдек хонада чўт қоқиб ўтиради.

— Дада, — дедим илжайиб. — Энам мени келисоп билан урди. Ўн марта урди. Юз марта урди!

— Кўявур, ўғлим, — деди дадам мени юпатиб. — Энанг сени келисоп билан урган бўлса, мен ҳам уни ураман! Ёмон ураман!

Ўша куни дадам айтганини қилиб, онамни кечаси билан уриб чиққан бўлса керагов! Нега деганда, онам эрта билан сақич чайнаб, очилиб-сочилиб, минғиллаб ашула айтганча, ҳовли супуриб юрганини кўрдим. Эрталаб дадам ўз кўли билан етаклаб мактабга олиб борди-ю, директор билан гаплашиб, мени ўқишга „жойлаб“ қўйди.

УЧИНЧИ БОБ

БИЗНИ СИНОФДА ҚОЛДИРАДИГАННИНГ БОШИ ЎНТА!

Буни қарангки, биринчи кунданоқ Шодивой билан битта партада ўтириб қолдик. Ҳов ўшанда, уйимизда томсувоқ бўлган куни „ёнғоқ“ деб йиғламсираган, Раис бува „Икковларинг қиёматли жўра бўлларинг!“ деган Шодивой билан. Куёндек юмшоққина, дўмбоққина Шодивой билан.

Иккаламиз биринчи партада ўтирган эдик, ўқитувчи опамиз мени таниб қолган эканми, фамилиямни айтиб, койиди:

— Салимов! Орқа партага ўт! Бўйингни қара! Орқангда ўтирганлар доскани кўролмайд қолади-ку!

Бизга барибир! Орқага ўтсак ўтаверамиз-да! Менга деса деразага ўтқазиб қўймайдими!

Энди ўрнимдан тураётган эдим, Шодивой билан гимга осилди.

— Опа... — деди йиғламсираб, — Қўшоминам бирга ўтираман!

— Сен кичкинасан-ку!

— Бирга ўтираман... — Шодивой яна йиғламсиради.

Ўқитувчи опамиз иккиланиб қолди. Мен олдинда ўтирсам, бошқалар доскани кўрмайди, Шодивой орқага ўтса, у ҳеч нимани кўролмайд қолади.

— Билганларингни қил! — деди опамиз зарда билан. Кейин журнални очиб йўқлама қила бошлади.

— Алимов! (Қаранг, Шодивой жўрам билан фамилиямиз ҳам уйқаш. Уники — Алимов. Меники — Салимов.)

— Мен! — Шодивой бурнини торта-торта ўрнимдан турди.

— Бақоев!

— Мен!

— Ваҳобов?

— Мен!

Бора-бора йўқлама „С“ ҳарфига келди.

— Самадов!

— Мен!

— Салимов!

— Биз! — дедим ўрнимдан сакраб туриб.

Ўқитувчи опамизнинг қоши чимирилиб кетди.

— „Биз“ эмас, „мен“ дегин, Салимов! — деди тушунтириб. — Синфимизда битта Салимов бор. Уям бўлса сенсан! Тушундингми?

— Тушундим!

Опамиз қайтадан ўқиди.

— Салимов!

— Биз!

— Вой, қанақа боласан ўзи? Сен биттасан! Салимов Қўшоқвой! Нега „биз“ дейсан?

„Биз“ дейманми, „мен“ дейманми, нима иши бор! Ўқишни қойил қилсам бўлдимми?

Ростини айтсам, ўқишни боладим! Ўзбек тили, табиат — ҳаммасини дўндираман! Расм чизишдан бир марта „беш“ ҳам олдим. Фақат математика масаласида ўқитувчим билан ҳеч келишолмаймиз!

Опамиз ҳамма қатори мениям доскага чақиради.

— Қани айт-чи, Қўшоқвой, иккини иккига қўшса қанча бўлади!

— Беш! — дейман бақириб.

Синфдаги болалар хахолаб кулади. Ўқитувчи опа икки чаккасини чангаллаб жойига ўтириб қолади.

— Қўшоқвой! — дейди жиғибийрон бўлиб. — Масалан, сенинг қўлингда тўртта олма бор...

— Ёнғоқ! — дейман бақириб.

— Нима?

— Мен олма емайман. Ёнғоқ яхши.

— Бўпти! — Ўқитувчи опамиз уф тортади. — Сенда тўртта ёнғоқ бор. Иккитасини менга бердинг...

— Йўқ!

— Нима?

— Ёнғоғим ўзимга керак. Сизга бермайман!

— Мен мисол учун айтяпман, Салимов! Айиришни мисол қиляпман, тушундингми?

— Айиришни билмайман! — дейман мен ҳам зарда билан.

— Қўшишни яхши кўраман.

— Бўпти! Сенда олтига ёнғоқ бор эди. Мен тўртта қўшдим. Ҳаммаси қанча бўлади?

— Ўн битта!

— Қўшоқвой! — Ўқитувчи опамиз қайтадан тушунтиради.

— Мана қараб тур...

— У бармоқларини букиб санашга тушади.

— Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти... Яна тўрттасини

кўшамиз. Демак, етти, саккиз, тўққиз, ўн... Кўрдингми? Ҳаммаси қанча бўлди? Ўнтами?

Ўнта бўлганини ўзим ҳам биламан. Лекин ҳеч бўлмаса, битта кўшиб айтмасам, ақалли жиндек лоф қилмасам, бўлмайди-да, нима қилай?

— Ўн битта!

Болалар яна хахолайди. Ўқитувчи опамиз астойдил ялинади:

— Жон, Кўшоқвой! Ўнта дея қол.

— Ўн бир.

...Папкамни кўтариб уйга киришим билан онам сўрайди:

— Неча баҳо олдинг?

— Олти! — дейман илжайиб.

Синглим ёмон-да!

— Қани, ака, кундалигингизни бир кўрай! — деб папкамни титкилайди.

— Эна! Акам учта „икки“ опти!

Онам шавла юқи капгирни бошимга ўқталади.

— Нима ҳунар кўрсатдинг яна, ярамас?

— Олти олдим!

...Онам ота-оналар мажлисига кулиб кетади-ю, қовоқ-тумшуғи осилиб қайтади.

— Қачон одам бўласан-а? — дейди зор қақшаб. — Ҳеч бўлмаса, синглингдан уялсанг бўлмайдими? Сендан бир синф юқорида ўқийди. Ҳамма баҳоси — беш...

Дадам келганида мени ёмонламайди-ю, ҳасрат қилади:

— Шу... Ўғлингизга ҳайронман-да, дадаси... Бошқа дарслардан бинойидек ўқиркан-ку, ҳисобни билмасмиш...

...Биринчи синфни-ку амаллаб битириб олдим. Иккинчига кўчганимда ўқитувчи опамизнинг тоқати тоқ бўлди шекилли, дарсдан кейин мени олиб қолиб тайинлади:

— Бугун кечқурун отангни олиб келмасанг, мактабдан ҳайдатиб юбораман.

Кечқурун ота-бола бошлашиб, директорнинг хонасига кирдик. Мактабимизнинг директори похол шляпа

кийиб юрадиган қоп-қора одам. Қорни жуда ғалати. Худди кетма-кет бир эмас, иккита тарвуз ютганга ўхшайди. Қорнининг тепа қисмида тахминан менинг бошимдек, пастроғида ўртача қозондек тарвуз тикилиб қолган...

Эшикдан кириб борсак, директоримиз у ёқдан-бу ёққа бетоқат юриб турган экан. Икки қадам ташлайди-да, тўхтаб қолади. Уч қадам юради-да, тагин дам олади. Қорнидаги тарвузлар бир-бирига урилиб ичини оғритса керак-да.

Дераза олдида ўқитувчи опамиз ўтирибди. Қовоғи солиқ. Кириб келганимизда менга қарамади ҳам. Дадамнинг ҳурмати учун ўрнидан туриб, салом берди. Аммо ўша заҳоти яна қовоғини солиб олди.

Директоримиз негадир йўталиб қўйди. Дадам билан қўш қўллаб кўришди-да, қорнини силади.

— Ҳа-а-а-й! — деди чўзиб. — Сиз, Салимжон ака, ҳурматли одамсиз. Биз сизни жуда яхши кўрамыз, мактабимизга кўп ёрдам қилгансиз. Ремонт-пемонт, шипир-мипир, ўтин-кўмир дегандек... Лекин... — у жуда чуқур ўйланиб қолди шекилли, яна қорнини силади. (Чамаси ақли қорнида, йўқ, қорнининг ўзида эмас, ичидаги қўшалок тарвузларда бўлса керак.) — Бу Қўшоқвойнинг ўзлаштириши чатоқ-ку.

Шунақа дейишга деб қўйди-ю, яна пайдар-пай қорнини силай бошлади. Назаримда юзиям ёришиб кетгандек бўлди.

— Йўқ, Салимжон ака, биз Қўшоқвойни ёмон демаймиз, ўзи зўр бола. Интизоми дуруст, зеҳни ўткир. Қайси куни ҳўрознинг расмини чизган экан. Кўриб ҳавасим келди. Ўзиниям худди тирикка ўхшатворибди, азамат! Э, отангга раҳмат, девордим!

Директоримизнинг гапи иликдек ёқиб кетди. Маза қилиб илжаяётгандим, ўқитувчи опамиз дик этиб ўрнидан турди.

— Кечирасиз-ку, — деди негадир қизариб-бўзариб. — Салимов математикадан — ноль! Иккинчи синфга аранг кўчирдик. Шу кетиши бўлса...

— Энди, Муҳаббатхон, сизам қизишманг-да, синглим. — Директор инсофга чақиргандек қисқагина йўта-

либ қўйди. — Бола — ёш. Вақт-соати билан ўрганиб олади...

Вой-бў, ўқитувчи опамнинг жаҳли шунақа ёмонлигини билмаган эканман.

— Ўрганиб олади-и? — деди овози ингичкалашиб. Икки юзи шунақанги қизариб кетдики, биров бехосдан гугурт чақиб юборса, лов этиб ёниб кетгудек аҳволда эди. — Қачон ўрганеди? Қачон? — У энтикиб қолди. — Яхши, — деди дадамга қараб. — Қўшоқвойга битта савол берсам майлими? Боғча боласиям биладиган савол...

Мундай қарасам, дадам директорга, директор дадамга тикилиб турибди. Иккаласидан ҳам садо чиқадиган эмас.

— Майли, — дедим отамнинг ўрнига ўзим жавоб бериб. Аниқ сезиб турибманки, ҳозир қўшиб ҳисоблаш касалим кўзғамаяпти. Ақлим, Турсунбой аканинг патпатидек қарсиллаб ишлаб турибди.

— Марҳамат! — ўқитувчи опам тантана билан гоҳ директорга, гоҳ дадамга, гоҳ менга қараб олди. — Икки карра икки қанча бўлади?

— Тўрт.

Дадам билан директор ярқ этиб ўтирилишди. Йўқ, менгамас, ўқитувчи опага. Ўқитувчи опам, негадир кўзимга узоқ тикилиб қолди. Бир-икки ютиниб қўйди.

— Беш карра беш? — деди нафаси ичига тушиб.

— Йигирма беш!

— Тўққиз карра тўққиз?

— Саксон бир!

— Саккиз карра ўттиз уч?

— Икки юз олтмиш тўрт.

Ўқитувчи опамнинг ранги қув ўчиб кетди. Директоримизнинг ичидаги тарвузлар бир-бирига пайдарпай урила бошлади, шекилли, қорни ўзидан-ўзи лапиллаб кетди.

— Етмиш учдан ўн саккизни айирса-чи? — деди ўқитувчи опам. Ҳайронман, бу сафар овози шу қадар хорғин, шу қадар йиғламсираб чиқдики, саволини зўрға эшитдим.

Айтяпман-ку, мен айиришни билмайман. Фақат кўпайтиришни қойил қиламан. Навбатдаги саволга нима дейишни билмай турган эдим, жонимга директор оро кирди.

— Бўлди! — Директорнинг овозиям жаранглаб кетди. Ўқитувчи опамизга қараб, кўлини пахса қилди. — Ҳамма саволингизга мендан яхши жавоб бериб турибдику! Тағин нима керак? Нега қийнайсиз болани?

Ростини айтсам, ўқитувчи опамга раҳмим келиб кетди. Худди мўъжизага дуч келгандек, нуқул ғалати илжаяди. Оғзи ланг очилиб қолган.

Директоримизнинг қорни шитоб билан лапиллай бошлади. Шунақанги лапилладики, ўзиям тисарилиб бориб-бориб мошранг мовут қопланган узун столга думбаси билан урилди, орқаси озор чекди шекилли, афти буришиб кетди.

Чамамда ўқитувчи опамиз ҳушидан кетиб қолдиёв! Ора-чора „ҳиқ-ҳиқ“ деб овоз чиқариб кўяди. Директор ҳам эсидан оғиб қолганмикан, десам, йўқ эс-хуши жойида. Тепамга келиб, иккига айрилиб кетган, қоқ ўртасида ўқарикдек из қолган бошимни силади. Меҳр билан, узоқ силади.

— Рухсат сизга, Кўшоқвой, — деди овози товланиб. Товушидаги меҳрдан кўра сизлаб гапириши, айниқса, ёқиб тушди. Шу пайтгача мени ҳеч ким „сиз“ ламаган, ҳатто синглим ҳам камдан-кам „сиз“ дейди.

— Майли, — дедим эшикка йўналиб. — Раҳмат!

Йўлакка чиқсам, аллақачон қоронғи тушиб қопти. Ҳамма ёқ жимжит. Йўлакда ҳам, мактаб ҳовлисида ҳам одам зоти кўринмайди. Туриб-туриб зерикиб кетдим. Ҳеч зоғ бўлмагандан кейин, йилт этган нур кўринмаганидан кейин зерикади-да одам.

Қарасам, ҳозиргина ўзим чиқиб кетган директорнинг хонасидан чироқ нури тушиб турибди. Йўқ, хонанинг ўзидан эмас, эшик зулфинидан. Аввал калит солинадиган тешикдан ичкарига мўраладим. Ҳеч нима кўринмади. Кейин жилакурса ўша ёқда нима гап бўлаётганини эшитгим келди. Ҳарчанд қулоқ солмай, ҳеч

балони эшитмадим. Охири, зулфинга қулоғимни қапиштириб олдим. Директоримизнинг зардали овозда гапираётгани қулоғимга кирди. Аниқ-тиниқ кирди!

— Сиз, ўртоқ Икромова, шаҳардан келган одам-сиз, — деди директор тажанг оҳангда. — Ёшсиз. Аммо билиб кўйинг. Қишлоқ — шаҳар эмас! Ҳамма олим бўлиб кетаверса, подани ким боқади?

Бир зум сукунат чўкди. Дадамнинг гўлдираган товуши қулоғимга кирди.

— Кўйинг, ўртоқ директор, Муҳаббатхон ёш... Ўғлимизнинг ўзиям...

Зулфин тешигига қапишиб турган қулоғимга ўқитувчи опамнинг ҳиқиллагани эшитилгандек бўлди.

— Мен... Мен... Болалар саводсиз бўлмасин, илм олсин, дейман... Болалар шу ҳолда кетаверса... Эртага ҳаммаси чаласавод...

— Бас! — директорнинг овози ўқдек қарсиллаб кетди. — Билиб кўйинг, ўртоқ Икромова! Бу — сизнинг Тошкентингиз эмас! Бизга оқбилак интеллигентлармас, дала заҳматкашлари керак! Беш йиллик қаҳрамонлари! Пахтакорлар! Мактабимиз бўйича юз процент ўзлаштириш берамиз деганимизда сиз ҳам бормидингиз?! Педсоветда кўл кўтарганмидингиз?


Директоримиз яна жимиб қолди. Чамамда, қорнини силаб кўйди шекилли.

— Хўш, нега энди ўзингизни панага оласиз? Нега районо олдида, облоно олдида бизни шарманда қиласиз?!

Тагин жимлик чўкди. Қулоғимни эшикка янаям қаттиқроқ босдим.

— Майли, энди, малимжон... — Бу — дадамнинг овозилигини билдим.

— Йўқ, майлимас! — директоримиз тўсатдан чинқириб юборди. Овози ўқитувчи опамникидан ҳам ингичкароқ чиқди. — Гап шу! Эртадан бошлаб биронта болага „икки“ кўймайсиз. „Уч“ ҳам кўймайсиз! Керак бўлса, боланинг уйига бориб ўқитасиз. Ёшида ётиб қоласиз. Хоҳласангиз шу, хоҳламасангиз қатта кўча. Поезд билетини олиб берамиз.



Ичкаридан тарс-турс қадам товушлари эшитилди. Эшикка янаям қаттиқроқ ёпишдим.

Шу пайт... Эшик чунонам зарб билан очилдики, биров ўнг қулоғимга... Йўқ, тарсаки билан эмас, нақд ўртачароқ кетмон билан тушириб қолгандек бўлди. Ўзим ҳам камида олти марта умбалоқ ошиб кетдимов! Тўрт оёқлаб турганча мундай қарасам, ўқитувчи опамиз ним-қоронғи йўлакда чопқиллаб кетяпти. Пошналари „тарс-турс“, „тарс-турс“ қилади.

Эмаклаб ўрнимдан турганча, гир-гир айланаётган бошимни ушлаб кўрдим. Хайрият, жойида экан! Ўнг қулоғим ловуллаётганига қарамай, илжайиб кўйдим.

Ўқитувчи опам математикадан эндиям „икки“ кўйиб кўрсин-чи! Хоҳласам, икки карра икки йигирма икки дейман! Хоҳласам, бешни бешга кўшса, эллик беш бўлади дейман. Мени синфда қолдириб бўпти!

ТЎРТИНЧИ БОБ

ХИХ, ТУЛПОРИМ, ХИХ!

Тўртинчи синфни битираётган кезларим эди. Бир куни эрталаб папкамга яримта нон, бир ҳовуч ёнғоқ, беш-олтита попук қанд солиб, чиқиб кетаётсам, дадам тўхтатди.

— Шошма, ўғлим! Бугун бозорга борамиз.

Анграйиб қолдим. Ҳар куни таёқ олиб мактабга ҳайдагудек бўладиган отам, бугун бунақа деяпти.

Ҳовли бурчагида бутига челак қистириб, сигир соғиб ўтирган онам ҳам дадамнинг гапини эшитди. Онам, ўзи жуда ювош-ку, бир жаҳли чиқса, шунақанги бобиллаб берадики, мен тугул отам ҳам қочгани жой тополмай қолади.

— Ҳой! — деди онам сигир соғишда давом этиб. — Нима деб алжираяпсиз? Болани ўқишдан қолдиргунча ўзингиз ишга борсангиз ўласизми? Раис бува нима дейди?!

— Бормайман! — дадамнинг лунжи учиб кетди. —

Ишламайман ўша Раис буванг билан, тушундингми, ишламайман!

Онам сигирни чала-чулпа соғиб, ярим пақир сутни кўтарганча яқин келди.

— Нима бўлди? — деди ҳуркиброқ.

— Ишла-май-ман! — дадам айвон пешида ўтирганча тиззасига шаппатилади. — Алдам-қалдамга тоқатим йўқ!

Онам бирпасда шалпайиб тушди.

— Майли-ку, — деди ялиниб. — Кап-катта одам ишламай кўйсангиз... Бу ёқда бола-чақа...

Дадамнинг лунжи баттар уча бошлади.

— Мен қамалиб кетсам, бола-чақани сен боқасанми, аҳмоқ хотин! — деб муштини дўлайтирган эди, онам пақирни лапанглатиб қочди.

— Майли, ўзингиз биласиз, — деди нарироқ бориб. — Аммо шу топда Қўшони бозорга...

— Ишинг бўлмасин! Юр, ўғлим, Чиялига борамиз! Суюнганимдан папкамни ҳовлига улоқтирдим.

Чияли бозорни кўрмабсиз, дунёга келмабсиз! Бу бозорда-чи, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, одамдан бошқа ҳамма нарса сотилади. Тўғноғичдан тортиб бульдозергача, сичқондан тортиб филгача! Овқатларининг зўрлигини айтмайсизми? Хоҳласангиз, серқатиқ тўппа ош ичинг, хоҳласангиз, арча ҳиди анқиб турган тандир-кабоб енг! Биламиз-да! Бултур келганимизда онам мени яхна гўшт билан сийлаган.

Балки сиз Чияли бозор ғиж-ғиж чайқовчига тўлиб кетган, деб ўйларсиз? Бекорларнинг бештасини айтибсиз! Бозор куни ҳамма ёқни апталапка босиб кетади. Бир гал онам апталапкадан ялтироқ кўйлаклик олмоқчи бўлган-у, пули етмаган.

Эсимда. Онам:

— Кристалингиз неча пул? — деса, бошига чўгирма кийиб олган сотувчи:

— Олтмиш сўм — деган.

Онам:

— Бир кийимлиги олтмиш сўмми? — деса, чўгирма кийган сотувчининг аччиғи чиққан.

— Магазиннинг моли кийимлаб сотилмайди, эна, метри олтмиш сўм! — деб жеркиб берган.

Онамнинг ҳам жаҳли чиқиб кетган.

— Мен биламан, давлат баҳосида метри ўн етти сўм туради! — деган.

— Йўлингдан қолма, эна! — деган сотувчи сансираб.

Онам ўзидан каттани сансираш мана бунақа бўлади, деб мелиса бошлаб келган. Мелиса яхши киши экан. Онамни юпатган:

— Хафа бўлманг, эна, нариги апталапкадан ола қолинг!

Онам иккаламиз нариги апталапкага борсак, худди ўшанақа ялтироқ матонинг бир метри етмиш сўм экан...

Чияли бозори ана шунақа! Бутун бошли Ўзбекистонни ўн марта, борингки, ўн бир марта айланиб чиқсангиз ҳам бунақа бозорни тополмайсиз!

Ростки, дадам мени бозорга етаклаб қолдими, бундан чиқди, аввало, қорним ёрилиб кетгунча меҳмон қилади! Кейин бош-оёқ ясатади. Ким билсин, балки пат-пат ҳам олиб берар! Турсунбой акамнинг „пат-пат“ини ҳавас қилиб юргангани онам дадамга айтган бўлса — айтгандир-да! Нима қипти! Яккаю ёлғиз ўғилмиз!..

...Ажаб! Дадам яхна гўшт тугул айрон ҳам олиб бермади. Мотоцикл бозори у ёқда қолиб, эшак бозорига судради. Эчкидеккина хўтикка харидор бўлди. Савдолашиб-савдолашиб, йигирма сўмга „бор, барака топ!“ қилди.

Ростини айтсам, хўтигим хунуккина эди. Қилтириқ, қулоқлари шалпайган, узун-узун оёқлари қалтираб турибди.

— Билиб қўй, ўғлим! — деди дадам тантана билан. — Кўрасан, мана шу жонивор ҳали сенга кўп хизмат қилади!

Янаям ростини айтсам, уйга етаклаб келгунча хўтигим ўзимгаям ёқиб қолди. Ювошгина экан. Катта-катта, қоп-қора кўзлари одамга маъюсланиб термилади. Ҳанграмоқчи бўлади-ю, эплломайди. Оғзини ланг очиб, ингичка овозда „ҳҳи-ҳҳи“ қилиб қўяди. Худди кулганга ўхшаб.

Эртасигаёқ бутун мактабга хабар қилиб чиқдим:

— Менинг филдек ҳанги эшагим бор. Оти — Тулпор!
Бир тепса, туяни сулайтиради!

...Бекорга мақтанмаган эканман! Икки йил ўтиб, олтинчи синфга кўчганимда Тулпорим чунонам ҳанги эшак бўлиб етилдики, кўрсангиз ҳавасингиз келади. Юрса ер титрайди, югурса „ман-ман“ деган пойгачи отни ярим йўлда қолдириб кетади. Бекорга Тулпор деб от қўймаганман-да! Ақллилигини айтмайсизми? Қишлоғимиздаги одамларнинг қоқ ярмиси соатини эшагимнинг ҳанграшига қараб тўғрилайди. Эрта билан будильникнинг жиринглаганидан эмас, Тулпоримнинг ҳанграганидан уйғонаман. Раппа-расо соат еттида раппа-расо етти марта ҳанграйди.

Дадам ҳам эшагим ҳанграши билан йўлга отланиб қолади. Энди жамоа хўжалиги идорасида чўт қоқмайди. Пахта пункти ёнидаги дўкончада газета сотади. Онамининг айтишига қараганда, Раис бува инсоф қипти: дадамнинг гуноҳидан кечиб, газета сотувчи қилиб қўйганмиш. Лекин дадамнинг ўзи бу тўғрида оғиз очмайди.

Тулпорим бўлса, ҳар соатда ҳанграб туради. Кун бўйи. Бир минут ҳам кечикмай! Қўшни жамоа хўжалигида турадиган тоғам Тулпорингни „Москвич“га алмашасанми, деганида жон-поним чиқиб кетди. Эсимни ебманми, алмашиб? Эшак қаёқда-ю, аллақандай „Москвич“ қаёқда! Мана, мен санай, сиз бармоғингизни букиб туринг.

Биринчидан, машинага бензин керакми? Керак! Бензин дегани осонгина топила қолса экан! Бир марта эшагимни миниб узум олиш учун район марказидаги бозорга тушганимда ўзим санаганман. Бензоколонкада бир юз ўн тўққизта машина сафга тизилган аскардек қатор турган экан. Шопирлар сўкинган, машиналар пайдар-пай сигнал берган. Ўшанда Тулпорим машиналар ҳадеб библиайверганидан гаши келдими, бутун кучини тўплаб шунақанги ҳанграб бердики, тоғдек келадиган самосвалларнинг ҳам дами ичига тушиб, пилдир-пис бўлиб қолди. Шундай қилиб, машина зоти бензинсиз бир қадам юролмайди. Эшак-чи? 93 бензин у ёқда турсин, солярка ҳам керакмас!

Иккинчидан, ҳар қадамда мелиса тўхтатмайди. Бўлар-бўлмасга талонингни тешаман, деб дўқ урмайди. Демак, бу томондан ҳам пулингиз ёнингизга қолади.

Учинчидан, сиз томонларда қанақа билмадим-у, бизнинг туманда пахта терими бошланиши билан шахсий машиналарда юриш тақиқланади. Тўғри-да, ҳар ким ўзининг машинасида катайса қилиб юраверса, пахтани ким теради? Шунинг учун кўчада кетаётган машинани таққа тўхтатишади-да, шопирнинг ҳам, машинада ўтирганларнинг ҳам кўлига этак тутқазишади. Марҳамат қилиб, 20 килодан пахта териб берасиз-да, кейин тўрт томонингиз қибла! Этак тўлмагунча кетиш йўқ. Ўн чақирим юрмасингиздан яна тўхтатишади. „Ҳозиргина териб бердим-ку“, десангиз, „У совхознинг пахтаси эди, энди жамоа хўжалигиникини терасиз“, дейишади. Тоғам айтиб берган. Бурноғи йили янгамни туман марказидаги туғуруқхонага олиб кетаётганда уч жойда тўхтаиб „ҳашар“ қилдиришибди. Янгам туғуруқхонага етиб боришни кутиб ўтирмай, машинанинг ичида туғиб кўя қопти. Шунинг учун жиянимнинг отини, эркалаб „Москвич полвон“ деймиз. Ўзиям полвон бола. Кузда тили чиқди. Эна дебмас, дада дебмас, „па-па-а-п“ деб чиқди. Қаранг, машина ичида туғилгани эсида бор экан. Ақлли бола-да!

Хўш, энди айтинг-чи, эшак миниб кетаётган одамни биров тўхтатиб, пахта тер дейдими? Демайди. Одамлар шуни билиб қолишган. Хотини айни кузда туғмоқчи бўлса, машинага ўтқазиб эмас, эшакка мингаштириб боришади туғуруқхонага.

Тоғам айтган: битта филдирак давлат баҳосида етмиш сўм тураркан. Аммо устахонада филдирак йўқлиги учун бозордан икки юз сўмга оларкан. Битта аккумулятор олтмиш сўм тураркан. Устахонадаги кадрдони у ёққа югуриб, бу ёққа югуриб аранг бир юз йигирма сўмга топиб берибди. Тоғам хурсанд бўлиб кетганидан ошнасига яна ўн сўм кўшиб берибди. Аккумуляторни „ювиш“ учун...

Эшакка-чи! Загчаст керакми? Керакмас. Хуллас, санайверсам, Тулпоримнинг мақтовига сўз тополмайман.

Меҳрибонлигини айтинг. Ҳар куни охири дарс тугаши олдидан нукул деразага қарайвераман. Худди ўзим бил-гандек, деразада аввал бир жуфт диккайган қулоқ, кейин Тулпоримнинг тумшуғи кўринади. У кулранг-кўкиш лабларини чўччайтириб, ҳавони ҳузур қилиб искайди-да, бошини силкитиб-силкитиб, пишқириб кўяди.

Ўқитувчилар ҳам таниб қолишган уни.

— Ие, Кўшовой, дарс тугаб қопти шекилли, эшагинг келди, — деб кўйишади. Кўнғироқ чаладиган навбатчи адашса-адашадики, Тулпорим хато қилмайди. Чиқишга ўз вақтида кўнғироқ урмаса, секунд-секундини тўғрилаб ҳанграб юборади. Ҳанграганда ҳам қанақа денг? Нақ деразага тумшуғини тираб ўкиради. Ҳар биттаси тахминан ярим метр келадиган қулоқлари диккайиб, думи хода бўлиб кетади. Ўша заҳоти кўнғироқ чалинса — чалингани. Чалинмаса, дераза ортидан ўқитувчига жаҳл аралаш адоватли қараб кўяди-да, икки биқини кириб-чиқиб, кириб-чиқиб ҳирқиллай бошлайди. Хафа бўлганидан шунақа қилади, деб ўйлайсизми? Ҳечам-да! Тулпорим янгидан ҳанграш учун куч тўплаётган бўлади. Ўпкасини тоза ҳавога лиқ тўлатиб олиши керакми, ахир? Агар ўшандаям кўнғироқ чалинмаса, шунақанги шовқин соладики, фақат бизнинг синфимиз эмас, бутун мактаб титраб кетади. Деразалар жаранг-журунг қилган, шифтнинг оҳак сувоғи кўчиб тушган...

Йўқ, кўпинча иш бунчаликка бориб етмайди. Тулпоримнинг овози билан дарсдан чиқишга чалинган кўнғироқ деярли баравар жаранглайди.

Синфхонадан отилиб чиқамиз-у, Шодивой иккаламиз эшагимга мингашиб оламиз. Шодивой яхши болада, ўзи! Ўқитувчилар у ёқда турсин, директоримиз ҳам уни „сиз“лаб гапирди. Шодивой ҳам менга ўхшаган биттаю битта ўғил. Фақат менга ўхшаб синглиси эмас, опаси бор. Тўртта. Ҳов ўшанда, иккинчи синфда ўқиб юрганимда директоримиз ўқитувчи опамизни роса уришганини айтгандим. (Ўшанда ўқитувчи опам эшикни қалтисроқ очган эканми, бошимдаги тухумдек ғурра салкам икки ойгача кетмади. Ғуррам жойига тушгунча

ўқитувчи опанинг ўзи ишдан бўшаб кетди. Сабабини кейин билдим. Опамиз мен тугул, ҳатто Шодивойдек боланинг ҳам чорагига „икки“ чиқармоқчи бўлган экан. Директоримиз шунисига чидолмабди.)

Кейинги пайтларда Шодивой янаям семириб, янаям дўмбоқ бўлиб кетди. Аввал икки юзи лўппигина нонга ўшарди. Ҳозир камида бир кеча-кундуз ошиб ётган хамирдек бўлиб кетган. Баъзан ҳазиллашиб жўрамнинг юзини силагим келиб қолса, бир юзини икки қўллаб силайман.

Шундай қилиб, Шодивой иккаламиз синфхонадан отилиб чиқиб эшагимга мингашиб оламиз. Мен-ку Тулпоримга минавериб уста бўлиб кетганман. Лип этиб устига чиқиб оламан. Папкамни тиззамга қўйиб, Шодивойни имлайман.

— Келавер!

Шодивой эшакка мингашгунча терлаб, сув бўлиб кетади. Ҳарсиллаб нафас олганча, гоҳ ўнг томондан келади, гоҳ чап томондан... Тулпорим бўлса тақдирга тан бергандек, қимир этмай туради. Эсли-да, Шодивой қил ўтмас жўрамлигини билади!

Жўрамнинг қўлтиғидан тортиб эшакка мингаштиргунча ўзим ҳам терлаб кетаман. Дадам минганида қилт этмайдиган Тулпорим Шодивой мингашиши билан орқага чўнқайиб ўтириб қолгудек, бир силкинади. Чамамда, орқа оёқлари букилиб кетадиёв! Аммо сир бой бермайди. Аввалига уч-тўрт қадам гандираклаброқ боради-да, кейин йўрғалашга тушади.

— Хих, Тулпорим! — дейман бақириб.

Мактабдан чиқаётган болаларни бир зумда кувиб ўтамиз. Кейин катта кўчага чиқамиз. Автобус бекатида дўппи кийган кишилар, атлас кўйлаги офтобда товланиб турган хотинлар бизга ҳавас билан қараб қолишади. Баъзилари негадир афсусланиб бош чайқайди...

Шу... Хотинларга ҳам ҳайронман-да! Атлас кўйлак кийишни яхши кўришади-ю, қурт боқиш азобидан хабари йўқ! Ўйласа керак-да, атлас деган магазинга чиқади-ю, дўкончига элик сўм кўшиб берса, пеш-

тахта тагидан бир жўра атласни олиб, газлаб бера-
веради, деб!

Пилла боқиш осон эканми? Сўри қуриш бор. Қанак қилиш бор. Сийраклатиш бор, сўри тагини тозалаш бор. Ерга тушиб кетган қуртларни битта-биттадан териб, жойига қўйиш бор. Жимитдек қутидан чиққан қуртлар ўн беш кунда бутун уйни эгаллайди. Авваллари жой топилмаганидан қурт учун мактабдаги битта-иккита синф-хонаниям бўшатиб беришаркан. Йўқ, кейинги пайтда Раис бува „Қуртни одамлар уйида боқсин“, деб буйруқ берган. Тагин бу қурт дегани шунақанги таннозки, хона иссиқ бўлсаям ёқтирмайди, совуқ бўлсаям. Ҳаво сал қовоғини солса, аzza-базза печка ёқасиз. Ҳаво исиб кетса, деразани қия очиб, салқинлатасиз. Шунинг учун апрель ойи охирлаши билан одамлар уйини қуртга бўшатиб, ўзлари ҳовлида ётишади.

Энг қийини бу ҳам эмас. Пилла қурт деганнинг даҳаси бўлади. Биринчи даҳа, иккинчи даҳа... Учинчи даҳага кирганида ҳар биттаси аждардек очофат бўлиб кетади. Барг деганни ямламай ютади. Етказиб бермай кўринг-чи! Айниқса, катта даҳага кирганида кўрсангиз! Мингтачаси баб-баравар бошини кўтариб, берсанг ейман, бермасанг ўламан, деб туради.

Аммо қани ўша барг? Авваллари пахта пайкаллари четида қатор-қатор тутзорлар бўларкан. Раис бува, бўл-так-сўлтак ерлар кўпайиб кетган, техникага кенг майдон керак, деб тутларни кестириб ташлаган.

Ўшандан бери пилла қурти катта даҳага кириши билан югур-югур бошланади. Бизнинг жамоа хўжалигидагилар юк машинасига ўтириб, нариги жамоа хўжалигига борса, нариги жамоа хўжалигидагилар бир эмас, иккита машинага ўтириб, бизнинг жамоа хўжалигига келади. Дадамнинг айтишича, бир сафар бизнинг пиллачилар тутнинг конини топишибди. Нариги хўжаликда каттакон тутзор бор экан. Ярим кечада бориб чопқи билан роса барг кесишибди. Машинага босишибди. Шопир машинани ҳайдайман деса, филдираги дақир-дуқир қилармиш-у, юрмасмиш. Тушиб қарашса, машинанинг

тўрттала балони ёрилиб ётганмиш. „Бировнинг молини ўғирлаш шунақа бўлади! — дебди мўйловли бир киши уларнинг ёнига келиб. — Пилла керак бўлса, ўзларинг тут ўстиринглар! Раҳмат, ишимизни енгиллатиб барг кесиб бердиларинг“.

То бу ёқдан бошқа машина тўртта балон оборгунча тутзор эгалари тайёр кесилган барглари ташиб кетишибди.

Бу гаплари айтмасдим-у, нима қилай, бизникида ҳам бир қути пилла бор-да! Ҳозир катта даҳага кирган. Эрталаб дадам, „Ўғлим, Тулпорингни эгарлаб, барг қидирмасанг бўлмайди“, деган.

Шуни ўйлаб кетаётсам, орқамда мингашиб ўтирган Шодивой биқинимга туртиб қолди. (Муштиям биққигина, юмшоққина. Ўзи ўнг биқиним қичиб турган эди, жоним роҳат қилди.)

— Қўшовой! — деди жўрам. — Пахта пунктига бормаймизми? Бугун кино бор экан. Индийский кино...

— Э, кинони бошимга ураманми! — дедим тўнгиллаб. — Барг топмасам, дадам ўлдирди! Хих!

Эшагим шошиб турганимни сизди. Йўл четидаги тошларни шақир-шуқир босиб, илдамлаб кетди. Шодивойни ҳар куни Тулпоримга мингаштириш малол келмаса ҳам бугун алам қилди. Мен буни текиндан текинга уйига обориб қўяман, бу маза қилиб кино кўради. Мен бўлсам, ҳали барг излашим керак! Шодивойнинг уйи яқин бўлсаям гўргайди. Йўл ўлгудек айланиш! Аввал идора ёнидан ўтамиз. Кейин атрофини аллақандай жилонжийдалар, юлкунзорлар ўраб ётган чакалакзор мозор четидан ўтамиз. Ана ундан кейин Шодивойнинг уйи келади.

— Баргни қаёқдан оласан? — деди Шодивой яна биқинимга туртиб.

— Мен қаёқдан билай? Хих, Тулпор!

Эшагим янаям илдамроқ дикиллаб кетди.

— Қўшовой! — деди жўрам бир маҳал. Овози ғалати, сирли чиқди. — Бир эшак барг топиб берсам, кинога борасанми?

Севинганимдан бутун гавдам билан ўгирилдим-у,

ўртоғимнинг юзидан ўпиб олдим. Ўзиям бир тоғора ха-
мирнинг бир бурчидан ўпгандек бўлдим.

— Ростданми? — дедим бақриб.

Мувозанат бузилди шекилли, эшагим мункиб кетди.
Лекин дарров қаддини ростлаб яна дикир-дикир қилиб
йўлида давом этди.

— Ростдан, — Шодивой елкамга қоқди, — юравер
бизникига!

Раис буванинг „Волга“ у ёқда турсин, ЗИЛ ҳам,
борингки, танк ҳам сифадиган кунгурадор дарвозаси
олдида тўхтадик. Шодивой ерга тушиши билан эшагим
хўрсиниб-хўрсиниб нафас ола бошлади. Қарасам, икки
лаби кўпириб, сарғимтир тили осилиб кетибди. Ҳанг-
райдиган вақти бўлган эканми, бир-икки ҳирқиллаб
ўкиргиси келди-ю, мадори етмади шекилли.

Жўрамникига шунча келган бўлсам ҳам ҳовлисига
кирмаган эдим. Ҳозир ҳам ичкарига киргим келмади.

— Юравер! — деди Шодивой дарвоза ёнбошидаги
эшикни очиб. — Ўзимизнинг тутимиз бор. Баргини кесиб
оламиз.

Кўрқиб кетдим.

— Даданг билиб қолса-чи?

— Дадам ишда.

— Энанг-чи?

— Юравер! — Шодивой кўлимдан тортди. — Энам
Сожида опамнинг бешик тўйига кетган.

Йўлакка киришим билан бир эмас, учта машинага
кўзим тушди. Биттаси оқ „Волга“, биттаси янги чиққан
қизил „Жигули“, энг ичкарида ҳаворанг „Запорожец“
турибди.

— Кимники? — дедим „Волга“га имлаб.

— Дадамники.

— Даданг „Нива“да юради-ку!

Жўрам кулди. Икки юзи қизариб, янаям лўпиллаб
кетди.

— Униси — давлатники! Бу — ўзимизники!

— У-чи?

— Буми? — жўрам юмшоқ кафти билан қизил „Жи-
гули“нинг томига шаппатилаб қўйди. — Кичик поч-

чамники. Дадам поччамга айтганди. „Ўғил кўрсанг, „Жигули“ сеники“, деганди. Сожида опам ўғил туғди. Энди поччам машинани олиб кетади.

— Буниси-чи?

Шодивой ҳаворанг „Запорожец“га менсимайроқ қараш қилди.

— Буниси меники. Дадам ваъда қилган. Еттини битирган кунинг калитни кўлингга бераман деган. Янаги йил минаман...

— Ўзимнинг Тулпорим яхши! — дедим паст келишни хоҳламай.

Ҳовлига кириб, анграйиб қолдим. Худди томошабоғнинг ўзи! Олмалар, гилослар қатор-қатор экилган. Ўртада катта гулзор. Атиргуллар очилган. Гулидан ғунчаси кўп. Гулзор ўртасида мрамар фонтан. Ҳали сув отилмаяпти-ю, аммо мрамар устунчалари ювиб қўйилган. Ҳовлининг тўрт томонида қатор-қатор уйлар. Устун нақшланган айвонлар...

— Қани тут, Шоди? — дедим гарангсиб.

— Ана! — жўрам ҳовли бурчагига имо қилди. Қарасам, жудаям бизнинг ёнғоқчалик баҳайбат бўлмаса ҳам камида ўшанинг ярмидек келадиган тут савлат тўкиб турибди. Фарқ пишганини айтмайсизми? Ҳатто тагига, асфальт босилган ерга анча-мунча тўкилибдиям.

Файратга кириб кетдим.

— Дасткаланг борми? — дедим ҳовлиқиб.

— Нима у дасткалла?

— Чопқи-да, ишқилиб, ошпичоққа ўхшаган! Барг кесадиган...

Шодивой узоқ ўйлаб қолди.

— Болта бор! — деди ниҳоят.

— Опкел!

— Йиқилиб тушма! — деди Шодивой тутга тирмашаётганимда.

Учи булутга тегиб турган ўзимизнинг ёнғоқдан калла ташлаган одамга аллақандай тутга чиқиш нима бўпти. Болта бандини камаримга қистирдим-у, бир зумда тут шохига миниб олдим.

Болтани бир урганимни биламан! Бошимга дув этиб тут ёғилди. Тағин қанақа денг? Марварид тут! Ҳар биттаси бармоғимдек келади.

Шошма! Нуқул барг кесавериб, тут ейиш эсимдан чиқиб кетибди-ку! Аввал бир тўйиб олай! Қўлим етган жойдаги шохларни синдириб, тутларни каппалаб оғзимга тикавердим. Шунақанги ширинки, ирис ишкаладга ўхшайди.

— Қўшовой! — пастдан жўрамнинг ингичка овози эшитилди. — Бўл тез! Ҳозир энам кепқолади!

Онаси билан нима ишим бор?! Шипиллатиб тут ейишга тушдим.

Эрталабдан бери қорним очиб кетгани учунми, шунақанги иштаҳага кириб кетдимки, шу очофатлигимни кўрса, катта даҳага кирган қуртлар ҳам бир чеккага чиқиб таъзим қилиб турган бўларди.

— Қўшо! — Шодивой пастдан туриб ялинди. — Жон Қўшо! Сенга бир тоғора тут бераман! Йўқ, ўн тоғора! Ўзим уйингга обориб бераман! Тезроқ бўла қол, жўражон...

Тезроқ бўлармишман! Шошиб нима қилдим! Ана, ҳаммаси тайёр! Тут ўзимга, барг — қуртимга. Тутни каппалаб еявердим-еявердим, охири, қорним дарангос бўлиб қулдур-қулдур қила бошлаганини сездим. Чамада, қорним қорин эмас, шинни тўлдирилган хумга айланиб кетдиёв! Бўпти, энди ишга киришамиз.

Ўзимча дарахтдаги тутнинг ярмисини еб қўйдим, деб ўйловдим. Йўқ, ҳали кўп экан. Болта билан битта шохни кесгунимча юзта тут ерга дув тўкилади.

— Тезроқ! — Шодивой турган жойида ер тепди. — Бўлсанг-чи!

— Шохларни эшакка ортавер! — дедим бақариб. — Мен кесиб тураман, сен ташийсан!

Шундоқ қилдик. Мен пайдар-пай шох кесиб турибман, Шодивой пайдар-пай ташиб турибди.

Одам бир ғайратга кириб кетса, нима қилиб қўйганини ўзи билмай қоларкан! Бир маҳал қарасам, бутун бошли тутнинг қир учида учтами-тўрттами шох қопти! Худди қамиш учидаги попилтириқдай.

— Кўшо-о! — пастдан Шодивойнинг йигламсираган овози келди. — Эшагинг кўринмай кетди. Ҳамма ёғи шох!

— Кўявер! — дедим илжайиб. — Тулпорим бир эмас, иккита зилнинг юкини кўтаради.

Худди шу пайт дарвозахона томонда янграган аянч-ли хитоб қулоғимга чалинди.

— Ё тавба! Ё Худо! Вой... Вой. Вой-до-о-од!

Аввал ўзим ерга сакрадимми, ё мен тушишимдан олдин ер қимирладими, билмайман. Шундоқ қарасам, камида бир кўрпага етгулик қора атласдан кўйлак кийган хотин кўзлари шокосасидан чиққудек бўлиб, чалқан-часига гурсиллаб ерга йиқилди. Қўлидаги тугун анча нарига отилиб кетди. Назаримда, уйлару айвонлар ҳам, яланғочланиб қолган тут ҳам силкиниб кетгандек бўлди.

— До-о-од! — хотин шунақанги йўғон овозда ҳай-қирдики, худди станциядаги тепловоз гудок чалгандек, икки қулоғим чиппа битиб қолди.

— Вой-дод! Уйим куйди!

Аланг-жаланг бўлиб, Шодивойни қидираман, қани кўринса! Ерга кирдими, осмонга учиб кетдими, билсам ўлай!

Мен ҳам вақтни ганимат билиб, кўча эшикка отилдим. Бояги семиз хотин бўлса каловланиб, қаддини ростлашга уринар, филнинг қулоғидек осилиб кетган юзини юлиб, нуқул дод соларди:

— Уйим куйди! Ўғри босди!

Ер билан битта бўлиб ётган тутларни босиб кўчага отилдим. Қарасам, дарвозахона рўпарасида ўртачароқ юк машинасига ортса, тахминан чорак қисми ортиб қоладиган барг ғарами турибди-ю, эшагим кўринмайди.

Хаёлимга лоп этиб бир фикр келди. „Тамом бўлдим! Ҳозир Шодивойнинг онаси чиқиб, мени тагига бир босса, бургадек пирт этаман-у, жоним чиқади-кетди!“

— Тулпор! — дедим чинқариб. — Тулпорим!

Камида бир ярим машинага юк бўладиган барг хирмонининг қоқ ўртасида „ҳирқ“ этган товуш келди.

Бор экансан-ку, Тулпорим!

Типирчилаб-типирчилаб барг ғарамининг қир учи-га чиқиб олдим. Шодивой ҳам маладес-да! Шохларни

шу қадар шиббалаб юклаган эканки, биттаям барг тўкилмади.

— Хих, Тулпор, хих! — дедим бақириб.

Худди шу пайт кунгурадор дарвоза шарақлаб очилди. Шодивойнинг онаси эшикдан чиқай деса сиқилиб қолишини билиб, дарвозани ланг очиб кўя қолганини тушундим. Чамамда, у дарвозанинг ярмини эгаллаб турарди. У, ўзидан-ўзи судралиб бораётган ғарамга, ғарамнинг қир учида чордона қуриб ўтирган қоп-қора болага, яъни менга кўзи тушди-ю, ранги докадек оқариб кетди.

— Бис-бис-бисмилло! — деди дудуқланиб. Таппа ўтириб қолди. Ўша заҳоти яна ер қимирлагандек бўлди. Ўзим ҳам хирмон устидан учиб тушай дедим. Эшагимнинг қорни ўрнига тут шохларини тепкилаб бақирдим.

— Хих!

Хайрият, хавфли жойдан узоқлаб кетдик. Катта йўлга чиққанзимизда бир нарсани пайқадим. Велосипеду мотоцикллар у ёқда турсин, юк машиналари ҳам бизни четлаб ўтяпти. Мотоциклчилар ўз йўлига. Ҳатто шопирлар ҳам эллик метрча олдинга ўтиб машинасини тўхтади-да, азза-базза ерга тушиб, орқасига қараганча анграйиб қолади.

Мен бўлсам, фил устида ўтирган подшодек буйруқ бераман:

— Ҳа, Тулпор!

Тулпорим дикир-дикир қилиб илдамлайди. Донолигини қаранг. Ўзи-ку устига кўрпа ёпилган мушукдек шохнинг тагида кўринмай кетган. Йўлни қаёқдан топиб боряпти, билсам ўлай! Устига-устак ҳар соатда минут-минутигача аниқлик билан ҳанграйдиган эшагим, мана, орадан уч соатча вақт ўтибдики, фик этиб овоз чиқармайди. Яхши-да! Одамлар қойил қолсин! Бир ярим машина тутбарг ўзидан-ўзи Кўшовойларникига ўрмалаб кетяпти. Баракалла, Тулпорим!

Ҳайронман, хаёл олиб кетибдим, онамнинг фалокат қош билан қовоқ ўртасида туради, дегани ростми, нима бўлганини ўзим билмай қолдим.

Бир маҳал эс-хушимни тўплаб олсам, каттакон чор-
раҳанинг қоқ ўртасида турибмиз. Эшагим газабнок ҳи-
қиллаяпти. Аввал ўнг томонимга қарадим. Ҳеч гап йўқ.
Кейин чап томонимга қарадим. Ҳеч нима кўринмайди.

— Хих! — дедим ҳайқириб. — Хих, Тулпор!

Бироқ қадрдон эшагим қилт этмай тураверди. Алам-
ли пишқириб кўйди. Ўтирган жойимда мундоқ орқамга
ўтирилиб қарасам, не кўз билан кўрайки, аллақандай
қирчанғи бир эшак биз не машаққатлар билан кесган
барглари бемалол кавшаяпти.

Қўлимни мушт қилиб бақирдим.

— Йўқол!

Вой сурбет-ей! Парво қилмайди! Тут баргини узиб-
узиб олади-да, ҳузур қилиб кавшайди. Ростмана ҳанги
бўлсаям майли-я, Тулпоримнинг ярмича келадими-
йўқми-ю, голибона пишқириб кўяди.

— Хих! — дедим чинқириб. — Хих, ҳаром ўлгур!

Тулпорим, бунақа дағдагани ўзига тегишли деб ўй-
ладими, жаҳли чиқдими, унисини билмайман. Шуниси
эсимдаки, эшагим нафрат тўла оҳангда ҳанграб юборди.
Хирмон ўзим билан кўшилишиб, раппа-расо бир юз
саксон градус айланиб кетди. Шунақанги кескин айлан-
дики, ерга чилпарчин бўлиб тушишимга бир баҳя қолди.
Бегона эшак хирмон тагида шундоқ қудратли рақиби
борлигини билмаган экан шекилли, шаталоқ отиб қо-
чиб қолди. Тулпорим ҳам уч соатдан бери жим турган-
нининг хуморидан чиқиш учун тўхтовсиз ҳанграганча
тоғ бўйи хирмонни, хирмон устида ўтирган мени орт-
моқлаб „ўғри“ эшак орқасидан йўртиб кетди.

Ўғри эшак қанча тез чопса, Тулпор ҳам шунча тез
йўрғалайди. Ўғри эшак думини чотига қисиб нола чек-
кандек ғиқ-ғиқ қилади. Тулпорим голибона ҳанграйди.
Қарасам, ўғри эшак мзористон ёнидаги жилонжий-
далар, қоратиканлар чирмашиб кетган чакалак орасига
ўзини урди. Чакалакка кириб кетаётганда алам қилсин,
дегандек икки марта шатта отиб ҳам кўйди.

— Иш-ш! — дедим жонҳолатда. — Иш-ш! Жон
Тулпор, иш-ш!

Қаёқда? Тулпорим биттаям гапимни эшитмади. Ё эшитсаям қирчангининг ҳақоратига чидолмадими, билмайман. Аввал оёқларимга, кейин қўлларимга, ундан кейин юз-кўзимга тиканлар санчила бошлади.

— Иш-ш! — дедим бақириб. Жилов қўлимда бўлсаки, тортсам. — Иш-ш!

Алам билан охирги марта қичқирганимни биламан. Анчадан кейин кўзимни очсам, тут барглари орасида ялпайиб ётибман. Ҳамма ёғим ловуллади.

Йиғламоқдан бери бўлиб эшагимни чақирдим.

— Тулпор!

Қаёқда „ўғри“ эшакдан ҳам, Тулпоримдан ҳам дарак йўқ! Амаллаб ўрнимдан турдим-у, бир тутам тут баргини кучоқлаб, туртина-туртина йўлга тушдим. Чакалакзордан чиққунимча кун ботди. Йўл-йўлакай баданимга санчилган тиканларни санаб олиб ташлай-ташлай уйга келсам, Тулпорим эшик олдида рақибини енгган аскардек, бошини ғоз тутиб турибди. Мени кўриб қулоқлари динг бўлиб кетди. Ҳатто ғолибона ҳанграб ҳам қўйди.

БЕШИНЧИ БОБ МУШАК САБЗИ

Баргдан ажрашга ажрадим, икки орада Шодивой отасидан сўкиш эшитгани қолди. Эртасига дарсга ўртоғим қовоқ-тумшуғи осилиб келди. Онаси, уйимни ўғри босди, деб ёмон кўрққан экан. Раис бувага йиглаб шикоят қипти.

— Дадам тумандаги катталарни тутхўрликка айтиб қўйган экан, — деди Шодивой минғирлаб. — „Жўранг ақалли биттаям шохини қолдирмабди, қўлимга тушса, бутини йиртиб ташлайман“ деяпти, отамнинг кўзига кўринмай тур, Кўшо...

Одамнинг бути йиртилгандан кўра йиртилмагани яхшилигини ўзим ҳам биламан. Шунинг учун Раис буванинг кўзидан узоқроқ юрган эдим, бугун қўлга тушиб қолдим.

Ҳаммасига онам сабабчи бўлди. Эрталаб далага чиқиб кетаётганида қаттиқ тайинлади:

— Ўрадан ярим пақир сабзи олиб Ойсара янганг-никига чиқариб бер. Ош қилмоқчи экан, сабзиси қолмабди.

Ўрадан сабзи олаётганимда хаёлимга бир гап келди. Сабзидан кўпроқ олиб чиқсам, Ойсара янгам пат-патга минишимга кўнармикан? Ойсара янгам ўзи яхши-ю, ўлгудек зикна. Турсунбой ака олган мотоцикл доим бостирма тагида туради. Турсунбой акамга „Менгаям пат-пат ҳайдашни ўргатинг“, десам, „Пат-пат меникимас, янгангники“, дейди. Кўрқади-да, хотинидан.

Ойсара янгам сабзини кўриб зора ийиса. Ҳеч бўлмаса эртага миниб, бир-икки бибиплатай. Ширин хаёллар билан сабзи тўла пақирни кўтариб, Турсунбой акамнинг эшигига келсам, тақа-тақ берк. Итариб кўрдим, муштлаб кўрдим. Ҳеч ким йўқ. Бундан чиқди Ойсара янгам кутубхонага кетибди-да.

Ҳафсалам пир бўлиб қайтиб келаётган эдим, дераза тагига етганимда ичкаридан Турсунбой акамнинг Ойсара янгам билан гўнғир-гўнғир гаплашаётган овози келди. Қаранг, иккаласиям уйда ўтирган экан-ку, дарвозани очмайди. Яқин келиб овозим борича бақирдим:

— Ойсара янга!

Ичкаридан жавоб чиқмади. Қайтага иккаласи жимиб қолишди.

Ҳовлимизга қайтиб кириб, ўйлаб қолдим. Онам Ойсара янгангга ярим пақир сабзи олиб чиққин деганми — деган! Ярим пақир эмас, нақ бир пақир сабзи олдимми — олдим! Шунча овора бўлганимдан кейин Турсунбой аканинг пат-патини бир мартагина миниб кўришим керакми — керак! Бўпти-да, эшикдан кирдим нима-ю, туйнукдан тушдим нима? Ҳовлимизнинг этагида, девор тагида туйнук бор. Авваллари сув оқиб ётарди. Ҳозир пахтага сув йўғ-у, одамларнинг томорқасига сув қаёқда! Ариқ қуриб-қақшаб кетган. Ойсара янгамнинг товуғи ҳар куни ўша туйнукдан чиқиб, бизнинг ҳовлимизда сайр қилади... Чопқиллаб бориб, аввал пақиримни нариги томонга ўтказдим. Кейин ўзим ҳам қисилиброқ бўлса ҳам Турсунбой акамнинг ҳовлисига эсон-омон ўтиб олдим.

Бирпас қулоқ солиб турсам, ҳамма ёқ жимжит. Нима бало, булар боласини боғчага жўнатиб, ўзлари қайтадан ухляптими? Қўлимдаги пақирни саланглатиб энди уй томон юрган эдим, ойнаванд эшик шарақ-шуруқ қилиб очилди. Очилди-ю... Остонада Раис бува пайдо бўлди! Шодивойга „Жўранг қўлимга тушса, бутини йиртиб ташлайман“, деган Раис буванинг худди ўзи! Шифтдай бўлиб эшик кесакисидан ушлаб турибди. Эгнида кулранг китель, почаси кенг шим. Шунақа-ку, негадир этиги йўқ, оёқ яланг...

Қўрқиб кетганимдан сабзи тўла челакни кўтарганча орқага тисарила бошладим. Ҳайронман, Раис бува мени кўриб, негадир остонада турганча қотиб қолди. Пишиллаб-пишиллаб нафас ола бошлади. Назаримда пастки лаби осилиб кетгандек бўлди.

— Ие, сенмисан? — деди ғалати илжайиб. Овози ялиниброқ, йиғламсираброқ чиққанга ўхшади. — Нима қилиб юрибсан, тутхўр?

„Тутхўр“ дедими? Бундан чиқди ҳалиям эсида эканда. Баттар қўрқиб кетдим.

— Мен... Мен, — дедим тутилиб. — Сабзи...

Раис бува бир менга, бир айвон кавшандозида қийшайиб ётган жигарранг этигига қараб кўйди-да, яна илжайди.

— Оббо сен-ей, нима қилиб юрибсан?

Илжайганидан сал дадил тортдим.

— Ўзим... Сабзи...

Шу пайт Раис буванинг орқасида Ойсара янгам кўринди. Негадир ранги ўчиб кетган, қўли титраб, ҳадеб сочини тузатарди.

— Вой, ўзимизнинг Қўшоқжон-ку! — деди-да, Раис буванинг қўлтиғи тагидан лип этиб ўтди. — Сиз билмайсиз, Қўшовой шунақа яхши болаки! Пат-пат мингинг келдими, Қўшоқжон!

Ойсара янгамнинг меҳрибонлигидан талтайиб кетдим.

— Минаверайми? — дедим илжайиб. Қўлимдаги пақирни энди Ойсара янгамга узатмоқчи эдим, тўсатдан Раис буванинг қиёфаси ўзгарди. Кулиб турган одам дағдаға билан сўради:

— Шошма, ўв! Қаёқдан келдинг?

— Туйнукдан, — дедим ростини айтиб. — Товуқ ўтадиган...

— Нима?! — Раис бува яланг оёқ ер тепинди. — Эшикни бир тақиллатдинг, икки тақиллатдинг, кета-вермайсанми йўлингга, қанақа сур боласан?

— Секи-и-ин! — Ойсара янгам Раис бувага ялиниб қаради. — Билмаганда, Қўшожон яхши бола!

Қизик, Раис буванинг баттар жаҳли чикди.

— Шу яхши болами? — деди-ю, устимга бостириб кела бошлади. — Сўроқсиз бировнинг тутини каллаклаб кетса, сўроқсиз бировнинг уйига туйнукдан тушса! Тўғ-рисини айт, ким юборди сени?

Қарасам, важоҳати ёмон.

— Турсунбой акам! — дедим бақириб.

— Секин! — Ойсара янгам товуши титраб ялинди. — Жон Қўшожон, секинроқ!

— Турсунбой акам айтдилар! — дедим овозимни янада баралла қўйиб. — Бугун ош ейдиган кун дедилар. Иккаламиз сабзи олиб келдик...

Ойсара янгам икки қўллаб юзини чангаллади.

— Вой шўрим!

Раис буванинг кўзи ола-кула бўлиб кетди.

— Нима?

— Дарвозани галма-галдан тақиллатдик.

— А? — Раис бува мен бу ёқда қолиб кавшандоз томон югурди. Ерга ўтириб олиб қўллари қалтираганча пайтава ўрай бошлади. Раис буванинг қўрққани таъсир қилдими, ё ўзимнинг ақлим қарсиллаб ишлайдиган пайт келиб қолдими, унисини билмайман.

— Шунча тақиллатдик, ҳеч ким жавоб қилмади! — дедим атайлаб кўча эшик томонга қараб.

— Бўлди-и-и! — Раис бува ўтирган жойида менга елкаси оша қаради. — Кар одам йўқ-ку, нега чийил-лайсан!

Шунча ёлгон тўқиганда бу ёғи нима бўпти дедим-у, тагин бақирдим:

— Кейин Турсунбой акам айтдилар: Қўшовой, туйнукдан кир, дедилар.

Ойсара янгам дағ-дағ титраганча мени кучоқлаб, илтижо қилди.

— Кўшожон, жон укам! Барака топкур укам, бўлди, секинроқ...

Тўғрисини айтсам, Ойсара янгамга раҳмим келди.

— Пат-пат минсам майлими? — дедим овозимни анча пасайтириб.

— Пат-пат сендан айлансин! Юз марта мин, минг марта мин! Акангга айтаман, ҳайдашни ўргатади. — У ҳамон мени кучоқлаганча Раис бувага ўшқирди. — Бўлсангиз-чи...

— Этик... Сифмаяпти. — Раис бува пайтавани чала ўраганми, увалло уринади — қани этигини киёлса! Бечора бирпасда терлаб кетди. Этик оёғини сиқаётган бўлса керак, оқсоқланиб дарвоза томон юрган эди, Ойсара янгам инграгудек хитоб қилди:

— Қаёққа? Қанақа одамсиз ўзи?

Раис бува аланг-жалаң бўлиб тўхтаб қолди.

— Нима қилай ахир? — деди йиғламсираб.

— Бугун ўргатадиларми? — дедим Ойсара янгам ваъдасини унутмасидан туриб тасдиқлатиб олиш учун. — Турсунбой акамни чақирайми?

Айвондан сакраб тушишим билан, Ойсара янгам сабзи тўла пақир устига ўтириб қолди.

— Шўрим курсин! — деди инграб. — Сўяди! Тикка сўяди!

Раис бува кўлимдан чангаллади.

— Ўчир-е! — деди рапидадек кафти билан оғзимни тўсиб. Негадир кўлидан атир ҳиди келарди. Нафасим қайтиб кетди. Типирчилаб кафтини қайириб ташладим. Оғзимни тўсиб турганида ичимга анча-мунча ҳаво тўпланиб қолган эканми, чунонам ҳайқирдимки, Тулпорим ҳам бунчалик ҳанграмаса керак.

— Турсунбой ака-а-а!

Кучим борича кўча эшик томон югурган эдим, Раис бува орқамдан лўкиллаб келиб, уй бурчагида етиб олди. Маҳкам кучоқлаб, қулоғимга эгилганча шивирлади:

— Юргин, бу ёққа юргин, ўзинг яхши боласан-ку.

— Нега бўлмаса оғзимни тўсасиз? — дедим жаҳлим чиқиб.

— Бўпти, иккинчи бунақа қилмайман. Юргин, жон болам...

Хоҳламайроқ орқамга қайтар эканман, ноз қилдим:

— Турсунбой акам дарвозани очасан деганлар, кутиб турибдилар-да.

Қарасам, Ойсара янгам ҳамон пақир устида гужанак бўлиб ўтирибди.

— Ўзинг катта йигитсан-ку, тутхўр, — Раис бува эркалаб елкамга қоқди. — Пат-патни яхши кўрасанми?

— Жудаям!

— Шодивойникига ўхшаган велосипед олиб берайми?

— Йўқ, пат-пат! — дедим қовоғимни солиб.

— Бўпти. — Раис бува яна елкамга қоқди. — Янганг ваъда берди-ку, Турсунбой аканг пат-пат ҳайдашни ўргатади. Ўзим сенга зўридан падарка қиламан.

— Қачон?

— Кетсангиз-чи! — Ойсара янгам йиғлаб ўзининг тиззасини чимчилади. — Шўрим курсин! Иккита болам етим бўлиб қолади энди.

— Нима қилай? — Раис бува гоҳ Ойсара янгамга, гоҳ менга қараб типирчилади. Тагин Ойсара янгамга ичим ачиди.

— Юринг, — дедим хотиржам илжайиб. — Бизни-кидан чиқиб кетасиз.

— Нима? — Раис бува аввалига ҳеч нимани тушунмади шекилли, бир зум талмовсираб турди-да, маҳкам кучоқлаганча шапиллатиб пешанамдан ўпди. — Раҳмат, тутхўр! Яхшилигингни унутмайман!

Узун-қисқа бўлиб туйнукка бордик. Раис бува икки-ланиброқ ариққа тушди.

— Ўтаверинг, сиғасиз! — дедим билафонлик қилиб.

Раис бува эмаклаб бориб туйнукка бошини суқди. Елкаси кирди-ю, у ёғи сиғмай қолди. Нуқул инқиллаб оёғини типирлатади.

— Бўлмаяпти, — деди кучаниб. — Итар!

Икки қўллаб думбасидан итараман, қани кучим ет-

са! Раис бува кучанган сайин девордан шувуллаб тупроқ тўкилади.

— Вой, ўламан! — деди инграб. — Торт!

Сонидан кўш қўллаб ушлаганча чираниб бир тортган эдим, ариқ ичига йиқилиб тушдим. Раис бува ерга чўккалаганча кўзимга илтижоли мўлтиради. Бечоранинг афтига қараб бўлмайди: ҳамма ёғи тупроқ.

— Деворга осила қолинг, — дедим янги маслаҳат бериб. — Кўрқманг, йиқилмайсиз.

У ҳансираганча деворга тирмашди. Бирпасда қора терга тушиб кетди.

— Уйингда ким бор? — деди деворга миниб олиб.

— Пат-патни қачон олиб берасиз?

— Қачон десанг! Ким бор уйда?

— Ҳеч ким. Отам ишда, энам ишда. Жу мактабда.

Кўрқманг.

— Билиб қўй, — Раис бува мен томонга эгилиб астойдил йиғламсиради. — Мен сенга оталик қиламан.

Раис бува девордан нариги томонга ўзини ташлади. Бурилиб қарасам, боядан бери пақир устида ўтирган Ойсара янгам айвонда чўзилиб ётибди. Пақир думалаб, сабзилар сочилиб кетган.

Кўрқиб кетдим. Ўлиб қолмасайди, бечора. Ошхонага кириб, ёғлоқда сув олиб чиққунимча анча вақт ўтди. Худ-бехуд бўлиб ётган янгамнинг оғзига сув тутдим.

— Ичинг.

Ойсара янгам сувдан бир-икки хўплади.

— Кетдими? — деди инграб.

— Ичаверинг! Турсунбой акам ҳам кетиб қоптилар.

Ойсара янгамнинг кўзи ярқ этиб очилди.

— Ростданми! — деди-ю, сувдан мўлгина ичиб, чуқур уф тортди. — Хайрият-ей... — бирпас ўйлаб турдида, йиғламсираб ялинди. — Ўзинг эсли боласан-ку, Кўшоюн. Бу ерда Раис бувангни кўрганингни...

— Минаверайми? — дедим пат-патга имо қилиб.

— Минавер, жон укам, минавер. Аканга айтаман, ҳайдашни ўргатиб қўяди. Ҳар куни ўргатади.

Пат-патнинг эгарига минаётганимда Ойсара янгам айвонда сочилиб ётган сабзиларни йиғиштиришга тушди.

— Сабзинг мунча чиройли, Кўшоюн! — деди овози товланиб. — Мушак сабзи экан!

Эгарга миниб олдим-да, пат-патни бибиблатавердим-бибиблатавердим, охири сигнал жонивор мушукдек биқиллайдиган бўлиб қолди.

ОЛТИНЧИ БОБ

„ЗАПОРОЖЕЦ“ ДАН ТУФИЛГАН „ВОЛГА“

Еттини битириб таътилга чиқишимиз билан чопиққа тушдик. Эрталабдан ғўза чопиқ қилавериб, қорним таталаб кетди. Тулпорим тушлик бўлганини мендан яхши билади. Аввал мени излаб мактабга борарди. Энди далагаям топиб кепти. Пайкал четига келиб, бир ҳанг-раган эди, баҳона топилганига суюниб, ўша томонга югурдим. Шийпонда салқинлаб ўтирган бригадир:

— Ҳой бола, қаёққа? — деган эди, йўл-йўлакай бақирдим:

— Эшагимнинг жаҳли ёмон, Тўлаш ака! Бормасам, ўзи ёнимга келади. Бир гектар пахтазорни пайҳон қилиб ташлайди.

Тўлаш ака ирғиб ўрнидан туриб, чинқирди:

— Тезроқ йўқот, палакат эшагингни!

Кетмонимни эшагимнинг гарданига кўндаланг қўйганча, лип этиб миниб олдим. Тулпорим буйруғимни кутиб ўтирмай, уй томон йўрғалади.

Кўчага киришим билан эшигимиз олдида турган ҳаворанг машинага кўзим тушди. „Тоғам кепти-да“, деб эшагимни ниқтадим. Яқинроқ келиб қарасам, йўқ, „Москвич“ эмас, „Запорожец“. Чап эшиги очиқ. Жонажон жўрам Шодивой бир оёғини ташқари чиқариб, рулни чангаллаб ўтирибди. Иссиқдан икки юзи қизариб, тандирдан янги узилган нондек ялтираб турибди. Мени кўриб, севиниб кетди.

— Қаёқда юрибсан? — деди илжайиб. — Боядан бери кутаман.

— Ким билан келдинг? — дедим эшагимдан тушмай.

— Ўзим!

Бундан чиқди, Раис бува ваъдасининг устидан чиқиб, Шодивойга „Запорожец“ совға қипти-да!

Раис бува менга ваъда қилган пат-пат эсимга тушди. Ойсара янгам-ку сўзининг устидан чиқди. Эрига „Узоқдаги қариндошдан яқиндаги кўшни афзал, Кўшовой ўзингизнинг укангиздай гап, шу боланинг пат-патга ишқи тушибди, миндира қолинг“, деб ҳол-жонига кўймаганидан кейин Турсунбой акам мотоцикл ҳайдашни унча-мунча ўргатди. Аввал мени лулкага ўтқазиб учирди, кейин эгарга мингизиб ҳайдатди. Аммо Раис бува пат-пат тугул велосипед ҳам олиб бермади.

— Ўзинг ҳайдаб келдингми? — дедим алам қилиброқ.

— Бўлмаса-чи!

Ростини айтсам, ғайирлигим келди.

— Ким ўзарга, ўйнаймизми? — дедим, Тулпоримнинг жilовини голибона силтаб.

— Кўйсанг-чи! — Шодивой машина рулини чангаллади. — Юр, катайса қилдириб келаман.

Иккиланиброқ эшакдан тушдим.

— Ҳайдашни биласанми, ўзи?

— Шу ергача ким ҳайдаб келди бўлмаса? — у ўтирган жойида эгилиб, ўнг эшикни очди. — Ўтир! — шундай деб ўнг томондаги суянчиқни эгди. — Орқага ўт, ёнимда ўтирсанг, халақит берасан.

— Менам пат-пат минишни биламан, — дедим мақтаниб.

Шодивой индамади. Иккала эшикни қарсиллатиб ёпди-да, худди минг йил шопирлик қилган таксичилардай ишонч билан моторни гуриллатиб юборди. Худди шу пайт эшагим айни мен ўтирган ойнанинг рўпарасига тумшуғини тираб ўкинч аралаш ҳангради. Хайрлашдиёв!

Машина вариллаганича тор кўчада физиллаб кетди. Ойсара янганинг тупроққа бағрини бериб ётган курк товуғи қақақлаб қочди.

Катта йўлга чиқишимиз билан „Запорожец“ ўқдек учиб кетди. Санаб турдим: олтита тележка, учта юк машинасини қувиб ўтдик. Қарасам, машинанинг филдираги ердан узилиб, осмони фалакка учиб кетадиган.

— Шоди, — дедим елкасига туртиб. — Секинроқ...

— А? — У менга бутун гавдаси билан ўгирилиб қаради. Кўзлари ола-кула, ранги ўчиб кетган. Нима? — деди овози ингичкалашиб.

Элик қадамча олдинда сарғиш „Волга“ кўринди. Тўппа-тўғри устига бостириб боряпмиз.

— Йўлга қара, йўлга! — дедим чинқириб.

Шодивой чўзиб-чўзиб сигнал берди. Масофа борган сайин қисқариб борарди.

— Чапга бур, аҳмоқ! — дедим бақириб.

— Нима? — Шодивой яна орқасига ўтирилди. Ўзимни ерга отай десам, эшик йўқ. Кўзимни чирт юмиб олдим. Бир маҳал қулоғимга Шодивойнинг чийилдоқ овози кирди:

— Амаки, „Запорож“ни биласизми?

Кўзимни очсам, „Волга“ни ўнг томондан қувиб ўтяпмиз. Бир зумда „Волга“ орқада қолиб кетди.

— Секинроқ! — кучим борича Шодивойнинг елкасига муштладим. — Тўхтат!

Худди шу пайт „Волга“ бизни қувиб ўтди. Назаримда, минг километрга босиб ўтдиёв, ўзиям!

— Тўхтат! — дедим жонҳолатда.

Қаёқда, зум ўтмай яна „Волга“га етиб олдик. Пешанадаги ойнакдан кўриб турибман. Шодивой кўзлари аланг-жаланг бўлиб яна бибиллатди. „Волга“ чор-ночор тагин ўзини чапга олди.

— Амакижон! „Запорож“ни биласизми? — бу сафар Шодивойнинг овози йиғламсираб чиқди.

Бир маҳал олд томонда бедаси ўриб олинган аллақандай кенг майдон кўринди. „Запорожец“имиз қурбақадай сакрай бошлади. Ҳамма ёқ дақир-дуқир, дақир-дуқир қилади. Бошим пайдар-пай машина шифтига урилади. Назаримда ичакларим аралаш-қуралаш бўлиб кетдиёв.

— Тўхтат!

Шодивой яна орқасига ўтирилди.

— Қ-қанақа... Қ-қанақа қ-қилиб...

У сўзини тугатолмайди. Рўпарамизда бостирмадек узун-узун оқиш бинолар, ўтлаб юрган ола-була сигирлар пайдо бўлди.

...Бир маҳал хушимга келсам, ҳамма ёқ қоп-қоронғи. Негадир димоғимга пичан ҳиди кирди. Бошимни ушлаб кўрдим: жойида. Оёғимни силаб кўрдим: бутун.

— Шоди! — дедим кўрқа-писа.

Қоронғилик ичидан ингичка овоз келди:

— Ҳа-а!

— Тирикмисан!

— Шунақа шекилли!

— Қаёққа кепқолдик?

— Билмайман.

— Ў-ў-ўл! — дедим чўзиб.

Фира-шира қоронғиликка охири кўзим кўникди. Шунда пайқадимки, иккаламиз ҳам тирикмиз. Машина ичида ўтирибмиз.

— Эшикни оч! — „Эшшак“ — дегим келди-ю, Тулпорим эшитиб қолса хафа бўлишини ўйладим. — Эшикни оч, хўкиз!

Шодивой ўтирган жойида минғиллади:

— Очолмаяпман.

— Қаттиқроқ итар!

Пўписам таъсир қилди шекилли, аввал эшик ғий-қиллади, кейин шитир-шитир овоз эшитилди. Шодивой омон-эсон ерга тушиб олди чоғи, нимқоронғилик орасидан минғирлаган товуш келди:

— Тушавер, Қўшо...

Қизиқ, унинг овози ғилдирак тагидан эшитилгандек бўлди. Олдинги ўриндиқ суянчигини пастга босган эдим, қўлим рулга тегиб кетди. Машина „бееп“ деб қўйди. Қоронғида ғалати эшитиларкан.

— Сигнал чалма, аккумулятори ўтириб қолади, — деди Шодивой негадир қув-қув йўталиб.

Э, аккумуляторинг билан қўшмозор бўл! Ўзим эшикни тополмай гарангман-ку!

Эшикдан тушишим билан юзимга хас-хашак урилди. Қаддимни ростламоқчи эдим, устимдан аллақандай оғир юк босаётганини пайқадим. Димоғимга чанг аралаш пичан иси кирар, қуриб қолган ўт-ўланлар бурнимга тегиб акса ургим келарди.

— Қаёқдасан? — дедим бақриб.

— Билмайман, — Шодивойни яна йўтал тутди.

Охири аллақандай хашак ғарами орасида юрганимизга ақлим етди. Оёқ-қўлимни баравар типирлатиб, ўзимга йўл очганча, эмаклаб кетдим. Олд томонда нур кўринди. Хайрият, ёруғ дунёга чиқиб олдим.

— Келавер, Шоди! — дедим ўзим йўл топиб чиққан тешикка энгашиб.

Шу пайт қоқ бошим устида гўлдираган овоз эшитилди:

— Ҳов, жўжахўроз! Нимага ўзингдан катта одамни майна қиласан?

Қарасам, шундоқ тепамда калта енгли кўйлак, жинси шим кийган, қора кўзойнак таққан киши икки қўлини белига тираб турибди. Билагининг ҳар пайи чойнакдек келади. Юз қадамча нарида, симтўсиқ ортида боя ўзимиз қувиб ўтган сарғиш „Волга“ қийшайиброқ туриб қолган.

— Амаки... — дедим ялиниб. — Менмас...

Пичан ғарами шитир-шитир қилди. Шодивой қорни ер супургудек бўлиб эмаклаб чиқиб келди. Жўрамнинг афт-ангорига қараб бўлмас, аъзои баданига хас-хашак ёпишган, икки қулоғига салкам бир қулочдан пичан илашиб қолган эди.

— Сенми шопир? — қора кўзойнакли киши Шодивойнинг устига бостириб борди. — Нега одамни майна қиласан? „Запорожец“ни кўриб қўй демоқчимисан?

Шодивой юмронқозикдай тисарилиб тешикка қайтиб кириб кетди. Секин бошини чиқариб мўралади.

— Амаки... — деди-ю, кетма-кет олти марта акса урди. — Мен... Ап-шу! „Запорожец“ни... Ап-шу, тормози... Ап-шу... Тормози қаёқда бўлади, демоқчийдим, — у гапининг якунига яна бир марта акса уриб қўйди.

Қора кўзойнакли киши инсофга келиш ўрнига баттар жаҳли чиқиб кетди.

— Чиқ бу ёққа! — деди-да, бир чанг солиб, Шодивойни қўлтиғидан тортиб чиқарди. Ўртоғим бечора худди қассобнинг қўлига тушган биққигина қуёндек осилди-қолди. Нуқул питир-питир қилади. Қарасам, „Қора

кўзойнак“нинг важоҳати ёмон. Қочиб қолай десам, жўрамни кўзим қиймайди.

— Мен нима қилдим? — деди Шодивой баттар типирчилаб.

— Нима қилди-им? — кўзойнакли кишининг афти аламдан қийшайиб кетди. — Сени қуваман деб рессордан айрилдим. Тўлаб бер машинани!

Худди шу пайт бостирмага ўхшаш оқ бинодан бир киши отилиб чиқиб биз томонга югуриб келаётганини кўрдим. Оёғида Раис бува кийиб юрадиганига ўхшаш жигаранг этик, кўлида паншаха! Паншахаси офтобда шунақанги ялтирайдики, қорнингга санчилса борми, курагингдан тешиб чиқади. Худди кабобни сихга тортгандек! Бақриб юбордим.

— Қоч, Шоди!

— Қаёққа? — қора кўзойнакли киши бир кўлида Шодивойни чангаллаб турганча иккинчи кўли билан човут солиб менинг ҳам билагимдан ушлаб олди. Шунақанги қисдики, суякларим қисирлаб кетди. Ўртоғим бечора боядан бери типирчилаётгани бежиз эмас экан-да.

— Рессорнинг ҳақини чўз! — „Қора кўзойнак“ иккаламизни баравар силкита бошлади.

Шу орада паншаха кўтарган киши ҳам етиб келди. Паншахасини негадир менинг қорнимга тиради.

— Нима қилдинг? — деди ўшқириб. — Искирдни нима қилдинг, уйинг куйгур! Бўлинмас фонд эди-ку, бу гарам! Сийирларни нима қилдинг? Бўвозлари бола тайлаб қўйса ким жавоб беради? — У паншахани қорнимга қаттиқроқ тиради. Қочай десам, „Қора кўзойнак“ чангаллаб турибди. Паншаха қорнимга ботиши билан қитиғим келиб, ҳиринглаб кулиб юбордим. Паншахали кишининг жайра найзасидек яккам-дукам мўйлови диккайиб кетди. Паншахани қорнимга янаям қаттиқроқ ботира бошлаган эди. Шодивойнинг йиғламсираган овози эшитилди:

— Унақа қилманг, Ферма тоға!

„Ферма тоға“ мен билан андармон бўлиб, Шодивойни пайқамай қолган эканми, ялт этиб ўтирилди-ю,

тўсатдан юзи ёришди. Назаримда диккайган мўйлови ҳам шалпайиб қолгандек бўлди.

— Ия, полвон! — деди илжайиб. Қўлидан паншаха тушиб кетди. — Хуш кўрдиқ, полвон, хуш кўрдиқ! — Аммо ўша заҳоти қийиқ кўзларида тагин ўт чақнади. Сийрак мўйлови қайтадан типпа-тик бўлиб кетди. Ерда ётган паншахани олиб таҳдидли силкитди.

— Жубор! — деди ҳайқириб. Паншахани „Қора кўзойнак“нинг қорнига тиради. — Қўйиб жубор!

„Қора кўзойнак“ ҳамон бизни чангаллаганча орқага чекина бошлади.

— Қўясанма-жўқма?

— Қанақа одамсиз ўзи? — „Қора кўзойнак“ кўлини бўшатди. Шодивой у ёққа, мен бу ёққа қочиб, ҳар эҳтимолга қарши ўн қадамча нарига бориб олдик. — Рессорим...

— Жўлингдан қолма! — „Ферма тоға“ паншахани бир силкитган эди „Қора кўзойнак“ ит қувган соқовдек симтўсиқ томонга қочди. Ўзиям шунақанги тез югурдики, агар „Пахтакор“нинг ўйинчилари шунақа чопса, рақиб дарвозасига бир минутда бешта голни бемалол урган бўларди! Зум ўтмай сарғиштоб „Волга“нинг эшиги очилиб-ёпилди. Машина бедаси ўриб олинган майдондан бешиктебратардек чайқалиб-чайқалиб юриб кетди.

— Оббо, полвон-ей! — „Ферма тоға“ Шодивойнинг елкасига қоқди. — Шўхлиқ қибжатибман, денг! Аммо сийирларни кўрқитиб жубординғиз-да, полвон!

Қарасам, беш-олтита сигир олисдаги бино панасида тўдалашиб турибди. Биттаси, ҳалиям эс-хуши жойига келмаган шекилли, думини хода қилиб, у ёқдан-бу ёққа шаталоқ отади. Кирроқ оқ халат кийган хотин сигир кетидан қувяпти. Бир томонда тўппа уюми, бошқа томонда гўнг уюми тоғдек савлат тўкиб турибди.

Шуни англадимки, бизнинг азамат „Запорожец“ симтўсиқни қаҳрамонона янчиб ўтиб, ўзини фермага урган экан. Ҳовли ўртасидаги пичан ғарамига чунонам калла қиптики, у томонидан кириб, бу томонидан чи-

қиб кетмаганига ҳайронман. Ҳатто изиям қолмабди. Фарам аввал қандай турган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай. Сим-сим эшиги қайта ёпилиб қолганга ўхшайди. Яхшиям „Ферма тоға“ Шодивойни таниб қолгани, бўлмаса иккаламиз паншахага тортилиб, шашлик бўлармидик.

— Журинғизлар, жигиттер. Шай ичабиз. Кўк шай, — „Ферма тоға“ бир гапириб, ўн кулиб бизни азиз меҳмондек оқ бино томонга энди етаклаган эди, ҳовлининг нариги бурчагидаги дарвозада „Нива“ машинаси кўринди.

Шодивой аввал тўхтаб қолди, кейин бир қадам орқага тисарилди, ундан кейин икки қадам... Ана ундан кейин машинамиз қалла урган пичан ғарами томонга тирақайлаб қочди. Ўлганнинг кетидан шаҳид, деб мен ҳам орқасидан чопдим. Йўл-йўлакай „Ферма тоға“нинг қувончли хитоби қулоғимга чалинди.

— Ия, Раис бува-қу!

Шодивой нега қочганини энди тушундим. Дадасидан кўрқяпти. Ҳаллослаб хирмон орқасига ўтсам, хирмоннинг бир бурчагида ўртоғим ғужанак бўлиб ўтирибди. Шундоқ семиз жўражонимнинг гавдаси ингичка тортиб кетгандек. Ёнига келиб ўтиришим билан „жим“ деб имо қилди.

Аксига олгандек, мотор товуши гувиллаб пичан хирмонига яқинлашиб келарди. Ўзиям хирмоннинг нариги томонига тумшуғини тираб тўхтадиёв. Эшик қарсиллади. „Ферма тоға“нинг овози товланиб чиқди.

— Хуш кўрдик, Раис бува, ассалом алайке-е-ем!

— Қалайсан, Мусайип?

Шодивой дадасининг овозини таниб, ранги ўчиб кетди. Шитир-шитир қилиб орқаси билан хирмон ичига киришга уринди.

— Жотибмиз, Раис бува!

— Сен шунақа ётишни биласан. — Бирпас жимлик чўкди. Кейин яна Раис буванинг овози эшитилди. — Эртага камиссия келади.

— Келса жахси.

— Яхши-я, яхши! Бу галгиси анойи эмас. Областан келади.

— Жахси!

— Яна яхши дейди-я! Фермангга қара! Ахлатхонага айланиб кетибди-ку!

— Маъқул, Раис бува, тозалайбиз.

— Тозалайсан... Менга қара, Мусайип, гўшт пила-нини қанча деб ёзгансан?

— Жуз ўттиз поиз! Январда дўндирғанмиз.

— Испарапкалар жойидами?

— Жойида, Раис бува.

— Сут-чи?

— Ҳар сийирдан икки минг уч жуз кило.

— Қоғози борми?

— Бор, Раис бува!

Яна жимлик чўқди. Ўрнимдан турмоқчи эдим, Шодивой кўлимдан силтаб тортди. Дўмбоққина муштини дўлайтирди. Хирмон орқасидан тагин Раис буванинг овози келди:

— Мусайип! Бу — кўзилатишни қанақа деб ёзув-динг?

— Жуз совлиқдан жуз жетмиш жетти.

— Жетмиш-петмиш демасдан, икки юз қилиб кўя қолсанг ўласанми?

— Ўзи тувғани жуз ўнта, Раис бува!

— Нима? — Раис буванинг овози жаранглаб кетди. — Виставкага боришни биласан. Медаль олиб, мажлисларнинг тўрида ўтиришни биласан. Бу ёғиниям тўғрилаб кўй-да. Туғмаса туғдир! Етмаса ўзингникини кўш!

— Маъқул, Раис бува, тувдирабиз.

Шу гапдан кейин Раис бува машинасига ўтириб жўнаб қолади, деб ўйлагандим. Йўқ, мотор гурилламади. Қайтага, Раис буванинг овози янаям тажанг чиқди:

— Мана бу рўдапони қачон йўқотасан?

— Камиссия кўрса жахши-ку, Раис бува. Бир жилда икки жиллиқ жем-хашак...

— Сен камиссияни ўзингга ўхшаган аҳмоқ деб ўйлайсанми? Тўрт йилдан бери шу хашакни рўкач қиласан!

Гурс-гурс қадамлар ғарамни айланиб ўта бошлади. Шодивой иккаламиз пичан ичига ўрмалаб кириб кетишни ҳам, қочиб қолишни ҳам билмай турган эдик, ғарам бошида Раис бува, унинг кетидан чопқиллаб келаётган „Ферма тоға“ кўринди. Раис буванинг эғнида доим кийиб юрадиган кулранг китель-шим, бошида дўпписи қийшайиброқ турарди.

— Анавилар нега думалаб ётибди иш пайтида? — Раис бува аввалига бизни танимади шекилли, кўлини пахса қилди. — Ухлаб ётибсанларми?

„Ферма тоға“ негадир илжайиб қўйди, Раис бува таққа тўхтаб қолди.

— Ия? — деди гоҳ бизга, гоҳ „Ферма тоға“га юзланиб. — Нима қилиб юрибди булар, Мусайип?

Ўртоғим иккаламиз ўрнимиздан туриб, эғнимизга ёпишган хас-хашакни тозалаган бўлдик. Шодивой миқ этмай тургани учун ўрнига мен жавоб қилиб қўя қолдим.

— Шундай, ўзимиз...

Раис бува лабининг бир бурчи билан жилмайди.

— Сенам жўранг билан келдингми, тутхўр?

Пат-патни эсига солгим келди-ю, кўрқдим.

— Ҳа... — дедим минғирлаб.

Шу... „Ферма тоға“ ҳам ғирт жинни экан-да! Жим тура қолса-ку олам гулистон эди.

— Раис бува, — деди илжайиб. — Полвон бир шўхлиқ қипти-да.

— Нима? — Раис бува бирдан жиддий тортди.

— Мошин миниб...

— Қанақа мошин?

— Жахси кўрмадим-ғу... Ранги кўкимтиров. Туври-ми, полвон?

— „Запорожец“ми? — Раис буванинг кўзи олазарақ бўлиб кетди. — Минувдингми? Қани, мошин?

„Ферма тоға“ мўйловини учириб, ғарамга имо қилди.

— Искирдда, Раис бува.

Раис бува оғир-оғир киприк қоқди. Тез-тез юриб, бутун ғарамни айланиб чиқди.

— Қани? — деди Шодивойнинг тепасига келиб.

Шодивой ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

— Ичида, — деди бурнини тортиб.

— Ниманинг ичида? — деди Раис бува тажанг овозда. — Қандоқ қилиб кирди?

— Жигит-да, жигит! — „Ферма тоға“ Раис бувани юпатди, — минғиси келган.

— Қамчибек! — Раис бува кафтини карнай қилиб бақирди. Зум ўтмай Раис буванинг коптокдек дум-думалоқ шопири чошиб келди.

— Сим топ! — деди Раис бува шопирга. — Узунроқ!

Бироздан кейин шопир узунлиги йигирма қулоч келадиган йўгон симнинг бир учидан судраб келди. Раис бува „кир“ дегандек имо қилди. Аммо шопир фарамнинг қаёғидан киришни билмай, митти кўзларини жавдиратди.

— Менга беринг! — дедим симга қўл чўзиб. — Сиз тополмайсиз.

Симнинг илгак қилинган учини чангаллаганча, эмак-лаб боя ўзимиз чиққан тешикка кириб кетдим. Ҳали унчалик сезмаган эканман: фарам ораси ўлгудек иссиқ экан. Буям камлик қилгандек пичан босилиб ётавериб, димиқиб кетганми, ачимсиқ ҳид димоғимни ёрай дейди. Бирпасда нафасим қайтиб, терлаб кетдим.

То машинага етиб олгунча бир кун эмаклагандек бўлдимов. Ниҳоят, қўлим машинанинг темирига урилди. Қоронғида сим улайдиган жойини топиб бўлса экан?! Йўқ, охири топдим шекилли. Зўрмиз-да, ўзимиз ҳам! Йўгон сим қўлларимни қайириб юборганига қарамай, илгакни чандилаб маҳкамладим.

Яна эмаклаб ёруғ дунёга чиққанымда Шодивой бир чеккада шумшайиб турарди.

— Аҳмоқ! — деди Раис бува ясамароқ дағдаға қилиб. — Жўрангга ўхшаб укувли бўлсанг ўласанми?! Қара, Қўшоқвой қандоқ ақлли бола! Сен нуқул бузишни биласан. Қани, Қамчибек, опке машинангни.

Шопир хирмон орқасига югурди. „Нива“ни гуриллатиб келиб, хирмонга рўпара қилди. Кабинадан чаққон сакраб тушиб, симнинг бир учини „Нива“ илгагига боғлади.

— Торт! — деди Раис бува кўл силтаб.

„Нива“ чираниб тисарилди. Сим таранг тортилиб, гарам устидан палахса-палахса пичан кўчиб туша бошлади.

— Қоч, ҳамманг! — Раис бува тагин кўл силтаб буйруқ берди. — Нарн туринглар!

„Нива“ девдек ўкирар, сим рубобнинг торидек таранг тортилиб кетган, аммо „Запорожец“дан дарак йўқ эди. Ниҳоят, хирмон тагидан қалдир-қулдир, қалдир-қулдир деган овоз келди. Қарасам, негидир „Ферма тоға“нинг ҳар мўйлови найзадек типпа-тик бўлиб кетяпти. Бир маҳал хирмон орасидан оппоқ бир нарса чиқиб кела бошлади. Тушимми-ўнгимми? Шодивойнинг „Запорожец“и ҳаворанг эди-ку! „Нива“ яна бир ғайрат қилган эди, яп-янги, оппоқ „Волга“ ерга ёнбошлаганча ёруғ дунёга чиқиб келди. Оббо! Қоронғида симни эшик тутқичига боғлабман-да. Бунисиям майли-ку, Шодивойнинг машинаси ҳаворанглигини биламан, „Запорожец“лигини биламан, буниси оқ-ку, „Волга“ку!

Ўн томонимда ғалати овоз эшитилгандек бўлди. Талмовсираб ўгирилсам, „Ферма тоға“ жўхори тикилган хўроздек бўйнини чўзиб, „ғийқ“ деб қўйди. Кейин қийиқ кўзларини чирт юмиб олди-да, диккайган мўйловини чангаллаб, тагин икки марта „ғийқ“, „ғийқ“ қилди.

— Нима бу? — Раис буванинг ҳокимона хитобидан чўчиб тушдим.

— Сендан сўраяпман, Мусайип?

„Ферма тоға“ аввал битта кўзини очди, кейин иккинчисини... Кейин бир йўла оғзини ҳам очиб қўя қолди. „Нива“нинг шопири эсанкираб қолдими, тормоз бериш ўрнига газни босиб юборди шекилли, мотор бир варанглади-ю, „динқ“ этган овоз эшитилди. Таранг сим қоқ ўртасидан узилиб кетди. Боядан бери ёнбошлаб ерга судралиб келаётган „Волга“ бир силкинди-да, оёғи осмондан бўлиб ағдарилди. Ойналари чил-чил синди. Томи пачақланиб, ялпайиб қолди. Машина тўнтарилиб ётса, ғалати бўларкан. Худди оёғи осмондан бўлиб қолган кўнғиздек.

— Ҳов, Мусайип? — Раис бува „Ферма тоға“га чақчайди. — Нима бу?

„Ферма тоға“ жуда ғалати илжайди.

— Мошин...

— Мошинлигини кўриб турибман, кимники?

— Сиздиқи! — деди „Ферма тоға“ пинагини бузмай.

— Меники „Запорож“ку, — деди Раис бува хуноб бўлиб.

„Ферма тоға“ яна илжайди.

— Тувибди-да.

— Нима?

— „Запорож“инғиз бўвоз экан, „Волга“ тувиб берди, Раис бува. Қутти бўлсин!

Раис бува нима дейишини билмай қолди.

— Бултур „Москвич“ олиб берувдим-ку, битта машина камлик қилдими, нокас! — деди кўлини пахса қилиб.

„Ферма тоға“ ялпайиб ётган машинага тикилганча товукнинг оёғига ўхшаган бўйнини чўзиб тагин бир марта „ғийқ“ деб қўйди.

— Сиздиқи, — деди яна. — Қутти бўлсин.

— Э, ўл-а! — Раис бува негадир ҳиқиллаб кулиб юборди. — Мошин сигирмиди, туғадиган?

— Тувади! — „Ферма тоға“нинг мўйлови учиб қўйди. Фақат бу сафар хомушроқ, маъюсроқ учди. — Тувмаса тувдирабиз.

— Бўпти, мошиннинг боласини сенга бердим. Юр, бу ёққа.

„Ферма тоға“ фарзанди ўлган одамдек пачақ „Волга“га охирги марта қараб қўйди-ю, чор-ночор Раис бувага эргашди.

— Оптуш! — деди Раис бува бақириб! Шопир йигит „Нива“ ичидан магазинларда конфет солинадиган яшикка ўхшаган картон қутини олиб тушди. Қути оғирроқ шекилли, икки букилганча пишиллаб кўтариб келди-да, „Ферма тоға“нинг оёғи остига қўйди. Ичида бир нима шиғирлади.

— Нима бул? — деди „Ферма тоға“ қовоқ-тумшуғи осилиб.

— Атир! — Раис бува қошини чимирди. — Эрталаб

ҳар бир сигирнинг устига сепасан. Камиссия келганда атир ҳиди анқиб турсин.

— Раис бува, — деди „Ферма тоға“ мўйловини қашлаб, — бурнови жили „Шипр“ сепқанда уйинг куйғур сийирлар бир-бировини жалаған шиқарми, уш кунгаша таппидан атир иси келиб жатти.

— Нима таппидан атир иси келмай, сендан келсинми! — Раис бува бизга юзланди. — Сенлар бу ёққа юр.

Шодивой иккаламиз „Нива“нинг орқасига ўтирдик. Раис бува шопирнинг ёнига.

— Мусайип! — деди Раис бува машина ўрнидан жилганда. — Эшитиб қўй, ҳамма ёқ чиста бўлсин. Испарапкалар бехато бўлсин. — Кейин илжайиб қўшиб қўйди. — Скирдни очиб, „Запорож“ни бизникига обориб қўй... Хафа бўлма, янаги йил юз совлиқдан икки юзтадан қўзи олсанг, ўзим „Волга“ падарка қиламан.

ЕТТИНЧИ БОБ

СИМЛИ АТЛАС

Раис бува „Ферма тоға“га янги „Волга“ совға қиладими-йўқми, унисини билмайман-у, мен пат-патдан аллақачон умидимни узиб қўйганман.

Авваллари Турсунбой акамнинг мотоциклига минимга жон-жон деб рози бўладиган Ойсара янгам ҳам тўсатдан айнади-қолди.

Бир куни кечқурун пат-пат миним илинжида уйларига кирсам, эр-хотиннинг жанжали устидан чиқиб қолдим. Ҳовли ўртасида ўнтача пахта гулли пиёла, иккита чойнак, сопол лаган чил-чил бўлиб ётибди. Айвонда Ойсара янгам сочи пахмайиб йиғлаб ўтирибди. Чап юзи моматалоқ бўлиб кетган. Турсунбой акам олма тагида турганча қўлини пахса қилиб, аллакимни бўралаб сўкяпти. Юзи тирналган.

Анграйиб қопман. Секингина жуфтакни ростлаб қолмоқчи эдим, бирдан Турсунбой акамнинг кўзи менга тушди.

— Ҳа, Қўшовой, пат-пат мингинг келяптими? — деди сўкишдан тўхтаб. Ҳатто галатироқ илжайиб ҳам

кўйди. — Жуда яхши-да, укам! — У тирналган юзини кафти билан силади. — Мана калит, минақол! — деди чўнтагига, кўл суқиб.

Айвонда хун-хун йиғлаб ўтирган Ойсара янгам ҳамма гапни эшитиб турган экан. Учиб ҳовлига тушди.

— Белингиз оғриб топибсизми, пат-патни! — деди чинқириб. — Бу ёққа беринг калитни!

— Ҳа-а! Жонинг ачидими? Бундан чиқди... Сенинг белинг оғриган экан-да! — Турсунбой ака аланг-жаланг бўлиб қолди. — Ҳозир! — деди ҳайқириб. — Ҳозир дабдала қиламан!

У югуриб бориб тандир тагида ётган тешани юлқиб олди. Ойсара янгам дод солиб тешанинг бандига ёпишди. Турсунбой ака у ёққа тортади. Ойсара янгам бу ёққа. Уй ичидан калта кўйлак кийган қизалоқ билан оёқ яланг болача чиқиб, чирқиллаб уларга ёпишишди.

Вақт ғаниматда оёқни кўлга олиб кўчага зинғилладим...

...Ўшандан бери Тулпоримни миниб тинчгина юргандим... У ёғини сўрасангиз, бу йил ўнинчини битирамиз. Давлат имтиҳонига тайёрланиш керак. Ўзим билан ўзим овора бўлиб, аравамни тортиб юрсам, бугун Раис бува яна эски ваъдасини эсимга солди. Йўқ, ундан ҳам каттароқ ваъда бериб юборди.

Папкамни саланглатиб, кўчага чиқсам, эшигимиз олдида „Нива“ турибди. Дарров танидим: Раис буванинг машинаси. Раис бува бизникида нима қилади? Отам ишда, онам билан синглим далада. Бундан чиқди машина тўхтаб қолган бўлса, Қамчибек ака тагини ковлаштириб ётгандир-да.

Шу хаёл билан яқин борсам, рулда Раис буванинг ўзи ўтирибди. Мени кўриб, эшикни очди-да, ерга чаққон сакраб тушди.

— Нега чопиққа чиқмадинг? — деди тўсатдан.

Эсанкираб қолдим. Ҳайронман, довдираб қолганимда миям қарсиллаб ишлаб кетади.

— Уч кундан кейин имтиҳон, Раис бува! — дедим тантана билан. — Шодивой иккаламиз ёзмадан тайёрланмоқчи эдик.

Раис бува аланг-жаланг бўлиб, бизнинг эшик томонга қаради.

— Шоди сеникидами? — деди овозини пасайтириб.

— Йўқ. Мен сизларникига бормоқчи эдим.

— Маладес! — Раис бува эркалаб елкамга қоқди, — тўғри ўйлабсизлар. Давлат имтиҳонига яхши тайёрланиш керак. — У бир зум жимиб қолди-да, кўшнимизнинг дарвозасига зимдан қараб кўйди.

— У ёқда ким бор?

— Билмадим, — дедим ростини айтиб.

Раис бува тагин елкамга қоқди.

— Бўйингни қара! — деди илжайиб. — Оббо, тутхўр-ей! Мендан ҳам ўсиб кетибсан-ку. Овозинг ҳам дўриллаб қопти. Отанга айтаман, уйлантириб кўяди.

Лабим ўзидан-ўзи бир томонга қийшайиб илжая бошлаган эдим, Раис бува бирдан жиддий тортди. Ҳатто қовоғиям осилиб кетди.

— Менга қара, тутхўр! — деди хўмрайиб. — Ойсара янганг анчадан бери ишга чиқмаяпти. Касал бўпқопти. Мана шу китобни опкириб берасан. — У машина эшигини очиб ўриндиқ устида ётган, газетага ўроғлиқ китобни олди. — Ма! Раис бува китобингизни бериб юбордилар. Эртадан бошлаб ишга чиқаркансиз, Раис бува яна китоб ўқигилари кепти, дегин, уқдингми? У китобни кўлимга тутқазди.

— Югур! Шошма, папкангни ташлаб кетавер.

Қарасам, газетага ўроғлиқ нарса — юмшоқ. Турсунбой акамнинг уйидаги уриш-жанжални эслаб, гашим келди. Устига устак, Раис бува ваъда қилган пат-патдан ҳамон дарак йўқ.

— Турсунбой акамга берсам ҳам, майлими? — дедим илжайиб.

Раис бува мендан ҳам ёйилиброқ илжайди.

— Турсунбой аканг далада. Ойсаранинг ўз кўлига бер! Бўл тез!

Оғриниброқ ҳовлига кирсам, Ойсара янгам айвонда хамир қориб ўтирган экан. Мени кўриб, қайрилиб ҳам қарамади.

— Манави китобни Раис бува бериб юбордилар — дедим гўлдираб. — Ўзлари кўчада машинада ўтирибдилар. Тезроқ ишга чиқиб яна китоб бераркансиз.

— Нима? — Ойсара янгам дик этиб ўрнидан турдида, айвон лабига келди. Хамир юқи кўли билан газета қатини очган эди, ловуллаб турган атласнинг бир учи ергача чўзилиб гушди. Оғзим ланг очилиб қолди. Ахир бу ялтироқ сим атлас-ку! Энам неча марта отамга айтган: „Мовжунинг тўйига ақалли бир жўра „сим атлас“ олиб кўймасак, уят бўлади“, деган. Отам „Бир жўра „сим атлас“инг чайқовда фалон сўм туради, қаёқдан оламан“, деб тўнғиллаган.

Қаранг, Ойсара янгам шундай нарсанинг қадрига етмади-я! Хамир юқи кўли билан атласни шарт-шурт газетага қайтадан ўради-да, кўлимга тутқазди.

— Раис бувангга айт! — деди лаби титраб. — Ўқийдиган китоби кўпайиб кетган! Ўшаларни ўқийверсин, хўпми?

Гурсиллаб юриб, жойига бориб чўнқайди-да, хамир эмас, Раис буванинг бошига ураётгандай хамирни шиддат билан муштлай кетди.

Менга нима! „Китоб“ни кўлтиғимга қистириб кўчага чиқсам, „Нива“ жойида йўқ. Йўл четида папкам ёнбошлаб ётибди. Энди ўша томонга юрган эдим, орқа томондан дағдағали овоз келди.

— Шошма, Қўшо! Анави нима?

Қайрилиб қарасам, ўн қадамча нарида Турсунбой акам қовоғини солиб турибди. Бошида унниқиб кетган эски дўппи. Кўйлак-шими бир энлик чанг.

Довдираб қолдим.

— Атлас, — дедим тилим тутилиб.

Унинг ранги қув ўчиб кетди.

— Қанақа атлас?

Баттар эсанкираб қолдим.

— География атласи, Турсунбой ака, — дедим мингиллаб. — Тарих атласи... Имтиҳонга...

— Бўпти, кетавер... — У тишларини гижирлатганча уйига кириб кетди.

Раис буванинг „Нива“си икки кўча нарида турган экан. Эшикни очиб, имлаб чақирди.

- Бўлдими, тутхўр? — деди машинадан тушиб.
- Манг! — газетага ўроғлиқ атласни кўлига тутқаздим.
- Раис бува кўзимга хавотирланиб қаради.
- Нима бўлди?
- Бошқа китобларни ўқиркансиз!
- У атласни шоша-пиша ўриндиққа ташлади.
- Турсунбой сени кўрмадими?
- Кўрди.
- Нима деди?
- Кўлингдаги нима, деб сўради.
- Сен нима дединг?
- Атлас, дедим.
- А?! — Раис буванинг кўзи олайиб кетди. — Атласлигини қаёқдан билдинг, аҳмоқ!
- Ие, нега менга ўшқиради бу!
- Ойсара янгам очиб кўрди! — дедим бақириб. — Сим атлас экан. Чияли бозорда сотиладиган атлас экан! Аммо-лекин олмади!
- Бўлди, тутхўр, бўлди, — у пешанамни силамоқчи эди, бошимни орқага тортдим.
- Ўзи олмаса мен нима қилай?
- Ажаб қибсан, хўп қибсан, олмаса садқаи сар!
- Турсунбой сени кўрмадими, ахир?!
- Кўрди деяпман-ку!
- Қаерда?
- Кўчага чиққанимда.
- Раис буванинг ранги гезариб кетди.
- Ростдан-а?!
- Нега ишонмайсиз! — хуноб бўлиб бир бақирган эдим, Раис бува кучоқлаб олди.
- Ишонаман, тутхўр, сен яхши боласан, кейин нима деди?
- Ким? — дедим қовоғимни солиб.
- Турсунбой.
- Кўлингдаги нима, деди, деяпман-ку?
- Раис бува шилқ этиб, машинага суяниб қолди.
- Қанақа атлас, деб сўрагандир? — деди овози титраб.
- Сўради.

— Сен нима дединг?

— Сим атлас дедим!

— Ким берди, дедими? — Раис бува оғир-оғир киприк қоқиб ингради. — Сен нима дединг? Раис бува, демадингми, ахир?..

Қарасам, Раис буванинг аҳволи чатоқ. Юпатгим келди.

— Индамай кетавердим! — дедим тантана билан.

— Маладес! — Раис бува бирдан жонланди. — Энди бундай қиламиз, тутхўр. Агар Турсунбой яна сўраб қолса, онам атлас олиб келган экан, қимматлик қипти, шунинг учун янгамга олиб чиққан эдим, дейсан. Уқдингми?

Кўрқиб кетдим. Отам бу гапларни эшитса, теримга сомон тикади. Онам ҳам соғ кўймайди.

— Турсунбой акам энамдан сўраб қолса-чи? — дедим тўнғиллаб.

— Сўрамайди! — Раис бува мамнун жилмайди. — Бу ёғини Ойсара янгангинг ўзи тинчитади. Турсунбойни шунақанги бурайдики, ҳеч кимга оғиз очмайдиган қилиб кўяди. Сен бир-икки ой жим юрсанг бас. Тушундингми?

Индамай бурилиб кетаётган эдим. Раис бува чақириб қолди:

— Шошма, ўв! Ҳали Шоди билан дарс қиламан деган эдинг-ку! Ўтир!

У машинага чаққон миниб, ўнг эшикни очди.

— Мин, — деди меҳри товланиб. Анчагача жим кетдик. Ўшшайиб ўтирганимдан хавотирга тушди, шекилли, идора ёнидан ўтаётганимизда тўсатдан гапириб қолди. — Сен маладес боласан, тутхўр! Ҳов бирда патпат олиб бераман дегандим. Мен бир сўзли одамман. Пайти келиб, албатта, олиб бераман. Унгача бир иш қиламиз. — У менга қараб, кўз қисиб кўйди. — Жўранг, Кўшо Тошкентга бормаса, мен ҳам институтга кирмайман, деяпти. Иккалангни битта институтга жойлаб кўяман. Тошкентда бизнинг жўралар кўп, билдингми? Бу ёғидан хотиржам бўлавер, тутхўр. Институтга кирдинг ҳисоб!

САККИЗИНЧИ БОБ

„КАМПИР ҚОНУНИ“

Адабиёт ёзма-оғзакидан-ку, амаллаб ўтиб олдим. Жудаям „беш“ бўлмаса ҳам уч-уч ярим дегандек. Лекин бу ёқда ҳали физика турибди. Энг ёмон кўрган фаним — физика! Адабиётни яхши кўришимнинг ҳам, физикани ёмон кўришимнинг ҳам сабаби бор. Адабиёт ўқитувчимиз — яхши одам. Бечоранинг тўққизта қизи бор. Ўқитувчимиз ҳар гал энди ўғил кўраман, деб ҳаракат қилаверган, хотини пайдар-пай қиз туғаверган... Ўғли йўқлиги учун ҳам адабиёт муаллимимиз билан қадрдон бўлиб қолганмиз: раҳмим келади. Ўт юлганимда Тулпоримга икки боғинасини ортиб, уйига обориб ташлайман. Томорқасидан жўхори узса қарашвораман. Еттинчи синфдан бу ёғига кузда ҳар куни атайлаб эшигининг олдидан ўтаман. Барибир кўмир олиб келади-ку! Физиллатиб ташиб бераман. Шунинг учунми, ўзим адабиётдан зўрманми, хуллас, шу ўқитувчим мени яхши кўради. Жудаям „беш“ қўймайди-ю (бешни Шодивойга қўяди), ҳар қалай, мендан „тўрт“ни аямайди. Мана, давлат имтиҳонида ҳам ёзмадан „уч“, оғзакидан „тўрт“ олдим.

Физика ўқитувчимиз — ёмон! Усмон Қиличев деса бошқа малимлар у ёқда турсин, директоримизнинг ўзи ҳам типирчилаб қолади. Усмон ака урушда бўлган: чап қўли йўқ. Лекин қўли битта бўлсаям, бизларни шунақа ушлайдики...

Усмон акадан „беш“ оладиганнинг боши ўнта. Ҳаммани „икки“ билан сийлайди. Йўқ, ошириб юбордимов! Бултур синглим Жу бошқа фанлардан „тўрт“ олса ҳам, худди шу Усмон ака „беш“ қўйган. Чоракларига ҳам, йиллигига ҳам, ҳатто имтиҳонда ҳам.

Эсимда, эрта ёзда шу малим бизникига келган эди.

„Салимжон, жўра, қизингиздан малакали мутахассис чиқиши мумкин, политехника институтининг АСУ факультетига юборинг“, деганида дадам негадир узоқ ўйланиб қолган. „Биламан, малим, нима қилай, менинг ортиқча жамғармам йўқ-да“, деб қўя қолган эди. Усмон ака, „Сиздақа фронтовик одамдан шунақа гап

чиқса“, деб яккаю ягона қўлини жаҳл билан силтаганида онам ўртага тушган эди: „Қиз болага институтни ким қўйибди, шаҳарга борса айнаб кетади“. Жу бечора ўшанда роса йиғлаганди.

Гап бундаям эмас... Жонажон ўртоғим Шодивойни бутун мактаб, ҳатто районо ҳам олтин медалга тайёрлаётган экан. Тўққизинчи синфдан шу — Усмон ака физикадан дарс ўта бошлади-ю, Шодивойнинг кундалиги „уч“га тўлиб кетди. Ўшандан бери, айтишларича, Раис бува малимимиз Усмон Қиличевни ёмон кўриб қолганмиш. „Шу малимни пенсияга чиқариб кутулмасам бўлмайди“ деганмиш. Тағин у ёғини билмадим-у, шуниси аниқки, жўрам олтин медаль ололмайди. Устига устак, эртага физикадан давлат имтиҳони топширамиз.

...Имтиҳонга райондан, ҳатто областдан одамлар келади, дейишганди. Ҳеч ким келмади. Шодивойнинг фамилияси Алимов эмасми, Усмон ака, биринчи бўлиб жўрамни чақириб қолди.

Ўн йил ўқиб, биронта малимдан кўрқмайдиган Шодивой шу, Усмон акани кўрса, оёғи қалтирайдиган бўлиб қолган. Ҳозир ҳам фамилиясини айтиб чақирришганини эшитмади. Ҳаммамиз йўлакда типирчилаб турибмиз.

— Алимов! — қия очик эшикдан Усмон аканинг зардали овози келди.

— Сени чақиряпти! — дедим секингина жўрамнинг биқинига туртиб.

Шодивой гарангсиб оғзини каппа-каппа очди:

— А?

— Кир! — қаттиқроқ бақириб юбордим шекилли, кимдир елкамга мушт туширди.

— Секин-е!

— Кўрқиб кетяпман... — Шодивой кўзимга шунақанги илтижо билан термилдики, ўзим ҳам кўшилишиб йиғлаб юборай, дедим.

— Шпаргалкани чўз! — ўртоғимнинг қалин қилиб тугилган чучварадек қулоғига шивирладим. (Шпаргалкаларнинг зўри Шодивойда бўлади-да. Бошқа болалар

далада ғайрат билан ишлаётганда жұрам уйига кириб олиб ғайрат билан шпаргалка тайёрлаган: ҳаммамиз учун.) — Деразанинг олдига ўтир. Билетингнинг номерини айтсанг, ошираман.

Шодивой ихчам қилиб букланган қоғозни чўнтагидан олиб кўлимга тутқазди.

— Алимов! — қия очиқ эшикдан боягидан баттар зардали овоз келди.

Шодивойнинг кўлтиғига кириб, судрагудек олиб бордим-да, эшикни каттароқ очиб, гарданига бир мушт туширган эдим, сузонғич буқадек бошини елкаси орасига тортганча, тўппа-тўғри Усмон аканинг устига бостириб бора бошлади.

— Жиннимисан! — Усмон ака ўрнидан туриб кетди. Ягона кўлини кўтариб, калла кўйишни мўлжаллаб келаетган Шодивойнинг пешанасига кафтини рўпара қилди.

Шодивой таққа тўхтаб қолди.

— Билет ол! — деди Усмон ака Шодивойга шубҳалироқ қараб.

Тезроқ синфхонанинг нариги томонига етиб бормасам бўлмайди. Папканинг бандидан чангаллаганча йўлакдан югуриб кетдим.

Имтиҳонни далада топширганимиз қандоқ яхши эди-я! Баҳо кўйишда бригадиримиз Тўлаш ака кўмаклашиб юборарди. Бир гектар ўтоқ қилганга — „беш“ Ярим гектарга — „уч“... Шу... Раис бувагаям ҳайронманда! Давлат имтиҳони қонуний бўлсин, ўнинчилар мактабнинг ўзида синовдан ўтсин, комиссия келиб қолиши бор, дебди-да! Мана энди ўзининг ўғлига жабр бўлди!

Имтиҳон бўлаётган синфхонанинг деразаси олдига етиб олгунимча ҳали қанча бор! Аввал узундан-узоқ йўлакдан ўтишим керак. Кейин ҳовлига чиқаман. Ундан кейин мактаб орқасига ўтаман.

Ҳаллослаб чошиб боряпман-у, бир нарсани ўйлайман. Меҳнат дарсидан зўри йўқ экан-да, ўзи! Масалан, менга энг яхшиси — меҳнат дарси! Малимлар нуқул савол беравериб бошингни қотирмайди... Шунисига хурсандманки, меҳнат дарси бизда, айниқса, кўп бўлади. (Бошқа жойда қанақа, билмадим-у, бизда шунақа.) Ғўза

сал қаддини ростлаши билан ягана бошланади. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Қорни оч тўртта одамнинг олдига битта ликопчада ош кўйиб, „Қани, олинг-олинг“ десангиз, тўртталаси барабар чанг солса, нима бўлади? Ҳаммаси оч қолади, тўғрими? Ғўзаям шунақа-да! Бундан чиқди, биттасини қолдириб, бошқаларини юлиб ташлаш керак. Бирми? (Бармоғингизни букиб, санаб туринг.) Ундан кейин... Тўртта ғўзадан учтасини юлиб ташлаганингиз билан бошқа ошхўр топилмайди, дейсизми? Сиз-ку, ерга минг хил „палов“ берасиз, маҳаллий ўғит, минерал ўғит. (Вой, ҳиди қурсин. Одамни заҳарлаб ўлдираман, дейди-я!) Сиз-ку „палов“ни пахтага берасиз. Аммо унинг насибасига шерик бўладиган бегона ўтлар ҳам чиқади-да! Ўшанақа текинхўрларни таг-томири билан қуритиш керакми — керак! Бунинг оти ўтоқ дейилади. Иккита бўлдими? Ана ундан кейин чопиқ бошланади. Пахта-ниям жони бор. Нафас олмаса, ўлиб қолади. Сиз билан биз-ку оғиз-бурнимиз билан нафас оламиз. Пахта бўлса, илдизи билан нафас олиши шарт. Демак, чопиқ қилиш керак. Кейин пилла мавсуми келади. (Бунисини айтиб берувдим, бошқа гапириб ўтирмайман.) Кетидан пичан ўриш кампанияси бошланади. „Ферма тоға“нинг сигирлари пичан емаса — ҳаром ўлиб қолмайдими? Ундан кейин, яна чопиқ, ғўза суғориш... Бу — пахта дегани сувга чунонам ўчки, жуда отчалик ичмасаям, камида менинг Тулпоримчалик симиради, қуриб кетгур!

Пахта очилганидан кейин-ку... Далада байрам бошланади. Аввал, биринчи нав пахта терасиз, кейин иккинчи терим, учинчи терим. Шу пахта дегани хўп эринмаган нарса-да! Бугун териб олсангиз, эртага яна илжайи-и-б, очилиб тураверади. Кейин подбор терасиз, яъни машина териб кетганида ариққа тўкилиб қолган пахта-ни йиғиб оласиз. Чаноқда ярим-ёртиси қолсаям уволда! Ундан кейин кўрак териш, кетидан кўрак чувиш... Охири далалар қип-қизил бўлиб қолганида ғўза-поя юласиз...

Ана энди ўзингиз ўйланг! Меҳнат дарсидан зўри борми? Ҳар куни очиқ ҳавода юрасиз. (Биология малимимиз айтгандек, „Очиқ ҳаво — танга даво“.) Ўқитув-

чилар ҳам қийнаб ўтирмайди. Биринчи сентябрдан ўқишни бошлайсиз-у, олтинчи сентябрдан теримга тушасиз. Ўнинчи декабрда мактабга қайтиб келсангиз, журналлар тўлдирилган, чорак баҳолар чиқарилган!

А? Нима дедингиз? Катталар нима иш қилади, дейсизми? Ким айтди сизга катталар бекор ўтиради деб?

Масалан, менинг отам ҳам Усмон акага ўхшаган уруш ногирони. Раис бува дадамни, лунжи учишини ёқтирмагани учун буғалтирликдан бўшатиб, газета сотувчи қилиб қўйган, бўлсаям терим бошланганида отам дўкончада „Кепқолинг, газета опқолинг“, деб ўтиради дейсизми? Ҳечам-да! Синглим Жу, отам, онам тонг отмасдан далага чиқиб кетишади. Қоронғи тушганда қайтишади! Не машаққат билан етиштирилган „оқ олтин“ни ерда қолдириш, ғирт гуноҳ-ку!

Бошқаларми? Кечирасиз! Бизнинг „Машъал“ жамоа хўжалигида текинхўрлар йўқ. Ҳамма ишлайди. Раис буванинг жияни томорқасида кетмон чопади. Куёви ҳисобчилик қилади. Яна битта куёви — агроном. Кенжа куёви — иқтисодчи. Қайниси — дўконда атир-упа сотади... Булар — эркаклар! Аёлларнинг ярмиси далада, ярмиси — уйида. Нега дейсизми? Аёл бўлгандан кейин туғиши керакми, ахир? Масалан, бизнинг қишлоқда ўттиз битта Қаҳрамон она бор. Битта боласини туғиши билан иккинчисига тайёргарликни бошлаб юборади...

Э, унақа чалғитманг-да, одамни! Жонажон жўрам Шодивойга шпаргалка узатмоқчи эканимни айтувдим-ку!

Мактабнинг узундан-узоқ биносини айланиб ўтгунча жиққа терга ботиб кетдим. Кун иссиқ. Бошқа синфлар чопиққа чиқиб кетгани учун мактаб жимжит. Ўзим ҳам шунақанги тез югурибманки, нафас оламан, десам, ичимга ҳеч ҳаво кирмайди. Бундай қарасам, тилим тахминан бир қарич осилиб қопти. (Кўлим билан тиқиб, жойига киргизиб қўйдим.)

Шодивой маладес-да! Ўзим айтганимдек, дераза ёнида ўтирган экан. Очиқ ойнадан бешта бармоғини кўрсатди. Демак, бешинчи билет!

Ерга таппа ўтириб олиб, имтиҳон билетлари ёзил-

ган дафтарчани титкилаб кетдим. Аксига олиб, ҳеч тополмайман.

Шодивой, қийналиб кетганимни тушунди шекилли, калта, йўғон бўйнини чўзиб, қаттиқ шивирлади:

— Кулон қонуни! Эшитдингми, Кўшо! Кулон қонуни!

Кулон қонуни бўлса, Кулон қонуни-да! Ҳозир топамиз!

Шпаргалканинг қатини ёйишга тушдим. Шодивой ҳам бутун китобни кўчириб чиққанми, нима бало! Шпаргалка қатини очганим сайин Шокир абзийнинг гармонидек чўзилиб кетяпти. Атайлаб қилгандек, Кулон қонуни ёзилган жой ҳеч чиқмайди. Бир маҳал кимдир „гармон“нинг ерга чўзилиб ётган учидан тортиб кетаётгандек бўлди. Кўрқа-писа қарасам, қай кўз билан кўрайки, Тулпорим шундоқ тепамда туриб олиб тасмадек шпаргалкани бир четдан ямлаб ютяпти.

— Кўйвор! — дедим-у, жонҳолатда қоғозни тортқиладим. Шпаргалканинг бир қисми сўлакка қоришиб эшагимнинг оғзидан қайтиб чиқди. Ўзиям ранги суйкалиб, мажақланган гулсафсардек илма-тешик бўпкетибди.

Тулпорим, ҳар қалай ярим кулочгинасини узиб олишга улгурган экан. Ҳузур қилиб чайнади-да, қулт этиб ютиб юборди. Ёқиб қолди шекилли, яна „гармон“-га талпинди. Ўрнимдан сакраб туриб, қулоқ чаккасига тарсаки тортиб юбордим! Биласиз, Тулпорим калтак еб ўрганмаган. Кўзимга бирпас қараб турди-да, шунақанги алам билан ҳанграб юбордики, кўрқиб кетганимдан „тишш“ дедимми, „ишш“ дедимми, эсимда йўқ.

Деразадан қараб турган Шодивойнинг лўппи юзи қийшайиб кетди. Папкамни шоша-пиша титкилаб, „Физика“ китобини олдим.

— Мана! — дедим эшагимнинг ҳанграб турганидан фойдаланиб, — ёзиб ол, Шоди! Вакуумда жойлашган зарядли кўзғалмас нуқтавий икки жисмнинг ўзаро таъсир кучи...

— Алимов! — синфхона ичкарисидан дағдағали хитоб янгради. Назаримда Шодивойнинг кўзи ғилай бўлиб кетди. Бир кўзи менга қараб турибди, биттаси Усмон акага. Эшагим ҳам тақа-тақ жимиди-қолди.

Худди шу пайт синфхона ичида ғала-ғовур бошланди.

— Домулло! Қанақасиз ўзи! — деган товуш шанғиллади. — Нима қиласиз бачаларни қийнаб. Бўлинг-да, тезроқ. Чопиқ қолиб кетяпти.

Топдим. Бригадиримиз Тўлаш аканинг овози!

— Чиқинг! — Усмон ака столни бир кўллаб муштлади шекилли, алланима қарсиллади. — Чиқинг! Ким сизга рухсат берди, давлат имтиҳонига бостириб киришга!

— Имтиҳон-ку ўз йўлига... — Тўлаш аканинг товуши энди ялиниброқ чиқди. — Аммо бу ёқда шунча иш... Домулло...

— Йўқол! Қачондан бошлаб, сен саводсиз менга... Қирқ йиллик педагогга...

Ҳамма ёқ гумбур-гумбур бўлиб кетди.

— Шоди! Ма! — дедим бақириб. Фурсатдан фойдаланиб „Физика“ китобининг ўн беш варақчасини йиртиб, деразадан узатдим.

Синфхона томонидан Тўлаш аканинг алам тўла товуши келди.

— Домулломан, деб кўп керилманг, домулло! Раис бува келса ўзингиз жавоб берасиз.

Папкамни чангаллаб, мактаб дарвозаси томонга югурдим. Кетимдан Тулпорим эргашди. Дарвозанинг қоқ ўртасида Тўлаш аканинг боши бошим билан уришиб кетишига сал қолди. Унинг икки юзи хўрознинг тожи-сидай қип-қизариб кетган, ҳансираб нафас оларди.

— Шошмай тур! — деди муштини дўлайтириб. — Ҳозир Раис буванинг ўзи келади!

Кўрққанымдан лип этиб четга ўтдим. Тўлаш ака нарироқда турган кажавали мотоциклига минди, чунонам патиллатдики, қулоғим ёрилиб кетай деди.

Чопиб, синфхона эшигига келсам, Шодивой илжайиб турибди.

— Тўрт! — деди икки юзи юмронқозиқнинг лунжи-дек ялпайиб. — Кир. Сени чақиряпти.

Кўлимдаги папкани дўстимга узатдим.

— Югур! Дераза олдига бор!

— Шпаргалкани чўзмайсанми?

— Чўзилиб бўлди! — дедим тўнғиллаб. — Китобни йиртавер.

Синфхонага кирсам, Усмон ака доска олдида турганча у ёқдан-бу ёққа бориб келяпти. Бутун гавдаси муттасил чайқалади.

— Бемаънилик! — деди овози титраб. — Бориб турган бемаънилик!

Билет олишга шошилмасдим. Аввал Шодивой деразага етиб олсин!..

— Шармандалик! — малим лаблари титраб ингради. — Аллақандай чаласавод... Билет олмайсанми! — деди тўсатдан.

Кўрқа-писа, стол устида ётган узунчоқ қоғозларга кўл чўздим. Титраб турган бармоғимга илашиб чиққан биттасини чўғ ушлагандек чимчилаб тортдим.

— Ўн уч... — дедим талмовсираб.

— Бемаънилик! — малим яна бир хитоб қилди-да, негадир овози майинлашди. — Ўтир, ўғлим, тайёрлан. Шошилмасдан, ўйлагин, хўпми?

Очиқ дераза ёнига бориб ўтирдим. Биринчи саволнинг маъносини энди тушундим: „Ампер қонуни...“

— Кўшо... — дераза орқасидан минғиллаган товуш келди. — Кўшо... Саволинг нима?

Кўз қири билан қарасам, дераза тагида Шодивой бўйнини чўзиб турибди.

— Ампер қонуни! — дедим қаттиқ пичирлаб.

Айтдим-ку, малимимизнинг ўзи ёмон деб.

— Ким у? — малим югургудек бўлиб тепамга келди. — Қуртинг борми? Нимага типирчилайсан?

— Ўзим, — дедим илжайиб. — Овоз чиқармасам, масала ечолмайман, малим.

Усмон ака ҳар эҳтимолга қарши дераза томонга қараб кўйди. Мен ҳам кўз қиримни ташласам, ҳеч ким йўқ. Шодивойнинг ақли тошни ёради-да! Аллақачон қуённи суриб қопти!

Малим бир кўллаб шарақ-шуруқ қилиб деразани ёпди. Доска олдида кетди. Ўша заҳоти дераза ортидан

яна Шодивойнинг баркашдек юзи кўринди. „Оч“, деб имо қилди. „Иложим йўқ“, дегандек бош чайқадим.

Шодивой дераза ёпиқ бўлгани учун мендан бошқа ҳеч ким эшитмайди, деб ўйлади, шекилли, китобни очиб олиб, ойнага яқин келтирди.

— Ёз, Қўшо! — деди овози борича бақириб. — Ўзидан ток кучи ўтказаетган ўтказгичнинг узунлиги...

Шипиллатиб ёзиб кетдим. „Ўзидан ток кучи...“

— Кичик кесимга у билан бурчак ҳосил қилувчи...

Шипиллатиб давом этдим: „Кичик кесимга...“

— Индукция магнит майдони... — деди Шодивой овозини янаям баландроқ қўйиб.

— Салимов! Доскага!

Ноилож Усмон аканинг ёнига бордим.

— Бўлдингми?

— Бўлдим... Биринчи саволни.

— Қани эштайлик...

Икки минут олдин Шодивой қанақа бақирган бўлса, мен ундан ўн ҳисса қаттиқроқ ҳайқириб жавоб бера бошладим:

— Ўзидан ток кучи ўтказувчи ўтказгичнинг...

Худди шу пайт синф эшиги тарақлаб очилди. Шунақанги шиддат билан очилдики, каптархонага беҳосдан мушук оралаб қолса, қанақа бўлади? Ҳамма каптарлар ҳар ёққа патирлашиб учиб кетадими? Мендаям худди шунақа бўлди. Калламда ҳеч вақо қолмади, худди у қулоғимдан кирган шамол ғувуллаб, бу қулоғимдан чиқиб кетаётгандек. Қарасам, остонада Раис бува турибди. Кун иссиқлигига қарамасдан эгнига қора костюм кийиб олибди. Кўкси тўла медаль. Орқасида Тўлаш ака. Раис буванинг қўлтиғидан мўралаб-мўралаб қўйяпти. Худди эчкининг чотидан бошини чиқариб мўлтираётган улоқчадек.

— Малим... — Раис бува ғалати илжайди. — Рухсат этсангиз, кадрларимизнинг илмини бизам кўрсак.

Усмон аканинг юпқа лаби титраб кетди.

Раис бува рухсат кутмай, биринчи партага ўтириб олди. Тўлаш ака унинг ёнига чўкмоқчи эди, қорни сифмади. Эшик олдига қайтиб борди-ю, қўл қовуштириб тураверди.

— Умуман, Ампер, зўр олим бўлган! — дедим яна-ям қаттиқроқ бақириб. — Ўзи немис бўлган, малим. Электрни ҳам шу одам топган. Яъни, малимжон, Ампер қонуни...

— Малим! — Раис бува ўрнидан силтаниб турди. Парта тарақлаб кетди. — Кўрдик, балога ақли етяпти, болаларни. Аллақанақа „Кампир қонуни“ деб шунчалик чўзғилаш шартми?

— Кампирмас, Ампер! — назаримда малимимиз йиғлаб юборгудек ингради. — Қачонгача саводсиз бола тарбиялаймиз!

Раис бува бир зум ўйланиб қолди. Билмадим, малимдан уям ҳайиқарқанми ё андиша қилдими, ҳар қалай уялиброқ жилмайгандек бўлди.

— Кўйинг, энди, — деди илжайиб. — Эшитдик, камиссия келмайдиган бўпти. Йигитларимиз маладес! Йўлини топиб кетади. Кўриб турасиз, институтларнинг каттасига киради булар!

— Қандоқ қилиб? Пора берибми?

Малимнинг гапи жон-жонидан ўтиб кетди шекилли, Раис буванинг юзи қаҳрли тус олди.

— Ҳов, малим! — деди ҳар сўзни чертиб. — Ҳар йили иш айни қизиганда бир ишқал чиқарасиз. Нима, булар оқбилак бўлсинми? Мана шу бола... — У менга қараб бармоғини бигиз қилди, — мана шу азамат кечаси билан тонготар ухламай ғўза суғориб чиққанини биласизми?

Раис бува рост айтди. Жудаям тонготар бўлмасаям, ой чиққунча ғўза суғорганим рост.

— Келажакни шу авлод яратади! — Раис буванинг овози шу қадар ҳокимона жарангладики, тўртта партада ўтирган синфдошларим пилдир-пис бўлиб қолишди. — „Кампир қонуни“ни бошига урадим булар! Ўйлангда, сиз ҳам, малим.

Усмон ака ёмон дедим-ку! Тўсатдан уникиям тутиб кетди.

— Ҳов, Раис! — деди титраб. — Кўлингиздан келса оттирворинг. Мен саводсиз кадр тайёрламайман! Мактабда медаль олиб, институтга борганда „икки“га тортолмайдиган болани ёмон кўраман!

Анграйиб қолдим! Шу пайтгача биронта одам Раис буванинг кўзига тик қараб, бунақа гапирмаган эди. Раис бува ҳам бир зум эсанкираб қолди. Лекин ўша заҳоти шиддат билан ҳайқирди:

— Болалар яхши илм олмаган бўлса, айб сизда! Билиб кўйинг, шу болалар институтга киради. Албатта киради!

Ажаб, Усмон ака кулди. Кулгандаям, бўғиқ, хириллаб кулди.

— Сизнинг ўғлингизми, Раис? Хоҳласангиз олим ҳам қиласиз уни.

— Сенга нима?

Баттар довдираб қолдим. Малимнинг ёши Раис бувадан камида беш ёш, бўлмаса ўн ёш катта. Сочлари оқариб кетган. Раис бува уни бемалол сансираяпти!

— Тўрт йил олдин пенсияга чиқишинг керак эди! — деди Раис бува баттар тутақиб. — Нимага ивирсиб юрибсан?

— Яхши... — Усмон ака чуқур уф тортди. — Бўшайман. Ўзимниям жонимга тегди... — У негадир жилмайди. Пастки лабини тишлаб узоқ жимиб қолди. — Сенгаям боққан бало бордир... — деди секин.

— Э, ўчир-е, ифвогар! — Раис бува илдам келиб, менинг кўлимдан тутди. — Юр, тутхўр!

Талмовсираб орқасидан эргашдим.

Ҳовлига чиқсам Шодивой кутиб турган экан.

— Неччи кўйди? — деди кўзимга тикилиб.

Индамадим.

— Шу палид домланинг гапи учун ҳам иккалангни юрист қиламан! — Раис бува бир кўли билан Шодивойни, бир кўли билан мени билагимдан олиб судраб кетди.

Дарвоза олдига келсак, Тулпорим мени кутиб турган экан. Бошқа жой қуриб қолгандек нақ дарвозага кўндаланг туриб олибди. Четлаб ўтиб кетсак ҳам бўладик, Раис бува келиб-келиб эшакка йўл бўшатишни хоҳламади, шекилли, дағдаға қилди:

— Хих!

Тулпорим узун кулоқларини осилтириб хаёл суриб тураверди. Боя нега урганимни ўйлаётган бўлса керак.

Раис бува Шодивой билан менинг кўлимни кўйиб юборди-да, эшак бошида мушт кўтарди.

— Хих!

Тулпорим бошини хотиржам буриб, ўгирилди. Лабларини чўччайтириб Раис буванинг кулоғини ҳидлади. Кейин тилини икки қарич чиқариб унинг юзини ялаб ҳам кўйди.

Ҳозиргина малим билан уришиб ғазабланиб турган Раис буванинг жон-пони чиқиб кетди.

— Хих-е, ҳаром ўлгур! — деди-ю, икки қадам орқага тисарилиб, кучи борича эшакнинг қорнига тепди. Тулпорим бир силкиниб кетди. Кейин секин-секин бурилиб, раппа-расо тўқсон градус ўгирилди. Бир нимани нишонга олгандек, орқасига қараб кўйди. Ана ундан кейин Раис буванинг қовуғини мўлжаллаб туриб чунонам тепдики, Раис буванинг ичидан „Ғиқ“ деган овоз чиқди. Тупроқ йўлга чалқанчасига йиқилди.

Шодивой иккаламиз анграйиб қолдик.

— Тўхтат! — Раис бува инқиллаб ўрнидан кўзғалди. — Тўхтат дейман. Кимнинг эшаги бу?! — У орқасига ёпишган чангни қоқиб, қаддини ростлагунча Тулпорим шаталоқ отиб ғойиб бўлди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

БИЗ ТАЛАБА БЎЛАМИЗ!

Осмони фалакда учиб кетяпмиз! „ЯК-40“ да! Ёнида Шодивой ўтирибди. Оғзи кулоғида! Устара тегмаган мўйлови қийматахтадан ўтказса, бир қозон чучварага бемалол етадиган дўрдоқ лабини янаям қалин қилиб юборгандек. Юзига ҳуснбузар тошиб, афти устига ундамунда тош тўкилган асфальт кўчанинг ўзи бўлиб қолган. Тиф тегмаган мўйлов билан ҳуснбузар масаласида ўзимиз ҳам жўрамиздан қолишмаймиз. Шодининг юзи-ку сийрак тош сачраган асфальт. Бизники-чи? Нақ тош йўлнинг ўзгинаси!

Олдинги ўриндиқда Раис бува ўтирибди. Шляпа-сининг қирраси ўриндиқ суянчиғига тегиб қийшайиб-роқ турибди. Раис бува бунақа самолётларда учавериб, кўзи пишиб кетган шекилли, аллақачон етти уйқуни уриб бўлдиёв. Ора-чора ўртачароқ овозда хуррак тортиб ҳам қўяди.

Умрим бино бўлиб, самолёт у ёқда турсин, поездга ҳам минмаганман. Шунинг учун, трапдан кўтарилаётганда юрагим салгина така-пука бўлди. Аммо дарров ўзимни юпатдим. Самолёт Шодивойнинг „Запорожец“и эмаски, „Ферма тоға“нинг ғарамига калла қилса! Ростдан ҳам „ЯК-40“ жоннинг роҳати экан! Қилт этмайди-я! Худди бир жойда қотиб тургандек. Шундоқ тагимизда оппоқ, дўмбоқ булутлар сузиб юрибди. Шунақанги хўппа семизки, пахта хирмонидан фарқи йўқ. Устига чиқиб ирғишлагинг келади. Ола-чалпоқ „йиртиғи“дан ерга тушиб кетмасанг бас! Жўрамнинг биқинига туртиб, юма-лоқ деразадан „кўриб кўй“ дегандек, булутларга имо қилдим. Шодивой „зўр“ дегандек бош бармоғини дик-кайтириб қўйди.

Шундоқ қилиб, яқинда биз талаба бўламиз! Аслида бунақа ўй етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди.

Ўшанда Раис бува „Сенларни юрист қилмасам, раис отимни бошқа қўяман“, дейишга деб қўйди-ю, палакат босиб, Тулпоримдан тепки егандан кейин, бу гап пақ-қос эсидан чиқиб кетгандир, деб ўйлагандим. Биринчидан, Тулпор майдалашиб ўтирмайди. Тепса бирвара-кай тепиб қўя қолади. Раис бува уч кунгача ҳеч кимга кўринмади. Шодивойнинг айтишига қараганда, дадаси уч кунгача тумандан массажчи чақириб, вазелин билан қовуғини силатганмиш. Иккинчидан, Раис бува эшак меники эканини билган. Билмай қаёққа борарди: Тулпоримни мингта ҳанги орасига қўйиб юборинг: мана-ман деб ажралиб туради.

Хуллас, Раис бува Шодивой иккимизни институтга киритиб қўйишнияма худди мотоцикл олиб беришга ўхшаб аллақачон эсидан чиқариб юборди, деб ўйлагандим.

Йўқ, унутмаган экан. Уч кун аввал саҳарлаб туриб

эшагимни суғораётсам, ҳарсиллаб-гурсиллаб, Шодивой келиб қолди.

— Чамадонингни тайёрла! — деди дўриллаб. — Тошкан борамиз.

— Нега?

— Ўқишга кирамиз. Юридическийга!

Юридический деганини жудаям яхши тушунмасам ҳам озми-кўпми ақлим етарди.

— Нима, одамларни қамайсанми?

Шодивой ҳам бу ёғини ўйлаб кўрмаган эканми, иккиланиб қолди.

— Ўзимга қолса-ку, — деди мингиллаб. — Физкультурнийга кирмоқчийдим. Ҳозир юз кило штанга кўтаряпман.

— Мен анавинақа турникка осиладиганига кирардим, — дедим худди дадам дарров жавоб бера қоладигандек. Бўйим дароз.

— Шунақа-ку, — Шодивой яна мингиллади. — Физкультурнийда дадамнинг жўраси йўқ экан. Кейин... Юристар михдай яшармиш.

Ҳафсалам пир бўлди.

— Боравер!

— Йў-ў-ўқ! — Шодивой бошини сарак-сарак қилди. — Сен бормасанг, менам кирмайман ўқишга! Дадам жўрасига айтиб, сениям жойлаб кўядиган бўлди.

Дўстим рост айтган экан. Кечқурун онам эшикдан ҳовлиқиб кириб, Раис бувани алқашга тушди. Раис бува онамни атайлабдан идорага чақириб олиб айтганмиш.

„Шундоқ-шундоқ, янга, Кўшоқвойни азалдан яхши кўраман. Уям ўзимнинг ўғлимдек, гап. Шодивой иккаласи ўқиб, юрист бўлиб келади!“

Ҳовли супураётган синглим энамнинг гапини эшитиб негадир ҳиринглаб кулди.

— Сиздан юрист чиқмайди, ака!

Супада жўхори уқалаб ўтирган дадамнинг ўнг лунжи уча бошлади. Онамга қараб чақчайди.

— Илоннинг ёғини ялаган ўша Раис оталик қилармишми, менинг ўғлимга? Раҳмат! Берадиганини белбоғига боғласин!

Онам кўзига ёш олди.

— Доим шунақа кажбахслик қиласиз. Биров сизнинг ўглингизни ўқитаман, одам қиламан, деса...

Дадам сўтани улоқтирди-да, жаҳл билан қўл силтаб кўчага чиқиб кетди.

Кеча Шодивой яна келди. Чўнтагидан бир даста қоғоз чиқарди.

— Кўриб қўй! — деди мақтаниб. — Иншонинг зўри мана бунақа бўлади! Адабиёт малимимизнинг ўзи ёзган.

Эсим оғиб қолай деди.

— Ҳой жинни! — дедим бақриб. — Тошкандаги институт сенинг мактабингми, шпаргалка кўчирсанг индамай турадиган! Деразадан ўзингни улоқтириб юборар!

— Улоқтирмайди. Дадамнинг жўраси бор.

Кечкурун отам ишдан келди-ю, айвон ўртасида турган бир дастурхон патир, бир тоғора бўғирсоқни кўриб ҳайрон бўлди.

— Нима бу?

— Йўлга! — деди онам тушунтириб. — Болам бечора мусофир юртда оч-наҳор юрадими? Жилла курса озроқ пул беринг. Нонушта қилиши бор, исталавойга кириши бор...

Дадамнинг бир эмас, иккала лунжи уча бошлади.

— Эҳтиёт бўл! — деди тўнғиллаб, — ўглинг космосга учиб кетяпти... Кўрасан, ҳали, ҳафта ўтмай қайтиб келади тўрвасини кўтариб.

Онамнинг жазаваси қанақа тутишини айтувдим-а? Ҳозир ҳам шунақа бўлди.

— Ҳой, — деди икки кўлини тиззасига баравар шаппатилаб. — Одамлар боласини ўқишга жойлайман деб сигирини сотади, мошинини сотади. Белига жарақ-жарақ пул тутиб, домланинг уйига боради. Раис бувадек одам бош кўшиб турганда сиз биттаю битта ўглингиздан пул аяйсизми? — У тўсатдан йиғлаб юборди. — Майли, узугимни сотаман, сирғамни сотаман! Керак бўлса, Мавжунинг тўйига атаб қўйган гиламни сотаман!

— Бўлди! — дадам, боши муттасил чайқалиб шимининг чўнтагини ковлади, бир ҳовуч пулни хонтахтага улоқтирди-ю, ҳовлига тушиб кетди.

Онам дарров овуниб қолди. Шолчага чўнқайиб ўтирганча бош бармоғини ялаб ҳафсала билан пул санади, рўмолини ечиб, пулни чандилаб боғлади.

— Ма, белинга тугиб ол! Шаҳар ёмон бўлади. Битта-яримтаси киссангдан олиб қўймасин.

Онам чамаси кечаси билан ухламадиёв. Аллақаяқдан эски чамадон топиб келди. Иссиқ тўр кўйлак (шамоллаб қолмаслигим учун), битта қора костюм (дадамники, куядори ҳиди келиб турибди), иккита шим, икки жуфт пайпоқ, ўн олтита патир (ўзим санаб турдим), бир тўрва ёнғоқ (ўзимизнинг томорқадаги ёнғоқдан), бир тўрва туршак (тоғамникидан келган, қуртлаганидан билдим), ярим тўрва қурут (ўзимизнинг қатикдан), ярим тўрва бўғирсоқ (кеча пиширилган), яна аллақанча нарсаларни жойлаб, қопқоқни ёпган эди, чамадон аждарнинг оғзидек бир очилганча устига миниб олиб, босса ҳам қайта ёпилмади.

Онам ишнинг кўзини биледи-да! Дадамнинг эски шимидан қалинлиги беш энли келадиган камарни ечиб олиб, бир тортган эди, чамадоним оғзини юмди. Фақат эшагимнинг хуржунидек икки томонга тарвақайлаб, дўмбайиб қолди.

Тонг саҳарда туриб, ташқарига чиқдим-у, энг аввал ёнғоғим билан хайрлашдим.

— Хайр, қадрдон ёнғоғим! Устингдан йиқилиб, бошим ёрилган бўлсаям, барибир сени яхши кўраман! Сенинг меваларингни еб, ақлим тўлишди. Эрта-индин талаба бўламан! Мабодо тош отиб, шохингни синдириб, хафа қилган бўлсам, рози бўл.

Ёнғоғим қилт этмади.

Кейин оғилхонага кириб, Тулпорим билан хайрлашдим.

— Хайр, меҳрибон Тулпорим. Имтиҳон куни сени урмоқчи эмасдим. Ўзинг шпаргалкани еб қўйиб чатоқ қилдинг. Хафа бўлма! Рози бўл, Тулпорим! Ҳар куни мактабнинг деразаси олдига бориб турардинг. Энди мендан ким хабар олади?

Эшагим юзимга қараб бир хўрсинди, икки хўрсинди. Кейин энтикиб-энтикиб ҳанграб юборди. Қарасам, ўзим

ҳам йиғлаб юборадиганман. Чопиб ҳовлига чиқдим. Синглим тандирга ғўзапоя тиқиб энди гугурт чақаётган экан.

— Хайр, Жу! — дедим йиғламсираб. Синглимни бағримга босиб, пешанасидан ўпдим. — Калишимни йиртиб қўйганинга сўккандим, рози бўл.

— Вой қўлим куйди! — синглимнинг афти буришиб кетди. — Қанақа калиш?

Қаранг, аллақачон эсидан чиқиб кетган экан-ку, мен бўлсам...

Айвонда турган онам ўпкаси тўлиб, мени бағрига босди.

— Хайр, энажон, рози бўлинг! — деган эдим, хўнграб йиғлаб юборди.

— Вой, болажоним, энагинангни ташлаб, қаёқларга кетяпсан?

— Хайр, дадажон! — уй томонга қараб хўрсиниб қўйдим.

— Даданг аллақачон ишга кетган! — онам рўмолининг учига бурнини қоқди.

Қаранг, дадам узоқ сафарга кетаётганимни кўрабила туриб, хайрлашгиси ҳам келмабди. Шу қилганига Тошкентга бориб олим бўлиб келаман! Праписир бўлиб келаман! Бир уялсин!

Мана, кетяпмиз энди „ЯК-40“да! Самолёт деразасидан қараб боряпман-у, бундан беш йил аввал қазо қилган моможонимнинг гапини эслайман. Бир куни моможоним мақтанган эди. Бу дунёда кўрмаган жойим қолмади, бачам, бу ёғи Шалдирамасойгаям бориб келдим! (Шалдирамасой бизнинг қишлоқдан олти чақирим нарида. Эшакда бир соатли йўл.)

Самолёт манзилга яқинлашди шекилли, пастлай бошлади. Ип тортилгандек тўппа-тўғри йўллар, оппоқ бинолар, поезд изи кўринди.

Олдинги ўриндиқда ўтирган Раис бува самолёт ерга қўнгандан кейингина уйғонди. Суянчиқ устидан бизга мўралаб қаради. Юзи қип-қизариб кетибди. Кафтининг орқаси билан сўлагини артиб, қийшайиб кетган шляпасини тўғрилаб олди.

— Келдик, полвон! — деди илжайиб. Менга айт-
дими, Шодивойгами, тушунмадим.

Вой-бў! Тошкент дегани ҳам хўп ғаройиб шаҳар
экан-да! Одамлар мунча кўп! Тағин ҳаммаси шошилади.
Кўпкарига келган чавандозга ўхшайди-я! Машиналар-
нинг физиллашини айтмайсизми! Биз ўтирган такси
осмон барабар бино олдига етиб келгунча эллик сак-
кизта машинани қувиб ўтди. Санаб турдим.

Шодивой ўзининг чамадонини, мен ўзимнинг дўм-
пайиб кетган чамадонимни кўтариб, тепасига қара-
сангиз, дўппингиз тушиб кетадиган бинога кирдик.
Раис буванинг қўлида юк йўқ ҳисоб. Ихчамгина „дип-
ломат“ кўтариб олган. У, кетимдан юрларинг, дегандек
имо қилди-да, аллақанча одам тўдалашиб турган ойна
тўсиқ олдига борди. Бинонинг ичи салқингина экан.
(Одамнинг ухлагиси келади.) Шодивой иккаламиз ча-
мадонни кўтарганча Раис буванинг кетидан сафга тур-
дик. Ойнаванд тўсиқ ортига секин мўраладим. Шоди-
войнинг „Запорожец“ ига ўхшаган ҳаворанг кўйлак кий-
ган хотин баланд суянчиқли курсида ўтирибди. Аввалига
хотин памилдори еб ўтирган экан, деб ўйладим. Йўқ,
лаби шунақа, қип-қизил экан. Қошини айтмайсизми,
қошини! Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, қошсиз туғилган
бўлса, уялганидан қалам билан чизиб кўйгандир-да,
деб ўйладим. Йўқ, разм солиб қарасам, „қил“нинг таги
кўкариброқ турибди. Дадам соқолини гузардаги сарта-
рошхонага кириб, Собит чўлоққа олдириб келган куни
шунақа кўкариб қолишини кўрганман. Бундан чиқди,
зангори кўйлакли хотин ҳам кунора сартарошхонага
кириб Собит чўлоққа ўхшаган сартарошга қошини қир-
дирар экан-да! Оғригандир, бечоранинг қовоғи!

Хотин сариқ телефонни қулоғига босиб, аллаким
билан гаплашарди.

— Гуличка! Лёля эрини разводга берибди... Нима?
Йўқ, пиёнистамас! А? Инженер эди-да! Оладиган мао-
ши йўлкирасидан ортмасди. Тағинам Лёля бечора олти
ой чидади!

„Сафимиз“нинг олд томонида асабий овоз янгради:

— Қизим!

Бўйнимни чўзиб, бу ёққа қарадим. Саратон бўлишига қарамай телпак кийиб олган чол туйнук томонга энгашиб ҳайқирди:

— Менга қара, қизим...

— Минуточку! — хотин телефонни қулоғидан нари суриб, чолга юзланди:

— Жой йўқ!

— Қизим...

— Менинг отам кўкариб чиққанига ўн тўрт йил бўлди, — хотин телефонни яна қулоғига босди. — Гуличка, эшитяпсанми? Эртага судга бораркан. Нима, квартираними?

— Жон опа! — бояги чол овозини баландроқ кўтарди.

— Минуточку! — хотин ипдек қошини чимирди. — Менинг укам йўқ!

— Опажон! — чол ялинишга тушди. — Ўғлим узум сотгани келган эди. Бозорда қўлга тушиб иши судга оширилибди.

— Спекулянт жазосини олиши керак, — хотин телефонни қулоғига босди. — Эшитяпсанми, Гуличка! А? Лёля дурочками, квартирани бериб қўядиган. Инженернинг кетига битта тепса...

Телпакли чол жой олишдан умидини узди шекилли, нари кетди. Аввал Раис бува, кетидан Шодивой, Шодивойнинг кетидан мен — чамадонни кўтарганча раппа-расо бир қадамча олдинга жилдик. Мундай орқага қарасам, яна йигирматача одам тўпланиб кетибди. Вой-бў, бирпасда-я!

— Лёля Айрапетян билан гаплашибди...

Чолдан кейин турган, бошига рўмол ўраган қопқора хотин энди биринчи бўлиб қолганига қувонди шекилли, шанғиллади:

— Синглим?!

— Гуличка, минуточку! — зангори кўйлакли хотин телефонни яна қулоғидан узоқлаштиришга мажбур бўлди. — Опам учта! — деди мих қоққандек қарсиллатиб. — Тўртинчи опам борлигини билмасдим.

Қора хотин бало экан.

— Мен Қахрамон онаман! — деди чертиб-чертиб. Бир эмас, ўнта михни баравар қоққандек қарсиллатиб ташлади. — Ўн битта болам бор.

Зангори кўйлакли хотин пинагини бузмади.

— Табриклайман!

— Олтинчи қизим — оғир касал. Тошмига ётқиздим. Кўчада тўрт яшар кенжам турибди.

— Қанақа одамсиз ўзи, ёш болани кўчада қолдириб бўладими? Машина уриб кетса, буниям Тошмига обора-сизми? — У яна телефонни қулоғига босди, — Гуличка! Лёля Айрапетян билан гаплашибди. Айрапетян айтибди. „Эринг яхшиликча уйини бўшатмаса, қаматиб юбораман“, дебди. Нима? — Зангори кўйлакли хотин қувонч билан хитоб қилди. Ҳатто ўрнидан туриб кетди. — „Жижи?“ Арабскийми? Йўқ, биттамас, иккита! Кейин... Биттагина „Адидас...“ Шефингга айтсанг...

Қора хотин ростдан ҳам тўрт яшар боласини машина уриб кетишидан кўрқди шекилли, ерда ётган тугунтерсакларини кўтариб ташқарига отилди. Яна бир қадам сурилдик.

— Гуличка! — зангори кўйлакли хотин телефонни қулоғига янаям қаттиқроқ босди. — Шефингга айт: Мен „лох“ эмасман. Шапкасини бошқаларга кўйсин.

Олд томондан гўлдираган овоз келди:

— Опажон!

Қарасам, айвони катта шляпа кийиб олган йигит туйнукка энгашиб ялиняпти:

— Жон опа!

Хотин бу гал телефонни қулоғидан олмади. Шляпа-лига қарамадиям. Ўнг қўлидаги ручка билан туйнукнинг ярмисини тўсиб турган тахтачага нуқиб кўйди. Бўйнимни янаям чўзиб қарасам, тахтага ҳар биттаси ўрта бармоғимдек келадиган ҳарфлар билан „Жой йўқ!“ деб ёзиб кўйилибди.

— Гуличка! — хотин сирли жилмайди. „Жижи“ билан „Адидас“ни тўғрилаб берсанг, — деди овозини пасайтириб, — битта „Лама“ биздан!

— Опажон! — шляпали йигит астойдил ялинди. — Олисдан келганман.

— Ўзбекмисиз? — хотин бу гапни „Гуличка“га айт-
дими, шляпали йигитгами, билмадим. Ҳар қалай, шля-
палига айтган экан. Йигит қувониб кетди.

— Ҳа, опажон, ўзбекман!

— Ўзбек бўлсангиз мен ҳам ўзбек тилида айтяпман.
Жой йўқ! Тушунарлими?

— Ахир мен узоқдан келганман! Анжандан!

— Эҳ-ҳе! Мен Аргентинадан деб ўйлабман. Қирқ
саккиз, Гуличка! Иккинчи рост. Сенинг размеринг.

Хайрият-ей! Раис бувагаям гал келди.

— Жой борми? — деди Раис бува негадир илжайиб.

Зангори куйлакли хотин биз томонга қарамади. „Жой
йўқ!“ — деб ёзилган тахтачага ручкаси билан нуқиб,
давом этди:

— Ёқмай ўлсин! „Мистер-Д“дан тўртта керак. Фикон
бўлсаям майли. Марат акамга! Ёқаси қирқ бир...

— Жой борми? — Раис бува бу гал дағдағалироқ
хитоб қилди.

— Савод борми? — хотин яна тахтачага нуқиди. —
Гуличка! Эшитдингми, қирқ бир! Э, жинсини бошига
урадимми? Ўзида тиқилиб ётибди.

Раис бува тахтачани шахт билан юлқиб олиб нари
суриб қўйди.

— Бизгаям-а!

— Минуточку, Гуличка! Бу нахаллар... — тўсиқ орқа-
сидаги хотин қошини чимириб, биз томонга ярқ этиб
қаради-ю, тўсатдан юзи ёришди. — Ие, — деди жилмайиб.
Телефонни қулоғига босиб, ниҳоятда майин, ниҳоятда
мулойим гапирди. — Гуличка, уч минутдан кейин телефон
қиламан. — Гўшакни қўйиб, ўрнидан туриб кетди.

— Бормисиз, Тошмамат Алимович! Нимага очерид
кутиб турибсиз? Бу ёқдан келавермайсизми?!

— Ишингиз қийин экан... — Раис бува оғир-оғир
бош чайқади. — Ҳар куни шу аҳволми?

— Э, шуларни деб гипертоник бўпқолдим, Тош-
мамат Алимович! — у шу қадар озор чекиб икки чакка-
сини қисдики, қўйиб берса ҳозир йиғлаб юборгудек
эди. Хайрият, йиғламади. Кулранг телефонни кўтариб
шоша-пиша рақам терди.

— Мухочка! — деди овозини пасайтириброқ. — Етти юз ўн тўққизнинг эгаси келди. — Кейин мулойим жилмайиб, Раис бувадан сўради:

— Бир ўзингизми?

— Кўпчилик! — Раис бува Шодивой иккаламизга имо қилди. — Кадрларни олиб келдик. Ўқишга кирмоқчи...

Хотин бир қўли билан телефонни қулоғига босган кўйи туйнукдан бошини чиқариб, аввал Шодивойга, кейин менга қаради.

— Сизам хитирсиз! — деди Раис бувага қошини учириб. — Ўғлим битта деб юрардингиз-ку!

Раис бува биз томонга қараб кўйди.

— Битталиikka битта! Буниси, — деб менга имо қилди. — Бунисиям яхши бола, ўзимизнинг кадр.

Хотин туйнукдан бошини ичкари тортди.

— Муха! Ҳозир чиқишади. Уч киши! Нима? Йўқ, аёллар йўқ. Менга қара! Яна битта номер топасан.

— Керакмас! — Раис бува илжайиб қўл силтади. — Кадрларни жойлаштирайлик. Мен... Биласиз-ку, Ойдин! Бедананинг уйи йўқ, қайга борса питпилдиқ!

— Сизам хитирсиз! — хотин қип-қизил, узун тирноқли бармоғи билан пўписа қилди.

— Юрларинг! — Раис бува қовоғини солиб Шодивой билан менга буюрди.

Ўртоғим иккаламиз жонҳолатда чамадонларга ёпишган эдик, Раис буванинг жаҳли чиқиб кетди. Менга-мас-у Шодивойга ўшқириб берди:

— Кўй, жойига, нокас! Ўзлари опчиқади.

Аммо ўзи қўлидаги дипломатини ташламади. Шодивой зина томонга йўналган эди, тагин ўшқирди:

— Шошма, бу ёққа кел!

Негадир зина эмас, аллақандай жигарранг эшик олдига бориб қолдик. Икки кўзим Тулпоримнинг хуржунидек дўппайиб кетган чамадонимда! Нон билан бўғирсоқ, ёнғоқ билан қуртлаган туршак-ку, майли. Аммо чамадонимда дадамнинг костюми бор. Онам сотиб олган пайпоқ бор. Бир эмас, икки жуфт. Биров лип этиб ўмариб кетса...

Шу пайт жигарранг эшик ўзидан-ўзи шифиллаб очилди. Ичидан қора кўзойнак таққан малласоч чол

билан худди қишлоғимиздаги боғча болалариникига ўхшаган калта иштонча кийиб олган кампир чиқиб келди. Анграйиб қопман. Чол-кампирлар аллақандай тилда „ве-о-ве-о“ деганча нари кетди.

— Кирсанг-чи! — Раис бува қўлимдан тортиб эшик ичига олиб кирди.

Тушундим. Лифтга чиққан эканмиз. Зум ўтмай тагин эшик очилди. Раис бува ихчам портфелини саланг-латганча дераза олдида турган стол томон борди. Хаёлим чамадонимда!

— Бормисиз, Муҳаббатхон! — Раис буванинг қувончли хитобидан ҳушим жойига келди.

Устига мошранг мато ёпилган, бир чеккасига телефон, бир чеккасига гулдон қўйилган стол орқасида ўтирган хотин дик этиб ўрнидан турди. Бу хотин ҳам худди пастдаги аёлга ўхшаб калта энгли зангори кўйлак кийиб олган, фарқи шуки, гавдаси пастдаги хотинга тахминан бир яримта келар, аммо Шодивойнинг она-сидан, яъни ҳовлисида тут барги кесганимда йиқилиб тушиб, ерни қимирлатиб юборган Жамила холамдан анча ихчам эди.

— Ўзингиз камнамосиз, ўртоқ раис! — у Раис буванинг кафтини чангаллаб, кўш қўллаб қисди. Шунда билдимки, ҳар билага менинг сонимдан йўғон бўлса борки, ингичка эмас. — Эсон-омонмисиз? Планлар юзми? Бола-чақалар омон-эсонми?

У қўлини ҳар силкитганида Раис буванинг чайир гавдаси силкиниб-силкиниб кетарди.

Пастдаги хотин „Муха“ деганида пашшадек қилтириқ аёлни кўз олдимга келтирувдим. „Муха“си шунақа бўлса, фили қанақа бўларкин?

„Муха“ опа, яъни Муҳаббат опа стол тортмасини шарақ-шуруқ қилиб очди-ю, бандига тухумдек ёғоч илгич осилган калитни олиб, йўл бошлади. Тавба! Шундоқ семиз хотин, шунақанги зипиллаб юришини биринчи кўришим. Йўлакка тўшалган чўғдек гилам устида юриб эмас, учиб бораётгандек.

„Муха“ опа йўлак адоғига етай деганда бир эшик олдида тўхтади. Калит солиб, шарақ-шуруқ қилиб очди.

— Марҳамат қилсинлар! — деди ёш келинчаклардек таманно билан икки қўлини семиз кўксига қўйиб.

Аввал Раис бува, кейин Шодивой, ундан кейин мен ичкари кирдик. Вой-бў! Гастинса деган зўр бўларкан-ку! Ерга оловдек гиламлар тўшалган. Бир томонда диван, бир томонда ёғоч каравот. Бурчакда холодильник...

Хаёлимга лоп этиб бир фикр келди. Майли, Шодивой каравотда ётсин, менга диван ҳам бўлаверади.

Шуни ўйлаб турсам, эшик журъатсиз тақиллади.

— Да! — деди „Муха“ опа зардалироқ оҳангда.

Эшик очилиб, иккита чамадон кўтарган, бошига зангори шапка кийган шоп мўйлов киши кўринди. Хайрият-ей, чамадоним омон экан!

Мўйловли киши иккала чамадонни ерга қўйиб, уф тортди. Энди бурилиб кетаётган эди, Раис бува тўхтатди.

— Шошма! — чўнтагини ковлаб пул чиқарди. — Раҳмат!

Мўйловли киши негадир хижолатли илжайди:

— Кўп-ку, Раис ака!

— Бўпти, боравер! — Раис бува қовоғини солган эди, мўйловли киши пулни чангаллаганча, тисарила-тисарила йўлакка чиқиб кетди.

Чамадоним омон-эсон топилганига қувониб кетдим. Бу ёғи-ку жойида! Шодивой каравотда ётса, мен диванда ётсам, Раис бува нима қилади?

Худди шуни кузатиб тургандек, „Муха“ опа ёнбошдаги эшикни очди. Кўкимтир парда орқасидаги эшикни кўрмай қопман.

— Марҳамат! — деди таъзим қилиб. — Бу ёғи ётоқхона.

— Қорин оч! — Раис бува яна қошини чимирди.

— Ресторан соат еттигача перерив... — деди „Муха“ опа айбдор алпозда жилмайиб. — Шу ёққа заказ қиласизми?

Раис бува норозироқ алпозда хўрсинди:

— Нима бор ўзи?

— Аниқ билмадим-ку, антрикот, кавказский шашлик, киевский котлет, табака, мампар, лағмон...

— Бўпти! — Раис бува унинг гапини кесди. — Табака опчиқ.

— Учтами?

— Тўртта! Қорин пиёзнинг пўсти бўпкетди.

„Муха“ опа негадир кетишга шошилмасди.

— Раис ака, — деди эшик олдида тўхтаб. — Бу... Болалар билан сиқилишиб қолмасмикинсиз... Қанчага келгансизлар ўзи?

— Мен билан ишинг бўлмасин! — Раис бува биз томонга қараб қўйди. — Кадрлар... Хуллас, ўқишга жойлашиб бир ёқлик бўлгунча туради. Хоҳласа, бир ой, хоҳласа, икки ой.

— Ўзлари-чи, хўжайин? — „Муха“ опа жилмайиб, қошини учирди. Икки қўлини ўғирдек белига тираб, қилпангламоқчи бўлган эди, яхши уддалай олмади. Қорни лопиллаб кетди.

— Гапни кўпайтирмай табакани опчиқсанг-чи! — деди Раис бува ўшқириб.

„Муха“ опа чиқиб кетиши билан Раис бува Шодивой иккаламизни ичкари хонага бошлади. Қарасам, бояги хона бунинг олдида ип эшолмайди. Деразаларга пушти ранг пардалар тутилган. Икки дераза олдида иккита каравот, бурчакда рангли телевизор! Бир бурчакда магнитофон.

— Ие, японский шекилли? — Шодивой энди магнитофон томонга юрган эди, Раис бува бақириб берди.

— Аҳмоқ! Ўқишга киришга келганмисан, музыка эшитишгами?..

Шодивой хона ўртасида таққа тўхтаб қолди.

— Унақамас-да! — деди Раис бува сал ҳовуридан тушиб. — Аввал институтга кириб ол... Кейин... — шундай деб гурс-гурс қадам босиб, нариги хонага чиқиб кетди. Зум ўтмай ўша томонда сув шовуллади.

...Табака дегани шунақанги мазали таом эканки, бунақасини Чияли бозорда ҳам тополмайсиз. Шодивой иккаламиз қовурма товуқнинг суягиниям ғажиб ташладигов!

— Менга қара! — Раис бува ёғ босган қўлларини, қалин лабларини қоғоз рўмолчага артиб, ўрнидан турди.

Эрталабдан бери ўзи кўтариб юрган дипломатни Шодивой танлаган каравотнинг тагига суқиб қўйди. — Йўқотиб қўйсанг... — деди Шодивойга чақчайиб. — Ичагингни суғуриб оламан! Уқдингни? Ёстигиннинг тагига қўйиб ёт. Ташқари чиқсаларинг... — у энди менга ўтирилди. — Калитни этажний дежурга бермайсан! — Раис бува елкамга қоқиб қўйди. — Сен пишиқ боласан-ку, тутхўр! Жўранг аҳмоқ!

Шодивойга қарасам, бармоғини ялаб ўшшайиброқ ўтирибди.

— Унақамас, Раис бува, — дедим илжайиб. — Шоди — зўр!

— Бўпти! — Раис бува ўрнидан турди. — Менинг зарур ишларим бор. Эрталаб келаман. Эшикни қулфлаб оларинг. Калит оғзида қолсин. Ўшанда биров кирмайди.

Шундай деди-ю чиқди-кетди. Шодивой менга қаради. Мен Шодивойга.

— Эшикни қулфладингни? — деди Шодивой кўрқаписа.

— Қулфладим.

— Калит оғзида қолдими?

— Қолди. Сал чапроқ томонга буриб қўйдим. Шоди...

— Энди нима қиламиз, Кўшо?

— Телевизор кўрмаймизми? Тошкентда бошқача кўрсатса керак.

— Дадам билиб қолса, ўлдиради.

— Музыка эшитамизми?

— Ўлдиради.

— Кўчани томоша қила қолайлик, Шоди.

— Майли-и-и!

Иккаламиз дераза пардасини очиб, кўчани томоша қила бошладик. Ҳамма ёқ чироқ! Машиналар шовуллаб ўтади. Аллақаяқда трамвай гийқиллайди. Пастдан, биринчи қават томондан „гумбур-гумбур“, „вош-вош“ деган садо келади. Ресторанда ўйин-кулги бўляпти, чоғи. Рўпарадаги боғ ичи чароғон. Боғ ўртасидаги пушти ранг ёзувга кўзим тушди: „Мороженое“.

— Шоди-и! — дедим секин. — Морожний емай-мизми? Менда пул бор. — Гапимнинг исботи учун бе-

лимни қашлаб қўйдим. Шунча пулни белга боғлаб юриш осон эмас экан. Эрталабдан бери биқиним қичишади.

— Иложи йўқ, Қўшо! — ўртоғим хўрсинди. — Эртага...

— Бўлмаса ухлай қолайлик.

— Майли...

Чироқни ўчириб ётдик. Шодивой у деразанинг тагига, мен бу деразанинг тагига. Уйқу келса қани? Дарпардани тортиб қўйганимиз билан Шодивойнинг ҳам, менинг ҳам ёстиғим устига бир тутамдан нур тушиб турибди. Нуқул бугунги воқеаларни эслайман. Тулпорим билан хайрлашганим. Онамнинг йиғлаб қолгани, самолёт, булутлар. Қошини сартарошга олдирган хотин, „Муха“ опа... Бир маҳал Шодивойнинг каравоти гирчиллай бошлади.

— Шоди, — дедим бошимни кўтариб. — Нима қиляпсан?

— Дадам айтди-ку! Ёстиғимнинг тагига қўйиб ётмасам... — Жўрам аввал ёстиқни кўтариб, бояги дипломатни жойлаб кўрди. Кейин, кўнгли ўрнига тушмади, шекилли, тўшак қатини очиб, дипломатини қўйди. Устидан тўшак ёпди. Унинг устидан чойшаб ёйди. Устига ёстиғини босди.

Шошма! Раис бува Шодивойни бекорга огоҳлантирдими?

Менинг чамадонимдаги нарсалар униқидан камми? Ўн олтига патир, бир тўрва бўғирсоқ, ярим тўрва ёнғоқ, ярим тўрва қурут... Энг муҳими дадамнинг костюми, пайпоқ...

Мен ҳам ўрнимдан ирғиб турдим-да, яланг оёқ шипиллаб бориб, шкафни тарақ-туруқ қилиб очдим. Чамадонимнинг бандидан икки қўллаб кўтариб келиб, ёстиғимнинг тагига босдим.

— Нима қиляпсан, Қўшо? — деди Шодивой пичирлаб.

— Чамадонимни эҳтиёт қиляпман, жўра, — дедим мен ҳам пичирлаб.

Тўғри-да! Гастинсани ўғри босса, Раис бува йўқ, Шодивойнинг кичкинагина дипломатини ўғирлаганда менинг хуржундек чамадонимни соғ қўярмиди?

Бошимни ёстикқа ташлаганимни биламан. Дўқ этган овоз эшитилди. Гарданим чунонам зирқираб кетдики, афтим олмақоқидек бужмайиб кетдиёв. Бўйнимни силаб-силаб бу гал ёстикқа бошимни секинроқ ташладим.

— Ухлаймизми, Шоди... — дедим пичирлаб.

— Майли, Кўшо...

Шу Тошкент деганиям хўп серғалва шаҳар эканда! Кўча тўла шов-шув, вағ-вуғ. Хонамиз зириллайди. Ҳаммасиям майли-ку, ётибманми, ўтирибманми, ўзим билмайман. Ёстик остидан чамадоним ғўдайиб турибди. Гарданим ҳалиям зирқираяпти.

Охири кўзим илинибди. Бир маҳал аллақандай шатир-шутур товушдан уйғониб кетдим. Товуш чап томондан келар эди. Аввалига қаерда ётганимни билолмадим. Ғалати товуш эса ҳамон шипилларди.

— Олти минг бир юз йигирма беш... Олти минг бир юз элик, олти минг бир юз етмиш беш... Олти минг бир юз саксон беш... Олти минг икки юз ўн...

Секин ўгирилиб қарасам, Шодивой каравотида чордона қуриб ўтирибди. Кун бўйи Раис бува қўлида кўтариб юрган дипломатнинг оғзи очик. Деразадан тушиб турган бир тутам нур остида каравотда юз сўмлик, элик сўмлик, йигирма беш сўмлик, хуллас, бир қучоқ пул ётибди. Шодивой ғайрат билан санаяпти.

— Етти минг йигирма беш. Етти минг элик.

— Менгаям ошир!

Уйқусираб турганим учунми, овозим шунақанги дўриллаб чиқдики, ўзим ҳам кўрқиб кетдим.

Шодивой пул санашдан тўхтаб қолди. Ичидан инграганга ўхшаш овоз чиқди. Кейин „дод“ деди-ю, ўзини дипломат устига ташлади. Ўша заҳоти тўшакда ёйилиб ётган пуллар эсига тушиб қолди шекилли, патир-путур қилиб юз сўмлик, элик сўмлик пулларни чангаллаб, майкасининг ичига тиқишга тушди.

— Вой-дод! Ўғри!

Баттар кўрқиб кетдим. Сапчиб ўрнимдан туриб, чироқни ёқдим. Ўртоғимнинг ранги қув ўчиб кетган, тут-

қаноқ тутган одамдек оёқ-қўлини баравар типирлатиб, пулларни яширишга уриняпти.

— Шоди! — дедим бақриб. — Эсинг жойидами?

Стол устида турган графиндан стаканга сув қуйиб аввал юзига сепдим. Кейин ичирдим.

— Ким? — Шодивой тишлари такиллаб, стакандаги сувдан беш-олти култум култиллатиб ичганидан кейингина ранги сал ўзига келди. — Ким, Қўшо? — деди ҳамон титраб. — Пулингдан бер, деб ким айтди?

— Э, ўл-е! — жўрамнинг яланғоч елкасига қарсиллатиб сопқолдим. — Пулинг билан қўшмозор бўл-е!

— Меникимас... — Шодивой кўзимга илтижоли термилди. — Дадам айтган. Домланики... Санашиб юборасанми?

— Ухла! — дедим тўнғиллаб. — Эртага санайсан!

— Жон Қўшо... — Шодивой ҳамон титраганча ялинди. — Дадамга айтмагин, хўпми? Папкани нега очдинг деб ўлдиради!

ЎНИНЧИ БОБ

ДОМЛАЖОННИНГ „ХАТОСИ“

Эрталаб бўйним оғриб уйғондим. Хона тўридаги тошойнага қарасам, бошим чап елкамга ёпишиб қопти. Бундан чиқди, ўнг ёнбошим билан ётган эканман-да! Муттасил қичишаётган биқинимни қашлаган эдим, қўлим дўппайиб турган тугунчага тегди. Тугун баданимга ботиб, чуқурча қилиб юборибди.

Рўмолни ечиб, пулимни санаб кўрдим. Жойида: бир юз ўн тўрт сўм. Шошма, қийналиб нима қилдим? Киссамга солиб кўя қолсам бўлмайдими?! Зўр келса, қўлимни чўнтагимга суқиб юра қоламан-да!

Шодивойни уйғотиш қийин бўлди. Ювиниш учун ваннахонага кириб кетаётганида бундоқ юзига қарасам, афтини кўриб бўлмайди. Ҳамма ёғига учуқ тошиб кетибди. Кечаси ёмон кўрққан экан, шўрлик!

Чамадонимни очиб, иккита патир, бир ҳовуч тур-

шак, ёнгоқ, тўртта курут олдим. (Хайрият-ей, қадрдон хуржуним сал-пал „озди“.)

— Ана энди бир чойнаккина кўк чой бўлса...

Гапим оғзимдан чиқмасидан эшик тақиллади. Чопиб бордим:

— Раис бува...

Эшик ортидан кўнғироқдек овоз келди:

— Завтрак!

Анграйиб қопман. Нима бало, чўпчаклардаги сеҳрли саройга кириб қолганмизми? Нимани хоҳласанг, оғзингдан чиқмасдан муҳайё қилишади.

Калитни бураб, эшикни очсам, белига оппоқ пешбанд боғлаган нозиккина, чиройликкина қиз ялтироқ тутқичли аравача бандидан ушлаб жилмайиб турибди.

У бир зумда стол устини тўлдириб ташлади. Икки стакан қаймоқ, тўртта нон, икки чойнак чой, иккита ишклат, пишлоқ... Ҳатто ўртачароқ лагандек келадиган торт ҳам бор. Яна иккита талинкада тўртбурчак перашкалар.

— Гўштли блинчик... — деди қиз жилмайиб.

Аравачасини филдиратиб эшик томон юрган эди „бойваччалигим“ тутиб кетди.

— Қанча бўлади? — дедим Раис бувага ўхшаб, чўнтакка кўл суқиб.

— Пули тўланган... — олдига пешбанд таққан қиз эшикда тўхтаб, ширингина жилмайди.

— Чойингиз тўқсон бешми?

— Икки хил, — қиз бу сафар энсаси қотиброқ илжайди. — Биттаси қора — индийский. Биттаси кўк.

Ваннахонадан елкасига сочиқ ташлаган Шодивой чиқиб келди.

— Ўтир, заптрик қиламиз, — жўрамни кўлидан судраб стол олдига обордим.

Қаймоғи бирам ёғли, нонлари бирам иссиқ, тўртбурчак сомсаси бирам мазали...

Мен-ку, ноз-неъматларни пок-покиза туширяпман. Қарасам, Шодивой, кечаси бехосдан тагини хўллаб кўйган боладек бўзрайиб ўтирибди.

— Емайсанми? — дедим сомсага имо қилиб. — Қиймасини ўхшатиб қовурибди.

— Еёлмайман! — жўрам оғзини кафти билан беки-тиб минғиллади. — Лабим ачишяпти.

Бечора! Ювинганида икки лабининг бурчидаги учуқлар қонаб кетибди.

— Оғзимни очолмаяпман, Қўшо...

— Олдин қаймоқни ичгин, Шоди! Лабинг ёғланиб, ўзидан-ўзи йўли очилиб кетади.

...Нонушта қилиб бўлгач, дарс тайёрлашга ўтирдик. Яъни, шпаргалкаларни ўқиб чиқа бошладик. Тўғри-да, биринчи имтиҳон ёзмадан — иншо. Мактабдаги адабиёт малимимиз ҳам роса ғайрат қипти, ўзи. Ўн олтига иншони ипга тергандек ёзиб ташлабди. Алишер Навоийнинг „Хамса“сидаги „Фарҳод ва Ширин“ достони, Горькийнинг „Она“ романи, Маяковский шеърлари, Фафур Фуломнинг „Сен етим эмассан“ шеъри, Абдулла Қаҳҳорнинг „Шоҳи сўзана“си, „Ҳамид Олимжон — бахт куйчиси“, яна аллақанча иншолар. Эркин мавзуларни айтмайсизми? „Тинчлик — бизнинг ҳаётимиз“, „Меҳнат — менинг бахтим“, „Ватанимни севаман“, „Мен севган касб...“ Хуллас, ўн олтига.

— Қўшо... — деди Шодивой учуқ тошган лабини аранг қимирлатиб. — „Кутлуғ қон“ тушса яхши бўларди. Шу осон.

Малимимиз ёзиб берган иншолар орасидан „Кутлуғ қон“ни топдик. Тўрт ярим бет экан.

— Камроқмасми, Шоди? — дедим иккиланиб.

— Яна нимани қўшасан?

— Янами? — ўйлаб қолдим. Билагонлигимни кўрсатиб қўйгим келди. — Масалан, Йўлчи пахтада ишлайдими? Малим: „Йўлчи тўнка ковлайди, ғўза суғоради“, дебди. Тўнка ковлашнинг пахтага қандай алоқаси бор?

Шодивой, яна нима қўшса бўлади, дегандек кўзимга термилди.

— Масалан, ягана қиладими? Ўтоқ қиладими? Чопиқ қиладими? Чеканка-чи? Культивация-чи? Пахта

териш, подбор териш, варахага кўрак ташлаш... Шулар ҳам меҳнат-да!

Қизишиб кетиб, жўрамга иншо қандай ёзилишини шунақанги бақриб тушунтира бошлабманки, эшик очилиб, Раис буванинг кириб келганини кўрмай қопман.

— Эшикни қулфлаб ўтирларинг демабмидим?!

Раис бувадан роса дакки еймиз, деб кўрқиб кетдим. Йўқ, разм солсам, уришадиган ҳоли йўқ. Кечаси билан кўпкарида улоқ чопган айғир отдек сўлжайиб қопти. Ранги бир ҳолатда. Назаримда кўзлари юмилиб-юмилиб кетаётгандек.

— Запирка бердими? — деди чўзиб-чўзиб эснаб. — Яхши! Кийинларинг. Бир жойга борамиз.

* * *

Тошкент шунақанги катта шаҳар эканки, таксида бир соат юрсак ҳам охири кўринмайди! Юриб-юриб икки чети олчазор кўчага кирдик, пишиқ гишдан қурилган, деразасига темир панжара тутилган уй рўпарасида тўхтадик. Раис бува пушти ранг сирли бўёққа бўялган дарвоза томон юрди. Шодивой иккаламиз биянинг кетидан эргашган тойчоқлардек зинғилладик. Раис буванинг дарвозасиниям мақтаб юрган эканман-да! Дарвоза деган мана бунақа бўлади! Раис буваникига танк сифса, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бу дарвозага осмондан учиб тушган самолёт пир этиб кириб кетаверади!

Раис бува дарвоза бурчагидаги тугмачани босган эди, ичкаридан „блүм-блүм“ деган овоз келди. Раис бува бир қадам орқага чекиниб, кафтини оғзига босганча ҳузур қилиб, эснаб кўйди. Ичкаридан жавоб бўлавермагач, бориб яна тугмачани босди. Кўнғироқ бийрон жиринглаб кетди. „Блүм-блүм-блүм“.

Дарвоза қия очилиб, ялтироқ, гулдор халат кийган новчагина, кўҳликкина хотин мўралади.

— Келинлар... — деди иккиланиброқ.

— Ассалом алайке-ем, янга! („Ферма тоға“ Раис бувага қанақа салом берса, Раис бува ҳам „янга“га шунақа салом берди.) — Ассалом алай-ке-ем! Янгажон! Саломат, омонгина бормисиз? Эшик-эллар, кадрлар яхшими?

— Раҳмат! — „Янга“ хавотирланиброқ ҳаммамизга бир-бир қараб чиқди.

Раис бува унинг унсиз саволини тушунди, чоғи, илжайиб сўради:

— Домла уйдадилар?

— Йўғийдилар-а! — „Янга“ афсус-надомат билан бош чайқади.

— Қаёқдалар?

— Ленинградга кетганлар.

— Қанчага?

— Икки ойга. Павишенияга.

— Ия, янгажон, катта домлаям павишена қиладими? „Янга“ тагин ҳаммамизга бирма-бир қараб чиқди.

— Қачон қайтадилар? — деди Раис бува овозини бандлатиб.

— Сентябрьнинг охирларида келиб қолсалар керак.

— Домла Ленинградга павишенага кетган бўлсалар, сентябрда қайтсалар айтиб қўйинг, янга! — деди Раис бува шанғиллаб. — „Машъал“ жамоа хўжалигидан раис жўрангиз келиб-кетди, бугун кечқурун соат ўнда яна келаркан, зарур юмуши бормиш, денг, уқдингизми?

„Янга“ олазарақ бўлиб, у ёқ-бу ёққа қараб олди.

— Секин-е! — деди таҳдидли, аммо паст овозда. — Ўн иккидан кейин... — У бир зум жимиб қолди-да, норози тўнғиллади. — Таксини эшик олдигача опкелишга бало борми!

— Бўлди, янгажон, бенават! — Раис бува мамнун илжайди. — Юрларинг! — деди-ю, Шоди иккаламизни етаклаб нарироқда пойлаб турган таксига қайтадан ўтқазди. Аллақайси бекатга борганда машинани тўхтатди.

— Буларни бояги жойга обориб қўясан! — деди шопирга 25 сўмлик узатиб. — Уқдингми? — ўзи „дипломати“ни олиб, тушиб кетди.

Такси гастиниса олдида тўхташи билан жўрамга ялиндим.

— Биттадан морожний ейлик, Шоди.

— Пулим йўқ-да, Қўшо, — деди Шодивой мунғайиб.

— Бизда-да, пулнинг кони, жўражон! — пул тутукли рўмол солинган чўнтагимни шаппатилаб қўйдим.

Рўпарадаги боғ ичига кирдик. Салқин майдончага оппоқ, юмалоқ столлар қўйилган. Одамлар тўртта-тўрттадан ўтириб олиб, ялтироқ ликопчалардаги морожнийни уряпти.

— Сен жой олиб тур! — дедим Шодивойга. Ўзим ўнтача одам орқасидан очиридга турдим. Юмалоқ, ойнаванд уйча ичида ўтирган оппоққина, дўмбоққина хотин (ҳар куни текин морожний ейди-ку, дўмбоқ бўлмайдими?) Ҳар лаҳзада „следующий“ деб турибди. Морожнийси ҳам ўзимизнинг пахта пункти олдида сотиладиган музқаймоққа ўхшамайди. Ранги бошқачароқми-ей!

Морожнийчи хотиннинг ишиям осон экан. Биз томонларда морожнийни тарозига солиб тортиб беради. Бу хотин тўртбурчак ялтироқ қутининг тутқичини бир айлантурса, ликопчага морожнийнинг ўзи буралиб-буралиб тушади-ю, гулга ўхшаб қолади. Семиз хотиннинг қўли-қўлига тегмайди. Ликопчага тушган морожний устига бир қошиқ ишкалад кукуни, бир қошиқ қип-қизил шарбат, яна бир чимдим чақилган ёнғоқми-ей, алланима, сепеди-да, туйнукдан узатади.

— Следующий!

— Икки порс! — дедим яқин бориб.

Хотин бир зумда икки ликопча тўла морожнийни туйнукдан узатди.

— Следующий!

Оббо! Ўзим ҳам қизиқман-да! Ҳали пулни санаганимда иштапил рўмолни шунақанги чандилаб боғлаган эканманки, ечаман деб тирноқларим кўчиб кетди.

— Следующий! — хотин бетоқат бўлиб, қўлидаги қошиқ билан пештахтани уриб қўйди. Тугунчани тишим билан ечишга уриниб ётганимда кимдир туртди:

— Сурилсанг-чи, ҳой!

Эси жойидами, пул тўламай, қаёққа суриламан! Хайрият, тугунни ечдим.

Эрталаб лаби ачишиб, оғзини очолмаган Шодивой морожнийни кўриши билан иштаҳаси шунақанги карнай бўлиб кетдики, ликопчага тўрт марта қошиқ ботириб, лўқ этиб ютиб қўя қолди. Шу, Шодивой ҳам фирт саводсиз-да! Морожний ейишни анави қизлардан ўрган-

са бўлмайдими? Нариги столда иккита қиз ўтирибди. Қошиқнинг учига жичча морожнийни илиб олади-да, нозиккина пушти ранг тилини чиқариб, ялайди. Ўзлариям чунонам кетворган, чунонам оппоқ. Иккаласиям атлас кўйлак кийган. Кўйлаги шунақа калтаки, дўмбоққина болдирлари кўриниб турибди.

Эсон-омон ўқишга кириб олай. Каттароқ домланинг кетворган қизи мени севиб қолади. „Кўшовой акажон!“ — деб бўйнимга осилади — „Сизсиз ўлиб қоламан“, — дейди. „Йиғлама, — дейман оппоққина юзини силаб. — Майли, сенга уйланаман...“. „Дадамга айтаман, бизга уй олиб беради. Икки хонали“ дейди. „Йўқ, — дейман оёқ тираб, — қишлоққа кетмасак бўлмайди. Келин бўлганингдан кейин ота-онамнинг хизматини қилишинг керак-да!“, „Майли, беш хонали“, дейди у ялиниб.

Хаёл суриб кетган эканман, бошим устида биров гўлдиради:

— Бўлдингми, ҳов бола! Жойни бўшат.

Қарасам, тепамда ингичка мўйлов кўйган йигит икки кўлида иккитадан тўртта ликопча кўтариб турибди. Ёнида учта қиз. Менинг биттаям „қизим“ йўғ-у, буники учта! Э, ўл очофат! Жиллакурса иккитасини бер, Шодивой билан менга. Ия, Шодивой қани? Аллақачон морожнийни еб бўлиб дарахт тагига бориб олибди-ку! Бояги қизлар қани? Осмонга учиб кетдими?

— Энди дарс қиламиз! — деди жўрам меҳмонхона томон судраб.

* * *

Ярим кечадан ошганда Раис бува бизни эргаштириб яна „катта домла“ жўрасининг уйига олиб борди. Фақат бу сафар таксига кўча бошида жавоб бериб юборди. Икки томонда олча дарахтлари саф тортган, симёғочлардаги лампочкалардан ола-чалпоқ нур тўкилиб турган жимжит кўчадан ўтиб, ўша қадрдон дарвоза олдида тўхтадик. Бу сафар қўнғироқ икки марта жиринглаши билан дарвоза қия очилди. „Катта домла“ деганда тилла кўзойнак тақадиган, тилла ҳасса тутиб юрадиган, сочлари оқариб кетган одам хаёлимга келган эди. Йўқ,

телевизорда кўрсатадиган гимнастикачиларникига ўхшаган спорт кийими кийиб олган киши дарвоза пештоқида ёниб турган лампочка нурида жилмайиб турарди. Чамамда „катта домла“нинг юзидан ҳам нур ёғилиб кетгандек бўлди.

— Э, Тошмамат ака, хуш кепсиз! — „Катта домла“ шундай деб Раис буванинг қўлини қисди. Ҳатто Шодивой иккаламиз билан ҳам қўл олишиб кўришди.

— Салом, йигитлар, салом! — деди мулойим кулимсираб.

Усти ёпиқ дарвозахонага киришимиз билан бир бурчакда ётган, қулоғи диккайган итни кўриб эгим жимирлашиб кетди. Ўзиям Тулпоримнинг ярмичалик кепқоларов! Ечилиб кетсаям ғажийди-да одамни! Йўқ, ит жонивор кечаси келиб-кетадиган бизга ўхшаган меҳмонларга ўрганиб қолганми, занжирини шиқирлатиб, бошини бир силкиб қўйди-ю, оғзини катта очиб эснади. Ҳар биттаси ўртачароқ қозикдек келадиган тишлари чироқ нурида йилтираб кетди. Обдан эснаб бўлгач, ёнбошидаги гулдор тоғорачада ётган яримта тортни бирикки искади-да, энсаси қотиб узала тушиб олди. Ё тавба, ақалли номига бўлсаям бир марта „вов“ деб қўймади-я!

— Кесинлар, Тошмамат ака, кесинлар! — „Катта домла“ илдам қадамлар билан ҳаммамизни ҳовлига бошлаб кирди. Ҳовлимас, нақ жаннатнинг ўзи! Айвон пештоқидаги ўқловдек узун, оппоқ чироқ нурида ҳовлидаги анвойи гуллар товланиб ётибди. Тунука томга туташиб кетган баланд-баланд сўрилардан узум бошлари мўралайди. Узумга кул тушганини дарров пайқадим. Хомтоқни чала қилган-да. Олим бўлгани билан деҳқончиликни билмаганидан кейин шу-да.

„Катта домла“ ҳовли бурчагидаги олма тагига, нақшинкор сўри олдига бошлади:

— Лайло, қизим, битта чой ташкил қилинглар.

Раис бува дипломатини сўри бурчагига қўйиб, тўрга чиқди. Биз пастроққа чўккаладик.

— Йигитларни опкепсиз-да, Тошмамат ака! — „Катта домла“ Раис бувага қараб яна кулимсиради. Шундагина унинг жудаям ёш эмаслигини, сочига оқ

оралаганини, кулганда юзи беш йил бурун қазо қилган момоннинг маҳсисидек тиришиб кетишини пайқадим. — Кадрлар ўқисин дебсиз-да? Э, маладес! Маладес!

— Энди, домлажон, бизлар ўқиёлмадик! — Раис бува чордана қуриб жойлашиброқ ўтириб олди. — План дедик, хўжаликни машъал қиламиз дедик... Жилла курса кадрлар олим бўлсин-да энди.

— Зап ўйлабсиз-да! — „Катта домла“ аввал сўри бурчагида ёнбошлаб турган „дипломат“га, кейин менга, ундан кейин Шодивойга, ана ундан кейин Раис бувага қаради. — Маладес, — деди-ю, овози негадир ҳазинроқ чиқди. Чамаси, бу „кадр“ларнинг қайси бирига ёрдам беришим керак, демоқчи бўлди.

Шу пайт орқа томонда шип-шип қадам товуши эшитилди. Мундай қарасам, юзи сутдек тиниқ, қопқора сочлари елкасига ёйилган қиз кумуш патнисча кўтариб келяпти. Ичимдан узундан-узоқ хўрсиниқ тошиб келди. Вой-бў! Шунақаям чиройли қиз бўларкан-да, жаҳонда! Ўзиям чунонам нозикки, сув ичса томоғидан, сабзи еса биқинидан кўринади-я! Бояги морожнийхўр қизлар бунинг олдида нима бўпти! Мана-да, дадажонимнинг бўлажак келини! Ўқишга кириб олай, Лайлохоннинг бошини шунақанги айлантириб ташлайманки! Аввал узумларини хомток қиламан, гулларини суғораман. Кейин секин-секин... Қарабсизки, бўйнимга осилиб йиғлайди. „Жон, Қўшожон ака...“ Дадамга — бу ёққа жўнаётганимда хайрлашмаган, „Ўғлинг бир ҳафтада тўрвасини кўтариб қайтиб келади“, деган дадамга кўрсатиб кўямиз. „Дадавой, мана, келинингиз билан танишиб кўйинг!“ деймиз. „Унча-мунча одам эмас, нақ энг катта домланинг ўзлари билан қуда бўлдингиз, энди хоҳласам, ҳамма қариндош-уруғларни Тошканни энг зўр институтларига жойлайвераман“, деймиз!

Шунақа-ку, келин бўлмиш сал озғинроқми? Зиёни йўқ. Кейин семириб кетади. Кийинишиям... А? „Катта домла“нинг ўзига ўхшаб „спортивний“ кийим кийиб опти. Майли, эсли қизга ўхшайди. Тушунтирамиз. „Лайлохон, қишлоқ жойда бунақа кийиниб юриш уят бўлади. Энам хафа бўлади. Сигир соғиш бор, томорқа бор...“

Лайлохон зиналардан лип этиб сўрига чиқди-да, салом берди. (Овози мунча ширин! Боя „блум-блум“ қилган кўнғироқнинг ўзи-я!)

— Ва алайкум ассалом! Бахтли бўлинг, қизим... — Раис бува илжайиб алик олди. Оббо, ўзининг Шодивойига мўлжаллаб қўйди шекилли! Кўрамиз, ким олғироқ экан. Менми, Шодивойими?

Лайлохон зинадан лип этиб тушди-ю, чопқиллаб уй томонга кетди. Қоматни қаранг!

— Қани, осинлар... — „Катта домла“ нон ушатди. Чой қуйди. Қанд-курс, бодом, асал солинган биллур идиш тўла патнисчага имо қилди. — Марҳамат.

Асални бошимга ураманми? Икки кўзим Лайлохон кириб кетган уйда. Қарасам, Шодивой ҳам ўша томонга қараб кўзини лўқ қилиб ўтирибди. Вой, кўнглингни кўчасидан ўргилдим! Биқинингга сопқолайми?

— Лайлохон қизим нечанчи синфга кўчди? — деди Раис бува чой хўплаб.

„Катта домла“ кулди.

— Бу йил тўртинчи курсга боради. Ўзимизда ўқи-япти. Павишений стипендия олади.

Нима? Ширингина хаёлларим бир зумда алғов-далғов бўпкетди. Лайлохон тўртинчи курсга борса... Бундан чиқди мендан камида икки ёш катта экан-да. Мен уни нари борса саккизинчи синфга кўчган десам... Майли, бизга синглисиям бўлаверади. „Катта домла“нинг қизи битта эмасдир, ахир!

— Хў-ўш... — „Катта домла“ боя узилиб қолган гапини давом эттиргиси келди шекилли, бир менга, бир Шодивойга қараб, дангалига кўчиб кўя қолди. — Хуллас, Тошмамат ака, қайси бири кирмоқчи бизнинг факультетга?

— Бизнинг кадр буниси! — Раис бува Шодивойга имо қилди. — Муштдек болалигидан сўт бўламан, дейди. Бўлмаса-ку бошқа жойлардаям сизга ўхшаган кадрдонлар кўп.

„Катта домла“, „Бўлмасам манави нега эргашиб юрибди“, дегандек менга чимирилиброқ қараб қўйди.

— Буям ўзимизнинг жамоа хўжалигимизни боласи. Отаси кўли қисқароқ одам-ку, ўзи дуруст бола. Бизни Шодивой, жўрамниям обормасангиз ўқишга кирмайман, деб туриб олса бўладими?

„Катта домла“ хўрсинди. Нимага хўрсинганини туншунмадим. „Бир болангни-ку олиб келдинг, иккинчи дардисарга бало бормиди“, демоқчи бўлдим, ё отасининг кўли қисқароқ деган гап ёқмадим, хуллас, билмадим.

— Тошмамат ака, — деди „Катта домла“ жиддий оҳангда. — Ҳозир замон нозик. Биринчидан бизга меҳнат стажи борлар киради.

— Бор-да, ўша истаж! — Раис бува дарров унинг гапини кесди. — Буларга еттинчи синфдан бошлаб меҳнат дафтарчаси очилган. Иккаласиям меҳнатдан қочадиган болалармас! Эсон-омон кириб олса кўрасиз. Пахта теримида энг передовойи шулар бўлади.

— Тўғри-ку! — „Катта домла“ қийшайиб ётган дипломатга зимдан қараб қўйди. — Имтиҳон комиссияси жа строгий! Ҳар томонлама синовдан ўтказди. — У бир зум ўйланиб турди-да, тўсатдан сўраб қолди. — Қани, айтинглари-чи, йигитлар: ку саккиз юз саксон беш квадрат илдизидан пи бир юз ўттиз уч куб илдизни айирса қанча бўлади?

Оғзим ланг очилиб қолди. Нима деяпти бу? Мен Шодивойга қарадим. Шодивой менга...

— Энди... Домлажон... — деди Раис бува салмоқлаб. — Булар „ку-пу“ингизни билладими! Эсини танибдики, даладан бери келмайди. Қолаверса, ҳисоб факультетига кираётгани йўқ-ку.

— Барибир... — „Катта домла“ қовоғини солди. — Ҳозирги кунда юридика энг престижний соҳа. Талабгорлар кўп. Кейин... Умуман... Адлия ходими ҳамма нарсани билиши шарт. Тарихниям, математиканиям, экономиканиям.

— Пул санашни, — деб қўйдим дадамнинг гапи эсимга тушиб. „Катта домла“ мен томонга хавотирланиброқ қараб олди. Раис бувага шунақанги таънамаломат билан ўқрайдики, ўзим ҳам қўрқиб кетдим.

— Аммо Шодивой — зеҳнли бола! — деди Раис бува шоша-пиша. — Кўрасиз, домлажон, ишончингизни бир юз элик фоиз оқлайди. Қолаверса, бу ёқда ўзимиз турибмиз.

...Шодивой иккаламиз нимқоронғи кўча бошида Раис буванинг чиқишини пойлаб анча туриб қолдик. Охири Раис бува „Катта домла“ни инсофга келтирди, шекилли, енгил тортиброқ чиқди. Ўзи ҳам, кўли ҳам...

— Бирпас гапга аралашмай турсанг ўлармидинг, тутхўр! — деди менга хўмрайиб. Аммо бошқа койимади. — Қаттиқроқ тайёрланларинг. Экзаменни Бегматов деган одам оларкан. Домла айтиб кўядиган бўлди. Бегматовнинг ўзи сенларни топиб олади.

...Бегматов дегани юзи қошиқдеккина, кўзойнаги пиёладеккина киши экан. Бир куни консултациядан кейин Шодивойга имо қилиб, „сен қол“ деди. Мени унутиб кўйдиёв! Ҳамма чиқиб кетганидан кейин Шодивой иккаламиз аудиторияда қолдик.

— Сен нима қилиб ўтирибсан? — деди Бегматов кўзойнаги устидан менга ўқрайиб.

— Буям ўқишга кирмоқчи! — Бегматов менга қанақа ўқрайган бўлса, Шодивой ҳам унга шунақа ўқрайиб қаради.

— Бўпти! — Бегматов Шодивойнинг қоғоз папкасидан малимимиз ёзиб берган иншоларни олиб текшириб чиқди. Баъзи жойларини тузатди. — Ўқитувчинг пишиқ экан, — деди хурсанд бўлиб. — Бехато кўчирсанг, „беш“га тортади. Эртага охирги қаторга ўтир. — Шундай деди-ю, чиқди-кетди.

...Мана, ўтирибмиз охирги партада! Омадни қарангки, худди ўша „Қутлуғ қон“ тушса денг. Каттакон аудитория жимжит. Юздан ортиқ йигитлару қизлар шипиллатиб иншо ёзиб ётибди. Нариги қатор оралаб кексароқ хотин, бизнинг қатор томонда Бегматов у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб турибди. Малимимиз ёзиб берган иншони ўртага кўйиб олганмиз. У ёқдан Шодивой кўчиради, бу ёқдан мен.

Энди учинчи бетга ўтган эдик, ўртароқда шовқинсурон бўлиб кетди.

— Тур ўрнингдан! — деди Бегматов дағдаға билан. — Чўнтагингни кўрсат. Унисинимас, чап чўнтагингни!

Эскироқ дўппи кийган йигит талмовсираб ўрнидан турди.

— Кўчирганим йўқ, домла, — деди ялиниб. — Мен эркин тема ёзяман. Унақаси йўқ менда.

— Манавилар шпаргалка бўлмай нима?

— Ишонмасангиз қаранг! Менда унақаси йўқ! — йигит бечоранинг ранги оқариб кетди.

— Чиқиб кет!

— Домлажон! Мен уч йилдан бери келаман, — йигит алам билан ер тепинди. — Кўчирганим йўқ. Ўзим яхши биладан бу темани.

— Янаги йилга тўртинчи марта келасан! — Бегматов дўппили йигитнинг ёзаётган нарсасини олиб, икки буклади. Шошилмасдан чўнтагига тикди-да, эшикни кўрсатди. — Марш!

Вой-бў! Домлажоннинг аччиғи ёмон экан-ку! Бир маҳал қарасам, домлажон биз томонга бостириб келяпти.

— Бекит, Шоди! — дедим жонҳолатда.

Шоди шошиб қолганидан малимимиз ёзган иншо-ни бир тортган эди, қоғоз „шалоп“ этиб стол тагига тушди. „Бўлди! Тамом бўлдик!“ Мен-ку, майли, қайтиб кетавераман. Жўрам дадасидан балога қоладиган бўлди-да!

Домлажон зипиллаб тепамизга келди. Ерда ётган шпаргалка-қоғозни энгашиб олди.

— Туппа-тузук ёзибсан-ку! — деди кўзойнаги орқасидан мулойим жилмайиб. Қоғозни стол устига қўйди. — Шошмасдан ёзгин, хўпми? Ундан кейин... „Меҳнат қилип“ деб ёзилмайди. Охирги ҳарфи „б“ бўлади. „Меҳнат қилиб“... Тузатиб қўй...

Шодивой черновойдаги „п“ни „б“ қилиб ўзгартирди. Мен ҳам иссиғида ўзгартариб қўя қолдим.

— Ёзишинг дуруст! — деди Бегматов домла Шодивойнинг ишига кўз югуртириб. — Шошилма, ҳали икки соат вақт бор.

Черновойни эсон-омон ёзиб бўлдик. Энди оққа кў-

чириш керак. Файрат билан ишлаб ётган эдим, домлажон яна Шодивойнинг тепасига келди.

— Яхши... — деди биринчи бетни ўқиб. — Кейин Шодивойнинг қўлидан ручкани олди-да, иккинчи бетнинг бурчагига билинар-билинемас нуқта қўйди. — Ёзавер, — деб нари кетди.

Қаранг, иккинчи бетнинг бурчагига, нақ қизил чизиқ ёнбошига нуқта қўйиш кераклигини билмас эканмиз-да! Яхшиям домлажон ўргатгани! Домлажон Шодивойнинг иншосига қанақа нуқта қўйиб кетган бўлса, мен ҳам худди ўша иккинчи бетнинг худди ўша бурчагига, худди ўшандай нуқта босдим. Катта ҳам эмас, кичик ҳам.

Шодивой иккаламиз жудаям биринчи бўлиб эмаску, тўртинчими, бешинчими бўлиб, иншони топшириб чиқдик. Оғиз қулоқда.

— Иккаламизникиям „беш“ бўлади! — деди Шодивой илжайиб.

— Йўқ, Шоди... — дедим камтарлик билан. — Сеники „беш“, меники „тўрт“ бўлади.

Раис бува жуда меҳрибон-да! Садақайрағоч тагидаги скамейкада шляпаси билан юзини елпиб кутиб ўтирган экан. Умуман, институт олдидаги майдон одамга тўлиб кетибди. Ҳайронман, анави чол-кампирақлар ҳам имтиҳон топширгани келганми, нима бало?

— Бўрими-тулки? — деди Раис бува шляпасини бошига илиб.

— Йўлбарс! — дедим илжайиб.

— Маладес! — Раис бува Шодивойнинг елкасига қоқди. — Индинга баҳоингни эълон қилишади. Шунисидан „беш“ бўлса, оғзакиси чепуха!

...Индинга Раис бува, Шодивой, мен — узун-қисқа бўлиб яна ўша кўп қаватли бино олдида келдик. Вой-бў! Аввалги куни тўпланган одамлар ҳам баҳарнов экан. Чияли бозор бўлкетибди-ку, ҳамма ёқ! Похол шляпа кийган қориндор кишилар. Бири атлас, бири ҳилҳил-ойим кўйлак кийган хотинлар. Майдонча машинага тўлиб кетган. „Волга“лар, „Жигули“лар... „Москвич“лар, ҳатто ойнасига „Р“ деган ҳарф ёпиштирилган „Запорожец“ гача бор. Тагин номериям ҳар ёқники. Ота-

оналар ҳар жой-ҳар жойда тўп-тўп бўлиб туришибди. Олақуроқ матодан кенг-мўл кўйлак кийган хотин ўрта-чароқ самовардек келадиган термосдан чой қуйиб, ёнидаги олача тўнли кишига узатади. Ерга тўшалган ихчамроқ шолчага ўтириб олган тарашадек озгин хотин тоғорадан манти олиб, ўғлига тиқиштиради: „Олсанг-чи, иби, кот-мотта бача уч кундан бери авқот емайсан-ку!“

Бизнинг факультетга харидор жуда кўп эканми, Раис бува бировни тирсаги билан, бировни думбаси билан туртиб, йўл очгунча терлаб кетди. Охири ёғоч панжара тахтага илиб қўйилган рўйхат олдига соғ-саломат етиб бордик. Шоша-пиша рўйхатни топдим. Мана, „Олтинчи В группа...“ Юрагим така-пука бўлиб ўқий бошладим.

— Аббосова — 2, Абдуллаев — 3, Абдурахмонов — 2, Абусаломова — 2, Аъзамова — 3, Азимова — 4, Алимов...

Нима? Аввал ўнг кўзимни ишқалаб кўрдим. Кейин чап кўзимни... Ҳафсала билан ишқалаб-ишқалаб, қайта ўқидим. Алимов — 2. Ие, бу қанақаси? Ахир Бегматов домланинг ўзи Шодивойни мақтовди-ку! Шошма, балки бошқа Алимов бордир? Йўқ. Аниқ-таниқ қилиб ёзиб қўйибди. „Алимов Ш. — 2“.

Ёнимда аллаким отдек, йўқ, менинг Тулпоримдек пишқирди. Қарасам, Раис бува энтикиб-энтикиб нафас оляпти.

Шоша-пиша „С“ ҳарфини қидира бошладим. Аслида-ку, излашдан фойда йўқ. Шодивойники 2 бўлса, бизники 1 бўлади-да!

Садриев — 4, Самадова — 2, Сатторова — 5 (хайрият-ей, „беш“ ҳам қўяркан-ку), Салимов...

Салимовни пичирлаб ўқидим-у, кўзим тиниб кетди. Назаримда ҳаво етишмагандек, нафасим қайтиб кетгандек бўлди. „Салимов Қ...“нинг рўпарасида 5 рақами жаранглаб турибди-да! Шошма, тагин бошқа „Салимов“ бўлмасин! Йўқ, у ёғи „Тўхтаев — 2“га айланиб кетибди. Шунини ғира-шира англадимки, бир юз йигирмата фамилия орасида бор-йўғи учта „беш“ бор экан. Тўрттами-бештами — „тўрт“. Еттита — „уч“. Қолгани қаторасига — „икки“!

— Кетдик! — Раис бува шундай ҳайқирдики, мутгасил чуғур-чуғур қилаётган одамлар ўқ овозини эшитган чумчуқлардек жимжит бўлиб қолди. Раис бува Шодивойнинг билагига чанг солди. — Тезроқ!

— Шошманг! — деди Шодивой юлқиниб. — Кўшоқникини кўрай!

— Э, Кўшоғингни! — Раис бува жўрамнинг биладан чангаллаб судради. Ўз-ўзидан жонли йўлак очилганига хурсанд бўлиб, мен ҳам эргашдим.

— Падарингга лаънат! — Раис бува ташқарига чиқиб баттар энтикди. — „Катта домла“ бўлмоқ тугул академик бўлмайсанми! Ҳали шунақанги ўйнатайки, шогирдинг билан... Тезроқ! — деди Шодивойга ўшқириб.

Катта йўл бўйига чиқиб олдик. Раис бува дуч келган машинага қўл кўтара бошлади. Аксига олиб, қани тўхтаса!

— Кўшо? — деди Шодивой пичирлаб, — сеники нечча?

— „Бе-еш“, — дедим мен ҳам пичирлаб. — Хафа бўлмагин, жўра, сен кирмасанг, менам кирмайман. Кетаман.

Ниҳоят, сурмаранг такси Раис бувадан сал нари ўтиб тўхтади.

— Гастинисага! — деди Раис бува олд эшикни очиб. Қайси гастинисага боришимизни айтди.

— Мен паркка кетаётган эдим, меҳмон... — кексароқ таксичи хижолат чеккандек илжайди.

— Оғзингга сиққанини олмайсанми, қанақа одамсан! — Раис бува шопир олдига ўтириб эшикни қарс ёпди. — Ҳой, — деди бақириб. — Мин чаққонроқ!

Таксичи бир ранги ўчди-ю, индамади. Гастиниса олдига келгунча ҳеч кимдан садо чиқмади. Етиб келишимиз билан Раис бува орқага қараб ўшқирди.

— Тушларинг! Шу ерда пойлаб турасан. Мен ярим соатда келаман. Кетдик! — деди шопирга имо қилиб. — Праписрский городокка!

— Гастинисага дегансиз, меҳмон! — шопир ниҳоятда хотиржамлик билан моторни ўчирди. — Мен паркка боришим керак.

— Ҳов, боди! — Раис қўли титраб чўнтагини ковла-

ди. Кафти тўла пулни шопирнинг тиззасига шаппатилади, — етадими ё яна берайми?

Ажаб, таксичининг жаҳли Раис буваникидан баттар экан. Лип этиб эшикдан чиқди-ю, машина олдидан айланиб ўтиб, бериги эшикни очди.

— Туш! — деди овози титраб.

Раис бувадек одамни „сенсироган“ кишини иккинчи марта кўришим эди. Ҳов, мактабда физика муаллимимиз Усмон Қиличев шунақа муомала қилганда ҳайрон қолган эдим. Бу сафар ҳам оғзим ланг очилиб қолди.

— Туш-е, ўргилдим бойваччалигингдан! — Таксичи шундай деди-да, пулларни улоқтириб юборди. — Раис бувани ёқасидан бўғиб пастга туширди. Жойига ўтириб эшигини қарсиллатиб ёпди-да, жўнаб кетди.

Раис бува жонҳолатда ўзини четга олди.

— Номири нечча, Шоди? — деди чийиллаб.

Шодивой иккаламиз эс-ҳушимизни йиғиб олгунимизча такси кўчадан шовуллаб ўтаётган машиналар дарёсига шўнғиб, кўздан ғойиб бўлди.

— Кутиб турларинг! — Раис бува такси номерини ёзиб олишнияму унутиб, кўча четига югурди. Аллақандай „Жигули“ни тўхтатиб, ўтириб олди.

Шодивой иккаламиз мунғайиб қолавердик. Қарасам, ўртоғимнинг кўзига ёш тўлиб турибди.

— Шоди-и! — дедим ялиниб. — Юр, морожний ейлик.

Жўрам индамай кетимдан эргашди. Оқшом тушиб қолгани учунми, морожнийхонада одам кўп эди. Бу гал бир эмас, иккитадан музқаймоқ олдим.

Аввалги сафар Шодивой икки ямлаб бир ютган эди. Энди бўлса, қошиқни ялаб, эрмак қилиб ўтирибди.

— Шоди... — дедим секин. — Яна морожний опкелайми?

— Бўлди, — деди Шодивой илжайишга уриниб. — Тўйдим.

— Шоди, — дедим тагин ялиниб. — Хафа бўлмагин.

— Хафамасман, Кўшо...

Ўйлаб-ўйлаб бир нарсани топдим.

— Менга қара, Шоди... Дедим тантана билан. — Биласанми, нима қиламиз? Мен ўзимнинг „беш“имни сенга бераман! Сенинг „икки“нгни мен оламан!

— Жиннимисан! — Шодивой боядан бери биринчи марта кулиб юборди. — Иккаламиздан биттамитники барибир „икки“ бўлиши керак эди-ку!

— Бўпти-да! Меники „икки“, сеники „беш“ бўлади!

— Кўй, жўра! — Шодивой кўзимга шунақа ақли, шунақа маъноли тикилдик, дамим ичимга тушиб кетди. — Ўқисам, сен билан ўқийман, бўлмаса керакмас! Сенсиз бир кун ҳам турмайман бу ерда.

Қоронғи тушиб қолганида иккаламиз шўлтиллаб, гастиниса томонга ўтдик. Лифтга ўтириб, еттинчи қаватга кўтарилдик. Бугун „Муха“ опанинг навбати экан. Негадир биздан олдин салом берди.

— Келдингларми? Раис ака кутяптилар, — деди илжайиб.

Ўзимизнинг етти юз ўн тўққизинчи хона эшигини энди итармоқчи эдим, ичкаридан келаётган овозни эшитиб, тўхтаб қолдим. Биладан, Раис буванинг аччиғи ёмон. Шодивойга „тўхтаб тур“ деб имо қилдим.

— Тартиб борми ўзи сизларда! Лабз борми? Масалан, мен пахта планини бир юз эллик фоиз бажараман дедимми — бажараман! — Бу Раис буванинг овози эди. — Ернинг тагидан олиб бўлсаям бажараман! — Бригадиримга ҳар гектардан 55 центнердан оласан, дедимми — олади. Олмасин-чи, ичагини бошига салла қилиб қўяман! Сиз-чи, сиз? Ким бўпсиз? Наридан борса, бир домлачасиз! Нега катта домланинг топшириғини бажармайсиз?

— Бажариш бундан ортиқ бўладими? — бегонароқ товуш асабий жаранглади. — Катта домланинг айтганини қилдим. Черновикни текширдим. Беловикка белги қўйдим. Нима, имтиҳон комиссияси аҳмоқми! Бу — сизнинг жамоа хўжалигингизмас, Раис ака! Шифрларни чалкаштириб ташлашган. Ўғлингиз тайёр иншониям ўн иккита хато билан кўчирибди. Черново-ю беловойини минг машаққат билан топдим. Катта домланинг юзидан ўтолмай уйимга обордим. Бешинчи курсда ўқийдиган синглимга қайта ёздирдим, тагин нима дейсиз?

— Кимникини? — Раис бува шунақанги чийилладики, йиглаб юборай деди. (Бечорага раҳмим келиб кетди.)

— Қаёқдан билай? — Раис „домлача“ деган одам ундан баттар йиғламсиради. (Энди „домлача“ шўрликка юрагим туздек ачиша бошлади.) — Аниқ эсимда бор: беловойга ўз қўлим билан белги қўйганман. Мана шу қўлим билан.

— Кимникига?

— Қаёқдан билай! Белги қўйганимни „беш“га тўғриладимми, ахир. Тагин нима дейсизлар.

— Гапни айлантирма, домлача! Сенгаям улуш тегдими-йўқми? Шундан гапир!

— Э, қанақа одамсиз ўзи? Менга унақа гапларни гапирманг, ака! Хотиним бўлмаса, бола-чақам бўлмаса... — „Домлача“ энтикиб қолди. — Жонимга тегди, — деди инграб. — Тўрт йилдан бери кандидатскийни ёқлолмайман. Катта домланинг юзидан ўтолмай...

— Вой, нимага кирмай турибсизлар? Раис ака кутяптилар! — қулоғим тагида шақиллаган овоздан чўчиб тушдим. Қарасам, „Муха“ опа икки қўлида икки чойнак кўтариб турибди. Мени Раис буванинг ўғли деб ўйлади чоғи, огоҳлантирди. — Мана, йигитча, дадангизга айтиб қўйинг. Бунақа гапларни бақриб айтмайди одам. Гостиница — нозик жой. Бунақа ишлар ими-жимиди қилинади...

Эшикни қандоқ очдим, чойнак кўтариб қандоқ ичкарига кирдим, эсимда йўқ. Қарасам, тўртбурчак столнинг у томонида Раис бува, бу томонидан Бегматов домла бир-бирига жўжахўроздек бўйнини чўзиб турибди.

Бегматов домла аввал Шодивойга, кейин менга кўзойнаги орқасидан терсайиб қараб қўйди.

— Сен — Салимовсан-а? — деди Шодивойга.

— Йўқ, — Алимов! — Шодивой елкасини қисди.

Домлажон энди менга юзланди.

Сенинг фамилиянг Алимов эмасми?

— Йўқ, домла, Салимов, — дедим ҳеч балога туншунмай.

Бегматов домла, негадир қўллари титраб, ҳар кўзи пиёладек келадиган кўзойнагини ечди-да, тарақлатиб столга ташлади. Тирнаб тешилгандек митти кўзларини

менга қадаб, тахминан беш минут турди. Кейин Шодивойга юзланди. Чамамда жўрамга мендан кўра кўпроқ тикилди. Ундан кейин Раис бувага қаради-да, ингичка елкалари силкиниб ғалати овоз чиқарди. „Их-хи“ дедими „Ҳиҳ-ҳо“ дедими яхши эшитмадим. Ана ундан кейин тўсатдан ўзини орқага ташлаб, Шодивойнинг каравотига йиқилди-да, ғайритабий қилиқлар қила бошлади. Тикилиброқ қарасам, кулаётган экан. „Ҳиҳ-хи-ҳо!“ „Ҳи-хи-хи!“ „Воҳ-ҳо-ҳо!“ У каравотга ўтириб олиб чиллакдек тиззаларига уриб кула бошлади.

— Раис ака! — деди энтикиб. — Буларнинг фамилиясини адаштириб юборибмиз-ку, Раис ака! Алимов билан Салимовни чалкаштириб юборибмиз. Иншони Алимов „беш“га ёзган. — У дик этиб ўрnidан турди-да, кўз ёшларини артиб, Шодивойнинг рўпарасига келди. — Оббо, ука-ей, оббо азамат-ей! Сал бўлмаса, фирт адолатсизлик бўларкан-да! „Қутлуғ қон“да инқилобий онгинг ривожланиши“ни сен ёзганмисан? Шунга айтмайсанми, укажон! Табриклайман! — у Шодивойнинг юмшоққина кўлини олиб қисди. — Ёзманг — зўр! Оғзакидан ҳам „беш“ олсанг...

Шодивой аланг-жалаңг бўлиб қолди.

— Кўшо-чи? — гоҳ домлажонга, гоҳ дадасига қаради. — Кўшонинг иши нима бўлади? — деди кўлини тортиб олишга уриниб.

— Адашибмиз-да, укам! — домлажон Шодивойнинг елкасига қоқди. — Ўртоғинг бу йил бўлмаса янаги йил кираверади. Арзимаган хатолик ўтибди-да, Раис ака... Дарров тўғрилаймиз! — Домлажон пилдираб эшик томон юрди. Боядан бери анграйиб турган Раис бува энди ўзига келди.

— Катта домлага салом айтинг! — деди юзига қон югуриб.

Хатосини ўз вақтида пайқаган „домлажон“ чиқиб кетиши билан учаламиз бир-биримизга қарадик.

— Домлалар ҳам тирик жон-да! — Раис бува хиёл қизаргандек бўлди. Эркалаб кифтимга қоқди. — Қара, Шодивой билан сенинг фамилиянгни адаштириб юбо-

рибди. Йигитлар, энди ресторанга тушиб бир маишат қилайлик.

Раис бува эшик томон йўналган эди, Шодивой тўсатдан гўлдираб қолди:

— Дада!

— Ҳа! — деди Раис бува унинг рўпарасида тўхтаб.

— Дада... — Шодивой бошини қуйи солди. — Агар Қўшо институтга кирмаса, мен ҳам ўқимайман!

— Ним-ма? — Раис бува икки қадам орқага чекиниб бўйнини чўзди.

— Нима дединг?

— Агар Қўшоям кирмаса...

— Аҳмоқ! — Раис бува рапидадек кафтини ёзиб, Шодивойга пўписа қилди. — Ўчир!

Қарасам, Шодивойнинг кўзида ғалати, ёввойи ўт ёниб кетяпти. Қўйиб берсам, ота-бола ёқалашиб кетадиган.

— Шоди... — дедим ялиниб. — Барибир мендан сўт чиқмайди. Сен ўқийвергин, жўражон! Мен пахтада ишлаганим тузук.

— Ўқимайман! Қўшо ўқимаса, менам ўқимайман! — Шодивой жини қўзиб, ҳамма ёқни тўс-тўполон қилиб юборди. — Бошида айтганман: Қўшо кирмаса, мен ҳам кирмайман, деганман.

— Хўп, ўғлим, хўп... — Раис бува унинг елкасига қоқди. — Мана, жўранг шунча ўйнади, кўрмаган жойларни кўрди. Бир йилча сабр қилиб тургин. Янаги сафар жўрангни ўзим олиб келиб, ўзим ўқишга жойлайман... Ким билади, ҳали сен ўқишни битириб боргунингча Қўшовой сенданам зўр одам бўпкетадими?

— Керакмас! — Шодивой қайсарлик билан ер тепинган эди, юпатдим.

— Унақа қилмагин, жўражон! Хўп дегин, ўқий қолгин!

ЎН БИРИНЧИ БОБ

„АРПАТЕХНИКА“ ҚОЙДАЛАРИ

Бугун вилоят радиосидан мухбир келиб, раппа-расо бир соатча қийнади одамни! Ўв, биродар, сендан бошқа ишим йўқми, бу ёқда культивация қолиб кетяпти, де-

гим келди-ю, тилим бормади. Ростини айтайми? Мақтаган Худога ёқибди, деган гап ҳақ-рост экан! Кейинги пайтларда аканг қарағай машҳур бўпкетганмиз! Бир қарасанг, ашқол-дашқолини кўтариб сураткаш келади. Бир қарасанг, дафтар-қаламини кўтариб, газетадан мухбир келади. Суратга тушиш-у газета мухбири билан гаплашишга устаси фаранг бўпкетганмиз. Масалан, сураткаш гоҳ трактор кабинасига ўтқазиб, гоҳ чеккамга „барака“ чаноқни қистириб, беш-олти марта чиқиллатади-ю, кетаверади. Мухбирнинг ишиям осон. Тушликда шўрвадан қуруқ қолганинг демаса, нариси билан ярим соат вақтинги олади. „Бригадангизда неча гектар ер бор?“ дейди. „Ҳар гектардан қанча ҳосил олмоқчисиз?“ дейди. „Ўтган хўжалик йилида қанчадан олгансиз?“ дейди. Саволи оғзидан чиқмасидан жавобни қотириб ташлаймиз. Ёзади, ёзади-да, кетаверади.

Қарабсизки, газетада илжайиб турган суратингиз чиқиб турибди. Вой қизталоқ! Шу — ёзувчиларам жа гапга уста бўлади-да! Сарлавҳасининг зўрлигини айтмайсизми? „„Машғал“нинг машғали“, „Пахтазорда туғилган йигит“, „Оқ олтин заргари...“ Хуллас, одам бир оғизга тушдими, ошиғи олчи бўлиб кетавераркан. Тўғриси айтайми? Ҳадеб кўтар-кўтар қилаверганидан кейин йилига камида беш-олти марта газетада мақтаб чиқмаса, бир нарчасидан айрилган одамдек мункайдиган бўлиб қоларкансиз!

Э, нимасини айтасиз! Раис бува одам қилди-да, мени! Шундоқ отахоним бўлмаса, юраверардим-да, Тулпоримга миниб, кўча чангитиб. Мана энди кимсан Қўшоқвой Ортиқов деса танимайдиган одам йўқ!

Аммо Раис бува сўзининг устидан чиқадиган одам экан. Тўрт йил аввал Шодивой жўрамга: „Сен институтни битириб боргунингча Қўшовой сенданам улуф одам бўпкетди“, деганда каромат қилган экан-да!

Берироқ келинг: кулоққа айтадиган гап чиқиб қолди.

Аслида менинг „машғал“ бўлишим-у, бутун бошли бригадага раҳбарлик қилиб, ҳосилдорликни „мисли кўрилмаган“ даражада оширишим, яъни ҳар гектар пахта

майдонидан 51 центнердан ҳосил кўтаришим арзимаган гапдан бошланди.

...Ушанда қадрдон жўрам Шодивойни қон-қон йиғлатиб, мусофир юртларга ўқишга ташлаб келганимда ўзим ҳам бир ҳафтагача гарангсиб юрдим. Шодивой бечоранинг бошига не-не ташвишлар тушмадийкин? Жўрам эрталаб вақтида уйғонолмай қийналмаяптими? Домлажонлар шўрликни сиқиб сувини ичмаяптими?

Икки ҳафта ичида „озиб“ қолган чамадонимни кўтариб қишлоққа қайтганимда аканг қарағайни ҳар ким ҳар хил кутиб олди. Онам суюниб кетди. „Ажаб қипсан, болам, — деди. — Етти ёт бегоналар орасида рангинг сомондек сарғайиб юргандан кўра, бағримда бўлганинг яхши, ҳозир институтни битирганлар аптобусга осилиб юрса, тракторчи меҳайниклар ўзининг машинасида каттайса қилади. Эрта-индин синглингни узатсак, сениям оёғингни тўртта қилиб қўямиз“. Онамнинг охирги гапи, мойдек ёқиб тушди. Тўғри-да, қишлоқ жойда қиз болани вақтида эгасига топширмаса, гап-сўз кўпаяди. Синглимга шуни айтиб, ётиғи билан насиҳат қилмоқчи эдим, мендан олдин гичиллаб қолди.

— Тўғри бўпти, ака, сизни институтдан барибир ҳайдаб юборишарди.

Гапини қаранг! — Менга ақл ўргатгандан кўра, тезроқ эрга тегиб, йўлни бўшат, маҳмадона!

Дадам эса, ўнг лунжи учиб киноя қилди.

— Қара-я! Мен сени олим бўпкелади, девдим. Библиб қўй, катта институтда раисларнинг боласи ўқийди, ўғлим! Сендақаларга йўл бўлсин.

Мени кўриб ҳаммадан кўп қувонган Тулпорим бўлди. Оғилхонага киришим билан шунақанги дикирлаб кетдики, онасини соғинган улоқча ҳам бунчалик ирғишламайди.

Кўп ўтмай терим кампанияси бошланди. Эл қатори ишга тушиб кетдим. Жимгина пахта териб юрган эдим, ҳамма ишни бригадиримиз Тўлаш ака бузди. Бир куни (кеч куз эди) икки этак подбор териб, хирмонга олиб чиқсам, тарози бошида бригадиримиз қорнини осилтириб телпагини қийшиқ кийиб турибди. Терган пах-

тамни тарозига илдим. Уч оёқ қилтириқ чўпга илинган осма тарозиси қийшайиб кетди.

— Йигирма кило! — Тўлаш ака „ўт“ дегандек соқоли тиканак бўлиб кетган ияги билан имо қилди.

Жон-поним чиқиб кетди!

Икки этак подбор йигирма кило бўладими? Орасида аллақанча хом-хатала кўсак бор, баракасини берсин, деб эринмасдан кўшган тупроғимнинг ўзи камида беш кило келади. Мактабда ўқиб юрганимда ҳам шу — Тўлаш ака доим „чўмичда қоқарди“. Бригадирнинг тарозиси йигирма килодан ортиқ тортолмаса, мен айбдорманми? Йўқ, энди мен содда-гўл бола эмасман. Нақд Тошкентнинг ўзига бориб келган салкам талабаман! Тўлаш аканинг „камайтириб айтиш“ касали тутганини кўрдим-у, менинг ҳам „ошириб айтиш“ касалим кўзгаб кетди.

— Саксон кило! — дедим бақариб.

— Нима? — Тўлаш аканинг кўзи ола-кула бўпкетди.

— Тўқсон! — дедим ер тепиб.

— Ўв, тентак! — бригадир телпагини олиб, сийрак сочли бошини ҳафсала билан қашиди. — Икки этак пахта саксон кило чиққанини кўрганмисан ҳеч!

— Юз! — уч оёқли тарозини бир тепган эдим, чиллакдек ёғочлардан бири синиб, этаклар осилган тарози шарақлаб ерга тушди.

— Аҳмоқ! Тарозини нима қилдинг? — Тўлаш ака мушт кўтариб устимга келаётган эди, тормоз ғийқиллади. Билмайман, осмондан тушдимми, ердан чиқдимми, Раис буванинг „Нива“си шундоқ хирмон ёнига келиб тўхтади. Похол шляпа кийган Раис бува эшикни қарсиллатиб ёпиб ёнимизга келди.

— Нима гап? — деди қовоғини солиб.

— Манавуни қаранг! — Тўлаш ака менга кўлини бигиз қилиб, йиғламсиради. — Шу матоҳни саксон кило деяпти! Тарозини синдирди.

Раис бувага хавотирланиброқ қараб турган эдим, у негадир илжайди.

— Юз йигирма! — деди шахсан ўзим терган икки этак подборга қараб.

Тўлаш ака эсанкираб қолди. Тўғриси айтсам, ўзим ҳам анграиб қолдим.

— Раис бува... — деди Тўлаш ака минғиллаб. — Ахир бу...

— Ўчир! — Раис буванинг қоши чимирилиб кетди. — Кўпдан бери кузатиб юрибман. Оширилган мажбурият олганимизни кўра-била туриб, атайлаб темпни тушириб юборяпсан.

— Раис бува! — Тўлаш ака сийрак киприкларини пирпиратди.

— Бугун уч процент беришинг шарт!

— Раис бува, ахир қанақасига... Пахтанинг ўзи йўқку, — Тўлаш ака шунақанги илтижо қилдики, бечорага раҳмим келди. У ёғини сўрасангиз, терган подборим тупроқ-мупроғи билан қўшиб ҳисоблашгандаям, ўттиз килодан ошмаслигини ўзим ҳам биламан.

— Майли, қирқ килога розиман! — дедим инсофга келиб.

Раис бува гапимни эшитдим-йўқми билмайман-у, ҳар қалай Тўлаш акага қўлини пахса қилди.

— Гап шу. Бугун уч процент берасан!

— Қаёқдан оламан йўқ пахтани?! — Тўлаш ака сийрак сочли бошини алам билан ғиртиллатиб қашлади. Раис бува гапнинг лўндасини айтиб қўя қолди.

— Қарибсан, Тўлаш! Ўсиб келаётган ёш кадрларга йўл бериш керак. Тўрт ойдан кейин ўрнингга шу бола бригад бўлади!

Раис бува „Нива“сига ўтирди-ю, кетди-қолди. Тўлаш ака менга қаради, мен Тўлаш акага.

— Майли, ўттиз кило! — дедим ачиниб.

— Э, бор-е! — бригадиримиз бошини икки қўллаб қашлаганча нари кетди.

Раис бува ҳазиллашди десам, чин экан, тўрт ой механизаторлар курсида ўқидим-у, бригад бўлиб қолдим. Қаёққа қарасам, „Кўшоқ Салимов, Кўшоқ Салимов!“ Кўйинг-чи, Кўшоқ Салимовга ит боқмайди!

Тўлаш акаям юрган экан-да, бригадирман деб! Ҳар гектардан оладиган пахтаси ўттиз центнердан ошмасди. Ишни дўндиришни биздан сўрасин! Болалигидан пай-

кал ичида юрган одамга пахта етиштириш нима бўпти?! Биринчи йил ҳосилдорликни гектарига қирқ уч центнерга етказдик. Иккинчи йили қирқ етти центнерга. Мана бу йил элик бир центнерга чиқармоқчимиз. Аслида-ку, ҳосилнинг чўғи кўпмас. Начора, катталар айтса план ҳам бўлавераркан-да. Ишлар гумбур! Газеталарда суратлар чиққан! Мақолалар босилган! Мажлисларнинг тўрида ўтирамиз! Раис буванинг айтишича, шу йил медаль олсак ажабмас.

Бугун келган радио мухбирига шуларни бир чеккадан айтиб бермоқчи эдим, даҳмазаси кўп экан! Қоқ пешинда ғўза культивация қилиб юрсам, шийпон томонда Раис буванинг „Нива“си кўринди. Машина Тулпорим боғлаб қўйилган тол салқинида тўхтаб, чўзиб-чўзиб, сигнал берди. Эрталаб далага эшагимни миниб келаман. (Трактор миниб келмайди-ку, одам, тўғрими? Менда пат-пат йўқ.) Кейинги пайтларда Ойсара янгам гулдек очилиб, лорсиллаб кетган. Устига-устак баттар зикна бўлиб қолган. Мотоцикл калитининг бандига ип боғлаб, бўйнига осиб юради. Хотини семирган сайин Турсунбой акам озиб кетяпти. Аллақандай одамови бўлиб қолган. Ҳайронман...

Шундай қилиб, тракторимда культивация қилиб юрсам, шийпон томонда Раис буванинг „Нива“си кўриниб қолди. Тракторни дала ўртасида тўхтатиб, белга уриб ётган ғўзалар оралаб ўша томонга югурдим. Ҳал-лослаб етиб борсам, бўйнига тасмаси узун аппарат осган сап-сарик жингалаксоч йигит, дўппи кийган ўрта ёшлардаги киши, Раис бува тол соясида гурунглашиб туришибди.

— Мана, бизнинг „Машъал“ бригадир — Қўшоқ Салимов! — деди Раис бува тантанали оҳангда. — Қўшоқвойнинг тажрибасини область эмас, бутун республикага ёйса арзийди! Гектаридан элик бир центнердан ҳосил кўтараман, деб жон куйдириб ётибди, азамат! Бўпти, бир соатдан кейин машина келиб, сизларни боққа олиб боради. Тушликни ўша ерда қиламиз. — Раис бува шундай деди-ю, „Нива“га ўтирди.

— Кетдик, Қамчибек! — деди шопирга.

„Нива“ чанг-тўзон кўтариб физиллаб кетди.

Дўппили киши ҳам, жингалак малла сочли йигит ҳам мен билан қўш қўллаб сўрашди.

— Гап бундай, ўртоқ... — дўппили киши чўнтагидан тўрт буклоғли қоғоз олиб, шоша-пиша ўқиди. — Ўртоқ Салимов. Биз облрадиоданмиз. Менинг фамилиям Пўлатов, бу йигит — у елкасига тасмаси узун магнитофон осиб олган малласоч йигитга имо қилди. — Операторимиз Коля. Коля, тайёрлан! Энди гап бундоқ... — У яна қоғозга қараб қўйди, — ўртоқ Салимов! Мен сизга савол бераман. Сиз, мана бу қоғозга қараб, шариллатиб ўқийверасиз. Гатопми, Коля? — мухбир жингалаксоч йигитга буюрди. — Бўла қол!

Малласоч йигит елкасига илиб олган чамадондан аввал магнитофон чиқарди. Кейин микрофонни магнитофонга улаб, Пўлатовга узатди. Магнитофон мурватларини бураб, созлади.

— Всё, Пулатов ака, — деди жилмайиб.

Мухбир микрофонни оғзига тутди.

— Бир, икки, уч... Қалай, Коля?

Коля миҳдай, дегандек бош бармоғини диккайтирди.

Мухбир, микрофонни оғзидан тахминан ярим қулоч узоқлатиб гап бошлади.

— Ҳурматли дўстлар! Бугун биз вилоятимизнинг Машъал туманидаги „Машъал“ жамоа хўжалигига ташриф буюрганмиз. Йўқ, азиз тингловчилар! Бу рамзий маънодаги сўз эмас! Бугун республикага донғи кетган нишондор раис, пахта илмининг ҳақиқий академиги Тошмамат Алимов раҳбарлик қилаётган хўжаликнинг номи „Машъал“ деб аталади. Мана, биз „Машъал“ жамоа хўжалигининг „оқ олтин“ заргари Кўшоқбой Салимов бошчилигидаги энг илғор бригадаси дала шийпонидамиз. — У микрофонни баланд кўтариб, тол томонга тўғрилади. Шу алпозда анча туриб қолди. Назаримда оёғининг учида чўзилиб туравериб, чарчаб кетдиёв. Тол шохида чумчуқлар тинимсиз чирқиллар эди.

— Эшитяпсизми? — деди микрофонга. — Қушларнинг шодон чуғурини эшитяпсизми? Бу — заҳматкаш

Кўшоқбой Салимов бошчилик қилаётган азамат пахтакорларнинг шинам дала шийпони. Қушлар шод-хуррам сайраб турибди. Фир-фир шабада эсади. — Мухбир бир зум жимиб қолди. Шимининг чўнтагидан рўмолча олиб, пешанасидан дув-дув оқаётган терни артди. — Шийпон атрофи гулзор! — деди тантана билан, — анвойи гуллар майин шабадада оҳиста тебраниб турибди. — У саратон офтобида ҳансираб ётган пахтазорга қараб кўйди. — Гулларнинг муаттар ҳидини айтмайсизми? Ҳозир тушлик пайти. Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, деганларидек, бригада аъзолари мириқиб овқатланиб бўлиб, дала шийпони кутубхонасида газета-журналлар ўқишяпти, баъзилари рангли телевизор кўришяпти. — У сувоқлари кўчиб тушган деворларга, деразаси синиб кетган шийпон хужрачасига, ерга тўшалган эски шолчага меҳр билан қараб, давом этди. — Биз меҳнат майдонида жавлон ураётган ёш қаҳрамон, йил сайин ҳосилдорликни ошираётган, бу йил ҳар гектар майдондан 51 центнердан хирмон кўтаришга азму қарор қилган бригада бошлиғига — Кўшоқбой Салимовга сўз берамиз. — У менга қараб мулойим жилмайди. — Кўшоқбой! — деди тантанали оҳангда. — Ўз ишларингиз ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз. — Шундай деди-ю, „ўқинг“ дегандек боя кўлимга тутқазган қоғозга имо қилди.

Худди шу пайт, палакат босиб, йўтал тутиб қолса бўладими? Билмадим, болалигимдан шу касалим бор. Мактабда доскага чиқсам ҳам аввал бир йўталиб олиб, кейин гап бошлар эдим.

— Ўх-хў, ўх-хў! — дедим бўғилиб.

Мухбирнинг кўзи аланг-жаланг бўпкетди. Хавотирланиб, малласоч Коляга қаради Коля „зиёни йўқ“ дегандек кўл силтади. Мухбир менга ўгирилиб кўлини оҳиста силтади. Тушунмадим, „тўхта“ деяптими, „бошла“ деяптими?

— Ўқиверайми? — деган эдим, мухбир чинқириб юборди.

— Стоп, Коля! — кейин менга тушунтирди. — Имо қилдим-ку, бошламайсизми? Запись, Коля!

Микрофонни оғзимга тикқудек бўлиб, бақириб ўқиб кетдим.

— Биз, „Машъал“ жамоа хўжалигининг азаматлари...

— Стоп! Микрофонни ёриб юборасиз-ку, қанақа одамсиз ўзи! — мухбир микрофонни менга ишонмай, ўзи ушлаб турадиган бўлди. Ярим қулоч нарида. — Марҳамат, — деди шивирлаб.

— Биз, „Машъал“ жамоа хўжалигининг азаматлари арпатехника қоидаларига амал қилиб...

— Стоп! — мухбир алам билан қўлини пахса қилди. — Машинада кўчирилган тайёр нарсаниям ўқиёлмай-сизми?! „Арпатехникага“ бало борми? „Агротехника!“

— Қаёқдан билай, ака! — қоғозни мухбирнинг тумшуғига тикиштирдим. — Мана, ўзингиз ўқинг.

Мухбир қоғозга кўз югуртириб, хижолатли илжайди.

— Ҳеч машинисткага ёлчимадик-ёлчимадик-да! Бошладик, Коля!

Бояги сўзларни қайтадан ўқиб кетдим.

— Биз, „Машъал“ жамоа хўжалигининг азаматлари арпатехника қоидаларига қатъий амал қилиб, ўтган хўжалик йили...

Мухбир қўлини пахса қилиб ўдағайлади.

— Арпатехника эмас, дедим-ку, агротехника! Тушуняпсизми, аг-ро-тех-ни-ка!

Меникиям тутиб кетди.

— Нега бақирасиз? Ўзингиз шунақа деб ёзиб қўйиб-сиз-ку!

— Яхши, — деди юзидан дувуллаб оқаётган терни артиб, — жонли суҳбат қилиб қўя қоламиз. Текст керакмас. — Коля, бошладик! — У микрофонни оғзига яқин келтириб гап бошлади. — Ҳурматли Қўшоқбой! Мана, сиз ёш бригадирсиз. Ёшлик — шижоатдир, деган мақол бор. Уч йил аввал сиз бошчилик қилаётган заршунослар гектаридан 43 центнердан ҳосил олишган, тўғрими?

— Тўғри! — дедим бақириб.

Мухбир „Жудаям унчалик ҳайқириш шарт эмас“ дегандек кўрсаткич бармоғини лабига босди.

— Ўтган йили 47 центнердан хирмон кўтаргансиз. Тўғрими?

— Тўғри!

— Бу йил гектаридан 51 центнердан дурдона йиғиб олмоқчисиз. Айтинг-чи, бу муваффақиятларнинг сири нимада?

— Ҳеч қанақа сир-пири йўқ! — газетачиларга доим айтадиган гапларим ёд бўлиб кетгани иш берди. Ўзиям булбулигўё бўпкетдимов! — Файрат билан ишляпмиз. Агар ҳурматли Раис бувамиз гектаридан 60 центнердан ҳосил кўтарасан деса, униям дўндираверамиз! — Тўсатдан жамоа хўжалиги идорасининг пештоқига илиб қўйилган шиор эсимга тушди. — Мухбир ака! — дедим тантанали оҳангда. — „План қонун, мажбурият — виждон“ деган гап бор! Биз ҳар қанча мажбурият бўлса уддалайверамиз!

Мухбир микрофонга эгилди.

— Кўшоқжон! — деди менга эмас, микрофонга қараб. — Халқимизда ажойиб ҳикматли гап бор. Даромадга яраша буромад деганлар. Айтинг-чи, бригада аъзоларининг даромади қандай? Шу жумладан ўзингизнинг ҳам?

— Даромаднинг мазаси йўқ! — дедим хўрсиниб. — Яқинда синглимни узатаман, деб дадамнинг бели чиқиб кетди. Шаҳар жойда қанақа, билмайман-у, бизнинг удумимизда қиз узатган ота-она ақалли тўққизтагина кўрпа қилиши керак. Дадам шўрлик тўққизта кўрпага чит излаб, Тошкентгача бориб келса, денг. Ҳайронман, мухбир ака, пахта планини қанча ошириб бажарсак, чит, сатин, сочиқ деган матоҳлар шунча камайиб кетяпти.

Қарасам, мухбирнинг оғзи ланг очилиб, жағи осилиб қолди. Нуқул оғир-оғир киприк қоқади.

— Ҳали бу ёқда ўзимнинг уйланишим бор, — дедим гўлдираб. — Юравераманми, бошим туйнукдан чиқиб! Уйланиш ҳазил гапми, мухбир ака! Дадам бир инвалид бўлса...

— Бу ёғини монтаж қиламиз, Коля! — деди мухбир гапимни бўлиб. Кейин яна менга юзланди. — Фидойилик бор жойда ғалаба бор, дейдилар. — Сиз бошчилик қилаётган бригада аъзолари чинакам фидойи одамлар.

Айтинг-чи, улар орасидан кимларни алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?

— Ҳаммасиям яхши! — дедим бояги гапим чала қолганидан гижиниб.

— Масалан?

— Яъни, масалан, Турсунбой ака! Ҳалол одам! — дедим ростини айтиб. — Яхши механизатор. Аммо-лекин хотини Ойсара янгам... Ҳа, майли, у ёғини айтмай қўя қолай. Чориям яхши механизатор. Панжи сув тарашнинг устаси. Аммо шу Панжи уйланди-ю, айниди, мухбир ака! Кеча денг, гўзани суғориб туриб ярим кечада уйга жўнаб қопти, ярамас. Ўн олти эгатга сув тошиб кетибди. Мана, ҳалиям дараги йўқ! Ётгандир-да, сулайиб! Қўлимга тушсин...

— Стоп! Коля! — мухбир яна чинқирди. — Ўйлаб гапиргин-да, ука, — деди сенсираб. — Ойсара янгангни гапирасан, аллақандай тўйни гапирасан. Мен сендан ишни сўраяпман, ука!

— Чори ўзи яхши йигит-ку, битта айби бор, — дедим салмоқлаб. — Нос чекади, қизталоқ. Тушликни ҳаммадан олдин паққос уриб олиб, дарров нос отади. Нос чекиши майли-ку, тупласа, одамнинг юзига сачрагани чатоқ.

— Жон ука! — мухбир астойдил ялинишга тушди. — Барака топкур, укажон! Ютуқлардан гапир! Жамоа хўжалигидан гапир! Бошладик...

— Хуллас... — дедим ўйланиб. — Хўжалигимизнинг доно раҳбари Тошмамат Алимов бошчилигида йил сайин ҳосилдорликни ошириб бажаряпмиз. „Машъал“ жамоа хўжалиги байроқдор вилоятимизда чинакам машъал бўляпти. Биз меҳнат ғалабаларимизни мустаҳкамлаб бораверамиз!

Мухбир „Мана бу бошқа гап“, дегандек мамнун бош ирғади.

Мухбирнинг далдасидан руҳланиб кетдим.

— Хўжалигимизнинг пахта пункти билан алоқаси зўр! — дедим уста нотиклардек чертиб-чертиб. — Масалан, Жовли ака деган приёмчик бор. Мен сизга айтсам, мухбир ака, районимиздаги энг ҳурматли, энг бели ба-

қувват одам шу — Жовли ака. Фақат битта айби бор: афти хунук. Кўзи худди уккиникига ўхшайди. Аммо ўзи яхши одам. Энди пахта пунктимизам катта-да, ака! Бир эмас, тўртта районнинг пахтасини қабул қилиб олади. Ёнида пахта заводиям бор. Раис бува у ёқда турсин, Райком бува ҳам Жовли акани кўрса, „Жовли Менглиевич, Жовли Менглиевич“, деб типирчилаб қолади.

Мухбир микрофонни чангаллаган кўйи йиғлагудек бўлиб илжайди.

— Ўртоқ Салимов! — деди микрофонга эгилиб. — Газеталарда сизни уста пахтакор, ҳатто эгат орасида туғилган бола деб ёзишган. Айтинг-чи...

Нима дейди бу? Мухбир бўлса ўзига! У менинг гапимни белига тепади-ю, мен индамай туравераманми!

— Ёлғон, — дедим бақириб. — Сўрадим, энам мени қаҳратон қишда, сандал четида туққан экан.

Мухбир Коляга „давом этавер“ дегандек имо қилди-да, тагин савол берди.

— Кўшоқжон! Сиз туғилиб ўсган оила пахтакорлар сулоласи. Муҳтарам отангиз, муҳтарама онангиз эски пахтакорлар. Тўғрими?

— Буниси тўғри! — дедим қаддимни ғоз тутиб. Мухбир микрофонни оғзимга яқинроқ олиб келди. — Дадам қирқ бешинчи йилда урушга кетган экан. Германияга боролмабди-ку, японларнинг пачағини чиқариб кепти. Ўшандан кейин энамга уйланган экан. Мендан олдин туғилган иккита боласи турмабди. — „Қалай, қойил қиляпманми?“ дегандек мухбирга қараган эдим, у суюниб кетди. „Давом этавер“ дегандек имо қилди. — Ота-энам эсини танибдики, пахтадан бери келмайди. Фақат дадамнинг жаҳли тез. Жамоа хўжалигида буғалтир эди. Раис бува билан уришиб қолиб...

— Ўртоқ Салимов, — деди мухбир шоша-пиша гапимни бўлиб. — Демак, сиз оилада ёлғиз фарзандсиз, шунақами?

— Эсингиз жойидами? — дедим микрофонга ёпишиб. — Ҳали айтдим-ку, яқинда синглимни узатдик, деб. Куёв „Сельхозтехника“да ишлайди. Номард экан! Синглимга уйланиб олгунча итдек ялтоқланди. Кунора

онаси келади, ҳафтада отаси келади. Борингки, Жовли аканиям ўртага қўйди. Жуга уйланиб олди-ю, айниди, аблаҳ! Аккумулятор у ёқда турсин, арзимаган ремен-нияма текинга бермайди! „Кисса касал эмасми, чўталдан чўзинг“, деб туради, ҳайвон! Унисияма майли-ку, икки ҳафта олдин Жу уйга йиғлаб келди. Ҳар куни ичиб келиб, синглимни урармиш. Кўчада тутиб олиб, ўзинияма итдек дўппосладим. Агар синглимга яна бир марта қўл кўтарсанг, энангни кўрсатаман дедим. Биламан, энди менга запчасти чўталгаям бермайди.

— Стоп! — мухбир қўл силтади. — Бўлди, укам! — деди елкама қоқиб. — Бу ёғига жим ўтирасан.

У бир имо қилган эди, жингалаксоч йигит тагин магнитофон тугмачасини буради.

— Ҳурматли тингловчилар! — деди мухбир микрофонга. — „Машъал“ жамоа хўжалигининг машъал бригадири, „оқ олтин“ ижодкори Кўшоқбой Салимов билан қурган қизгин суҳбатимиз ҳам охирлаб қолди. Бу хўжалик областимизда энг илғор саналади. Салимов бригадаси эса, машъалларнинг машъали. Мана, тушлик ҳам тугади.

У менга аллақандай имо-ишоралар қила бошлади.

— Ҳа, яна гапирайми? — дедим шанғиллаб.

Мухбир микрофонни кафти билан тўсиб ўдағайлади.

— Бормайсанми!

— Қаёққа?

— Тракторга! — деди у энсаси қотиб. — Югур моторни юргиз!

Шошилмай ўрнимдан турдим.

— Бир соатли мазмунли ҳордиқ тугади! Азамат пахтакорлар ўз меҳнат постига, яъни „оқ олтин“ даласига йўл оляпти. — Мухбир микрофонга қараб ғайрат билан гапира кетди. — Ҳозир зумрад далалар узра, яна моторлар овози гуриллайди. — У бир қўлида микрофон тутганча иккинчи қўли билан „чоп“ дегандек имо қилди. — Келинг, азизлар... Меҳнат симфониясини биргалашиб тинглайлик!

Худди шу пайт толга боғлоқлик турган Тулпорим

овози борича ҳанграб юборди. Оббо, соат бир бўлди-микин, иккими? Эшагим бекорга ҳанграмайди.

— Стоп! — мухбир микрофонни чангаллаб бақирди. — Стоп!

Жингалаксоч йигит негадир беписанд жилмайди.

— Ничего, Пулатов ака, ишак отрежем!

Жон-поним чиқиб кетди.

Югуриб қайтиб келдим.

— Нима? — дедим мушт дўлайтириб. — Эшагимни сўядиган сенмисан?

— Боринг! Жон ука! — мухбир негадир яна сизлашга ўтди. — Боринг, ишингиздан қолманг. Шунча плёнкани расво қилганингиз ҳам етади. Бир соатлик суҳбатдан беш минутлик интервью чиқсаям катта гап!

...Эртасига кечкурун ҳовли ўртасидаги сўрида концерт эшитиб ётсам, радиода бирдан ўзим гапириб қолдим. Қизиқ, товушим ўзимникига ўхшайдиям, ўхшамайдиям. Онам зийрак-да, дарров таниди.

— Дадаси, ўғлингиз гапиряпти, — деди айвонда газета ўқиб ўтирган отамга. — „Машғал“ боламдан айланай! Овозларингдан ўзим ўргилай!

Онамнинг айланиб ўргилгани яхши. Лекин микрофонга айтган гапларимни мухбир пўстдумбага чиқариб ташлабди-ку!

Қизиқ, мухбир даромадни сўраса, мен центнердан гапираман. Эгатда туғилганимдан гап очса, дадам урушга борганини айтаман.

Бунисиям майли-ку, дадам ғалати иш қилди. Ўқиб турган газетасини кўрпачага ташлади-да, салмоқлаб уйга кириб кетди. Онам айтганича бор. Ўлгудек кажбахсда, дадам! Мен уни шунча мақтасам-у, эшитгиси келмаса. Буям етмагандек кафтинг орасида бир нима чангаллаб келиб индамай қўлимга тутқазди. Ҳайрон бўлиб қарасам, шалвираб ётган пуфак. Ёш болаларнинг уч тийинлик пуфаги. Кўм-кўк!

— Пуфла, ўғлим! — деди лунжи учиб.

— Шошманг, охиригача гапириб бўлсин! — ҳовли супураётган жойида тўхтаб қолган онам озорланиб қойди. — Нима қиласиз, чалғитиб?

— Пуфла! — дадамнинг бир эмас, икки лунжи уча бошлаганини кўриб, ноилож пуфакни қўлга олдим. Тезроқ шишириб бера қолай, деб ғайрат билан пуфлай кетдим. Пуфакка дам беряпман-у, икки қулоғим радиода!.. Йўқ, уч тийинлик эмас, нақ етти тийинлик пуфак экан, лаънати. Ўзиям дирижабль бўлиб кетдиёв!..

Радиодан „меҳнат симфонияси“ деган гап эшитилиши билан пуфак „пақ“ этиб ёрилиб кетди. Ўзиям шунақанги варангладики, икки қулоғим шанғиллаб ҳеч нимани эшитолмай қолдим.

Қулоғим очилганида радиода концерт бошланган экан.

— Шунақа бўлади! — дадам мийиғида кулганча нари кетди.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

ПАХТА ПУНКТИДАГИ МАЖЛИС

Авваллари „маза-маза катталар“га! деб юрардим. Нима қилса — оғзининг ели! Ҳамма икки букилиб, таъзим қилиб туради. Қандоқ яхши! Энди билсам, фирт аҳмоқ эканман. Амалдорликнинг ғалваси шунақанги кўп бўларканки, бошига тушмаган одамнинг етти ухлаб тушигаям кирмайди. Мана, ўзимни олайлик. Наридан борса битта бригадирман! Шу қилтириқ амалниям бир кунлик нағмасини йиғиб филнинг елкасига ортинг, фил бечоранинг бели чўрт узилиб кетмаса, мен кафил! Мен айтиб турай, сиз бармоғингизни букиб туринг. Кузда корчёвка қилиш керакми — керак! Қишда шўр ювиш, яхоб бериш керакми — керак! Баҳорда, радиода ҳар куни айтадигандек, барака уруғини қадаш керакми? Ўтоқ қилиш, чопиқ, дорилаш, суғориш... Кейин чеканка, дефолиация... Омон-эсон терим кампаниясига этиб олганингиздан кейин ғалванинг каттаси бошланади. Пахта терадиган машиналар ҳам ўлмасин. Шир этиб ёмғир қуйса, отасидан калтак еган боладек бир чеккага чиқиб, сўппайиб тураверади. Мактаб ўқувчилари-ку, ўзимизнинг болалар. Гапга кўнади. Ҳай-ҳай, шаҳардан келган талабалардан асрасин! Ҳар куни битта ғавфо! „Ўтоқ-

хонангиз молхонага ўхшайди“ дейди... „Совқотиб қоляп-миз, қачон печка ўрнатиб берасиз?“ дейди. „Макарон шўрванинг гўшти қани?“ дейди. Ўзимга йўқ гўштни сенга қаёқдан топаман, олифта. Кўйиб берса рангли телевизор ҳам сўрарсан, ҳали. Қайси куни биттаси олдимга келиб, дафтар-китобини ёйиб ташлади. „Ҳа“ десам, „Ҳисоблаб чиқдим, ака, битта чаноқ тўрт грамм бўлса, бир кило пахта териш учун ерга 250 марта эгилиш керак экан, нормани пасайтиринг, мен бир кунда йигирма беш минг марта эгилолмайман, машинани ишлатинг“, деб ақл ўргатяпти. Кўтар-ей, тўрва халтангни, дегим келди-ю, Раис бувадан ҳайиқдим.

Маили, булар-ку, ўзимиз ўрганиб кетган гаплар. Энг алам қиладигани шуки, давлатнинг ўзи белгилаб қўйган матоҳларниям ололмайсиз. Радио мухбирига айтган гапим гап: куёв — бориб турган апирис. Аккумуляторми, релеми сўраб борсанг, юзинггамас, қўлингга қарайди. (Калтак еб ҳам одам бўлмади, уккағар!) Бировга ўғит деб ялинасан, бировга шпиндель деб сарғаясан... Тағинам Раис бува менга озми-кўпми қайишади. („Машъал“ бригадирмиз-а!)

Бригадамдаги аъзоларни айтмайсизми! Иш деса кетини куруққа опқочади. Қулоғингизга айтайми: уларгаям осон тутиб бўлмайди. Мана, масалан, Турсунбой ака. Бултур кузда машинада юз эллик тонна пахта терди. (Планга зарур бўлиб қолган эди, Раис бува Турсунбой аканикини 250 тонна, мен терган 170 тоннамни 300 тонна деб ёздириб қўя қолди.) Шундоқ бўлсаям, Турсунбой ака ҳамма нарсадан кўнгли совиган одамдек маъюсланиб юради. Чорини айтмайсизми? Ёшгина хотини сариқ бўлиб қолди. (Ҳайронман, шу, куз келиши билан сариқ касал кўпаяди.) Чорининг хотини ўзи сап-сариқ яна қанақасига сариқ бўлганига одамнинг ақли етмайди. Яна бечоранинг юзи сариқ, сочи қизил. Шунинг учунми, касал бўлганини ўзиям сезмабди. Орадан анча ўтиб биқиним оғрийди, сариқ бўлдим шекилли, деган экан, Чори ҳазилга олибди. „Кўявер, хотин, онангнинг қорнида узоқ ётганинг учун сарғайиб кетгансан“, деб қўя қопти... Хотини шўрлик касалхонада уч ой ётди.

Ёки Панжини олайлик. Уйланаман деб қулоғига ча қарзга ботган экан. (Шуни ўйласам, юрагимни ваҳима босади: ҳали-бери бизнинг оёқ тўртта бўлмайди, ше-килли.) Ишга тоби йўқ. Ҳар куни бир баҳона топиб томорқасига югуради. Тўғри-да, унгаям осонмас: қарин-дош-уруғидан бир қоп пул қарз кўтарган одамга жамоа хўжалигидан тегадиган маош урвоқ бўладими? Шунинг учун жамоа аъзолари томорқасида ўзи ишлаб, боласини пахтага ҳайдайди-да! Панжининг далада ишлашга яроқ-ли боласи йўқ. Хотини ҳозирча туғишга улгурмади.

Ана энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Мендек пўристой бригаднинг бошидаки, шунча галва бор экан, тагинам Раис бувалар фил экан-да!

Бугун Раис бува ишнинг кўзини билишига яна бир марта тан бердим. Ноябрь охирлаб қолган, далада пахта тугул, йилт этган кўсак ҳам йўқ. Устига-устига икки ҳафта олдин қор ёғиб ҳамма ёқнинг аталасини чиқариб юборди. Вилоят пединститутидан келган ҳашарчи талабалардан икки юзтаси бизнинг бригадага ҳам тушган. Тушликда борсам, бекорчиликдан домино ўйнаб ўтиришибди. Ово-зи оламни тутуди. Ҳамма ёқ тарақ-туруқ, шарақ-шуруқ... Энсам қотиб, четлаб ўтиб кета қолдим. Раис бувагаям ҳайронман-да! Биз бригада планини юз ўттиз поиз дўн-дирдик. Туманники юз йигирма, вилоятники юз етти... Нима қиламиз, шунча одамни бекорга боқиб ўтириб?

Аввал шуни ўйлаб хуноб бўлган эдим. Кейин тушун-сам, Раис бува нима қилса, охирини ўйлаб қилар экан.

Ҳар куни пахта пунктида мажлис бўлишини эшитар эдим-у, ўзим бормагандим. Бугун палакат босиб бориб қолмайманми! Вой-бў, йиғилиш эмас, қип-қизил қиё-мат-ку!

Раис бува, Шайдул кассир, мен — учовлашиб, пахта пункти директорининг хонасига кирдик, одам одамни танимайди: уй ичи тутунга тўлган, бурчакдаги галанска печка қизиб кетганми, нафас олиб бўлмайди.

— Сводка! — деди тўрдаги стол олдида ўтирган Рай-ком бува филтрли сигаретини тутатиб. (Ҳатто саломга алик ҳам олмади.) Райком бувани аввал кўп кўрганман. Икки юзи анордек қип-қизил одам эди. Энди кўзлари

киртайиб, ранги калтакесакка ўхшаб қопти. Юзи кўким-тирми-ей, нима бало! Хона иссиқлигига қарамай, бошидаги андатра телпагини ечишниям унутибди.

— Ўртоқ Алимов, сводка! — деди-ю, бир ютинган эди, узун бўйнидаги шафтоли данагидек учбурчак бақбақаси лиқиллаб кетди.

— Пажалиста! — Раис бува мулойим илжайиб, шимининг чўнтагидан аллақандай қоғоз чиқарди. Вазмин қадамлар билан юриб бориб, Райком бува ўтирган столга кўйди. — Биру ўндан етти процент!

— Ана, бўларкан-ку!

Райком бува Раис бувага гапиряпти, деб ўйлагандим. Йўқ, дераза тагидаги курсида ўтирган новча одамга гапиряётган экан. Папирос тутунидан яхши пайқамай қопман.

— Мумкин экан-ку, ўртоқ Хусниддинов! — Энди Райком буванинг овози таҳдидли жаранглади. — Нега „Машъал“ жамоа хўжалиги бир кунда биру ўндан етти кўрсаткич беради-ю, „Правда“ беролмайди?! Сизга қолса, „Машъал“га қор ёғмаган дерсиз? Ерингиз бир, сувингиз бир...

— Менда пахта йўқ! — деди новча киши тўнғиллаб. Овози ўлгудек йўғон экан.

— Йўқ? Нега йўқ?!

— Планни бажардик, мажбуриятни бажардик, пахта қолмади.

— Ним-ма?! — Райком бува сапчиб ўрнидан туриб кетди. Учбурчак бақбақаси универсал тракторнинг поршенидек пайдар-пай юқори чиқиб-паст туша бошлади. — Нега „Машъал“да бор пахта сизда йўқ?! Нега район планини орқага сурасиз? Нега байроқдор областимизнинг темпини пасайтирасиз?

Хусниддинов деган бало экан! Шундоқ Райком бувадан кўрқмади-я!

— Бор пахтани топшириб бўлдик! — деди ғўлдираб. — Йилт этган чигит қолмади.

— Эшитдингиз-а, ўртоқ Викторов! Баҳонасини эшитдингиз-а? — Райком бува бурчакдаги „галанска“ печка ёнбошида ўтирган тақирбош кишига юзланди.

Пахта заводининг директори Викторов тоға ўзбекчани бинойидек билади деб эшитгандим: рост экан.

— Ишлаш халаган адам чора тапади, халамаган баҳана! — деди дона-дона қилиб.

Райком бува шу гапдан кейин ҳовуридан тушиш ўрнига баттар тутақиб кетди.

— Ҳусниддинов! — деди ҳайқириб. — Сиз чойхонада эмас, райкомнинг кўчма бюросида ўтирибсиз!

— Асабийлашманг, ҳаммаси тушунарли! — Райком буванинг ёнида терлаб-пишиб ўтирган семиз киши сурнайга ўхшаб ғийқиллади. — Ҳусниддиновга раислик юки оғирлик қилиб қопти. Обком бувага бу кимсанинг қилмишини хабар қилишга мажбурман.

— Эшитдингми, Ҳусниддинов! — Райком бува столни муштлади: — Обком вакилининг гапи гап. Раис бўлман, деб орқамиздан чамадон кўтариб юрганлар сонмингта! Йўқол!

Ҳусниддинов индамай ўрнидан турди. Эшик олдига борганида негадир тўхтади.

— Раҳмат... — деди илжайиб. — Ўзим ҳам жонимдан тўйгандим.

Райком бува тагин ҳайқирди.

— Сезилиб турибди. Ишингни прокуратурага топширмасам, одаммасман!

„Правда“ раиси чиқиб кетиши билан хонага жимлик чўкди. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Қаёққа келиб қолдим ўзи! Асли, боя Раис бува „Юр, мажлисга борамиз“ деганида Тулпоримни миниб, уйга жўнаворсам бўларкан.

Эшик очилиб, бир қўлида пахта гулли чойнак, бир қўлида пиёла кўтарган паст бўйли киши кирди. Дарров танидим, пахта пункти приёмчиги — Жовли ака! Хумдек бошини икки елкаси ичига тортганча, катта-катта кўкимтир кўзларида мулойим ўт ёниб, хона тўрига йўл олган эди. Раис бува дик этиб ўрнидан туриб кетди. (Айтаман-ку, Жовли ака тумандаги энг ҳурматли одам деб!) Раис бува унинг қўлидан чойнак-пиёлаларни олаётганида Райком бува ҳам хижолат чекиб жилмайди.

— Овора бўпсиз-да, Жовли Менглиевич!..

— Овораси бор эканми? — Жовли ака укки кўзларида яна ўт ёниб жилмайди. — Ичларинг узилиб кетдику. Ош тайёр, — деди Райком бувага эмас, семиз обком вакилига қараб. — Кул-кул товук ҳам совиб қолди.

— Э, шу топда ош ўтадим томоқдан... — семиз киши шу қадар чуқур хўрсиндики, назаримда қорниям пучқайиб қолгандек бўлди. — Темпни тушириб бўлмайди. Обкомга нима дейман? Бобойнинг аччиғи чиқади.

Жовли ака укки кўзлари сузилиб Райком бувага қараб қўйди.

— Менимча, „Машъал“да ҳали пахта мўл...

Райком бува ярқ этиб, бизнинг Раис бувага юзланди.

— Уч фоиз қила оласизми?

Анграйиб қолдим. Қандай қилиб биру ўндан етти фоизни уч фоиз қилади?

— Қилмасангиз бўлмайди, — деди Райком бува хотиржамлик билан. Ҳатто шафтоли данагидек бақбақаси ҳам лиқилламай, узун бўйнининг қоқ ўртасида муқим тўхтаб қолди. — Ярим соатдан кейин юқорига сводка беришимиз керак.

Семиз киши чўзиб-чўзиб эснади.

— Амаллайсиз-да, энди, ўртоқ Алимов!

— Шайдул! — Раис бува бир ҳайқирган эди, ёнимда ўтирган Шайдул кассир сапчиб ўрнидан турди. Боши шифтга тегай деб қолди. (Ҳайронман, мирзатеракнинг қолипани шундан олганми, кассиримизнинг бўйи нақд икки метрдан ортиқ келади.) Ҳозир ҳам ўрнидан туриши билан ҳеч кимни кўрмай қолдим. На раисни, на Райком бувани! Аммо Раис буванинг гапини аниқ-таниқ эшитдим.

— Югур! — деди Раис бува. — Сенам бора қол, тутхўр!

Кейинги гапи менга аталганини тушундим. Раис бува меҳри товланиб кетди шекилли, мени яна „тутхўр“ деди.

Узун-қисқа бўлиб ташқарига чиқдик.

Шайдул кассирнинг пат-патиға мингашиб кетяпман-у, ҳеч балога тушунмайман. Жамоа хўжалигининг уч фоизи камида ўттиз тележка пахта бўлади. Ярим кечадан ошган бўлса, варахага тушадиган кўсак ҳам қолмаган бўлса, ўттиз тележкани қаёқдан оламиз?

— Менинг бригадамда бир килоям йўқ! — дедим ҳар эҳтимолга қарши.

Пат-пат ҳайдаб кетаётган Шайдул кассир гапимни эшитмади чоғи, елкаси оша ўтирилди.

— Нима?

— Менда пахта йўқ! — дедим бақриб. — Йўлга қаранг!

Негадир шу топда, бир вақтлар Шодивойнинг „Запорожец“ида пичан ғарамига кириб кетганимиз хаёлимга келди. Ер сирпанчиқ, билчиллаб ётибди. Устига устак туман. Йўл четидаги чироқлар кул орасидаги чўғдек хира милтирайди. Шайдул кассирга нима? Ёшини яшадди, ошини ошади. Бир эмас, иккита хотини, учта куёви, тўртта келини бор. Ўзим кўрганман, молхонасида иккита говмиш сигир, учта хўкиз бўкириб ётибди. Ўлса ўлиб кетаверади-да! Жабр бўлгандан менга бўлади. Шайдул акага ўхшаб иккита бўлмасаям, ақалли битта, хотин олайлик-да биз ҳам!

— Секинроқ! — дедим биқинига муштлаб. Кучим борича уриб юбордим шекилли, у орқасига жаҳл билан ўтирилди.

— Обком вакили нима деганини эшитдингми? Ярим соатдан кейин юқорига сводка бериш керак! — деди шанғиллаб.

Мотоцикл жони чиққудек чираниб тариллай бошлади. Икки қулоғим совуқ шамолдан музлаб кетди. Хайрият-ей, тўхтадик! Қарасам, жамоа хўжалиги идорасига келибмиз.

— Пахта қайси бригадада? — дедим ҳамон қулоғим шанғиллаб тургани учун бақриб. — Ярим кечада ўттизта тележкани қаёқдан топамиз, Шайдул ака?!

— Бақирма-эй! — кассир рапидадек қўлини пахса қилди. Ўзи теракдек бўлсаям чаққон экан. Зипиллаганча идора томон йўрғалади.

— Мен кетаверайми? — дедим яна бурилиб.

— Ўчир! — Шайдул ака зиналардан кўтарилар экан, тайинлади. — Кетиб қолма, бирга борамиз.

Анча турдим. Эрталаб пайтавани юпқароқ ўраган эканман, оёғимдан муз ўтиб кетди. Бир ёқда қорин

таталаб кетяпти. Раис бувадаям одамгарчилик йўқ-да, ўзи! Жовли ака-ку, „ош тайёр“ деди. Бирпас сабр қилса бизам ердик, бир чўқим-бир чўқимдан. Совуқ кунда қовурма қул-қул товуқ ҳам тешиб чиқмайди. Одамнинг қорни оч бўлса, бунинг устига обдан совуқ қотса, уйқу босаркан. Қани, ҳозир уйга борсам-у, иссиққина шўрвадан бир косагинани ичиб...

Бир маҳал Шайдул ака папка кўтариб зинадан тушиб келди.

— Ма, — деди эски чарм папкани кўлимга тутқазиб. — Эҳтиёт қил!

— Қайси бригадага борамиз? — дедим бир кўлда папкани ушлаганча мотоциклга мингашиб.

— Бригадада пишириб кўйибдими, пахта пунктига! — Шайдул кассир ўшқириб берди. — Лулкага ўтир! Папкага ҳушёр бўл!

Нима, мен иккиқат хотинманми, лулкада ялпайиб ўтирадиган. Папкани чангаллаб, орқа эгарга мингашиб олдим.

Шайдул ака жаҳл билан бир қараб кўйди-ю, моторни тариллатди. Тагин елдек учиб кетдик. Анчагина юридик. Кейин нима палакат босди, билмайман. Қорнимнинг очлиги таъсир қилдими, уйқу элитдими... Хуллас, Шайдул аканинг биқинидан кўш кўллаб чангаллаб олганим эсимда...

Ҳайбатли дағдағадан уйғониб кетдим.

— Папка, қани, папка?

Кўзимни очсам, пахта пунктининг темир дарвозаси олдида турибмиз. Туман орасида қоровулхонанинг чирогги хира милтираётганидан билдим.

— Папка қани? — деди Шайдул ака чийиллаб.

— Қанақа папка?

— Бояги папка, аҳмоқ! Чарм папка!

Ростдан ҳам, ҳали мотоциклга мингашаётганимда кўлимда папка бор эди-я!

— Ҳайронман, — дедим елкамни қисиб. — Ҳали кўлимда эди.

— Уйим куйди! — Шайдул кассир тарсиллатиб пешанасига урди. — Хонавайрон бўлдим! — Тўсатдан кўзи

олайиб ёқамга ёпишди. — Қаёққа ташладинг? Ростини айт! Ичагингни суғуриб оламан, аҳмоқ!

Ие, нимага дўқ қилади менга. Нега ҳадеб „аҳмоқ“ дейди! Найнов бўлса ўзига! Худо берган бўй биздаям бор. Ёқадан олиш мана бунақа бўлади, деб бўйнига ёпишиб олдим. У ёқамни қўйиб юбориб, билагимни чангаллади.

— Қўйвор! — деди бўғилиб нафас олиб. Бўйинини бўшатган эдим, энтикиб-энтикиб ялинди. — Жон ука! Хароб қилма мени! Бола-чақам бор. Тўйларингда хизмат қилай, укажон!

Раҳмим келди. Бечорага бир гап бўлса, иккита хотини, учта куёви, тўртта келини, сигирлари-ю хўкизлари додини кимга айтади.

— Ичидаги қоғозлар шунчалик зарилмиди? — дедим хавотирланиб.

Шайдул кассир кўзимга илтижо билан термилди.

— Жудаям керакли ҳужжат, укажон! Ҳозир топмасак, Раис бува ўн йилни бўйнимга илади. Ростини айт: қаерга ташладинг?

— Билмайман, кўзим илинган экан, йўлда тушиб қолгандир-да!

— Юр, юр, жон укам! — Шайдул ака рапидадек кафти билан елкамга шаппатилади. — Балки қаерда тушириб қолдирганинг эсингга тушиб қолар.

Мотоциклга минаётганимизда маслаҳат бердим.

— Идорага қайтиб бориб, бошқа нусхасини ола қолайлик.

— Бунақа қоғозда нусха бўлмайди, — у йиғламсираб, бурнини тортди. Шоша-пиша мотоциклини гуриллатди. — Э, Худо! — деди илтижо қилиб. — Ишқилиб топилсин... Хонавайрон бўламан, сочим оқарганда турмага тушаман...

Мотоцикл юриб кетди. Аммо бу сафар астароқ, авайлаброқ юра бошлади. Аксига олиб, туман куюқлашган, йўл четидаги лампочкалар гира-шира кўринарди. Шайдул ака йўлни яхшироқ ёритиш учун бўлса керак, мотоциклини гоҳ у ёққа буради, гоҳ бу ёққа.

— Ўзинг шарманда қилма! — дейди дам-бадам.

Дала йўлига чиққанда мотоциклини тўхтатиб, азда-базда ялинди:

— Қўшожон! Ўзим айланай сендан. Уйланаётганингда битта хўкизни тўяна қилмаган номард. Яхшилаб эслаб кўр! Қаерга келганда ухловдинг?

— Ухлаганим йўқ, мизғидим!

— Ўл! — У яна мотоциклини юргизиб кетди. Бир чақиримча юргандан кейин тўсатдан тормозни босди. Бошим курагига урилиб, пешанам сирқиллаб кетди. У эгардан сакраб туриб, олдинга югурди. Мотоцикл чирогги ёруғида ўн қадамча нарида, йўлнинг қоқ ўртасида ётган папкани юлқиб олаётганини кўрдим. Дарров қиров тушибдими, папканинг усти оқариб қолибди. Шайдул ака шарақ-шуруқ қилиб папканинг ялтироқ қулфини очди-да, ичига қўл суқди.

— Хайрият! — деди энтикиб. — Худога шукур!

У папкани бандидан чангаллаб чопиб келди.

— Укам, — деди овози мулойимлашиб. — Жума куни жонлик сўйиб худойи қиламан. Пешинда! Сенам келгин, хўпми!

— Менга бера қолинг! — деб қўл чўзган эдим, жон-қолатда папкани бағрига босди.

— Йўқ-йўқ, барака топ, укам. Ўзим... — У папкани эгар қошига қўндириб, устига миниб олди. Ҳар эҳтимолга қарши, „жойида турибдими“, дегандек четининг орасига қўл суқиб текшириб кўрди-да, мотоциклини орқага буриб, шанғиллади. — Бўлган ҳангомани Раис бувага айтиб юрмагин, хўпми? Нақ иккаламининг теримизга сомон тикади-я!

Терига сомон тикишга ҳожат қолмади. Пахта пунктига қайтиб келсак, дарвоза олдида Жовли ака кутиб турган экан.

— Оёғингга тош боғлаганмисан, нима бало! — деди жеркиб. Папкани олди-да, аввал Шайдул кассирнинг, кейин менинг қўлимни қисди. — Райком бува хуноб бўлаётган эдилар. Раҳмат, сизларга жавоб.

ҮН УЧИНЧИ БОБ

НАРГИЗХОННИНГ ҲИНДУ ХОЛИ

Хоҳлаган одамингиз билан баҳс бойлашиб айтаманки, дунёда энг яхши нарса — севги экан. Яна бир марта хоҳлаган одамингиз билан баҳс бойлашиб айтаманки, дунёда энг ёмон нарса ҳам — севги экан. Авваллари, шеър китобни кўрсам, ансам қотарди. Энди билдим: шоирлар ҳам аввал биттасини яхши кўриб қолиб, кейин шоир бўларкан-да! Қийин экан у бечораларгаям. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, аллақандай бир ой ичида ўзим ҳам тап-тайёр шоир бўлдим-қолдим.

Мен сени севаман,
Ишонгин менга.
Хоҳласанг жонимни
Бераман сенга!

Бу шеърни ўзим ёздим. Ёздим эмас, кечалари кўзимни юмиб ётсам, лоп этиб хаёлимга Наргизхон келди-ю, ўзидан-ўзи шеър тўқиб ташлайман.

Ўзимиз ҳам айни қони гупиллаган бўз йигит эмасмизми, шундоқ кўкрагимга икки литрли қумғонни қўйинг: ўн беш минутда шарақлаб қайнаб кетмаса, мен кафил! Оҳ тортсам, нафасим олов бўлиб чиқади. Тушлик пайтида ҳамма овқат еса, мен шийпон тагидаги ҳовуз бўйида, тарвақайлаб ўсган тол тагида кўксимни захга бериб ётаман. Бир ҳафта ўтмай, мен ётган жой қуриб-қақшаб ўтлариям сарғайиб кетди. Назаримда тол қуриб, ҳовуздаги сув буғлана-буғлана бир қулоч пасайиб қолдиёв! Бригададаги йигитлар ҳайрон. „Сенга нима бўлди, Қўшо, рангинг сомон бўпкетибди-ку, касал-пасалми-сан“, дейишади. Гапириб нима қилдим? Менинг касалимни қаёқдан тушунсин булар.

Қанақа бедаво дардга йўлиқдим ўзи? Дадамга айтолмасам, энамга айтолмасам? Ўртоқларим тушунмаса. Кечалари Тулпорим билан дардлашаман. „Наргизхонни яхши кўриб қолдим, ошна!“ дейман хўрсиниб. Тулпорим мендан ҳам чуқурроқ хўрсиниб қўяди. „Биламан, у мени

менсимайди, кулади“, дейман. Тулпорим тагин хўр-синади. „Энди нима қиламиз, ошна, ёнимда Шоди бўлсаки юрагимни ёриб, ҳасратимни айтсам?“ Тулпорим индамайди. Нимаям десин? Тил-забони бўлмаса. Ёрдам бериш қўлидан келмаса... Кўзимга мўлтираб-мўлтираб қарайди.

Асли, бу савдолар баҳор охирлаб, жийда гуллаган кезларда бошланди. Уша куни Жуман, „Идорага бораркансан, Раис буванинг зарил иши бормиш“, деб қолди.

Раис бувани биламан-ку, бекорга чақирмайди. Югурдим!

Бизнинг жамоа хўжалиги идорасини кўрмабсиз — дунёга келмабсиз.

Дала шийпонларининг мазаси бўлмасаям, Раис бува идорани бошлаган. Икки қаватли мрамар бино. Олди фонтан. Фонтан четида мажнунтоллар „Ассалом алайке-е-ем“ деб салом бериб туради. Одамнинг ёғи эриб кетадиган саратонда ҳам Раис буванинг хонаси муздек-кина бўлади. Худди бир вақтлар Шодивой иккаламиз жойлашган Тошкентдаги гастинисадек.

Иккинчи қаватга кўтарилиб, шундоқ эшикни очганимни биламан! Гилам тўшалган қабулхонанинг бурчагида, оч ҳаворанг ҳарир пардалар осилган дераза тагидаги столда бир қиз ўтирибди... Ё алҳазар! Одам боласиям шунақа чиройли бўладими? Йўқ, бу одам эмас, онам болалигимда айтиб берадиган эртақдаги парининг нақ ўзгинаси! Сочини чиройли турмаклаб, бир четига миттигина жийда шохчасини қистириб олган. (Иккинчи қаватга чиқишим билан димоғимга жийда гулининг ҳиди урилувди-я!) Эгнида нимпушти кўйлак. Деразадан тушиб турган нурда қомати аниқ-таниқ кўриниб турибди. Юзлари... Юзлари жудаям оппоқ эмас-ку, тандирда сингиб пишган кулчадек қизғиштоб. „Пари“нинг камондек қайрилма қошининг қоқ ўртасида жажжигина холи бор. Худди индийский кинодаги артисларга ўхшайди. Ўзим ҳам мабодо кинога кириб қолмадимми, деб у ёқ-бу ёққа аланглаб кўйдим. Йўқ, ўзим билган Раис буванинг қабулхонаси. Олти ой аввал, қишда келганимда ҳам қабулхона шунақа эди. Гилам ҳам, оч ҳаворанг

дарпардалар ҳам. Аммо унда „Пари“ йўқ эди. Тиззаларим ўзидан-ўзи қалтирай бошлади. Келганимни билдириш учун йўталмоқчи эдим, томоғимдан хириллаган овоз чиқди.

„Пари“ узун-узун нозиккина бармоқлари билан машинкани чиқиллатишда давом этиб, менга юзланди. Мулойим жилмайган эди, юзи ёришиб кетгандек бўлди.

— Келинг, ким керак эди?

Овозми бу, кумуш кўнғироқнинг жарангими? Юрагим қинидан чиққудек ура бошлади. Тракторимнинг моториям бунчалик гупилламас.

„Пари“ машинкани чиқиллатмай кўйди.

— Ким керак эди? — деди кўзимга синовчанроқ тикилиб.

Гапирмоқчи эдим, лабим лабимга чиппа ёпишиб қолди. Қани оғзимни очолсам.

„Пари“ пиқ этиб кулиб юборди.

— Гарангмисиз?

Мўлтираб туравердим.

У менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

— Соқовмисиз? — деди раҳми келиб.

— Ҳа! — дедим. Овозим йиғламсираб чиқди. — Тилим йўқ.

„Пари“ ширин жилмайди.

— Гапирадиган соқовни биринчи кўришим! — у негадир оёғимга имо қилди. — Этигингиз лой экан.

Эрталабдан бери пайкал кечиб юргандан кейин этигим лой бўлмай, дўпчим лой бўлсинми? Бошқа одам бўлса-ку, шунақа дерди. Аммо „Пари“нинг дашномидан ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмадим. Индамай орқамга бурилдим-у, зиналардан пастга отилдим. Идора олдидаги фонтан зиҳига ўтириб, аввал ўнг оёғимнинг этигини суғурдим. Усти у ёқда турсин, ичигача тозалаб ювдим. Узиниям оқ ем қилиб юбордимов. Кейин чап оёғимникини суғурдим.

Ҳаллослаб зинадан кўтарилдим, эшикни очдим. „Пари“ бояги жойида машинкани чиқиллатиб ўтирган экан. Ярқ этиб мен томонга қаради-ю, ангишвонадек

бежирим оғзини ярим очиб, узун-узун қайрилма киприкларини пирпиратди.

— Мени Раис бува чақиртирган экан... — дедим дадилланиб.

„Пари“ ҳамон киприклари пирпираганча яна бир минутми-икки минутми тикилиб турди-да, ўзини курси суянчиғига ташлаганча қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади. Қизиқ, нега кулади бу? Ё этигимни чала ювибманми? Мундоқ қарасам, ўнг оёғимда этик бор-у, негадир чап оёғимда йўқ. Ие, кўлимда экан-ку! Ўзиниям чақалоқ кўтарган хотиндек бағримга босиб олибман. Кўнжи ерга қараб тургани учунми, ичидан чак-чак сув томади.

Қочмаган номард деб кўчага отилдим. Шу югурганча уйга етганда ҳушим сал-пал жойига келди. Онам ҳовлидаги сўрида хамир қориб ўтирган экан. Аҳволимни кўриб кўрқиб кетди.

— Тинчликми?

— Йўқ! — дедим ҳаллослаб. — Тинчликмас. Охирзамон бўлди.

Онам оғзини ланг очиб қолди.

Кечаси билан мижжа қоқмай чиқдим. Ўзидан-ўзи шеър тўқигим келади.

Отингни билмайман,
Айта қол ўзинг!
Ичимни ёндириб
Юборди кўзинг...

Уч кунгача гаранг бўлиб юрдим. Раис бува чақирганини баҳона қилиб, олдига борай десам, кўрқаман. Бормай десам, боргим келади. Учунчи кун чидолмадим. Эрталаб, далага бориш ўрнига қиртишлаб соқолимни олдим. Шипр атирдан юзимга мўлгина сепдим. Оппоқ кўйлак, янги шим, оёғимга лакированний туфли кийиб, мундоқ ойнага қарасам... Ҳа, энди бир йигит бўлса, бизчалик бўлар-да! Қарчиғайнинг қанотидек қалин қошлар, хиёл қорароқ, хиёл озғинроқ бўлсаям, бинойидек юз, хиёл қийшиқроқ бўлсаям, ушласа ушлагудек қирра бурун. Бош ёрилганда қолган чандиқ соч тагида

кўринмайди. „Пари“ дўппимни ечиб, сочимнинг орасини титкилаб ўтирармиди. Газеталарда бир эмас, саккиз марта мақталган, радиода гапирган „Машғал“ бригад бўлсак! Энг муҳими Худо берган бўй бор: биру тўқсон! Наридан борса, Шайдул кассирдан бир қарич пастмиз-да! Ҳозирги қизлар баланд бўйли йигитларни ёқтиришади. Тагин нима керак!

Лакированний туфлига чанг тегизмаслик учун кўча четидан битта-битта босиб кетаётсам („Пари“ бу сафар ҳам туфлингиз чанг экан деса, яна шарманда бўламанми?) димоғимга ғалати ҳид кирди. Қарасам, мзористон ёқасидаги чакалак четидан жийда гуллаб ётибди. Қўлимга тикан киришига қарамай, битта шохчасини синдириб олдим.

Мармар зинадан чиқиб боряпман-у, тагин, тизза қизталоқ қалтирайди-да! Иккала оёғимни кесиб ташлагим келди! „Дадил бўл, Кўшо“ дедим-у, эшикни шахт билан очдим.

„Пари“ хаёл суриб ўтирган эканми, бир чўчиб тушди. Танимади! Улай агар танимади.

— Ким керак эди?

— Сиз!

Шундоқ дейишга деб кўйдим-у, ўзим кўрқиб кетдим.

У ҳайрон қолгандек юзимга тикилди. Ҳатто икки қошининг ўртасидаги ҳинду холини нозик бармоғининг учи билан силаб ҳам кўйди. Худди аввалги сафардагидек бошимдан оёғимгача қараб чиқди.

— Вой, сизмисиз? — деди жилмайиб.

— Ҳа...

Шу туришда бақа бўлиб тикилиб қолдим, шекилли, у кўзини олиб қочди.

— Унақа қараманг одамга, — деди секин. — Кўрқиб кетяпман.

— Мен ҳам, — дедим ростини айтиб. — Йиқилиб тушай деб турибман. — Унинг раҳми келдими, жилмайди.

— Гулингиз чиройли экан, — деди қўлимдаги жийда шохчасига қараб.

Суюниб кетдим.

— Сизга! — дедим жонҳолатда шохчани узатиб. — Биласизми, биз томонда жийда кўп. Шодивойларнинг уйидан нарироқда мозор бор. Ўша мозорнинг атрофи чакалакзор. Жийда дегани тикилиб ётибди. Эҳтиёт бўлинг, тикани ёмон.

„Пари“ энди жийда шохчасига қўл чўзган эди, ёнбош томондаги чарм қопланган эшик очилди. Раис бува чиқиб келди.

— Ия, ҳа! — деди гоҳ „Пари“га, гоҳ менга қараб. Назаримда ғалатироқ илжайгандек бўлди. „Пари“ дарров қўлини тортиб олди. Қип-қизариб нари кетди.

— Қўшовой, кўринмайсан? — деди Раис бува жиддий тортиб.

Мен учун „Пари“ жавоб берди.

— Қайси куниям келувдилар. Сиз районга кетгандингиз...

— Шунақами? — Раис бува тагин гоҳ унга, гоҳ менга қараб қўйди. — Қўшовой — маладес. Бизнинг „Машъал“ бригад шу-да! — деди елкамга қоқиб. — Наргизхон, телефон бўлса, мен йўқман. Қани юр-чи.

У охирги гапини менга айтганини кейин тушундим. Хаёлимда нукул бир гап айланарди. „Оти Наргиз эканда. Тўппа-тўғри! Отиям индийский, ўзиям!“

— Э, ташласанг-чи, тиканагингни! — Раис бува жийда шохини қўлимдан юлқиб олиб, қабулхона бурчагидаги диванга улоқтирди. — Юр, срочний иш бор.

Муздеккина хонага кирдик.

— Гап бундоқ, тутхўр! — деди Раис бува тик турганча. — Сен эсли боласан. Шу кунларда районимизда бир ёзувчи пайдо бўлган. Эрта-индин сенгаям бориб қолса ажабмас.

— Борса, гаплашаверамиз, — дедим бепарволик билан. (Фикр-зикрим Наргизхонда эди. Гулимни олди-ми, йўқми?)

— Э, унақа мақтаб ёзадиганлардан эмас! — Раис бува, худди ўша ёзувчи рўпарасида тургандек, муштини дўлайтирди. — Ҳеч ким уни упалномочний қилмаган. Фирт иғвогар! Райцентрдаги аллақайси техникумда малим экан.

— Яхши... — дедим ҳеч балога тушунмай.

— Нимаси яхши! — Раис бува чақчайди. — Иғвогар дедим-ку, ҳамма ёқни така-така қилиб юрибди.

Наргизнинг ҳинду ҳолини силаб тургани лоп этиб хаёлимга келди.

— Чиройли... — дедим хўрсиниб.

— А? — Раис бува шунақанги бақриб бердики, чўчиб тушдим. — Бир иғвогар бутун районни остин-устин қилиб юради-ю, шу чиройлими? Эшитяпсанми, ҳов! — у қўлини бигиз қилиб, пешанамга нуқиди. — Райком буванинг ўзи айтди. Ўша иблисни қаматиб қутулмасак бўлмайди. Эрта-индин сенинг бригаданга бориб қолса ажабмас. Гап сўраса, ҳеч нимани билмайман, деб тураверасан, уқдингми! Эслаб қол, фамилияси — Эргашип, тушундингми?

— Тушундим, — дедим секин. — Тушундим, Наргизхон...

— Нима? — Раис бува ёқамдан ушлаб силкитди. — Эс-хушингни йиғ, бола! Эргашип гап сўраса, ҳеч нимани билмайсан, билдингми?

— Билдим. Билмайман!

— Бўпти, боравер! — Раис бува ёқамни бўшатди. Эшик олдида борганимда чақриб қолди. — Шошма, — деди юмшоқроқ оҳангда. — Биладан, дуруст боласан. Аммо бўйингга қараб тўн бич. Хўпми? Наргизхон — Жовли Менглиевичнинг жияни бўлади. Отаси райпо мудирини. Уқдингми?! Бўпти, бора қол энди.

Қабулхонага чиқсам, Наргизхон ҳам, диван устида ётган жийда шохчасиям йўқ. Йўлакка чиқиб, анчагача талмовсираб турдим. Наргизхон гулимни олган бўлса, бундан чиқди... Энди илжаймоқчи эдим, лабим ўзидан ўзи бурилиб, жойига келиб қолди. Агар Жовли аканинг жияни бўлса, отаси райпо мудирини бўлса, бизга йўл бўлсин... Тенг — тенги билан... Раис бува тўғри айтди.

Тўрвасини йўқотган гадойдек талмовсираб чиқиб кетдим. Қандоқ азобларга қолдим-а? Ишонсангиз, томоғимдан овқат тугул, сув ўтмайди. Филқ этиб қайтиб тушади. Ҳали айтганимдек, Тулпоримдан бўлак сирдошим бўлмаса... Шодивой-ку, беш йилдан бери қорасини кўрсатмайди. Биринчи курсни битирганида каникулга

келган эди. Билмадим, нима жин урди жўрамни! Иккинчи курсдан бошлаб ёзда ҳам қишлоққа келмайдиган бўлиб кетди. Талабалар отрядига қўшилиб, қурилишга борармишми-ей, Россия томонларда янги ер очаётганмишми-ей! Кучинг ошиб-тошиб кетаётган бўлса, кел. Ишимиз шунақанги кўпки, бир ҳафтада қулоғингдан кун кўринадиган қилиб қўямиз!

Бултур Раис бува „Жўранг ўқишни битиряпти, катталар билан гаплашдим, ўзимизнинг районга ишга келади“, деб юрганди. У ёқда Жамила хола ҳам тўй тарадудини кўриб юрувди. Буни қарангки, Шодивой келмади. Кейин эшитсам, Тошкентда ишлаб қопти. Ҳатто Раис буванинг ўзиям бир сафар менга ҳасрат қилди. „Жўранг бемехр бола чиқди, биттаю битта ўғлим деб шунча авайладим, яхши иш топиб қўйгандим, келмади“, деди.

Иш-пишини билмадим-у, барибир, жўрамдан мен ҳам хафаман. Жилла курса меҳмон бўлиб келмайсанми, аҳмоқ! Мен сенга дардимни айтмайманми! „Шундоқ-шундоқ, жўражон, Наргизхонни севиб қолдим“, демайманми, сен менга жўялироқ маслаҳат бермайсанми!..

Ҳар куни эрталаб каллам далага бурилса, оёғим идора томонга тортиб кетаверади. Шу бир ой ичида Наргизхонни атиги икки марта кўрдим. Бир сафар идора рўпарасидаги фонтан ёнида хаёл суриб турсам, Раис буванинг „Нива“си гириллаб келиб қолди. У эшикдан Наргиз, бунисидан Раис бува тушишди. Алланимани гаплашиб идорага кириб кетишди. Мени кўришмадиям.

Иккинчи гал таваккал қилиб, Наргизхоннинг эшигини очдим. Хона бурчагида негадир хомуш турган экан. Мени кўриб, жилмайди. Гапни нимадан бошлашни билмай турган эдим, аксига олиб худди аввалги сафардагидек Раис бува хонасидан чиқиб қолди.

— Ифвогар келдими? — деди тўсатдан.

Ҳайрон бўлдим.

— Қанақа ифвогар?

Раис буванинг жаҳли чиқиб кетди:

— Нима дегандим сенга? Идорада ўралашгандан кўра ишингга бор! — Менга қанақа ўшқирган бўлса,

Наргизхонга ҳам шунақа ўдағайлади. — Отчётларни ким кўчиради! Юринг! — шундай деди-ю, Наргизхонни хонасига бошлаб кириб кетди.

Вой, димоғингга беданам кўнсин! Раис бўлмоқ тугул авлиё бўлмайсанми?! Нега дўқ қиласан! Ўтказиб қўйган жойинг борми! Келиб-келиб Наргизхонга-я!

Бир тўполон кўтаргим келди-ю, тўғриси, Наргизхондан уялдим.

Исанинг алами Мусадан деб, Чори бечоранинг калтак егани қолди. Урганим йўғу, шунга ўхшаганроқ иш бўлди.

Тушлик пайтида тол тагида кўкрагимни ерга бериб ётсам, шўрва ичиб бўлиб, нос чекиб роҳатини сураётган Чори вайсаб қолди.

— Эситдингми, ўв, Кўсо... — деди оғзида нос борлиги учун тили яхши айланмай, — Раис бувани бир секретари бор... Сунақа сиройли, сунақа сиройли, бир қосиқ сувминан ютсанг, зонинг роҳат қилади...

— Нима? — учиб бордим-у, белидан олиб, кучим борича ҳовузга отдим. Чори бечора ҳовузнинг қоқ ўртасига шалоплаб тушди. Боядан бери тинимсиз вақиллаётган қурбақалар ин-инига уриб кетди. Толга боғлоғлиқ Тулпорим шаталоқ отиб қочмоқчи бўлди-ю, арқонни узолмади. Чори амаллаб қаддини ростлади. Негадир кўзи ола-кула бўлиб ўхчий бошлади.

— Нос кетди! — эски шолчага ёнбошлаб ётган Панджи дик этиб ўрнидан турди-ю, айюҳаннос солди. — Ичига нос кетиб қолди! Кафтини тўлдириб отган эди. Ўлиб қолади, бола!

— Ўлсин! — дедим жиннилардек ер тепиниб. — Ўлаверсин! Агар Наргизхонни яна бир марта...

Чори лойқаланиб кетган сувдан ҳовучлаб беш-олти марта ичди-да, чўзиб-чўзиб кекирди.

— Аҳмоқ! — деди ёшланган кўзларини ишқалаб. — Нима қилдим сенга?

— Яна бир марта гапирсанг... — сўкмоқчи эдим-у, аҳволини кўриб раҳмим келди. — Чиқ! — дедим ўдағайлаб.

— Чиқолмайман! — Чори ҳовуз ўртасида турганча

гавдасини у ёқ-бу ёққа лапанглатиб қўйди. — Белимгача лойга ботиб қолдим! Торт!

Этигимни ечиб сувга тушишга мажбур бўлдим. Бечора ростдан ҳам белигача балчиққа санчилиб қолган экан. Тортиб чиққунча ўзимнинг ҳам силлам қуриб кетди. Чорининг этиклари шўлтилар, шими ачимсиқ лойга беланган эди.

— Белни единг, хумпар! — деди афти буришиб. — Шуни аввалроқ айтмайсанми, уйини кўрсатиб қўймайманми!

— Жон жўражон! — чорининг этигини оёғидан суғуриб оларканман ялинишга тушдим. — Ростдан ҳам кўрсатасанми уйини!

— Э, ўл! — унинг афти аввалгидан баттар буришиб кетди. — Вой белим-а! — деди инқиллаб. — Лолазор посёлкасида туради. Шундоқ универмаг рўпарасида, — яна бели сирқиллади шекилли алам билан тўнғиллади. — Кўнглингга қўтир жомашов! Жовли аканинг жияни бўлади у! Сенга кўзи учиб турибдими?

— Оборасан-а? — дедим Чорининг этигини ҳафсала билан юварканман. — Майли, белингни уқалаб қўяман. Оғритмасдан уқалайман.

...Чори айтганини қилди. Ишдан кейин узун-қисқа бўлиб „Лолазор“ посёлкасига бордик. У универмаг орқасидаги каттакон темир дарвозани кўрсатиб, „шу!“ деди-ю, ура қочди. Назаримда Наргизхоннинг приёмчик тоғасидан, райпода раис бўлиб ишлайдиган отасидан кўрқди. Чори кўрқса-кўрқар. Мен нимадан чўчийман?.. Дарвоза яқинига бордим, кун бўйи офтобда қизиб ётган дарвозани силадим. Қарасам, бир тавақасига қип-қизил тили осилган итнинг расми чизиб қўйилибди. Оббо! Бир камим итга таланишим қолувди энди!

Кўрқа-писа орқага чекиниб, уйни томоша қилдим. Уй эмас, қаср! Пишиқ фиштдан қурилган. Деразасидан мўралайман деган одам камида беш қулочли нарвон топиб келиши керак. Деворини айтмайсизми? Замбаракнинг ўқи тешиб ўтолмайдиган қалъа ҳам бунчалик бўлмас.

Ой чиққунча кўча бошига бордим-келдим, бордим-келдим. Ичкарида чироқ ёнди. Кимдир телевизор кўйди шекилли, деразалардан бирида зангори нур кўринди. Аммо ҳеч ким дарвозадан чиқмадиям, кирмадиям!

Кетдик, тарвузимиз қўлтиғимиздан тушиб! Хато қипман! Асли Тулпоримни миниб келсам бўларкан. „Лолазор“ кам деганда саккиз чақиримча экан. Пиёда тупроқ кечиб уйга етгунимча тонг ёришди.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

ИҒВОГАР

Раис бува „Ҳушёр бўл, бригадангга иғвогар бориб қолса ажабмас“, деб юрганча бор экан.

Бугун ўша иғвогар келди. Йигитлар-ку, тушлиқда қорнини қаппайтириб олишган. Мен бўлсам, деярли қуриб қолган тол панасида саҳрои кабирга айланиб кетган доимий жойимда ўрнимдан жилишга мадорим келмай ётган эдим. Тағинам фил эканман. Мана, масалан, сиз бир кун эмас, бир ҳафта эмас, роса бир ой нукул ҳаво билан овқатланиб кўринг, ҳолингиз нима кечаркин? Ниначига айланиб қоларсиз!

Шундай қилиб денг, кўксимни ерга бериб ётсам, Тулпорим ҳанграб қолди. Тўғрисини айтсам, Тулпоримнинг илгариги шашти йўқ. Авваллари қандоқ эди! Ғайратга кириб бир ўқирса етти қишлоқ наридаги эшаклар пилдир-пис бўлиб қоларди. Ҳозир унақа эмас, мадори етганча икки-уч ҳанграйди-ю, дами ичига тушиб кетади. Биламан. Унгаям қийин. Биринчидан, қариб қолди. Иккинчидан, менинг дард-ҳасратимни эшита-вериб юраги эзилиб тамом бўлди. Чамамда, давленияси ошиб, хафақон бўпқолдиёв. Учинчидан, ҳар куни кечаси раппа-расо ўн олти чақирим йўл босади. Саккиз чақирим „Лолазор“га, саккиз чақирим орқага. Ҳар куни ишдан кейин иккаламиз Наргизхоннинг муборақ дарвозасини зиёрат қилиб келамиз. Кеча кечаси ҳам борганмиз. Туриб-туриб қайтиб келганмиз... Чарчайди-да, шўрлик.

Шундоқ қилиб денг, мудраб ётсам, Тулпорим ҳанг-

раб қолди. Совуққина, ҳазингина ҳангради. Йигирма минутча олдин ҳам „соат тўрт бўлди“, деб хабар берган эди-ку! Қариб мияси айниб қолдими, нима бало!

Эринчоқлик билан бошимни кўтарсам, шийпондаги эски шолчада бир одам чордана қуриб ўтирибди. Дарров сездим, ўзимизнинг қишлоқдан эмас. Аммо газетадан келадиган мухбирларгаям ўхшамайди. Радиодан десам, ашқол-дашқоли йўқ. Кийиниши ҳам ўзимиз қатори. Оёғида чанг босган этик, эгнида, офтобда унниқиб кетган енгсиз кўйлак, бошида эски дўппи.

— Келинг, меҳмон! — деб ўрнимдан кўзғалган эдим, меҳмон, хижолат чекиб, қўл силтади.

— Қимирламанг. Баҳузур. Дам олаверинг.

— Э, бўлди! — дедим қўш қўллаб сўрашиб. — Дам олиб бўлдик. Ҳозир чой-пой...

— Овора бўлманг! — меҳмон билагимдан тутиб, астойдил рад қилди. — Ўтиринг, сиз — Кўшоқжонсиз-а?

— Ҳа! — дедим ҳайрон бўлиб.

— Менинг фамилиям — Эргашев! — меҳмон кўзимга синовчан тикилди.

Хаёлимда бир сапчиб тушгандек бўлдим-у, сездирмадим. Вой аблаҳ-ей! Раис бува айтган иғвогар сен экансан-да! Ажаб, иғвогар деганда юзидан заҳар томиб турадиган, қора кўзойнак тақадиган, озғинлигидан икки чакаги ич-ичига кириб кетган одам кўз олдимга келарди. Тавба, фитначилар ҳам ўзимизга ўхшаган одам бўларкан-да!

— Мен — экономистман, Кўшоқжон! — деди иғвогар хотиржамлик билан. — Техникумда дарс бераман...

Қаранг, мулойим бўлиб қўйнимга киряпти. Экономист бўлсанг ўзингга! Лақиллатмоқчимисан? Кўрамиз ким-кимни аврар экан! Раис буванинг „Нима сўраса билмайман, деб туравер“, дегани эсимга тушди.

— Билмайман! — дедим тўнғиллаб.

— Бўлиши мумкин, — Эргашев кулимсиради. (Кулимсирашиям ўзимизга ўхшайди, ярамас!) — Лекин мен сизни биламан. Сиз — машҳур бригадир Кўшоқжон Салимовсиз.

— Билмайман!

— Отангиз Салимжон ака „Машғал“ жамоа хўжалигида анча йил бухгалтер бўлиб ишлаганлар.

— Билмайман!..

— Нима учун Алимов раис бўлиб келганидан кейин кўп ўтмай отангиз бухгалтерликдан бўшаганларини биласизми?

— Билмайман!

Ифвогар узоқ жимиб қолди. Хўрсинди.

— Қўшоқжон... — деди секин. — Айтинг-чи, дунёда энг оғир гуноҳ нима?

— Билмайман!

— Мен биладан! — деди кўзимга тикилиб. Шундагина сездим. Кўзи одамга чақир тиканакдек қадаларкан. Раис бува „Эҳтиёт бўл“ деганича бор экан. — Дунёда энг оғир гуноҳ — ўз онасини хўрлаш! — деди у донадона қилиб.

— Нима? — қоним қайнаб кетди. — Ким онасини хўрлабди!

— Ҳаммамиз...

Жинними бу? Нима деб вайсаяпти?

— Оғзингизга қараб гапиринг, ака! — дедим таҳдид билан.

У мендан кўз узиб, пахтазорга қаради.

— Мана шу ер, — деди қўли билан имо қилиб, — ўзимизнинг онамиз, тўғримиз? Биз нима қиляпмиз ўзи? Дам бериш ўрнига, бир йил-икки йил, ҳордиқ бериш ўрнига пахта экамиз! Беда сепдик деймиз, пахта экамиз. Алмашлаб макка экдик деймиз, пахта экамиз! Бир ҳисса ўрнига ўн ҳисса, йигирма ҳисса, эллик ҳисса заҳар дори сепамиз. Ўз онамизга ўзимиз заҳар тиқиштирамиз. Она-ку, боласининг гуноҳини кечирса кечирар, лекин Ер одамларнинг гуноҳини кечирмайди. Бир куни шунақа қасос оладики... — у яна ярқ этиб кўзимга қаради... Илонми, нима бало! Қуённи авраган аждардек одамни сеҳрлаб қўяди-я. Қанчадан-қанча йўғон комиссиялардан кўрқмаган Раис бува биттагина ифвогардан шунчалик чўчигани бежиз эмас экан-да.

— Бугун биров эл-юртни алдаб планни дўндиради, — деди у ҳамон кўзини кўзимдан узмай. — Эртага

ер адои тамом бўлади. Ўлади, тушуняпсизми, ўлади! — у чуқур хўрсинди. — Томорқангизга нима эккансиз?

— Макка!

— Тўғри! Негаки макка экмасангиз, битта сигирингиз билан иккита қўйингиз оч қолади.

Вой шум-ей! Битта сигир, иккита қўйимиз борлигини қаёқдан билди бу!

— Жамоа хўжалиги ҳам экади ўша маккани! — у истехзоли илжайди. — Далага эмас, қоғозга. Кейин моллар фалон тонна жўхори еди, деб справка ёзилади. Қоғозга шунақанги кўп макка экиладики, ҳаммасини еса, сигир тугул, филнинг ҳам қорни ёрилиб кетарди. Аммо сигирнинг тили йўқ. Емадим деёлмайди. Макка ўрнига тагин пахта экилади. Қоғозда макка, аслида пахта, тўғрими?

— Билмайман, — дедим тўнғиллаб.

— Ўзингиз қишлоқда туриб, узумни шаҳардан сотиб оласиз! Икки кило олма учун район марказидаги бозорга тушасиз.

Ичимдаги гапларни кўзимдан ўқиб оляпти-ку, бу!

— Э, билмайман, — дедим тескари қараб.

Энди туриб кетмоқчи эдим у қўлимдан тутди.

— Шошманг! — деди секин. Секин гапирсаям овози шунақанги ҳокимона эдики, эсанкираб қолдим. — Қўшоқжон! — бу сафар у кўзимга илтижо билан термилгандек бўлди. — Гектаридан элик бир центнердан ҳосил олганингиз тўғрими?

— Билмайман!

— Нега билмайсиз, газетада чиқди-ку, ахир!

— Газетада чиққан бўлса, бундан чиқди, олганмиз! — дедим зарда билан.

— Бу йил элик уч центнердан олмоқчисиз, шунақами?

— Оламиз, ишонмасангиз Раис бувадан сўранг!

— Раис бувани қўя тулинг, — у елкамга дўстона қўл ташлади. (Қаранг, яна аврапти.) — Мен сизга айттайми, Қўшоқжон! Академиянинг тажриба участкасида ҳам бунақа ҳосил олиш амри маҳол. Сиз — олгансиз. Қандоқ қилиб?

— Билмайман!

— Ўтган мавсумда бир машинада уч юз элик тонна пахта тергансиз.

— Терганман! Қутулдимми?

— Унақа бўлса, икки юзта ҳашарчини нега салкам уч ой ушлаб турдинглар? — ифвогар кулди. Жуда хунук куларкан. Башараси худди йиғлаётган одамга ўхшайди. — Битта машинада икки юз элик тоннадан ортиқ пахта териб бўлмайди, укажон! — деди ялингудек бўлиб.

— Э, боринг, мен сизнинг укангиз эмасман! — дедим жоним чиқиб. — Тинч кўясизми-йўқми одамни!

— Бўпти, бораверинг, — у ҳафсаласи пир бўлиб, юзини ўгирди. Ҳайронман, негадир олдидан кетгим келмасди. Жоду қилиб кўйгани шудир-да!

— Кўшоқжон! — деди бир маҳал бошини чайқаб. — Биламан, сизларнинг жамоа хўжалигида кўшимча майдон кам. Лекин майдон бир эмас, икки ҳисса кўп бўлганда ҳам гектаридан элик уч центнердан ҳосил олиб бўлмайди... Бир нарса сўрасам, кўнглингизга келмайдими? Фақат ростини айтинг: мана, газеталарда сизни мақтаб чиқишади. Элик центнерчи дейишади. Шунга ўзингиз хурсандмисиз?

— Билмайман!

— Кечалари яхши ухлайсизми?

Нима бало, жодугарми бу? Ҳали Наргизхонни севиб қолганимниям айтиб берар!

— Бир ярим ойдан ошди: мижжа қоқмайман, — дедим хўрсиниб.

— Ана! — у қувониб кетди. — Нима, сиз одамларни кўр деб ўйлайсизми? — деди ҳаяжонланиб. — Энг ёмони шуки, одамлар сизга ишонмайди. Қалбаки „Машғал“-лигингизни биледи. Сиз, ҳаммани кўр деб ўйлайсиз-у, аслида ўзингиз кўрсиз!

— Нима? — сапчиб ўрнимдан туриб кетдим. — Ифвогар бўлсангиз ўзингизга! Аммо одамни ҳақорат қилманг!

— Кечирасиз... Узр, — у яна юзини ўгирди. — Бригадангизда қанча одам бор?

— Билмайман! — дедим жаҳл билан.

— Қизиқ, бригадир, ўз аъзоларининг сонини бил-
маса!

— Биладан! — дедим ер тепиниб. — Ўн бир киши!
Кутулдимми ё фамилиясиниям айтайми?

— Нега энди? — ифвогар ҳайратланиб елкасини учирди.

— Бригадангизда ўттиз икки киши ишлайди.

Вой иблис-ей! Вой ярамас-ей! Энди тухмат қилиш-
га ўтдимми!

— Ҳов! — дедим бўғилиб. — Яна бир оғиз гапир-
сангиз...

У пинагини бузмади.

— Ҳаммасини биладан, Кўшоқжон! Меҳнатни сиз
қиласиз, хузурини улар кўради. Раис, бош бух., экана-
мис... Булар узоқда ўтирган „ака“ларининг оғзига қараб
туради. Беш миллион тонна сўраса, олти миллион бе-
рамиз, дейди. Гектаридан қирқ центнердан ҳосил ола-
сан, деса, олтмиш центнер оладан, деб оғиз кўпир-
тиради! Умрида пахтазорга кирмаган одам пахтани қа-
ёқдан билсин? Пахтакор меҳнати ўлимдан қийинлигини
қаёқдан билсин?! Уларга пахтакорнинг ўзи керакмас,
пахта керак! Булар бўлса уларнинг кўнглини овлаб ман-
сабга эришади, орден олади. Жарақ-жарақ пул ишлайди.

Ростини айтсам, ифвогарнинг биттаям гапига ту-
шунмадим. „Улар“ дегани ким, „булари“ ким? Ифвогар
бўлса ҳамон пашшадек ғинғиллаб ётибди.

— Аҳвол шундай кетаверса, биласизми, охири нима
бўлади?

— Билмайман, — дедим жоним ҳалқумимга келиб. —
Билмайман!

У бирпас жим қолди-да, кўзимга тикандек қадалиб
сўради:

— Ўн кун олдин бир юз саксон сўм маош олдингиз,
тўғрими?

Нима? Яна қанақа ғавғо бошламоқчи бу?

— Бултур кузда олти ярим минг сўм даромад қил-
гансиз. Бригадангиз аъзолари ўртача тўрт минг сўмдан...

Бу ёғига чидолмай қолдим. Бу қандоқ бедодлик!
Нега тухмат қилади! Ўтган йил якунида юз ўн сўм ол-

ганман. Бор-йўғи юз ўн сўм! Қирқ уч сўм маош олганимга уч ойдан ошди. Нимага тухмат қилади, бу аблаҳ!

— Йўқол! — ёқасига қўш қўллаб чанг солдим. Бўйни чумчуқникидек ингичкагина экан-ку, икки қўллаб бўғиб ўтирибман. Битта қўлимнинг ўзиям етиб ортиб қоларкан-ку! — Ҳҳ, аблаҳ, — дедим алам билан. — Шунча пулим бўлса, аллақачон уйланиб олардим! — „Наргизхон“га дегим келди-ю, тилим бормади. — Нега тухмат қиласан, номард! Нега ҳақорат қиласан, одамни, ифвогар!

Ҳушим жойига келиб, мундоқ қарасам, бечоранинг юзи кесак бўлиб кетибди. Лабининг икки четидан кўкимтир сўлак оқяпти. Қўлимни бўшатишим билан шилқ этиб ёнбошта йиқилди. Ётган жойида оёқ-қўли баравар силкина бошлади. Ўтакам ёрилиб кетди. Бир бечорани ўлдириб қўйдим, шекилли! Югуриб бордим-у, ҳовуздан дўппимга сув тўлдириб келиб, юзига сепдим.

Ифвогар инқиллаб кўзини очди.

— Сув! — деди инграб.

Чопқиллаб бориб, яна дўппимни тўлатиб келдим. У уч-тўрт қултум ичди-да, негадир лаби титраб илжайди.

— Билардим, — деди инқиллаб, — ҳалол йигитлигингни билардим, ука. Раҳмат, Салим ака сени одам қилиб тарбиялаган экан.

Қизиқ, мен уни ўлар ҳолатга солсам-у, бу раҳмат деса. Э, ўл, ифвогар бўлмай!

Дўппимга тагин сув тўлдириш учун ҳовузга талпинган эдим, орқа томонда мотор гуриллади. Чўнқайиб ўтирган кўйи қўлтигим остидан қарасам, Раис буванинг „Нива“си чанг-тўзон кўтариб, шийпон олдига келиб тўхтади. Раис бува эшикни қарсиллатиб ёпиб, тушди-да, шийпонда худ-бехуд бўлиб ётган ифвогарни кўриб негадир илжайди.

— Баҳай, тинчликми? — деди менга қараб.

— Билмайман! Ҳеч нимани билмайман! — шундай деб ҳовуз томон ўгирилган эдимки, ўнг томондаги эшик очилганини, машинадан... Калта энгли гулдор кўйлак кийган, сочини битта қилиб ўриб орқасига таш-

лаб олган Наргизхон тушиб келаётганини кўрдим. Дўппимни ҳовузга улоқтириб, олдига чошиб бордим. Шийпон томондан Раис буванинг кинояли овози келди.

— Ия, ҳа, ўртоқ „ёзувчи?“ Нима гап?..

— Ҳеч нима...

— Гийбатчининг жазоси шу бўлади, Эргашип!

Наргизхон аввал шийпонда бир ҳолатда ўтирган иғвогарга, кейин Раис бувага, кейин менга қаради.

Дилимдагиларни ҳозир айтмасам, бошқа қулай фурсат топилмаслигини билиб, тутила-тутила гап бошладим.

— Наргизхон! Биласизми?..

У ҳайратлангандек юзимга тикилди. Негадир қорайиб, озиб кетибди. Иши кўп-да бечоранинг.

— Наргизхон... Мен... Мен сизни кўп изладим, — дедим минғиллаб. — Идорага бордим... Ўн етти марта. Уйингизга бордим. Ўттиз тўрт марта... Тулпорим билан... Қопағон итингиз бор экан...

У аввал қувонгандек бўлди, кейин, негадир қовоғини солди.

— Керакмас, — деди лабини тишлаб.

— Нега?

— Рекс чиндан ҳам қопағон...

— Қопса қопаверсин! Еб қўйсаям майли. Менга барибир.

Наргиз энди жилмайган эди, лаънати Раис бува яна гапнинг белига тепди.

— Қани, жўнаб қол-чи, Эргашип! — деди овози гумбуллаб. — Тинчидингми, энди?

Иғвогар гандираклаброқ уч-тўрт қадам босди-да, негадир менинг ёнимга келди. Қўлимни қаттиқ сиқди.

— Хайр! — сал нарироққа борди-да, орқасига қаради. — Тинчиганим йўқ, Алимов! — деди йиғлағудек илжайиб. — Токи виждоним тирик экан, тинчимайман!

Унинг гапи бу қулоғимдан кириб, унисидан чиқиб кетди. Ҳасад бўлса, Раис бува билан олишаверсин! Менга нима? Менга Наргиз керак!

— Наргизхон! — шунақанги чуқур хўрсиндимки, бир ярим ойдан бери ичимда қизиб ётган олов ловуллаб

ёниб кетишдан кўрқдими, лип этиб ўзини „Нива“ ичига урди.

— Оббо азамат-ей! — Раис бува елкамга шаппатилаганида ҳам икки кўзимни Наргизхон кириб кетган машинадан узмадим.

— Оббо тутхўр-ей! — Раис бува кўлтиғимдан олиб тол тагига судради. Эргашиб боряпман-у, кўзим машинада. Наргиз орқа ўриндиқда ўтирибди. Биз томонга қарамайдиям.

— Вой тутхўр-ей! Аммо бопладинг, ифвогарни! Бир йўла ўлдириб кўя қолмадинг-да! Узоқдан кўриб турувдим! Ўзиниям мушук боладай эзғиладинг. Маладес! — Раис бува машина томонга тезгина қараб олди. — Ҳаммаси тушунарли, — деди елкамга тагин шаппатилаб. — Дидинг чаккимас, тутхўр! — У бир лаҳза ўйланиб қолди. Пешанаси тиришди. — Жўрангдан умид йўқ! — деди салмоқлаб, — ўқишини битириб келса, уйлантираман деб юрувдим, ўша ёқларда қолиб кетди. Билмадим, бу ёғи нима бўлади. Эсингдами, ҳов бирда мен сенга оталик қиламан дегандим. Ўша гапим — гап! Тўй қиламиз... — деди тўсатдан. — Анчадан бери сезиб юрибман. Биламан, яхши кўрасан, шу қизни... Ўзим совчилик қиламан. — У бир зум иккиланган кўйи жимиб қолди. — Тўғри, Жовли Менглиевичлар катта даргоҳ. Аммо мен ўртага тушсам, финг деёлмайди. Кўлни ташла, тутхўр! Сенга оталик қилганим бўлсин! Бир ой ичида тўйингни ўтказмаган номард!

Машина чанг-тўзон кўтариб кўздан ғойиб бўлганидан кейингина ҳушим жойига келди. Нима деди Раис бува? „Шу қизни обераман“, дедими! „Бир ой ичида тўй қиламиз“ дедими! Наҳотки? Наҳот шу гап рост бўлса!

Толга боғлоғлиқ турган Тулпорим ҳам Раис буванинг гапини тушундим, ўзининг ёшлигини эсладим, қулоқлари диккайиб, ирғишлай кетди.

— Эшитдингми, ошна! — дедим Тулпоримнинг бўйнидан кучоқлаб. — Раис буванинг гапини эшитдингми?

Кўзимга тикилиб туриб, худди фолбиндек дилимдаги гапларни айтиб берган ифвогар ҳам, уч ойдан бери

маош олмаганим ҳам паққос эсимдан чиқиб кетди. Кўз ўнгимда Наргизхон-у, қулогимда Раис буванинг гапи: „Бир ой ичида тўйингни ўтказмаган номард!“

Кечгача шунақанги ғайрат билан ишладимки, тракторимни чийиллатиб юбордим!

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

РАИС БУВА ОТАЛИК ҚИЛМОҚЧИ

Бугун идорада мажлис бўлди. Жуда катта мажлис. Ҳатто Райком бува ҳам, пахта пунктида ярим кечаси йиғилиш бўлганида қатнашган семиз киши — обком вакили ҳам келди. Хўп антиқа гаплар айтилди.

Шошманг, мажлис-ку, ўз йўлига! Аввал аканг қарағайнинг ҳаётида рўй берган бахтли воқеаларни айтмасам, пақ этиб ёрилиб кетаман. Уволимга қоласиз!

Ўшанда Раис бува „Сенга ўзим совчилик қиламан“, деганида, ҳарчанд қувонмай, кўпам ишонгим келмаганди. Буям пат-пат олиб бераман, деган гапдек бўлса керакда, деб ўйлаган эдим. Бунни қарангки, индинига ярим кечаси уйга келсам, (Тулпорим билан лўкиллаб тагин „Лолазор“га боргандик,) ҳовлимиз гул-гул очилиб кетибди. Сувлар сепилган, ҳамма ёқ чинни-чироқ қилиб, супурилган... Радио варанглаб „Учқудуқ“ни айтиб ётибди. Ошхонада синглим Мавжу ош дамлаяпти. Жиянчамни кўтариб олган онам мени камида ўн йил кўрмагандек кучоқлаб, бағрига босди. Жиянчам фурсатдан фойдаланиб бурнимга чанг солди. (Бодринг деб ўйлади шекилли, шунақанги куч билан тортдики, узиб олишга бир баҳя қолди.) Бурун ачишганига парво қилмай, жиянчани ўпиб эркалатдим. Ширин бола-да, ўзиям.

— Бахтинг очилди, ўғлим! — деди онам негадир ўпкаси тўлиб. — Пешананг ярақлаган йигит экансан. Тезроқ кир, поччангга салом бер!

Ҳайрон бўлдим.

— Қанақа почча?

— Мавжунинг эри-да! Сендан бир ёш катта-ку, почча бўлади-да, болам!

Ёши катта бўлса ўзига! Биринчидан, у — опамнинг эмас, синглимнинг эри! Демак — куёв! Иккинчидан, Жунни урганда ўласи қилиб дўппослаганимдан бери гаплашмаймиз. Қолаверса, кейинги икки йилда биттаям запчасть бермади. Шунга салом беришим керакми, энди?

Онам иккиланиб турганимни сизди. Елкамга қоқди.

— Кира қол, жон болам. Поччанг хушхабар опкелди. Пешиндан бери кутиб ўтирибди.

Айвонга чиқиб этик ечаётсам, ичкарида гунгур-гунгур суҳбат! „Наргизхон“, „Жовли Менглиевич“, „Райпо“ деган сўзлар қулоғимга чалинди... Бир гап бор шекилли...

Эшикдан киришим билан хонтахта тўрида ўтирган куёв дик этиб ўрнидан турди. (Авваллари шимининг дазмоли бузилишидан кўрқиб стулда ўтирарди. Йўқ, бу сафар лўла болишга ёнбошлаганча дадам билан бемалол чақчақлашяпти.)

— Қани, суюнчини чўзинг, куёвтўра! — деди шангиллаб. Жиндай „отиб олган“ шекилли, кучоқлашиб кўришди. Димоғимга ачимсиқ ҳид урилди. — Шу дардингиз бор экан, бошда айтмайсизми, Кўшоқжон! Биз сизга бегонами?

— Нима? — дедим гарангсиб.

— Қаранг, тагин ўзини гўлликка солади, амаки! — (Дадамни „амаки“ дейди.) — Кўшоқжон бало, амаки, Наргизхондек қизнинг бошини айлантириб қўйибди. Тўйни юриштириб юбордик, куёвтўра!

— Ростданми? — уйда дадам ўтиргани ҳам паққос эсимдан чиқиб кетди. Куёвнинг терлаб турган юзидан чўлпиллатиб ўпиб олдим.

У илжайиб жойига бориб ўтирди.

— Кўрдингизми? — деди дадамга. — Жигаридан урган. Аммо ўзиям зўр жойга қуда бўладиган бўлдингизда, амаки.

Уялган киши бўлиб, пойгакка чўнқайдим.

— Чой борми? — дедим одоб билан.

— Э, чойни қўйсанг-чи, зўр! — куёвнинг қип-қизил

юзи ялпайиб кетди. — Ўткирроғидан олиб ке! — деди дилкашлик билан шанғиллаб.

Отамга қарасам, қовоғи солиқ. Лунжи учай-учай де-япти-ю, ўзини тийиб ўтирибди.

— Қуда билан мақтанадиган одатим йўқ, — деди тўнғиллаб.

— Ие, қизиқмисиз, амаки, — куёв яна шанғиллади. — Ўғлингизнинг бошига бахт куши кўниб турибди-ю, сиз ноз қиласизми? Отаси райпо раиси бўлса, тоғаси кимсан Жовли Менглиевич бўлса...

Дадамнинг лунжи учди.

— Менга нима? — деди чимирилиб. — Райпосиям, приёмчигиям бир гўр!

Нима? Дадам қанақа ўзи? Қачон қараса, йўлимга тўғаноқ бўлади! Энди отамнинг қайсарлиги деб Наргизхондан қуруқ қолишим керакми? Бекорларнинг беш-тасини айтибди! Шунақа қилса...

— Ўйлаб гапиряпсизми? — деди куёв ҳам ранжиб. — Нима қиласиз, пишиб турган ошни ланж қилиб... Айтдим-ку, кеча Раис бува мени идорага чақириб ҳаммасини тушунтирди. Очиғини айтсам, шу қизни ўзим келин қилмоқчи эдим, Шодивой нобакор бола чиқди, деди. Кўшоқвойни ҳам ўз ўғлимдек яхши кўраман. Тошкентга обориб ўқишга жойлаштиролмаганимдан ҳамон уялиб юраман, қайтага Шодивой эмас, шу бола ўқиб келса кўпроқ фойдаси тегарди, деди. Энди шу қиз бегонага кетмасин, дейман, деди, амаки! Раис бува ўртага тушмаганида қудангиз сиз тугул, райкомгаям эшигини очмасди.

— Худди ўша Раис буванинг ўртага тушгани ёқмай турибди, — дадам қайсарлик билан юзини ўтирди.

Онам дадамнинг феълени билгани учунми ё худди шу гапни кутиб, эшикда пойлаб турган эканми, жиянчамни кўтарганча шахт билан кириб келди. Тўсатдан шунақанги шовқин солдики, кўлидаги жиянчам чинқириб йиғлаб юборди.

— Қанақа отасиз, ўзи? Шундоқ одамлар гунчадек қизини дала думбул ўғлингизга бераман деса! Раис бува-

дек киши... — у чирллаб йиғлаётган болани куёвга узатди. — Ушлаб туринг. Раис бувадай киши ўртага тушса! Жовли акадек одам раиснинг юзидан ўтолмай хўп деса, тагин нима нозингиз бор. Нотавон кўнгилга кўтир жомашов!

— Шуни айтинг! — куёв ҳамон йиғлаётган ўғилчасини овутишга уринди. — Бўлди, ўғлим, бўлди... — отамга юзланиб, ўшқирди. — У қизга кимлар харидор бўлганини биласизми? Раймилициянинг начальниги ўғлига сўраган. Главрач укасига сўратган. Нима қилайлик, қиз ўғлингизга кўнгил кўйибди. Шунинг ўзи Кўшоқжоннинг омади чопгани эмасми?

Нима? Нима деди куёв? Бундан чиқди, Наргизхоннинг ўзиям...

Шартта ўрнимдан туриб, куёвни белидан кўтариб беш-олти марта чирпирак қилиб айлантормоқчи эдим, онам тўсатдан йиғлаб юборди.

— Харажатидан қочаётган бўлсангиз майли! — деди ростмана хўнграб. — Худога шукур. Укам бор! Жиянингнинг тўйига биттагина хўкиз, тўрттагина кўй тўяна қил десам, бўйин товламас.

— Қалин пули биздан! — куёв сал иккиланиброқ турди-да, кўшиб кўйди. — Биладан, сизни кўлингиз қисқароқ. Пенсиядаги одамсиз, лекин хайрли ишни чўзиб бўлмайди... — Майли, ичкиликниям бир чеккасини кўтаришиб юборамиз. Бегона эмасмиз-ку, ахир... Икки ёш бир-бирига кўнгил кўйган бўлса...

— Ана! — онам энди йиғламай кўйди. Овози янаям дадиллашди. — Битта ўғлингиз учун узатган оёғингизни йиғмай кўя қолинг!

Маладес, ўзимизнинг онамиз! Бормисиз, энажон!

— Сиз эртага совчиликка боравринг! — деди куёв онамга қараб. — Бир боришда келин томон нон синдирмаса, биз кафил!

Дадам лунжи учиб-учиб ўтирди-да, „билмадимов“, деб кўйди. Бу унинг рози бўлгани эди. Хайрият, анча енгил тортдим.

Кейинги воқеаларни худди тушимда кўраётгандек бўлдим. Куёв рост айтган экан. Онам биринчи боришида келин томон нон ушатишибди. Кейин аканг қарағайнинг, яъни куёвтўранинг нони синдирилди. Бундан чиқди, тамом! Наргизхон энди бизнинг жуфти ҳалолимиз! Дадам ҳам шундоқ одамларга қуда бўлаётганига ишонди: ҳовли деворининг камгак жойларига гувала босиб, қайтадан сомон сувоқ қилишга киришди.

Бундан ортиқ бахт борми одамга! Раис буванинг яхшилигини нима билан қайтарай! Шодивой шундоқ отасини хафа қилиб юрибди. Тўйни эсон-омон ўтказиб олайлик, жўрамни излаб Тошкентга бораман, топиб айтаман, „Сен, Шоди, аҳмоқ экансан“, дейман. „Даданг тилло одам, хафа қилма, тезроқ қишлоққа бор, сениям уйлаб қўяди“, дейман! (Албатта, Наргизхонни унга мўлжаллагани-ю, аканг қарағай илиб кетганини айтмайман. Нима қиламан хафа қилиб, жўрамни!)

Қаранг, шу пайтгача куёвимниям билмаган эканман-да. Йигитнинг марди шу экан-ку!

Тоғамни айтмайсизми! Ойим қуданикида нон синдириб келган куннинг эртасига эшигимиз олдида „Зил“ машина вошиллаб тўхтади. Кабинадан тоғам тушиб, машина орқасига зинғиллаб ўтди.

— Бортни очишиб юбор, жиян! — деди илжайиб. Қарасам, машина устида филдай буқа кўндаланг турибди. Қоп-қора, шохлари қайрилиб кетган. Қонталаш кўзлари одамга ўқрайиб қарайди.

— Эҳтиёт бўл, — деди тоғам бортга чиқаётганимда. — Сузонғич экан уккағар! Ўзиям яримта „Запорож“нинг пулига тушди.

Аслида-ку, бизнинг таомилда қиз томонга ҳўкиз эмас, ўттизтами-қирқтами қўй юборилади. Раис бува отамнинг қўли қисқалигини билгани учун Жовли Менглиевичга шипшиб қўйганми, хуллас, қудаларни биттагина буқа, беш-олтита қўйга кўндирибди.

Киройи келинникига юбориладиган бўлганидан кейин шунақа гижинглаб турадиган буқа яхши-да! Бизни сузиб бўпти! Борт четига чандилаб боғланган арқонни

ечиб, сакраб тушдим-да, пастдан туриб тортдим. Буқа эриниброқ ерга тушди. Тўйиб пиво ичган одамдек оғзидан сўлак оқиб, чайқалиб-чайқалиб, уч-тўрт қадам босди. Мастми, нима бало?

Эшикдан киргунча индамай келаётган эди. Кейин нима жин урди, билмайман! Бир маҳал қалин лаблари билан ерни искаб, таҳдидли овозда „мўў“ деб ўкирди-ю, найзадек шохларини нақд қорнимга тўғрилаганча ташланиб қолди! Тоғамнинг елкасига қоқиб нукул дуо қилаётган онам чинқириб юборди!

— Қоч! Ўлдиради! Вой шўрим.

Онамнинг маслаҳатисиз ҳам арқонни ташлаб, аллақачон жуфтак ростлаб қолган эдим. Қанча тез қочсам, буқа лаънатиям кетимдан шунча тез югуради. Ҳайвонда, ҳайвон! Қадамидан ер титрайди. Ҳовлини уч марта айланиб чиқдик. Жонҳолатда югуриб бориб, бурчакда уйиб кўйилган ғўзапоя устига чиқиб кетибман. Бошини қуйи солиб келаётган буқа, мўлжални хатороқ олди, шекилли, кучи борича тандирга калла урди. Бошини ғолибона кўтарган эди, шохига тандир илашиб чиқди. Шўрлик бошини у ёққа силкитади, бу ёққа силкитади, қани тандирдан қутулса! Ҳазаб билан мўраганча думини хода қилиб чунонам югурди! Боши тандир ичида қолиб йўлни тополмагани учунми, шу кетганча шаталоқ отиб борди-ю, томорқа томондаги деворга урилди. Гурс этган овоздан ҳамма ёқ зириллаб кетди. Буқанинг бошига илашиб қолган тандир уваланиб ерга тўкилди. Буқа орқага тисарилиб, увалло чиранади, қани қимирлатса! Ғўзапоя устида ўтириб, кўрқа-писа разм солсам, иккала шохи янгидан гувала босиб сувалган деворга санчилиб қопти! Ўл, бу кунингдан, баттар бўл! Тоғам, дадам, мен учовлашиб, икки шохига, бўйнига арқон солиб, молхонага киргизиб кўйдик. Эсон-омон келин томонга жўнатиб юборсак бўлди. Пишириб ейдими, хомлигича ейдими, ўзлари билади!

Тўй тараддуди қизиб кетди. Синглим ҳар куни энам билан райцентрга югуради. Келинга сарпо-суруқ, кўрпа қавитиш, бало-баттар деган гаплар бор, ахир!

Фақат Наргизхон камнамо бўпкетди. Кунора идора олдига бораман, деразадан машинка чиқиллашим эшитилмай қолди. Майли, келин деган куёв билан эл-бурутдан етаклашиб юрса уят бўлади. Кўпи кетиб, ози қолди. Икки ҳафтадан кейин — тўй!

Сиз томонларда қанақа билмадим-у, бизнинг жамоа хўжалигида тўйлар нуқул қишда бўлади. Тўғри-да, тўй бўлгандан кейин одамлар яйраши керакми — керак! Бизнинг одамлар онда-сонда ичади. Аммо бир ичса хурмачаси ёрилиб кетгунча ичади. Бундан чиқди, эртасига ишга чиқолмайди. Шунинг учун тўйлар қишда, хотиржам паллада қилинади. Менга қолганда Раис бува тағин бир оталик қилди. Наргизхон иккаламиз Лайли Мажнун бўлиб юрганимизни тушуниб, тўйни ёзда ўтказишимизга розилик берди. Розилик бердимас, ўзи бошқош бўляпти. Ҳар кўрганда „Қалай, тутхўр, камчиликлар йўқми?“ деб сўраб қўяди. Ҳатто бугунги мажлисдан кейин ҳам шуни сўради. Умуман, бугун умримдаги энг бахтли кун бўлди. Тўғриси, мажлисдаги гапларга унча қулоқ ҳам солмадим. Энг яхшиси шу бўлдики... Айтаверайми? Бугун... Бугун мени Наргизхон ўпди. Ўзи ўпди. Биринчи бўлиб!

Мажлис эрталаб соат ўнларда бошланди. Узоқдаги бригадалардан ҳам жамоа аъзолари олиб келинган, шекилли, идора олдида юк машиналари, тележкалар тирбанд. Ишонасизми, биринчи қаватдаги залга одамлар тиқилиб кетди. Орқароқ қаторда биз ҳам ўтирибмиз. Саҳна ёп-ёруғ. Ҳаворанг мовут қопланган столга атиргуллар қўйилган... Саҳнага Раис бува, Райком бува, семиз киши — обком вакили, мелисаникига ўхшаган форма кийган бир одам, мен танимайдиган яна беш-олти киши чиқишди. Орасида уккикўз Жовли акам ҳам бор. Э, тилимга тирсак чиқсин! Нега энди уккикўз бўларкан. Кўзлари биб-бинойи. Юзиям чип-чиройли. Бошини елкасига тортаётгани йўқ. Бир одамда ҳусн бўлса шунчалик бўлади-да!

Ҳамма ёқ қарсакбозлик бўлиб кетди. Шунда... Тўсатдан юрагим қинидан чиқиб кетай деди. Сапчиб ўр-

нимдан турган эдим, орқамда ўтирган чори этагимдан тортди.

— Ўтир-е, терак!

Нега ўтирарканман! Ахир саҳнага Наргиз чиқяпти-ку! Эгнида атлас кўйлак, бош яланг. Сочини турмаклаб олган. Томоғим қуруқшаб, нафас ололмай қолдим.

— Ўртоқлар! — деди Раис бува. — Ўртоқ жамоа аъзолари! Бидамиз, ҳозир далада иш кўп. Сизларнинг қимматли вақтларингизни олиб, бу ерга йиғишдан мурод шуки, кейинги пайтларда районимизда Эргашип деган бир „ёзувчи“ пайдо бўлган эди. Ўша ифвогар ишимизга кўп ҳалал берди. Элни бузишга уринди. Қани, қаёққача бораркин, деб кўйиб бердик. Ўша аблаҳ... — Раис буванинг овози қаҳрли тус олди. — Сиз ҳурматли жамоа аъзоларининг ютуғини камситмоқчи бўлди. Ҳаммамизга мағзава сепди. Аммо ҳақ жойида қарор топмай кўймайди. Область, район ташкилотлари бу ишга аралашиб, оқ-қорани ажратди. Бугун район газетамизда Эргашипнинг пўстагини қоқадиган пилъетон чиқди. Ана, ўзларинг эшитинглар, — Раис бува тўсатдан Наргизхонга бурилди. — Ўртоқ Қўшшаева, марҳамат қилиб пилъетонни ўқиб беринг! Одамлар қора кўланканинг кимлигини бир билиб кўйсин!

Наргизхон саҳнадаги стол бурчагидан оҳиста туриб, минбар томон юра бошлади. Жимжит залда келинингизнинг муборак пошналари қарс-қурс этиб турибди. Бизнинг юрак гурс-гурс этади.

Наргизхон минбарга чиқиб, газета қатини очди.

— „Қора кўланка“, — деди жарангдор товушда. Қўнғироқдек овозларингдан аканг айлансин! Мунча ширинсан! Мунча чиройлисан! Мунча ақллисан, Наргизхон! Мунча бахтлисан, Қўшовой! Нимага юрагинг тарс ёрилиб кетмайди, хумпар!

Ҳушимни йиғиб олгунимча Наргизхон фелъетоннинг ярмини ўқиб бўпти.

— Ютуқларимизни кўролмайдиган, ҳар яхшидан бир ёмон излайдиган, жамиятимизга доғ бўлиб тушаётган бунақа кўланкалар бизга ёт! — деди у ўқишда давом этиб.

Қизиқ, негадир иғвогарга раҳмим келди. Иғвогарми, гийбатчими, барибир яхши одам эди. Масалан, мен эшакдек ишлаб хемири ололмаётганимни ўша айтувдику! Пахта пунктига, пахта ўрнига пул топширишади, деганиям рост бўлса-чи! Ҳов, ўшанда, ярим кечаси пахта пунктида мажлис бўлганида Шайдул кассирнинг папкасини тушириб қолдирганимда нега бунчалик типирчилади? Балки... Папкадаги... Йўқ, жуда керакли ҳужжатлар деди-ку!..

Наргизхоннинг жарангдор овози хаёлимни чилпарчин қилиб юборди.

— Биз меҳнат қиляпмиз. Ҳалол, фидокорона ишляпмиз. Ютуқларимизни кўролмайдиган Эргашев деган қора юрак эса...

Овозларингдан ўзим ўргилай. Бийрон тилларингдан аканг айлансин. Наҳотки мана шу фаришта менинг жуфти ҳалолим бўлса! Наҳот унинг шаҳло кўзлари, бежирим ҳинду холи меники бўлса!

Наргизхон газетани ўқиб бўлиб, Раис бувага узатдида, жойига бориб ўтирди. Жонҳолатда қарсак чалиб юбордим. Бошқалар ҳам жўр бўлди.

— Қани, ким гапиради? — деди Раис бува ўрнидан туриб.

— Мумкинми? — Райком буванинг ёнида ўтирган Жовли ака кўлини баланд кўтарди.

— Марҳамат! Сўз межрайонний пахта пункти приёмчиги Жовли Менглиевичга!

Мен аҳмоқ, Жовли ака, қариндошим Жовли аканинг кўзлари шунақанги чиройлилигини аввал нега пайқамабман-а? Қаранг! Кўзлари шунақаям меҳрибон боқади одамга, шунақаям сузилиб кетади.

— Дўстлар! — деди у кулимсираб. — Эргашев бутун районни, қолаверса, бутун байроқдор областимизни салкам икки йилдан бери овораи сарсон қилади. Мана пилъетондан кўриниб турибдики, у бориб турган иғвогар экан! Менимча, Эргашев ненормальный одам! Уни жиннихонага топшириш керак. Биз...

Жовли ака энди гапнинг ёғли жойига келганда, Райком бува столни шаппатилади.

— Йўқ! — деди ҳайқириб. — Эргашев жинни эмас! Жовли ака нима қилишини билмай қолди. Яхшиям Раис бува бор экан. Дарров Райком бувага сўз бериб қўя қолди.

— Сўз — ҳаммамиз учун ҳурматли Райком бувага. Райком бува минбарга чиқмади. Турган жойида гапини давом эттирди.

— Бир латифа бор, эшитганмисизлар? Бир одам тегирмонга кириб, нуқул бошқаларнинг қопидаги унни ҳовучлаб-ҳовучлаб ўзининг қопига солаётганмиш. Тегирмончи сўрабди. „Сен кимсан, нима қиляпсан?“ деса, бояги одам „Мен — жинниман“ дебди. Тегирмончи айтибди. „Жинни бўлсанг, нега ўзингнинг қопингдаги унни бошқаларникига солмайсан“, деса, бояги айтармиш: „Мен жинниман, лекин аҳмоқ эмасман“, дермиш!

Залда кулги янгради. Тўғрироғи, энг аввал Раис бува кулди.

— Эргашип ўшанақа ақли жиннилардан.

Райком буванинг томоғидаги шафтоли данагидек учбурчак бақбақаси лиқиллаб кетди.

— У бизнинг ютуғимизни кўролмайди. Тўғрими? — деди у семиз кишига — обком вакилига бурилиб.

Семиз киши ҳарсиллаб-гурсиллаб ўрнидан турди. Минбарга боришга эринди шекилли, бу ҳам турган жойида гапириб қўя қолди.

— Эргашев фақат „Машғал“га эмас, бошқа хўжаликларга ҳам туҳмат қилган, — деди сув тиқилган сурнайдек ғийқиллаб. — Фақат сизнинг районга эмас, бошқа районларга ҳам борган. Фақат пахтачиликни эмас, чорвани ҳам ўзича „тафтиш“ қилган.

— Туври! — биринчи қатордан асабий товуш эшитилди.

Танидим, „Ферма тоға“нинг овози.

— Туври, — деди у бақириб. — фермага бориб, тоза бошимни овритди. Жуз совлиқдан жуз тўқсон жетти кўзи олдиқ, десам, ўзинғиз кўшилиб тувдиғизми дейди, уйинғ куйғур!

Боядан бери сув қуйгандек жим турган зал қаҳқаҳадан портлаб кетгандек бўлди. Негадир обком вакили ақалли жилмайиб ҳам қўймади.

— Нега куласанлар? — ўртароқ қаторда ўтирган Шайдул кассир ўрнидан сапчиб туриб, қўлини пахса қилди. — Аллақандай бир ғаламис пок одамларнинг юзига лой чапласа, шу куладиган гапми?

Залга секин-секин жимлик чўкди.

— Гап шу! — деди обком вакили ғийқиллаб. — Эргашевнинг ишини прокуратурага оширишга мажбур бўлдик. Ўзига ўзи жабр қилди. Оиласи ҳам безор бўлган экан. Хотини билан суҳбатлашдик. Анчадан буён ажрашмоқчи бўлиб юрардим-у, икки боламни кўзим қиймасди, деди. — У бир зум жимиб қолди-да, таҳдид аралаш сўради. — Қани ўртоқлар! Сизларнинг орангиздаям шунақа „ёзувчилар“ борми? Марҳамат! Ҳамма шароитни яратиб берамиз. Марказга бормоқчи бўлса, қўлига самолёт билетиниям олиб берамиз! Гостиницаларга брониям тўғрилаймиз. Борми, шунақа ифвогар?!

Милицияникига ўхшайдиган формали одам ўтирган жойида мийиғида кулди:

— Қўрқманглар. Пажалиста! Район прокуратураси Эргашевга ўхшаганларни излаб юрибди ўзи...

Залга ғалати жимлик чўкди.

— Марҳамат, қўрқманглар! — деди семиз киши баттар ғийқиллаб. — Обком бува билан гаплашдик. Эргашевга ўхшаганлар бўлса, бемалол ифво қилаверсин, дедилар. Борми, шунақа мард?

— Узр! — Раис бува хижолат чекиб ўрнидан турди. — „Машъал“ ликлар унақа эмас. Бизнинг одамлар — ҳалол! Элимиз ғийбатларга учмайди. Мана, масалан, Қўшоқжон Салимов! Бу йил гектаридан эллик уч центнердан ҳосил олишга бел боғлаган илғор бригадиримиз. Қаёқдасан, Қўшоқжон!

Мени чақиряптими? Вой, мен нима дейман? Тиззаларим қалтираб кетди.

— Турсанг-чи! — орқамда ўтирган Чори гарданнимга шунақанги зарб билан туширдик, гандираклаб ўрнимдан турганимни ўзим билмай қолдим.

— Қаёқдасан, Қўшоқ! — деди Раис бува аланг-жаланг бўлиб.

— Бу ёқда! — Чори бир ҳайқирган эди, бутун зал менга ўтирилиб қаради. Саҳнага разм солсам, Наргизхон кўзлари ўтдек ёниб, менга тикилиб ўтирибди.

— Иғвогар сенинг бригадангга ҳам борган эди-а? — деди Раис бува.

— Билмайман... — дедим мингиллаб.

Чамамда, гапим оғзимдан чиқди-ю, бурним эшитди.

— Ўша аблаҳ, Салимовнинг бригадасига ҳам борган, — деди Раис бува столда ўтирган катталарга юзланиб. — Шу ҳалол болагаям тухмат қилган. Қўшоқжон маладес йигит! Тухматга чидолмай иғвогарни бўғиб турганининг устига бориб қолдим. Ажратиб олмасам ўлдириб қўярди. Тўғрими, Салимов!

— Сув бераётгандим! — дедим бўйнимга олиб. — Сиз борганда ҳуши жойига келувди.

— Эргашип сенга тухмат қилдими?

— Қилди, — дедим овозимни баралла қўйиб. — Бултур гадовойда олти ярим минг сўм олгансан дейди. Ўн кун илгари бир юз саксон сўм маош олдинг, дейди, номард! Қани ўша пул? Ўзим тўрт ойдан бери...

Гапимни тугатолмадим. Қийқириқ кулги, қарсакдан қулоғим ёрилиб кетай деди.

— Жим! Тише! — Раис бува столни муштлади.

— Тўрт ойдан бери бир тийин маош олмаган бўлсам... Панжини айтмайсизми? „Уйланаман деб қарзга ботганман, маош қачон тегади“, деб бошимни қотиради.

— Бўлди! — Раис бува негадир асабий бош силкиди. — Раҳмат.

— Турсунбой ака бўлса... — дедим дилимдаги гап қолиб кетмаслиги учун шоша-пиша.

— Бўлди, тушунарли...

— Ойсара янгам...

— Ўчир-е! — Раис бува кўзлари олайиб дағдаға қилди. — Ўтир!

Ўтирсак ўтираверамиз-да! Гапираман деб кўзим учиб турибдими?

— Кўрдиларингми? — Раис бува қошини чимирди. — Эргашип ҳар хил каварний саволлар билан оддий меҳнаткашларни чалғитмоқчи бўлган. Қарши бўлмасанглар менда бир таклиф бор. Эргашипга ўхшаган ғаламисларнинг қилмишига жавобан бир иш қилсак... Бултур хўжалигимиз бўйича гектаридан қирқ уч центнердан ҳосил кўтарган эдик. Бу йилги мажбуриятимиз қирқ беш центнер эди. Келинглар, ҳаммамиз учун ҳурматли Обком бувага, Райком бувага жамоа хўжалиги бўйича гектаридан қирқ саккиз центнердан „оқ олтин“ оламиз, деб оширилган мажбурият қабул қиламиз! Қани, битта қарсак бўлсин, ўртоқлар!

Раис буванинг ўзи биринчи бўлиб қарсак чалди. Ғайрат билан чалди. Залдагилар ҳам бирин-кетин жўр бўлди... Бошқаларни билмадим-у, мен мажлис тезроқ тугай қолсин, деган умидда ўнг кафтимни чап кафтимга уриб қўя қолдим.

Тўғри-да, мажлис қанча тез битса, Наргизхон ҳам, мен ҳам шунча тез қутуламиз. Қачондан бери кўрмадим, ахир. Ақалли бир оғиз гаплашиб олай! Энди ўзимники-ку, Наргизхон!

Ҳамма ўзини эшикка урди. Мен бўлсам, саҳнадан кўз узмайман. Катталар битта-битта саҳна четига чиқиб кетишди. Фақат Наргизхон қолди. Саҳнада у, залда мен.

— Наргиз? — дедим бақириб.

Йўқ, бақирмабман. Овозим шивирлаб чиқибди. Ажаб, у барибир эшитди. Ялт этиб мен томонга қаради-ю, саҳна четидаги зиналардан туша бошлади.

Қатор турган ўриндиқларни тарақлатганча ўша томонга югурдим. Залнинг ўртарафида рўпара келдик.

— Наргиз... — дедим-у, қўлидан ушлашга журъатим етмади. — Розимисиз?

У кўзимга тезгина қараб олди.

— Сиз... — деди овози титраб. — Сиз яхши одамсиз!

Шундай деди-ю, иягимдан чўлп этиб ўпди-да, саҳна томонга чопқиллаб кетди. Ўнг юзим ёниб кетгандек бўлди. Иягимни силаб кўрсам... Фирт аҳмоқман-да ўзим! Кўрмайсизми, бугун соқолимни олмаган эканман! Нар-

гизхон ўпган жой ловуллаган кўйи анграйиб қолавердим. Шу иш ростдан ҳам ўнгимда бўлдимми? Наргиз ростдан ҳам мени ўпдимми?

Юрагим қинидан чиққудек бўлиб ташқарига отилдим.

Раис бува фонтан ёнида турган қора „Волга“га меҳмонларни ўтқазётган экан. Одоб сақлаб кутиб турдим.

„Волга“ жўнаб кетгач, у ёнимга келди.

— Оббо, гуппи-ей! — деди бош чайқаб. — Қовун туширишингга бир баҳя қолди-ку, тентак... Майли, зиёни йўқ, — у ёш йигитлардек кўз қисди. — Қалай, камчиликлар йўқми? Қаллиқ ўйинига боряпсанми? Наргизхон энди ҳалоллинг-ку! Қачонгача ўргатаман сенга, тутхўр?!

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

ҚАЛЛИҚ ЎЙИН

Биз эскилик сарқитларидан қутулганмиз. Бир замонлар „қалин“ деган гап бўларкан. Буни қаранг-а, одам ўзи севган қизни сотиб олса! Бориб турган феодаллик-ку, бу! „Сут пули“ дейилса, бу — бошқа гап! Ўзингиз ўйланг: она бечора қизчаси кўкракдан аригунча озмунча сут эмизганми? Қизчасини ўстириб, қоғозга ўроғлиқ қанддек қилиб куёвнинг кўйнига сопқўйган онанинг „сут пули“ олишга ҳақи борми, ахир! Бўпти-да, нима дейсиз тағин! (Дадам фақат эскилик сарқитларига эмас, янгиликка ҳам қарши одам-да, ўзи! Синглимни узатаётганимизда „Она сути пулга сотилмайди“, деб „сут ҳақи“ олмаган. Онам бечора қанча хафа бўлганди, ўшанда.)

Ундан кейин... Авваллари келинга камида қирқта, бўлмаса саксонга кўйлак совға қилинар экан. Қуда томон кўйлакларни ҳамма кўрсин деб қатор қилиб осиб кўяркан. Буни қаранг: келин саксонга кўйлакни нима қилади? Ҳар йили иккитадан кўйлак кийганда ҳам, шунчасини тўзитгунча қирқ йил ўтиб, кампир бўлиб қолмайдимми? Устига устак семириши бор, озиши бор? Мода эскириши бор! Ҳозир бу сарқитдан ҳам қутул-

ганмиз. Бор-йўғи „тўққиз“ қилинади. Яъни тўққизта рўмол (орасида пуховой рўмол ҳам, японский сим рўмол ҳам бўлиши шарт), тўққизта сирға (ёқут кўзли, фируза кўзли... Бриллиант кўзлисиям тешиб чиқмайди). Тўққизта кўйлак (атлас, шойи, парча, замонавийроғи бўлсин десангиз — шифон, лайло, купон), тўққиз жуфт туфли (баланд пошнали, паст пошнали, уйда киядиган, кўчада киядиган, ҳовли супурганда киядиган, кир ювганда киядиган), тўққизта пайпоқ, тўққизта узук, тўққизта... Яна нимаиди? Хуллас, у ёғи ҳимматингизга боғлиқ. Тўғри-да! Келин дегани очилиб-сочилиб юриши керакми, ахир. У уйгаям, кўчагаям бир хил кийим кийсинми?

Қуда томонга юбориладиган ўттизтами-қирқтами кўй (биз осон қутулдик: битта хўкиз, билан бор-йўғи тўрттагина кўй бердик, холос) юз киломи-икки юз киломи гуруч, ўн-ўн беш қоп ун, беш-ўн яшик ишкалад конфет, бир-икки яшик чой, сабзи-пиёз... Хуллас, арзимаган нарсалар. Нима, куда томон ҳаммасини ўзи ермиди! Эл олдига дастурхон ёзади, мана, бизнинг куёвни кўриб кўйинглар, дейди.

Раис бува Сожида қизининг тўнғич ўғлини тўй қилганида (уйлантириш эмас, ўғил тўйи қилганида) ўз кўзим билан кўрганман: тўйхонанинг қоқ ўртасига юк машинаси гуриллаб кириб келган. Машина устига ичкилик тўла яшиклар тахлаб кўйилган экан. Тўйга келганлар ўз мавқеига қараб, бир хиллари бир яшик коньякми, бир хиллари икки яшик арақми, виноми, машинадан ўзи тушириб олиб тўйгунча ичган эди... Бизникида қанақа бўлишини яна ўйлаб кўрамиз, ҳали орада „Раис чақирди“ бор. Буям ўзига хос одат. Тўй арафасида жамоа хўжалигининг энг ақли, энг доно катталари тўпланиб, бир қарорга келиши керакми, ахир? Тўй дегани кенгашсиз бўлмайди-ку, тўғрими?!

Хуллас, биз томонларда эскилик сарқитлари йўқотилган. Фақат битта одат ҳамон бор. У ҳам бўлса „қаллиқ ўйин“. Афсус, шундоқ яхши удумимиз йўқолиб кетяпти. Бутун бошли областимизнинг нари борса икки-уч жойида сақланиб қолган. Ростини айтайми? „Қаллиқ ўйин“

ҳеч қанақа „сарқит“ эмас! Менга қолса, бу одатни бутун Ўзбекистонга ёйиш керак!

„Қаллиқ ўйин“ни ким ўйлаб топган бўлса, отасига минг раҳмат! Нима қипти! Куёв ўз ҳалолининг уйига боради. Албатта, кундузи — эл назарида эмас, қоронғилатиброқ боради. Албатта, эшикни очиб кирмайди. Девор ошадими, туйнукдан эмаклайдими, хуллас, бир йўлини топади-да! Ҳар борганида қўлида келинга аталган биронта совға бўлиши шарт. Атирми, бир жўра атласми... Майли-да! Келиннинг онасига икки лўппак чойми, бирон кило ишкаладми, қўшиб олса, яна яхши. Негаки, „қаллиқ ўйин“нинг бир шарти бор. Куёв „ўғринча“ борганини келин билан онасидан бўлак ҳеч ким билмаслиги керак. Худо кўрсатмасин, агар келиннинг отаси кўриб қолсами?! Шунақанги жаҳли чиқади, шунақанги жаҳли чиқадики... Тескари қараб, уйдан чиқиб кетади! Албатта, бутунлай эмас, бошқа ёққа ҳам эмас, нариги уйга кириб эшикни ичидан беркитиб олади.

Бугун биз қаллиққа кетяпмиз! Бошда яп-янги дўппи. Эгнимизда оппоқ кўйлак, жинси шим. Илгари ҳеч бунақа шим киймаганим учунми, оёғим тахтакачлангандек қотиб турибди. Чўнтакда „Кармен“ деган атир (қайнанамизга совға), кўйинда бир жўра „жухуд“ атлас — Наргизхонга падарка! Шу кунгача Наргизхоннинг уйига Тулпоримни миниб келардим, бу сафар Турсунбой акамнинг пат-патини миниб олганмиз. Тўғри-да, қаллиқ ўйинга ҳам эшак миниб борадими, одам. Тағин Наргизхоннинг олдига-я! Кеча Турсунбой акамга шуни айтган эдим, „пат-пат“ меники эмас, умуман, ҳеч нима меники эмас, янганг билан гаплашавер“, деб тўнғиллади. Ойсара янгамга қойилман. Бу сафар ҳечам зикналик қилмади. Наргизхоннинг отини айтишим билан бўйнига осиб олган пат-пат калитини дарров олиб берди. „Бахтли-саодатли бўлинглар, ўзинглардан тининглар“, деб дуо ҳам қилди. Мотоцикл кўпдан бери минилмагани учун аккумулятори кучсизланиб қолган эмасми, педални тепавериб, терлаб кетдим. Йўқ, ҳайтовур бир амаллаб моторни ўт олдирдим. Мана, кетяпмиз, „лулка“ни елдириб!

Наргизхоннинг қасрдек уйи олдига етиб келганим-да аллақачон қоронғи тушган эди. Барибир барвақт келиб қолибман. Ўзим ҳовлиқдимми, пат-пат „Жигули“дек елдими, билмайман. Ҳар қалай, кўчанинг у томон, бу томонида ивирсиб юрган одамларни кўриб уялдим. Мотоциклни универмаг панасига олиб ўтиб кутиб турдим. Назаримда, минг соат ўтдиёв! Ниҳоят, кўчалар тинчиб қолди.

Тариллашиб оламни бузмаслиги учун пат-патни етаклаб Наргизхоннинг дарвозасига келсак, ҳамма ёқ жимжит. Шоти қўйса етмайдиган деразаларда чироқ ўчган. Юрагим гупиллаб кетди. Бундан чиқди Наргизхоннинг онаси ҳовли ўртасидами, дарвоза олдидами, бизни кутиб турибди. Чўнтагимдаги атирни пайпаслаб қўйдим, жойида! Қизиқ, келиннинг ўзи қайси хонада экан?

Таваккал қилиб, дарвозани итаргим келди-ю, номус қилдим. Манави падар лаънат деворнинг бирон ерида наҳра-пахра жойи бордир, ахир! Бир вақтлар Ойсара янгамникига мушак сабзи олиб чиққанимда туйнукдан ўтганим эсимга тушиб кетди.

Мотоциклни дарвозадан элик қадамча нарига, девор тагига обориб қўйиб, ҳамма ёқни текшириб чиқдим. Қаёқда! Девор, хумпар, бошдан-оёқ пишиқ гиштдан урилган, лой ўрнига цемент ишлатганми, нима бало! Туйнук тугул, тирқиш ҳам йўқ. Тагин бу деворга одамнинг бўйи етса экан! Туянинг устига чиқиб осилсанг ҳам, қўлинг чўзилиб қолади. Нима, уйимга бориб нарвон олиб келишим керакми энди! Хуноб бўлиб турган эдим, девор этагида, йўл ёқасида гўдайиб турган бақатеракка кўзим тушди. Бахтимни қарангки, деворнинг у томонида ҳам гилосми, олчами, аллақандай дарахт хўп-пайиб турибди. Жуда соз-да! Теракка осилиб, деворга чиқамиз. Деворга миниб олиб, озгина сурилсак, нариги томондаги дарахтга етиб оламиз. Кейин қарабсизки...

Келинга аталган атласни елкамга ташлаганча теракка тирмашдим. Иш бундоқ бўпти. Бир зумда девор устига миниб олдим. Девор тепасига қиррадор қилиб тунука ёпилган экан. Сабил қолгур тунука кун бўйи офтоб

тигида қизиб ётган эканми, шим тагидан орқамга жазиллаб ёпишди. Қўлимнинг куйганини айтмайсизми! Хўш, нима бўпти? Жон куйдирмасанг, жонона қайда! Билман, Наргизхон қўша-қўша хоналарнинг бирида мени интизор кутяпти. Онаси айвондами, ҳовлидами, ҳақ деб йўлимга кўз тикиб ўтирибди! Атир чўнтагимдами ахир? Жойида.

Яп-янги жинси шим ҳам расво бўлди! Атласга чанг юқмаса бас! Эрта баҳордан бери тунукага қўнган икки энлик чангни супуриб, сурила-сурила, ҳовли томондаги дарахтга омон-эсон етиб олдик. Гилос экан! Осмон баравар ёнғоқдан калла ташлаган одамга аллақандай гилос нима бўпти? Дарахт эмас, нақд шотининг ўзгинаси-ку, бу! Биз келишимизни мўлжаллаб атайлаб экиб, ўстириб қўйишганми дейман!

Икки қулочча жой қолганда тап этиб ерга сакрадим. Елкамга ташлаб олган атлас, сирғалиб, тупроққа тушди. Энгашиб, энди атласга қўл чўзган эдим, орқа томондан „Ғ-ғап“ деган ваҳимали товуш эшитилди! Юмшоқ жойим чунонам ачишдики, кўзимдан ўт чақнаб кетди! Жонҳолатда бурилиб қарасам, қулоқ-думи кесилган, камида Тулпоримнинг ярмича келадиган ит орқамга ёпишиб тортқилаяпти. Кўзлари оловдек ёниб, нукул ириллайди, ҳайвон!

Уриб бўлмаса, тепиб бўлмаса, нима қилсаям, Наргизхоннинг ити! Жоним оғриб кетяпти-ю, дод солишга ор қиламан. Куёвмиз, ахир! Атласни ҳам унутиб, гилосга тармашдим. Шундаям қўйиб юбормайди, аблаҳ! Индамай турсам, еб қўядиган. Чап оёқлаб кўкрагига бир тепдим-да, шохдан-шохга сакраб деворга чиқиб олдим. Бақатеракка етиб олишга қаноат қилмай, ўзимни таппа ерга отдим. Хайрият мотоцикл жойида турган экан. Педални увалло тепаман, қани ўт олса, лаънати! Йўқ, охири тун сукунатини тилка-пора қилиб, патиллаб кетди. Ҳа, майли! Аввал эгасига уйланиб олай, Рексни дарахтга боғлаб қўйиб, шунақанги савалайманки, итнинг кунини бошига солмасам, Қўшоқ отимни бошқа қўяман!

Мотоциклимни тариллатиб, ҳайдаб кетдим. Ўнг думбам ловуллаб ачишарди. Калламга ғалати ўйлар келди. Қизиқ, ит боғлоқмиди, ечиқмиди? Келиб-келиб ит боғланган дарахтдан тушдим шекилли...

Хаёлимни тўплаб олмасимдан орқа томондан бояги ваҳимали, бўғиқ вовуллаган овоз эшитилди. Эгарда ўтирганча бурилиб қарасам, худди ўша лаънати ит қоронғида жунлари ҳурпайиб кетимдан югуриб келяпти. Бундан чиқди, ечиқ экан-да. Дарвоза ҳам очиқ экан-у, биз билмабмиз!

Кучим борича газни босдим. Буни қарангки, аблаҳ ит мотоциклдан ҳам тез югураркан. Худди самолётдай учиб келяпти. Қарасам, ириллаб келиб сонимга ёпишадиган. Жонҳолатда тормозни босган эдим, куч билан келиб лулкага урилдими, нима бало, орқа томонда аянчли „ванг-г-г“ деган овоз эшитилди. Пат-патим йўлга кўндаланг бўлиб қолди. Ўгирилиб қарасам, чанг-тўзон орасида менинг жонимга озор берган ит типирчилаб ётибди. Ўл! Бу кунингдан баттар бўл!

Ҳамон ловуллаб ачишаётган жойимга кўлимни олиб борсам, кафтимга иссиқ нарса тегди. Тушундим. Бундан чиқди, синглим атайлабдан бозорга тушиб олиб келган жинси шимнинг бир парчаси итнинг оғзида қолибди. Ким билсин, ўзимизга тегишли этнинг ҳам талайгина улушини ямлаб ютдими, бу очофат!

Бир маҳал ёрқин чироқ нуридан кўзим қамашиб кетди. Рўпарадан учиб келаётган аллақандай машина гийқиллаб тўхтади.

— Жонингдан тўйганмисан, аҳмоқ!

Ие, овоз танишга ўхшайди-ку! Ким бўлди бу?

Машинанинг чап эшиги очилиб ёпилди. Шофёр чироқ нурига ўтиб, кўлини пахса қилди.

— Эсингни едингми?

Ҳа, Раис бува экан! Кун иссиқ бўлса ҳам эгнида костюм, медалларини тақиб олган!.. Қизиқ, нега шофёр йўқ?

Шу пайт ўнг томондаги эшик ҳам очилди. Кимдир ерга сакраб тушди. Ҳаяжондан „ярадор“ жойимнинг

ачишиши ҳам паққос эсимдан чиқиб кетди. Наргизхон-ку! Атлас кўйлак кийиб олибди. Чироқ нурида оёғида оқ туфлиси борлигини ҳам кўрдим. Энди чақирмоқчи эдим, Раис бува шодон хитоб қилди.

— Э, сенмисан, тутхўр! Нима қилиб юрибсан, бе-маҳалда?

Раис билан нима ишим бор? Хаёлимда бошқа гап чарх урарди. Бундан чиқди Наргизхон уйида йўқ экан-да.

Наргиз менга ярқ этиб қаради-ю, тупроқ чангитиб, биз келган томонга югуриб кетди. Тушундим, Раис бува-нинг олдида мен билан гаплашишга уялди...

Раис бува яқин келиб, кўл чўзди.

— Оббо, тутхўр-ей! — деди кўлимни қисиб. — Тушунарли... Бугун шунақа бўпқолди, Қўшоқжон! Районга мажлисга чақиришувди. Қаллиғинг ҳам бориши керак эди, ўтир машинага.

У ҳамон йўл ўртасида кўндаланг турган мотоциклга разм солди-да, кулимсиради.

— Турсунбойнинг пат-пати-ку! Ўзимга айтмайсанми, янгисини падарка қилмайманми!

Эгардан тушишга уялардим. Шимим дабдала бўлиб кетган, орқам ачишяпти, қуриб кетгур.

— Бўпти, мен кетдим! — Раис бува „Нива“га минди. Машинасини кескин бурди-да, физиллаб ҳайдаб кетди.

Наргизхон кетган томонга қараб кўйдим. Ўзи ҳам, ити ҳам кўринмасди. Чанг-тўзон орасида анча туриб қолдим...

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

ТҶЙ

Кўнгли ўсган одамнинг яраси ҳам тез битаркан. Наргизхоннинг Рексжони қопган жойим бир ҳафтача ачишиб юрди-ю, барибир тузалди. Ҳеч кимга айтмай ойнага тескари қараб ярамга кўкдори сурдим. Кигиз куйдириб босдим. Хуллас, ўнг томоним кирза этигимнинг тагчармидек қотиб қолганини ҳисобга олмаганда,

кўп ўтмай сен кўр-мен кўр бўлиб кетди. Қайтага яхши: ўша ёғимни ерга бериб ётсам, зах ўтмайди.

Бахт келса, кўша-кўша... деганларидек, ҳаётимда бирваракай иккита қувончли воқеа бўлди. Биринчидан, тўй. Иккинчиси... Шодивой келди! Ишонасизми, шунча йилдан бери қишлоққа қадам босмай қўйган, ўқишни битирганидан кейин Тошкентда ишлаб қолган жонажон жўрам Шодивой тўйдан бир кун илгари уйимизга ўз оёғи билан кириб келди. Ўлай агар танимадим. „Запорожец“ини „Ферма тоға“нинг пичан гарамига калла қилдириб, Раис бувадан дакки еган жўрам шуми? Тошкентдаги гастинисада пул санайман деб шайтонлаб қолаёзган дўстим шуми? Қуёндек биққигина, юмшоққина ўртоғим, чунонам ўзгариб кетибдики, одамнинг ақли шошади. Қоматни қаранг, қоматни! Қилич дейсиз! Одамга шунақанги синчиклаб тикиладики, кўзи рентгенга ўхшаб, у ёғиндан кириб бу ёғиндан чиқиб кетгудек. Иккиланиброқ турган эдим, югуриб келиб, бир кучоқлади, бир кучоқлади, қовурғаларим қирсиллаб кетди. Нуқул ўпади, хумпар!

— Қўйвор, ялаб ташладинг-ку, одамни, келинниям ҳақи бор бизда! — деб аранг қутулдим.

Хуллас, тўй устига тўй!

Майли, яхшиси, бир чеккадан гапириб бера қолай. Шундоқ қилиб, таомил бўйича никоҳ тўйидан уч кун олдин „Раис чақирди“ бўлди. Отам тўй ташвиши билан елиб-югуриб, қон босими ошиб кетгани учун куёвим „Раис чақирди“га келадиган азиз меҳмонларнинг дастурхонига тааллуқли масалаларни онам билан маслаҳатлашиб қўя қолди. Бизларни овора қилмаслик учун рўйхатни ўзи тузиб келган экан. Чўнтагидан қоғоз чиқариб шариллатиб ўқиб берди.

— Қанд-курс, ҳўл мева, қуюқ-суюқ овқат ўз йўлига! — деди томоқ қириб. — Хўш, дегандан, беш кило қоқоти бодом. (Катта одамлар тишида чақиб ўтирса уят бўлади. Икки бармоғининг орасига олиб бир қисса ўзи синиб кетадигани тузук.) Уч кило ёнғоқ! (Чақиб мағзини ажратиб олишга вақт қани? Бозордан тайёр мағзи-

ни олиб қўя қоласиз.) Тўрт кило шўрданак. (Биз томонларда яхшиси топилмайди. Бухородан олиб келасиз.) Беш кило қора майиз. (Бунинг яраси осон. Райцентрдаги бозорда Учқоранинг манаман деган майизини сотади.) Анор суви (Раис бува коньякни анор суви билан закуска қиладилар.) Уч литрли шиша баллонда тўрттагина бўлса етиб қолар. Аммо свежий бўлсин. Дашнободники бўлса, яна яхши. Нордон — ширин-да! Сабзи суви. (Унисини кўпчилик ичмайди. Аммо Шайдул кассир арақ зотини оғзига олмайди. Ичкиликнинг ўзи тугул шишасидан ҳазар қилади. Шу одамга.) Ҳа, боринг ана шундан беш литр бўлсин! Товуқ — ўттизта. Яхна гўшт — ўн кило. Ичкилик. Бир яшик коньяк — арманский. Жуда бўлмаса, „Белый аист“ дегани бор. Раис бува ўзимизнинг хашаки коньякларни ичмайдилар. Арақ — бир яшик. Пиво — уч яшиги етиб қоларов... Шампан керакмас. Мабодо Қўшоқжоннинг ўзи ичмаса... — у менга бир имо қилдида, тагин томоқ қирди. — Битта қўй сўймай илож йўқ. Раиснинг олдида калла келиши керак-ку!

Куёв рўйхат ёзилган қоғозни буклаб-буклаб чўнтагига суқди. Эски кўрпачада хомуш ўтирган онам бармоқларини букавериб, ҳисобдан адашиб кетди шекилли, кўзлари жавдираб менга қараб қўйди.

— Сабзи суви неча дона эди? — деди гарангсиб.

— Булар... Тўйнинг дастурхонигами? — дедим куёвга термилиб.

— Нима? — куёв илон чаққандек сапчиб ўрнидан туриб кетди. — Сиз эчки олаётганингиз йўқ, Қўшоқжон, — деди овози титраб. — Уйланяпсиз... Биз ҳам „Раис чақирди“ қилганмиз. Бир эмас учта қўй сўйганмиз. Ким билади, „Раис чақирди“га Райком буванинг ўзиям кепқоладими?... Улар ҳам сизу бизга ўхшаган одам! Битта қорни бор. Ўлгунча эмас, тўйгунча ейди. Қолганини тўй дастурхонига тортиб юбораверасиз-да!

...Шундоқ бўлди. „Раис чақирди“га қишлоғимиздаги энг мўътабар одамлар келди. Яъни Раис бува, „Ферма тоға“, найнов Шайдул кассир, ўзимнинг тоғам, куёв. Дадам билан мени ҳисобламаганда беш киши бўлишди...

Бодомлар чақилди, ёнгоқлардан тановул қилинди, ҳандалак ейилди... Раис бува коньякни анор сувисиз ичолмаслиги рост экан. Анор сувимиз дидига унча ўтиришмадими, бор-йўғи бир шишагина коньякни бўшатиб „Энди бизга узр, мажлисга борадиган одаммиз, бошқа ичолмаймиз“, деди. Шайдул кассирнинг арақ зотидан хазар қилишиям тўғри экан. Саккизтами, тўққизтами пивони уч литрли сабзи сувига омухта қилиб ичди-да, теракдек қаддини ростлаб, бир-икки силкиниб кўйди. Пиво пастроқ тушсин деди чоғи...

Шўрва ичиб, ош еб бўлингач, асосий мақсадга кўчилди.

— Хў-ўш, Салимбой ака! — деди Раис бува пешанасидан маржон-маржон оқаётган терни сочиқ билан артиб. — Қуда томонга жўнатиладиган ҳамма нарсалар жойида-а? Хўкиз, кўйлар, гуруч, латта-пугта, „тўққиз“лар.

— Жойида... — бир чеккада ўтирган отам, зўрға овоз чиқариб мингиллади. Бечоранинг ранги кетиб, лунжини учиришгаям мадори қолмаганини пайқадим.

— „Сут пули“, куда-қудағайларга сарполар?..

— Ҳаммаси, — деди дадам баттар дами ичига тушиб.

— Маладес! — Раис бува „Қо-о-оп“ этиб кекирди. — Бўлмаса, масала ҳал экан-да! „Қизил тўй“ининг тартибини келишиб олсак бўлди. Микрофон...

— Биздан! — куёв кўлини кўксига кўйиб ўрнидан турмоқчи эди, чайқалиб, ёнбошлаб қолди. (Меҳмонлар келгунча пишиб қолганди ўзи.)

— Биздан! — деди шанғиллаб. — Техниканинг пирри — ўзимиз...

— Яхши! — Раис бува яна бир кекирмоқчи бўлди-ю, шаштидан қайтиб, чуқур нафас олиб кўя қолди. — Бидамиз, тўй дегани ичкиликсиз ўтмайди. Беш яшик коньяк. Ўн яшик арақ. Уч яшик шампан, йигирма яшик пиво, ўттиз яшик минерал сув... Иссиқда сув жуда кетади...

Дадам Раис буванинг оғзидан муттасил отилиб чи-

қаётган сўзлардан қулоғи қоматга келгандай, икки юзи кўкариб кетди.

— Шунча ичкилик... Иссиқ кунда, — деб мингиллаган эди, Раис бува жеркиб берди.

— Ўлар жойдамисиз, Салим ака! Биттаю битта ўғлингиз... Эл ичида юрган одамсиз... Биз сизга кўпкари қилиб совринга ҳўкиз қўйинг деётганимиз йўқ, олиш қилиб, товоқ қўйинг деётганимиз йўқ. „Кўй сўйди“ қилинг, „куёв қочди“, „супра қокди“ қилинг демадик! Нима қилсак, элимизнинг обрўси кетмасин, деб қиляпмиз. Ана, „Правда“ жамоа хўжалигида бир сувчи ўғлини тўй қилди. Олишнинг совринига туя қўйибди, азамат! Ўшалардан кам жойимиз борми?! Яхшимас-да! — у аразлаб „Ферма тоға“га қараган эди, шўрданак чақиб ўтирган „Ферма тоға“ тасдиқлади.

— Туври! Монға қоранғ, Салимбой ака! Пул керакма сизга, обрўма?

— Райком бувани тўйингизга келишга аранг кўндирдим, — Раис бува норозилик билан қошини чимирди. — Куёв ўзимизнинг йигит дедим. Жовли Менглиевичнинг қанча қадрдонлари бор. Ким билсин, ҳали обкомдан ҳам келиб қолишадими... Ундан кейин... Камида тўрт состап яллачилар бўлсин! Телевизорда чиқадиганларидан айтинг! Қаланғи-қасанғиларнинг кераги йўқ. Хў-ўш, энди... — Раис бува чуқур ўйланиб қолди. — „Шарватхона“да ким туради?

— Мен! — куёв тағин ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, бу сафар ёнбошлаб ўтирмади. Гурсиллаб йиқилиб қўя қолди.

— Бекор айтибсан! — Раис буванинг жаҳли чиқиб кетди. — Қўйни бўрига топширар эканмиз-да! Меҳмонлар келмасидан арақнинг ярмини уриб қўярсан. Гап шу: „шарватхона“да Шайдул туради!

— Маъқул, Раис бува! — Шайдул кассир қўлини кўксига қўйди. — Бир шиша пивони бегона қилган — номард!

¹ Шарватхона — тўйда ичкиликлар сақланадиган жой.

— Маладес! Вечерни Жовли Менглиевичнинг ўзи бошқаради. Қуда томон бўлсаям, зиёни йўқ. У кишини ҳамма катталар танийди... Ундан ташқари... Одамларни состап-состап билан жойлаш керак. Тўрда ўтирган катталарнинг олдида ҳар хил қаланғи-қасанғилар ўралашмасин. Бизнинг истолга главний эканамис баковул бўлсин: парадичний одам. Бўлдими, опке, каллани.

Раис бува менга буюргани учун дик этиб ўрнимдан турдим-у, ошхонага югурдим. Онам қўйнинг калласини аллақачон товоққа солиб тайёр қилиб қўйган экан. Қўй бечора сўйилаётганида бир кўзини юмиб ўлган эканми ё калла қозонга тушгандан кейин бўлганми, билмадим. Хуллас, калланинг чап кўзи жойида, ўнг кўзидан дарак йўқ.

Раис бува каллани чаққонлик билан кесиб тақсимлашга киришди. Дадам, шу уйнинг эгаси бўлгани учун улушига қўй пешанасининг гўшти тегди.

— Сен, Шайдулбой, хатга кўп тикиласан! — деди Раис бува тантана билан. — Кўзинг ўткир бўлса, ҳисобдан адашмайсан... — У пешанасидан муттасил оқаётган терни билагига артиб, каллани ўгириб қараган эди, қўйнинг кўзини тополмади. Ҳайрон бўлиб, бу томонини айлантирди. Енгил тортиб, кўзни пичоқ учига илиб, Шайдул кассирга узатди.

Куёв запчаст тарқатаётганида тили янаям бийрон бўлиши учун тилни тановул қилди.

— Яхши ҳасип экан, — деб қўйди лабини чапиллатиб.

Раис бува қўйнинг жағ гўшtidан мўлгина кесиб олди.

— Сен бола маданият бошқармасида ишлайсан, кесакдан ўт чиққанми, нима бало, нуқул адолатдан гапирасан! — Раис бува жағ гўштини тоғамга илинди. — Ма, жағингга қувват берсин!

Бизга қулоқ тегди.

— Ма, тутхўр! Қулоғинг динг бўлса, келиннинг шивирлашини яхши эшитади! — Раис бува „қойил қилдимми“ дегандек ҳаммага бир-бир қараб қўйди.

„Ферма тоға“ қийқириб кулди...

— Туври, Раис бува! Қулоқ жеса, қулоғи узун бўлади!

Раис бува дандон сопли пичоқ билан қўйнинг бош суягини чақди-да миясини туз, мурч билан ийлаб дума-лоқлади, каттароқ ёнғоқдагини ўзи еб олди.

— Р-рахмат! — деди куёв ётган жойида ғўлдираб. — Р-рахмат, Раис бува. Миядан кўпроқ енг. Ақлингиз тўлишади!

Шу билан „Раис чақирди“ поёнига етди. Раис бувага тўн, Шайдул кассирга дўппи, „Ферма тоға“га қийиқ совға қилдик. Азиз меҳмонлар хайрлашиб чиқиб кетганидан кейин асосий тўй тараддуди бошланди.

* * *

Раис бува отамга „Тўйингизга катталар келади“ дегани бежиз эмас экан. Бир одамга ҳурмат бўлса шунчалик бўлар! Отам бир пенсионер бўлса, мен хашаки бир бригад бўлсам. Тўйимизга семиз обком вакили, Райком бува, пахта заводининг директори — тақирбош Викторов, — яна қанчадан-қанча казо-казолар келиб ўтиради-ю, мен севинмай ким севинсин! Аслида қайнатам ҳам келаверса бўларди-ю, таомил бўйича қизнинг отаси тўй куни куёвниқига бормайди-да! Ҳаммадан яхшиси шуки, қадрдон жўрам Шодивой куёвнавкар бўлиб келинниқига борди. Наргизхоннинг дарвозасидан кириб бораётганимизда аллақандай қилтириқ кампир „ун сочар“да мўлжални нотўғрироқ олиб кўзимга ун сепиб юборганини ҳисобга олмаганида, ҳаммаси зўр бўлди! Мен-ку, майли, Шодивойнинг кулранг костюми ҳам оппоқ унга беланди. Тўй қиламан, деб бўғзимизгача қарзга ботиб қолмаганимизда-ку, жўрамга эртагаёқ қулинг ўргилсин костюм совға қилардим-а...

...Мана, ўтирибмиз, дастурхон тўрида! Ҳовлимиз машъала бўлиб кетган. Столлар ноз-неъматларнинг кўплигидан беланги бўлиб қолган. Ўнг ёнбошимда Наргизхон... Юзига ҳарир парда тутиб ўтирибди. (Пардаларингга жоним тасаддуқ.) Чап томонимда Шодивой! Яп-янги костюми расво бўлгани ҳалиям эсидан чиқмаганми, ҳайронман, қовоғи солиқроқ. Нариеқда келиннинг дугоналари. Раис буванинг ёнбошида Райком бува,

Райком буванинг ёнида обком вакили, унинг ёнида Викторов!

Биз ўтирган қатор — улуғларники! Ўзим-ку, ичмайман. Аммо „Наполеон“ коньяги-ю армани коньякдан тортиб, „Посольский“ деган арақча (Викторов шунақа арақ ичаркан — ҳиди сезилмасмиш), думба-бовур закускадан тортиб, қул-қул товукча, хандон пистадан тортиб бодомгача пайдар-пай келиб турибди. Раис бува айтганидек, главний эканамиснинг ўзи баковул.

Икки томондаги дастурхон иккинчи даражали: бўлим бошлиқлари, буғалтир, бош агрономларники. У ердаги коньягу арақлар „местний“. Закускалар ҳам ўрта-чароқ.

Этак томонда бригадамдаги жўраларим — Чори, Панжи, Жуман, Турсунбой ака, мактаб малимлари ўтиришибди. Уларга „Чашма“, пиво, қўл етар қилиб помидор, шўр бодринглар кўйилган. „Раис чақирди“да шунга келишилган. Пиво дегани шўр бодринг билан йиғлаб кўришади-да!

Бир маҳал микрофон ушлаган Жовли ака (йўғ-е, нега энди „Жовли ака“ бўларкан, ахир энди у менинг қариндошим-ку. Бундан чиқди Жовли акажоним!) Ўртага чиқди. Микрофонга уч-тўрт марта пуфлади.

Жовли акажоним микрофонни кўлига олиши билан келин-куёв ўрнимиздан туриб, таъзим қилдик. (Таомил шунақа.)

— Қадрли азиз меҳмонлар! — деди Жовли акам тантанали оҳангда. — Бугун биз фақат районда эмас, областимизда донг чиқарган „Машъал“ жамоа хўжалигида ўтирибмиз. Шу сабабли биринчи сўзни областимиз вакили, ҳаммамиз учун ҳурматли ўртоқ Гадоевга берамиз. Қани, бир қарсак бўлсин!

У шапир-шупур қарсаклар остида микрофон симини судраб келиб, обком вакилига тутқазди. Қаранг, семиз кишининг фамилияси Гадоев экан-да! Шу пайтгача билмаган эканман.

— Ўртоқлар! — деди Гадоев сурнайдек ғийқиллаб. — „Машъал“ жамоа хўжалигини яхши биламиз!

Чинакам машғал хўжалик. Бу йил ҳар гектаридан қирқ саккиз центнердан „оқ олтин“ олмоқчисиз. Мен сизларга ҳаммамиз учун ҳурматли Обком буванинг саломини топшираман. — У бир кўлида микрофон чангаллаган кўйи қарсак чалган эди, бошқалар ҳам жўр бўлди. — Келинглр, шу хўжаликнинг доно раҳбари, дўстимиз Тошмамат Алимовичнинг соғлиғи учун қадаҳ кўтарайлик!

Жовли акажоним пилдираб келиб, микрофонни олди.

— Яна бир қарсак бўлсин! Авация, авация! — деди ҳайқириб. — Куйилсин!

Қарасам, ёнимда ўтирган Шодивой коньяк шишасини очиб, ўзининг олдидаги қадаҳга тўлдириб куйяпти. Мен ҳам шоша-пиша шампанга ёпишган эдим, тирсаги билан туртди.

— Менга бер! — деди тўнғиллаб. — Одоб сақлаб ўтирсанг ўласанми! Куёв деган номинг бор! — Шампанни пақиллатиб очди-да, бир эмас, иккита бокалга вошиллатиб тўлдирди. — Ич! Қаллиғинггаям ичир!

— Мен ичмайман-ку, Шоди!.. — дедим нима қилишимни билмай.

Шодивой менга қайрилиб қарамади. Коньякни култлатиб ичиб олди. Парда остидан Наргизхонга шампан узатдим.

— Жиндай ичинг... — дедим ялиниб.

Наргизхон мулойим жилмайди.

— Менга мумкин эмас.

— Менгаям, — дедим ростига кўчиб. — Бола бўлиб оғзимга олмаганман.

— Тўғри қиласиз... — Наргизхон боягидан ҳам ширинроқ табассум ҳадя этди. (Ўзим айланай меҳрибонимдан!)

Ҳушимни йиғиб олиб, бошимни кўтарсам, Раис бува гапиряпти.

— Келинглр, ҳурматли дўстлар! Аввало ҳаммамиз учун ҳурматли Обком бувамизнинг, обком вакили ўртоқ Гадоевнинг, азиз акамиз Райком буванинг, заводимиз директори ўртоқ Викторовнинг, шу хонадон қудаси —

савдо аълочиси ўртоқ Қўшшаевнинг, қолаверса, кадр-донимиз Жовли Менглиевичнинг саломатлиги учун қадаҳ кўтарайлик! Биз — раҳбар ташкилотларимизнинг ишончини албатта оқлаймиз! Гектаридан қирқ саккиз эмас, қирқ тўққиз центнердан „оқ олтин“ оламиз!

Одамлар энди қадаҳга қўл чўзган эди, Раис бува жеркиб берди.

— Шошманглар ҳов! Шундоқ улуғларнинг саломатлиги учун атиги битта ичиб қутулмоқчимисан! Йў-ўқ, бунақаси кетмайди, Обком бува учун битта, ўртоқ Гадоев учун битта, Райком бувамиз учун битта, ўртоқ Викторов учун, ўртоқ Қўшшаев учун, кадрли Жовли Менглиевич учун алоҳида-алоҳида кетма-кет олти марта ичасанлар! Оппоқ қилиб олмаган — хотин! Ҳамма ўрнидан турсин!

Чор-ночор Наргизхон иккаламиз яна турдик. Бир маҳал чап томондан гўлдираган овоз келди.

— Мана бу — Обком бува учун! Буниси — Райком бува учун... Мана буниси дадам учун...

Қарасам, Шодивой коньякни пайдар-пай қуйиб отяпти.

— Жиннимисан, ўв! — дедим ўдағайлаб.

— Ишинг бўлмасин! — Шодивой ғалати илжайди. — Булар учун ичмай бўладими! Булар... Булар... — Жўрам коньяк тўла қадаҳни шошилмай, жуда хотиржамлик билан гул солинган вазага қуйди.

— Булар учун сен ичасан, мен ичаман, ана, гул ҳам ичади...

Эсини еганми жўрам!

Раис бува зийрак-да! Шодивойнинг товушини эшитиб, микрофонда овозини баралла қўйганча, менга дашном берди.

— Келинга ичирмайсанми, қанақа куёвсан ўзи!

Бояги бокални тагин Наргизхонга тиқиштирдим.

— Ола қолинг энди!

Наргизхон индамади-ю, кескин бош чайқади. Тўғри қилди. Ўзи ичган қизларни жиним суймайди. Хайрият-ей, ўтиришга рухсат тегди. Куёв-келин энди жойи-

мизга чўкаётган эдик, Раис буванинг гапи чала қолган экан.

— Ўртоқлар! — деди микрофонга. — Қўшоқжонни ҳамманг яхши биласанлар! — Яхши кўрасанлар! Менам ўз ўғлимдек кўраман. Энг передовой бригад! Тўғриси айтсам, муштдай болалигидан меҳрим тушган. Адашмаган эканман. Атайлабдан Тошкентдек шаҳри азимга, катта ўқишга олиб борганимда, „Йўқ, Раис бува, мен пахтакор бўламан“ деган, тўғрими, Қўшоқжон? — Раис бува микрофонни чангаллаган кўйи менга қараб кўйди. Нима дейишимни билмай қолдим. Шодивойга разм солсам, лаби бурилиброқ илжайиб ўтирибди.

Хайрият, Раис бува тагин зийраклик қилди.

— Гап қандай вазифани адо этишда эмас, қанақа адо этишда! Бугун Қўшоқ Салимовни бутун Ўзбекистон танийди. Келинни айтмайсизми, Наргизхонни! — Раис бува нафасини ростлаб олди-да, аввалгидан ҳам тантанаворроқ оҳангда давом этди: — Наргизхон ҳам ўзимизнинг фарзанддек гап. Ўзимизнинг кўзимиз ўнгида улгайди. Ўртоқ Қўшшаев, ўртоқ Менглиевдек одамларга шундоқ қизни энг зўр институтга жойлаш нима деган гап эди! Йўқ, қиз ҳаётни ўргансин дейишди. Дала заҳматкашларининг сафида бўлсин, дейишди. Наргизхон мактабни битириб жамоа хўжалигида тер тўкди. Бундан ортиқ фидойилик бўладими? Қўшоқжон! Ўғлим! — Раис бува курсиларни шарақ-шуруқ суриб, тепамга келди. Бир кўлида микрофон билан пешанамдан ўпди. — Ота-онаси шу қизни не умидлар билан қоғозга ўроғлиқ қандек асради. Бошингга кўтариб юр, хўпми?

Ўпкам тўлиб Наргизга қарасам, юзлари лов-лов ёниб ўтирибди.

Раис бува қадини ростлаб тагин микрофонга ҳайқирди.

— Келин-куёвга жамоа хўжалиги правлениеси номидан битта падарка тайёрлаганмиз. Қамчибек, қаёқдасан? Опкир!

Йўлак томонда қулоғини қоматга келтириб мотоцикл тариллади. Ҳамма ёқни бензин ҳиди тутиб кетди.

Қамчибек мотоциклни тариллатганча ҳовли ўртасига миниб кирди.

Анграйиб қолдим. Раис бува ростдан ҳам менга мотоцикл совға қиляптими? Ахир бу „Урал“ку! Ўзим орзу қилган „лулка!“ Бундан чиқди, икки ҳафтача олдин „қаллиқ ўйин“га борганимда Раис бува, „Сенга „пат-пат“-нинг зўридан тўёна қиламан“, деб рост айтган экан-да!

— Келин билан мингашиб юраверларинг! — Раис бува елкамга қоқиб қўйди-да, стулларни тарақ-туруқ суриб тагин жойига қайтди.

Секин қарасам, Наргизхон уялиб, ерга қараб ўтирибди. Билади-да, „лулка“да юриш маза!

— Қарсак бўлсин, ўртоқлар! Қарсак бўлсин! — деди Жовли акажоним ғайратга тушиб. (Қаранг, ичган сари овози жаранглаб чиқяпти!) — Даврамизда тагин бир ҳурматли меҳмон ўтирибди... Адлия ходими... Терговчи, старший терговчи! Ҳурматли раисимиз ўртоқ Алимовнинг яккаю ёлғиз ўғиллари... Шодижон Тошмаматович бизнинг районга ишга келдилар!

Давранинг энг пастидан асабийроқ овоз келди.

— Раиснинг эси жойида! Сопини ўзидан чиқаради!

Ажаб, „Раис чақирди“да қўйнинг қулоғини еганим учунми, овоз эгасини аниқ-таниқ билдим: физика ўқитувчимиз Усмон Қиличев! Гапини битта мен эшитдим, десам, Жовли акажонимнинг қулоғи меникидан ҳам узун экан.

— Ҳов, малим! — деди жеркиб, овози микрофонда гумбурлаб кетди. — Висир-висир қилмай жим ўтиринг, хўпми? Пенсияга чиққан одам думини қиси-иб ўтиради. Қолаверса, кечаям чопиққа уч юз ўрнига қирқта бола чиққан. Бу — сизнинг таъсирингиз. Ўзингиз бўшаб кетган бўлсангиз ҳам мактабда сассиқ ҳидингиз қолган... Хўш... — Жовли акажонимнинг товуши тагин тантанали тус олди. — Даврамизда районнинг энг ҳурматли кишиларидан бири — старший терговчи Шодижон Алимов ўтирибдилар. Сўз ўртоқ Шодижон Тошмаматович Алимовга!

Жовли акажоним гандираклаб, биз томонга кела

бошладилар. Қарасам, Шодивой кафтлари билан юзини чангаллаб ўтирибди. Маст бўлқолдими, нима бало?

— Шоди! — дедим биқинига туртиб. — Сен гапираркансан?

— Нима? — Шодивой юзидан кафтини тушириб менга қаради. — Нима дединг?

— Гапир! — Худди мактабда, бир партада ўтиргандагидек тиззам билан сонига туртдим.

Жовли акажоним Шодивойга микрофон тутиб, ҳайқирди.

— Қани, битта авация бўлсин, ўзимизнинг ёш кадрга!..

Шодивой чайқалиброқ ўрnidан турди-ю, бирдан жиддий тортди. Бир зумда кайфиям тарқаб кетдиёв! Гаплари милтиқнинг ўқидек. Ҳар сўзни чертиб-чертиб айтади. Нима қилсаям юрист-да!

— Жамоа хўжалигининг ҳисобот-сайлов йиғилиши зўр ўтяпти! — деди вазминлик билан.

Ажаб, ҳамма жимиб қолди. Раис бува ўтирган жойида қоши чимирилиб, паст овозда жеркиди.

— Шоди!

— А? — Шодивой оғзига микрофон тутганча отасига қаради. — Нима?

— Аҳмоқ! — Раис бува овозини янаям пасайтириб ўшқирди. — Кайфинг ошиб қолдими! Тўйда ўтирибсан, тентак!

— Э, шунақами? — Шодивой чунонам ёйилиб кулдики, микрофонда овози етти қишлоққа эшитилдиёв! — Узр! Мен бўлсам, „Машғал“ жамоа хўжалигининг ҳисобот мажлиси деб ўйлабман... — Қаранг, ҳаммаси батартиб. Ҳаммаси даражасига қараб бўлинган. „Улуғлар“ бир томонда. „Хашаки“лар бир томонда.

— Шоди! — Раис бува ўрnidан туриб кетди. Зўраки илжайди. — Жўрангни оёғи тўртта бўляпти. Қутли бўлсин демайсанми, ўғлим?

— Шунақами? Узр... — Шодивой лаб-лунжини йиғиштириб олди. — Ниятим шуки, Қўшо бахтли бўлсин! Қўшо, жўражон! — у микрофонни ҳамон қўйиб юбор-

май, дабдурустдан мени кучоқлаб олди. — Яхшиямки, сенга ўхшаган одамлар бор, бу дунёда. Кел, ўртоқ, битта ўпай, шошма, яна битта! Энди пешанангдан...

Қийқириқ, қарсак бўлиб кетди. Жовли акам микрофонни унинг кўлидан юлқиб олиб, нари кетди, давра ўртасига чиқишга мадори етмадими, йиқилиб кетишдан кўрқдими, турган жойида эълон қилиб кўя қолди.

— Навбат санъаткорларга!

Рубоб жаранглади, тор варанглади, доира баданглади, гармон ғийқиллади, ғижжак нола чекди. Санъаткорлар ҳам бало экан! Овози хезалакчалиш эркакларникига ўхшаган Анорхон деган хотин учта кўшиқ айтса, товуши эркакшода хотинларникига ўхшаган Шоматхон деган йигит тўрттани кўндиради. Бўривой дегани саккизта ашула айтса, Қулаҳмад ўн иккита кўшиқ билан жавоб қилади. Қадаҳлар пайдар-пай айланиб турибди. Биров арман коньягини отяпти, биров „Чашма“. Биров „Посольский“, биров минерал сув.

Бир кўзим Наргизхонда. Сузилиб ўтирибди. Бир кўзим Шодивойда, кафти билан юзини чангаллаб пайдар-пай ҳиқичоқ тортяпти.

Кокилахон деган раққоса даврага чиқиши билан тўйхона тандирдек қизиб кетди. Э, ўзиям офат экан, бу Кокилахон! Шунақанги ҳимо қилади, шунақанги қилпанглайдикки, одам зоти чидаб туrolмайди. Тагин ҳар битта эркакнинг рўпарасига келиб киссасини ковламагунича муқом қилиб тураверади. Ана, тоғам чидаб туролмади шекилли, аллақанча пулни Кокилахоннинг зар дўпписи тагига қистирмоқчи эди, раққоса лип этиб юлқиб олди-ю, нари кетди.

— Вой до-од! Қоматингдан! — ёқавайрон бўлиб кетган куёвим илондек буралиб ўрнидан турди. Киссасини ковлаб бир боғлам пул чиқарди. Ҳовли ёп-ёруф эмасми, аниқ-таниқ кўрдим!

Бир зумда куёвнинг пули қаёққа ғойиб бўлганини ҳеч ким сезмади. Циркдаги кўзбойлоғичми, нима бало, бу Кокилахон!

— Наргизхон! — дедим парда ортидан келинингизнинг қулоғига шивирлаб. — Пулни қаёққа яширди? Наргизхон пиқ этиб кулиб юборди.

— Билмасам...

Энди „Воҳай-бола“ авжига чиқди. Қарсақлар осмонни титратди. „Ферма тоға“ товуқнинг оёғидек сертомир, қип-қизил бўйнини чўзиб, муқом қилганча раққосанинг олдига ўйнаб кела бошлади. Қаҳқаҳа, қийқириқ бўлиб кетди.

— Ўзим ўргилай, кўзингдан аканг! — деди-да, киссасидан икки боғлам пул чиқариб Кокилахонга кўрсатди. Жайранинг найзасидек тиккайган мўйловини голибона силаб қўйди.

Кокилахон ўйнаб келди-ю, пулга чанг солган эди, „Ферма тоға“ қув экан, пулни белининг орқасига яширди.

— Битта ўпич берсанг...

— Ҳеҳ, Мусайип! — микрофонда Жовли аканинг овози жаранглади.

— Номардлик қилма! Бер атаганингни!

Тўйиб мош еган хўроздек қип-қизариб кетган „Ферма тоға“ овоз қаёқдан келаётганини билолмай аланг-жалаң бўлиб қолди.

— А? — деди илжайиб. — Нима дедингиз?

Кокилахон ўйнаб турган кўйи, пайтдан фойдаланиб, лип этганча унинг орқасига ўтди. Кейин нима бўлди, ўзим ҳам тушунолмай қолдим. „Ферма тоға“ эсхушини йиғиб олиб, аввал ўнг кўлини томоша қилди. Кейин чап кўлини... Ундан кейин юзини юваётган одамдек, иккала кафтини нақд бурнига тақаб узоқ термилиб қолди. Кўзлари ғилай бўпкетди.

— Пулим! — деди ҳайқириб. — Пулимни нима қилдинг? Қайга тикдинг, уйинг куйгур!

Микрофон чангаллаб турган Жовли акам бир имо қилганди, иккита забардаст йигит „Ферма тоға“нинг икки кўлтиғидан олиб, четга судради.

Қарасам, Наргизхон парда устидан кафти билан оғзини тўсганча мириқиб куляпти!

— Қойил қилди-а, Наргиз! — дедим қулоғига.

— Росаям болади, Кўшоқ ака!

Шу баҳона келинингизни ўпиб олмоқчи эдим, дав-рада „Лазги“ авжига чиқди. Кокилахоннинг бояги ўйин-лари ҳеч гап эмас экан! „Лазги“га гал келганида шуна-қанги учиб кетдики! Ё тавба! Одам боласиям шунчалик бўладими!

Ё, алҳазар! Суяги йўқ-ку, бунинг! Сочининг учидан тортиб, товонигача баравар силкинади-я! Ростини айт-сам, ўзим ҳам ўртага тушиб ўйнаб кетай дедим.

Бир маҳал „шарватхона“ томондан шамолда теб-ранган теракдек чайқалиб Шайдул кассир чиқиб келди.

— Жонидан! Жонидан! — деди кўксига уриб. — Биз томонгайм бир қиё боқсинлар!

Обком вакилининг ёнбошида ўтирган Викторов қарсак чалиб юборди.

— Молодец, Шайдул! Ай молодец!

Мингталиқ чироқ айнан шу одамнинг тепасида тур-гани учунми, боши чунонам йилтираб кетдики, бир эмас, иккита лампочка ловуллаб, тўйхонани янаям ну-рафшон қилиб юборгандек бўлди.

— Давай, Шайдул, давай! — деди Викторов қий-қириб.

Шайдул кассир белбоғи узилмаган бир пачка пулни боши устида баланд кўтариб имо қоқди:

— Жонидан!

Кокилахон минг бир тусда товланиб, Шайдул кас-сирга яқин келди.

— Жовли Менглиевич! — Райком бува бақбақаси лиқиллаб ҳайқирди. — Айтинг! Тўхтатсин! Бу ерда опи-цалний одамлар ўтирибди, яхшимас!

— Шайдул! — Жовли акам ўша заҳоти микрофон орқали буюрди, — кўп бодилиқ қилаверма!

У сўзини тамомлагунча Шайдул кассир аллақачон Кокилахоннинг оппоққина юзидан ўпиб улгурган эди.

— Бўлди, ўв! — деди Жовли акам алам билан.

Қаёқда! „Лазги“ авжига чиқиб кетган, Кокилахон жонҳолатда қилпилляпти. Шайдул кассир бели боғлиқ уч даста пулни боши устида баланд кўтариб турибди.

Кокилахон куй оҳангига мос қилиқ қилиб пайдар-пай сакрайди-ю, қани пулга бўйи етса! Шоти устига чиқиб сакрасаям етолмас.

— Сен ҳам битта ўпсанг, ҳаммаси сеники! — Шайдул кассир юзлари ялпайиб илжайди. Қишда шуба олиб киясан. Битта ўп, жонидан!

— Бас! — Жовли акам шунақанги чинқирдики, микрофон чийиллаб кетди. Шайдул кассир қўлини паст туширган эди, ўша заҳоти пулдан айрилди. Кокилахон ўйнаб-ўйнаб нари кетди. „Лазги“ ҳамон давом этарди.

Шайдул кассир, бир зумда шунча пулдан айрилгани нашъа қилди шекилли, аламини Кокилахондан эмас, Жовли акамдан олди:

— Эркакмисан, Жовли, — деди ўшшайиб, — қистир ўзингам мард бўлсанг!

Чап ёнимда алланима тарақлади. Бурилиб қарасам, Шодивой столни муштляпти.

— Шоди! — дедим қўлига ёпишиб. — Эсингни йиғ, жўра!

— Қойил! — Шодивой чайқалиб ўрнидан турди. — Ўргилдим, маймун ўйинларингдан! Хайр, дўстим! — у энгашиб бошимни бағрига босмоқчи эди, орқасига қалқиб кетди. Жўрам йиқилиб кетмасин, деб энди ўрнимдан кўзгалганимда аллаким орт томондан келиб, Шодивойни стул-пстули билан кўтариб, парда орқасига олиб кетди. Наргизхон икки қўллаб, билагимни чангаллаб олди.

— Қўшоқ ака! — деди овози титраб. — Кўрқяпман...

— Бўлди, жоним, парво қилма! — шовқин-сурон орасида Наргизни маҳкам бағримга босиб, парда устидан юзидан ўпиб олдим, — жўрамни сал кайфи ошиб қолди.

— Эркаклигимни кўрсатайми! — микрофонда Жовли акамнинг асабий овози жаранглади. — Кўриб қўй, боди! Мен сенга ўхшаган майдакаш эмасман! Баққа келинг, Кокилахон!

Раққоса худди шуни кутгандек Жовли акамнинг рўпарасига ўйнаб келди.

— Мана! — Жовли акам шимининг киссасидан сарғиш белбоғ тақилган беш боғламни чиқарди. — Олинг! —

деди Кокилахонга узатиб. — Ҳалололингиз бўлсин! Санъатингиз учун, талантингиз учун!

Шўрва қайнагандек сийрак қарсак чалинди. Қарасам, Раис бува, Райком бува, тўрда ўтирганлардан тағин беш-олти киши чапак чалаяпти.

— Бирпасда шунча пул ишлаб олди-я! Бутун бошли матасиклга етади-ку, — дедим келинингизнинг қулоғига шивирлаб. — Маза-маза отарчиники экан-ку. Озроқ қарз сўрасам, берармикин?

Наргизхон, парда ортидан ширин пўписа қилди.

— Сўраб кўринг-чи?

Келинингизга дил кетиб, даврада нима бўлаётганини пайқамай қопман. Наргизхоннинг кўзида хавотир пайдо бўлганини кўрдим-у, бурилиб қарасам, Шайдул кассир қорнини ушлаб, икки букилиб турибди. „Раис чақирди“ дагига ўхшаб пивони сабзи сувига қўшиб урган бўлса, ичи оғриб қолди, деб ўйлагандим, йўқ, кулаётган экан.

— Ҳи-ҳи-ҳи! — Шайдул кассир қаддини ростлаб хандон отди. — Ҳа-ҳа-ҳа! Ўзим берган пул! Ишонмасанглар қаранглар! Белбоғига ўзим кўл қўйганман!

Жовли акамнинг жаҳли ёмон экан! Кўлидаги микрофон симини осилтирганча бошини икки елкасига тортиб, Шайдул-кассир томонга отилди. Наргизхон эшитиб қолмасин-ку, шу топда тоғаси яна уккига ўхшаб кетди. Орада уч қадамча қолганида „ҳ-ҳа“ деди-да, Шайдул кассирнинг қорнини мўлжаллаб калла урди. Кассир бечора қоқ тагидан арра солинган теракдек гурсиллаб ерга ағдарилди.

Ҳамма ёқ қий-чув бўлиб кетди.

Кокилахон ўйинга қанча уста бўлса, қочишга ҳам шунчалик чаққон экан! Ҳамон давом этаётган „Лазги“ оҳангига мос ҳаракатлар билан ўзини санъаткорлар ўтирган сўрига отди.

Кимдир сўкинди. Кимдир „дўст“ тортди. Негадир чироқ ўчиб қолди.

— Кўшоқ ака! — Наргизхон бўйнимга осилиб ялинди. — Кўрқиб кетяпман!

Келинингизни овутиб ўтирган эдим, бошим устига аллаким эгилди:

— Тура қол, Қўшо! Келинни уйга олиб кир!

Қоронғида бўлса ҳам танидим: отам!

— Қўрқманг, болам, — деди Наргизхоннинг елкасига қоқиб. — Уйга киринглар. Сизга деса бир-бирининг гўштини емайдами, булар!

Қайноққина, ширингина Наргизхонни бағримга босганча уй томон етакладим.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

ШАҚ ЭТДИ, ПАҚ ЭТДИ, ПУФАК ЁРИЛИБ КЕТДИ!

Умрим бино бўлиб йиғлаган эмасман, деганмидим? Йўқ, йиғлаган эканман, дўхтиржон. Бир марта!

Нега дейсизми? Қўйинг, бу гапларни айтишга уялади, одам! Ҳа, мен содда эдим. Аммо виждонсиз эмасдим. Гўл эдим, аммо ориятсиз эмасдим! Аҳмоқ эдим, аммо диёнатини пулга сотадиганлар хилидан эмасдим.

Кечагина бошига қўнган бахт қушидан маст бўлиб юрган одам, эртасига муккасидан йиқилса ғалати бўларкан. Одамнинг пешанаси тақ этиб деворга урилганидан кейин кўзи очиларкан. Шунча пайтдан бери кўр эканман, сўқир эканман...

Нима қилай? Кимга айтай дардимни? Отамгами? Тўйдан кейин уч кун ўтмай, қон босими ошиб йиқилиб қолди-ку ўзи? Жовли Менглиевич у ёққа югуриб, бу ёққа югуриб, янги қудасини вилоятдаги „катталар“ ётадиган баннисага жойлади. Отам бунақа илтифотдан хурсанд бўлди, дейсизми? Кўргани борганимда негадир маъюс кулимсираб қўйди.

Мен-ку дадамга ҳеч нима демадим. Лекин отам менга ўхшаган гўл эмас. Уруш кўрган, тиззасидан қон кечган. Биров ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, юзингга тупурса-да, „Бир ҳазил қилдим-да, ма, артиб ол“, деб чўнтагидан рўмолча чиқариб узатса, қанақа бўлади? Отам буни

билмайдими? Аслида, айб менда! Ўзимда! Мен — мол-фаҳмда! Дадамнинг ўрнига мен баннисага тушишим керак эди. Ўладиган бўлса, мен ўлишим керак!

Онам бўлса, ўзи билан ўзи овора! Кунора автобусга ўтириб, дадамнинг олдига югуради. Нима қилай? Дардимни жўрам Шодивойга айтайми? Нима дейман? Отанг аблаҳ экан, дейманми? У ёғини сўрасангиз, Шодивой қишлоқда турмайди. Квартирада яшаб, туман марказида ишляпти. Ўша — менинг тўйим куни маст бўлиб чиқиб кетган кўйи қишлоққа қайтиб келмади.

Наргиз билан турмушимиз... Ит ётиш — мирза туриш. Бирга яшаймиз-у, ўртамизда бошқа бир одам, учинчи одам тургандек...

Бир вақтлар отам кўлимга пуфак тутқазиб, „Пуфла, ўғлим, пуфла қани, қачон ёриларкин“, деганида хўп ўйлаб гапирган экан! Пуфак эртами-кечми ёрилиши керак эди. Сезиб турибман, ёриладиган пайти яқин қолди. Жамоа хўжалигида текшир-текширлар кучайиб кетган, Раис кўзимга кўринмайди. Тўғри-да, қандоқ кўринсин... Фунчани узсин. Тўйиб-тўйиб ҳидласин. Ҳадди сиққанича, кучи етганича эзгиласин... Кейин менга... Мен — нодонга узатсин. Устига-устак „Қоғозга ўроғлиқ қанддек, бошингга кўтариб юр“, деб писанда қилиб ҳам кўйсин...

* * *

...Пуфак куз кунларидан бирида, айна терим қизиган паллада ёрилди. Раис ҳадя қилган, йўғ-е, садақа қилган пат-патга кўлимни ҳам теккизмадим. Қандоқ тегизай! Ҳаром-ку, ўша лаънати пат-пат! Бундан чиқди, бир вақтлар болалигимда мотоцикл минишни орзу қилиб юрганим „пат-пат“га Ойсара янгам эга чиққани, Турсунбой акам ўша нас босган лулкани минишга ҳазар қилгани, доим маъюс тортиб юришида гап бор экан-да! Бундан чиқди, Раис бува Турсунбой акани, менга ўхшаб, онасининг қорнидан тушганча гўдак ҳолида қолган соддаларни пат-пат билан алдар экан-да! Раис „Ўғлингни ўқишга олиб бораман“, „Машъал қиламан“, „Оталик қилиб уйлантириб кўяман“, деганда дадам

„Туллак раис берадиганини белбоғига боғласин“, дегани бежиз эмас экан-да!

Онам! Бечора онам! Шу номардга ишониб, отамга қанча дашном берди. Раис бувани фариштага қиёс қилди! Фаришта! Ўзидан қолган сарқитлар билан бошқаларни боқадиган „фаришта“! Йўқ! Раиснинг мағзаваси керакмас менга! Мағзавага қўшиб узатган пат-патиям керакмас!

Ҳаром! Ҳаммаси ҳаром!

Ҳар куни далага эшагимни миниб бораман. Ростини айтайми? Ҳаммасидан шу тилсиз — забонсиз жонивор афзал менга! Нима бўлганда ҳам қувлик-шумликни билмайди. Хиёнат қилмайди...

Тонг отмасдан эшак миниб чиқиб кетаман. Машинада пахта тераман. Уйга келишга юрагим йўқ. Кечалари шийпонда қолиб кетаман.

Бир куни кечқурун қатирмоч бўлиб кетган пайтавамни алмаштириш учун уйга келсам, онам эшик олда типирчилаб турган экан.

— Тез бўл, болам, машина топ! — деди чирқиллаб. — Келинни дард тутиб қолди. Яхшиям ўзинг келдинг. Аксига олиб отанг ҳам баннисада.

Отам Жовли Менглиевичнинг „илтифоти“ билан казо-казоларнинг шифохонасида бир ой ётиб, сал ўзига келган, аммо куз тушиши билан дарди қайталаб, бир ҳафта аввал тагин аҳволи оғирлашиб қолган эди. Уккикўз Жовли ака яна ўша касалхонага обормоқчи бўлганида, „Кўйинг, унақа жойлар менга тўғри келмас экан“, деб туман касалхонасига ётганди...

— Бўла қол, болам! — деди онам негадир кўзини олиб қочиб. — Қийналиб кетди бечора!

Нега тескари қараётганини билмасам экан! Уял-япти, бечора. Ажаб, қилғиликни қилган бошқалар-у, энам номус қияпти. Тўйдан кейин уч ҳафта ўтар-ўтмас, онам „Келиннинг қадам олиши ғалатироқми?“ деб ярамга туз сепган эди. Кейин бу тўғрида бошқа гаплашмадик. Нимаям гаплашардик. Мана, ўша яра ёрилди! Жондан суйган Наргизхоним тўрт ойда туғиб беряпти...

Уйга кирсам, Наргиз инграб ётибди. Қизиқ, хотининг туғай деб турса-ю, машинаси бор қўшнингга „Келинни туғуруқхонага олиб борайлик“, дейишга ор қилсанг, ғалати бўларкан. Кимга айтаман? „Ия, Қўшоқжон, келин тезотар чиқиб қопти-ку“, демайдим!

Ноилож „пат-патни“ юргиздим. Онам келинни ўраб-чирмаб, лулкага ўтқазди. Ўзи орқага мингашаётган эди, жеркиб бердим.

— Тушинг! Йўлни ўзим биламан!

Мотоциклни учуриб кетдим. Қоронғи кўча, қоронғи осмон... Бир кўнглим мотоциклни учуриб бориб, симёғочга урсам-у, ҳаммасидан бир йўла қутулсам, дейман. Начора, шайтонга хайф бердим.

...Туғуруқхона эшигига етишимиз билан ичкаридан оқ халат кийган икки хотин чиқиб, мотоцикл чироғининг ёруғида шу томонга югурди.

— Қўшоқ ака! — Наргиз ҳансираб ингради. — Мени кечиринг... — Қарасам йиғлапти. Юпаттим келди-ю, негадир юпатолмадим. — Агар менга бир нима бўлса, — деди йиғлаб. — Икки қўлим раиснинг ёқасида!

Шунда яна бир нарсани тушундим. Наргиз мени, мен молфаҳмни алдади. Аммо унда нима гуноҳ! Қўшақўша неvara кўрган Раис уни шу кўйга солган... Нима дейишимни билмасдим. Айтадиган гапим ҳам йўқ эди. Нима дей? Нима қилай?

Оқ халатлилар уни лулкадан суяб тушириши билан мотоциклни орқага буриб, елдириб кетдим. Хаёлимга тағин ўша гап келди. Ҳозир симёғочга уриламан, ё бўлмаса тикроқ жарга қулаб кетаман-да, ҳаммаси тамом! Мотоциклни учуриб кетяпман. Нуқул хаёлимда шу гап айланади. Бўлди. Мен энди яшамайман! Мен ҳам одамманми? Мен ҳам эркакманми? Эртага одамларнинг кўзига қандоқ қарайман?..

Бир маҳал рўпарада машина чироғи кўринди. „Пат-пат“ни тўппа-тўғри чироққа бурдим. Энг сўнгги дақиқада машина ўзини кескин чапга олиб, ғувуллаб ёнимдан ўтиб кетди. Чанг-тўзон орасида қолдим. Ҳамон учиб борарканман, хаёлимдан бошқа ўй кечди. Шошма, ўлиб

кетишдан осони йўқ. Аввал Раис билан, менга шунча „оталик“ қилган Раис билан икки оғизгина гаплашиб олай!

Кунгурадор дарвозаси қулф экан. Аввал муштладим. Кейин тепдим. Дарвозахонада чироқ ёнди. Елкасига тўн ташлаган Раис мени кўриб аввал ҳайрон бўлди, кейин севинди.

— Тинчликми, Кўшоқжон? Отанг тузукми? Келин яхшими?

— Яхши! — дедим лабим титраб. — Туғуруқхонага обориб кўйдим.

Раис ҳайрон бўлгандек кўзларини пирпиратди.

— Ия, Кўшоқжон? Ҳали муддати етмаганди шекилли? — деди-ю, бирдан тиззасига уриб, қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди. — Вой, гуппи-ей! Вой ударниг-ей! Бу ёғиниям боладим де! Хотинниям дасрочна туғдириб юбордим де! — У ҳовли томонга қараб бақирди. — Суюнчи опчиқ, хотин! Ўғилми-қиз? — деди менга юзланиб. — Отини нима кўясан?

Титраб кетдим.

— Отини сен кўясан!

Унинг кулгиси шартта кесилди. Чироқ остида ранги бир гезарди-ю, юзи қаҳрли тусга кирди.

— Бу нима деганинг, ҳайвон! „Қаллиқ ўйин“га борганинг эсингдан чиқдими! Ўзим кўрганман!

Шуям одам бўлди-ю! Шуям эркак бўлди-ю!

— Ол матоҳингни!

Нарироқда турган „пат-пат“ни етаклаб, дарвозага рўпара қилдим. Елкам билан бир туртган эдим, дарвоза тавақаси очилди. Мотоциклнинг орқасига ўтиб кучим борича кажавасига тепдим. Дарвозахона қияроқ экан, „пат-пат“ ичкарига қараб ғириллади. Раис сакраб ўзини четга олди. Мотоцикл шитоб билан ғилдираб бориб, оппоқ „Волга“нинг орқасига урилди. Рули қийшайиб, машинанинг орқа чироғи чил-чил бўлди. Раиснинг кўзидан ўт чақнаб кетди.

— Машинани нима қилдинг, ҳароми! — деди ҳай-

қириб. Мушт ўқталиб, устимга келаётган эди, этигимнинг кўнжидан пичоқ чиқардим.

— Келавер! — Қизиқ, шунақанги осойишта гапирдимки, ўзим ҳам ҳайрон қолдим. — Кела қол!

Раис турган жойида тахта бўлиб қолди. Шу пайт эркак деса эркакникига, хотин деса хотинникига ўхшамайдиган даҳшатли овоз ув тортди.

— Вой дод! Ўлдирыпти! Эримни сўйяпти!

Раиснинг ола-була кўйлак кийган хотини товушини баралла кўйиб, тагин бир додлади-да, супадек жойни эгаллаб, гурсиллаб ерга ўтириб қолди.

Остонасига туфладим-у, бурилиб кетдим. Орқамдан Раиснинг чинқироқ ҳайқириғи эшитилди.

— Ҳароми! Эси паст, жинни! Мен бунга оталик қилдим! Уйлантириб кўйдим...

* * *

Эрталаб онам тугун-терсак кўтариб йўлга тушди.

— Келинимдан хабар олай. Бир йўла отангниям кўриб келаман.

Сезиб турибман. „Отангдан суюнчи оламан“ демади. Тўғри-да, суюнчини Раисдан хотини олсин! Эри яна битта болали бўлди-ку, ахир!

Эшагимни миниб, далага келдим. Тулпорни шийпон олдидаги толга боғлаб, ишга тушиб кетдим.

Машинада пахта теряпман-у, хаёл минг кўчага олиб киради. Нуқул ўзим билан ўзим гаплашаман. Нега шунчалик оёқ ости бўлдинг? Нега Раис сени шунчалик хор қилди? Тошкентга етаклаб борди, сув бўйига олиб бориб, суғормай қайтариб келди! Шунчаки эрка ўғли Шодивойнинг кўнглини олиш учунми? Раис ўша „катта домла“га мўмайгина пул қистирмаса, сен тугул, Шодивой ҳам институтни тушида кўрарди. Нега ўша пайтда бу гапларни ўйлаб кўрмадинг!

Отанг „дипломат“га тахлаб берадиган жарақ-жарақ пулинг йўқ эди-ку, нега Шодивойга эргашиб Тошкентга бординг? Раис кўймадими? Нега сенга ёпишиб олди? Нега ўқитаман, юрист қиламан, деди?

Шошма! Ўнинчи синфни битираётганинда, имтиҳон бошланишидан олдин Раис Ойсара янгага атлас олиб келганмиди? Ўшанда Ойсара янга йиғлаганмиди? Турсунбой аканинг уйидан чиққанинда Раис нима деди сенга? „Бир-икки ой индамай юр, Турсунбойга кўринма“, дедими? Ҳа-а! Мана, гап қаёқда экан! Тўхта! Ўшанда Ойсара янга „Раис бошқа китоб топган, ўшани ўқийверсин“, деганмиди? Бундан чиқди ўша кезлари Раис бошқасига илакишиб юрган. Ойсара янга ундан аразлаган. Раис ярашмоқчи бўлиб, сендан Ойсарага совға киргазган. Шошма-чи! Ўша Наргиз бўлмасин тагин! Йўқ, Наргиз у пайтда ёш бола бўлган. Бундан чиқди, Раис бошқа ўйнаш топган. Бундан чиқди, Наргиз биринчиси ҳам эмас, охиргиси ҳам...

Барибир! Раис сени шаҳарга бекорга олиб бормаган. Оғзидан гуллаб қўймасин, одамларнинг кўзидан узоқроқда бўлсин, деб атайлаб олиб кетган. Ҳов ўшанда, гастинцада Шодивойга нима деди? „Жўранг шунча ўйнади, бўлди-да“, дедими? Демак, сени шунчаки „ўйнатиб“ юрган. Тошкентдан қайтгандан кейин Ойсара янга билан ярашиб, тагин апоқ-чапоқ бўлиб кетган. Икки орада Турсунбой ака додини кимга айтишни билмай, ранги сомондек сарғайиб юраверган! Бечора! Сен бўлсанг, ишга раъйи йўқ деб хафа бўлиб юрибсан! Йў-ў-қ, Раис чучварани хом санабди. Мен Турсунбой ака эмасман, ер чизиб юрадиган! Қўлидан келса, юрист ўглини ишга солиб оттириб юборсин!

Шошма! Шодивой ўшанда, гастинцада нега бунча тўполон қилди? Нега „Кўшоқ институтга кирмаса менам қишлоққа қайтиб кетаман“, деб туриб олди? Ёлфондан қилдими? Ким билади? Ишониб бўладими, буларга? Ҳаммасининг илдизи бир! Қарға қарганинг кўзини чўқимайди! Ҳатто бировнинг тўйида ҳам тараф-тараф бўлиб ўтиришади. Райком бува билан Раис тўрда, қирқ йиллик муаллим пойгакда! Шодивой ҳам пора билан ўқиб, терговчи бўлган-да! „Дадам айтди, юристларнинг топиш-тутиши зўр бўларкан“, деб ўзи айтганку! Бундан чиқди... Унақа бўлса, нега таътил пайтида

қишлоққа келмай қўйди? Менинг тўйим куни маст бўлиб, уккикўз Жовли ака, Шайдул кассирларни нега маймун ўйнатяпти, деди?

Хўп, майли. Ўзинг-чи, ўзинг? Ўзингда айб йўқми? Газетада мақтагани-ю, радиода „Машъал“ деганига маҳлиё бўлиб юравердингми? Гектаридан эллик центнер ҳосил олганинг, машинада уч юз эллик тонна пахта терганинг гирт ёлғон-ку! Шунчалик илғор экансан, нега ўзинг ҳам, бригадангдаги йигитлар ҳам носвой пулига етар-етмас ҳақ олади? Қаёққа кетяпти ўша пуллар? Бундан чиқди, кеч кузда, ярим кечаси пахта пунктида мажлис бўлган куни Шайдул кассирнинг папкасини йўлда тушириб қолдирганигда кассир шунчалик типирчилгани бежиз эмас экан-да!.. Кичкиналигимда икки карра икки — беш, деб юрганим ўйинчоқ экан-ку! Дунёда бунақанги ишлар бор экан! Хоҳласа, ҳаводан холва ясайди. Хоҳласа, халқни чўмичда қоқиб бойлик тўплайди. Давлатнинг кўзига чўп солиб „қаҳрамон“ бўлади. Хўш, шунақа экан, „ифвогар“ Эргашев „Сенга билдирмай ведомость тузишади, пахта ўрнига пул топширишади“, деганида нега ишонмадинг? Ишонмадинг эмас, Эргашевни қоралаб ёзишган газетани Наргиз ўқиганида қарсак чалдинг! Нега? Йўқ, азбаройи Эргашевни ёмон кўрганингдан эмас, Наргизни яхши кўрганингдан чалгансан. Шошма?! Ўшанда Наргиз сени ўпган эди-а? „Сиз яхши одамсиз“, деган эди-а?! Демак, ўшанда Наргизнинг гапини бошқача тушунибсан-да. Мени жон-дилидан севади, деб ўйлабсан-да! Галварс!

Обком вакили, Райком, Раис — ҳаммаси бир томонга ўтиб турганидан кейин, жамоа хўжалиги манфаатини шулар ўйлади, булар, ахир катта одамлар, эсли одамлар дебман-да! Мен аҳмоқ шуларга ишониб юрибман-а! Шуларга-я! Ким ўзи булар?! Приёмчик, Жовли, райпо қайнатам, Раис, Шайдул кассир, тўйда елиб-югурган куёв — ҳаммаси бир одам! Ҳаммаси! Ким билсин, балки Наргизнинг тан-жони „носоғроқ“ эканини ҳаммаси билгандир. Ҳаммаси биргалашиб мен аҳмоқни яна бир марта аҳмоқ қилгандир! Нега бўлмаса Раиснинг ўзи

тўсатдан тўйга бош-қош бўлиб қолди. Нега ўша ҳаром-хариш пат-патнинг калитини бўйнига осиб юрадиган Ойсара янгам Наргизникига боришимни эшитган заҳоти илжайиб, бахт-саодат тилади. Балки яна бир норасмий „кундош“дан қутулганига, Раис тағин ўзиники бўлиб қолганига шукур қилгандир. Ифлос! Хотиним (қизиқ, нега энди менинг хотиним бўлсин, Раиснинг хотини-ку) билганини қилсин. Энди турмушимиз турмуш бўлмайди. Биладан, унгаям осонмас. Туғуруқхона эшигида бекорга йиғламади. Ростини айтди. Хўп, шу билан менинг дардим енгиллашиб қоладими? Мен нима қилай, ахир? Қайси биридан қасос олай? Қандоқ қилиб? Ҳаммасини бир чеккадан сўйиб чиқолмайман-ку! Раис хоҳласа, бугуноқ мени обориб тиқиб кўяди. Ёнига Жовли тушади, Райком тушади, қайнатам тушади...

Хўп. Бўлмаса нима қилай? Бир ҳафтадан кейин Наргизни туғуруқхонадан олиб чиқиб, Раисдан бўлган болани „лу-лу-лу“ деб кўтариб келайми? Турсунбой акага ўхшаб бир умр одамларнинг кўзига қаролмай юрайми? Ў „Машғал“ бригад бўлиб, гектаридан олтмиш центнердан ҳосил кўтариб, медаль олайми? Ҳар мавсумда тўрт юз, катталар хоҳласа етти юз тонна пахта териб „қаҳрамон“ бўлайми? „Қаҳрамон“ эмиш! Раис хоҳласа шунақа қиладики, ҳар куни мени далага жўнатиб, худди Ойсара янгамнинг уйига киргандек, Наргизнинг олдига келади! Ким билсин, балки бир вақтлар Турсунбой акамга ҳам осмон баравар ваъдалар бергандир?.. Раҳмат! Тупурдим, ўша ясама „қаҳрамон“ лигига!

Хаёл суриб, эгат бошига бориб қолибман. Ўгирилиб қарасам, бункер тўлиб кетибди. Машинани орқага бураётганимда шийпон томонда ўқ товуши эшитилди. Ҳайрон бўлиб, машинадан тушдим.

Шийпон олдидаги толга боғланган Тулпорим бошини орқага ташлаганча икки газ сакраб кетганига кўзим тушди. Нарироқда, „Нива“ машинаси тўхтаб турарди. Эшагимнинг рўпарасида туриб милтиқ ўқталаётган Раисни энди кўрдим. У милидан тутун чиқиб турган милтиқни йиқилаётган эшагимга яна тўғрилади. Тул-

порим жон талвасасида арқонни силтаб ўзини орқага отди. Шу пайт аввалгидан ҳам қаттиқ гумбурлаган ўқ товуши қулоғимга кирди. Милтиқ милидан тағин тутун чиқди. Эшагим ерга қулаганини кўрдим-у, ўша томонга югурдим.

Етиб келсам, Раис шийпондаги сўрида қўшоғиз милтиқни тиззасига кўндаланг қўйиб, хотиржам ўтирибди. Учиб келиб, Тулпоримнинг устига тиз чўкдим. Ўн беш йиллик қадрдоним тупроқ ерда чўзилиб ётар, курагидан қон оқиб, қорайиб турарди. Бошини кўтарган эдим, очиқ қолган кўзларида худди одамникига ўхшаган ҳайратми, унсиз хитобми кўрдим. Кўлимга қон юқди. Бўйинини ҳам ўқ тешиб ўтган экан!

Эсдан оғандек сапчиб ўрнимдан турдим.

— Нима қилдинг? — дедим ҳайқириб. — Нима қилдинг, ҳайвон! Тилсиз-забонсиз жонивор нима гуноҳ қилди сенга?!

— Пахтани пайҳон қилган! — Раис тескари қараб чирт этиб тупурди. — Бир гектар ерни!

— Қачон? Боғлиқ турибди-ку!

Раис негадир хириллаб кулди.

— Бу — машинамнинг чироғини синдирганинг ҳақи! Кечаги туҳматинг учун яна жавоб берасан ҳали!

— От! — кўксимга чанг солиб, кўйлагимни йиртдим. — Номард, келиб-келиб кучинг шу жониворга етдими? От, мард бўлсанг! От, ҳезалак!

— Бу — шунчаки предупреждена. Ҳали шунақанги кунларни кўрасанки! Хотинингни ҳақорат қилганинг учун, раҳбар ходимга пичоқ ўқталганинг учун... — у халатнусха кителининг тугмасини ечиб, жун босган кўкрагини хотиржам силаб қўйди. Милтиқ бандидан ушлаб, машинаси томон юрган эди, ерга чўккалаб қолдим.

— Ҳаромхўр! Ҳайвон! От, деяпман, эркак бўлсанг! У „Нива“га ўтириб моторни юргизди.

— Шошма, — деди илжайиб. — Ҳар нарсанинг ўз мавриди бор!

Шундай деди-ю, машинани гуриллатиб кетди. Тура солиб, югурдим. Кўлимга тушган гувалани олиб, „Ни-

ва“нинг кетидан отдим. Тегмади. Хансираб чопиб борарканман, қоқилиб, юзтубан йиқилиб тушдим. Тиззамнинг кўзи сирқираб оғрир эди, оқсоқланиб қайтиб келдим.

Шийпон бурчагида турган, занглаб кетган кетмонни олиб, тол тагидан чуқур ковлай бошладим. Ишонасизми, эсимни таниганимдан бери йиғлаш нималигини билмаган, тўйдан кейин ўзимни неча марта ўлдиришга қасд қилганда ҳам кўзимга бир қатра ёш келмаган одам, эшагимни кўмаётганда йиғладим!

Кейин ҳовузда юзимни ювиб олиб, сўри чеккасига келиб ўтирдим. Узоқ ўтирдим.

Орқа томонда мотор гуриллади. Бурилиб қарасам, Раиснинг машинаси! Кетмон дастасини маҳкам чангалладим. Яхши! Раис милтиқ билан, мен кетмон билан! Ё у ўлади, ё мен! Аммо Раисни ўлдирсам, эшагимнинг тагига кўммаган номард! Тулпоримнинг гўрини очиб, судраб чиқаман-да, аввал Раисни ерга тикаман! Кейин эшагимни! Токи Раиснинг ўлиги эшагимнинг тагида ётсин!

Машинадан коптокдек дум-думалоқ Қамчибек тушди.

— Қўшоқжон... — деди ялиниб. — Тез бораркансиз! Райком бува чақиряпти.

Энди машина ичига биқиниб олиб, хунар кўрсатяптими, ҳезалак! Қарасам, йўқ, машина ичида ҳеч ким кўринмайди.

— Жуда илтимос қилди, Райком бува! — деди шофёр ҳуркиброқ.

— Ким у Райком буванг!

— Қўшоқжо-он! Янги камиссия ҳамма томонни қаттиқ текширяпти, умрида далага чиқмайдиган катталарнинг ҳаммаси ўша ерда. Қайнатангиз... Жовли Менглиевич...

— Менинг қайнатам йўқ!

— Мусайип ҳам ўша ерда. „Ферма тоға“.

— Э, ҳар юз совлиқдан икки юзтадан кўзи оладиган „Ферма тоға“ми?

Шофёр суюниб кетди. Илжайди.

— Худди ўзи!

— Танимайман!

— Райком бува қаттиқ тайинладилар. Энг „Машғал“ механизаторимиз келмаса бўлмайди, дедилар.

— Эргашевни ифвогар деб қаматган ўша Райком бувами?

Шофёр индамай бошини қуйи солди.

— Униям танимайман! — дедим хўрсиниб. Қизиқ, ичим бўм-бўш эди.

— Қўшоқжон! — шофёр елкамдан қучди. — Тўғриси айтийми? Бу камиссия тўсатдан босди. Жуда катта камиссия! Марказдан келган. Ўттиз киши! Гектаридан эллик уч центнердан ҳосил оладиган, мавсумда тўрт юз тонна пахта термоқчи бўлган йигитнинг ўзини кўрсатсан, деяпти. Раис бува, Қўшоқ Салимов фарзанд кўрган, хотинидан хабар олишга кетган, десаям қўймапти.

— Келаверсин, — дедим пинагимни бузмай.

— Бу ёққа қандоқ опкеламиз? Ҳосилнинг мазаси йўқ-ку! Райком бува айтди: олтинчи участкада машина тушмаган карта бор. Ўшанда ярим соатгина пахта териб кўрсатса бас, деди! Раис бува сизни хафа қилиб қўйган экан. Райком бува Раисни ёмон сўқди. Шу боланинг дилини оғритсангиз, сиздан норози бўламиз, деди. Шахсан ўзи илтимос қилди.

Меҳрибончиликни қаранг! Тупурдим, ўша Раиснинг ҳамтовоқларига!

— Яп-янги машина тайёрлаб қўйишибди. Жон ука, хўп денг! — Қамчибек икки қўлини кўксига қўйди. — Мениям бола-чақам бор. Бормасангиз, Райком бува билан Раис бува теримга сомон тикади.

У кўзимга шу қадар илтижо билан термилиб, шу қадар йиғламсирадики, хаёлимга ғалати ўй келди.

— Қамчибек ака, камиссия ростдан ҳам марказдан келганми?

— Марказдан! Обком вакилиям пилдираб юрибди. Райком буванинг эс-ҳуши ўзидамас. Раис бува-ку, тамом бўлди, ҳаммага бир қараб талмовсирайди...

— Аввалгиларига ўхшаб пулга сотилмайдими, комиссияларинг?

— Билмадим. Аммо зиёфатга кўнмади... Раис бува „Бир пиёла чойимиз бор“, деган эди, комиссия бошлиғи жеркиб ташлади.

— Кетдик!

...Ростдан ҳам ҳали машина кирмаган, пахтаси оқиб ётган пайкал четида эллик чоғли одам турган экан. Похол шляпа кийганлар, бош яланглар, дўппи кийганлар. Семиз обком вакили уларнинг атрофида гирдика-палак! Соқолини қиртишлаб олган қайнатам, уккини-кига ўхшаган кўкимтир кўзлари аланг-жаланг Жовли ака, пахта заводининг директори — тақирбош Виктор, икки гапнинг бирида „монға қоранг“ деб гап маъқуллаётган „Ферма тоға“, новча-терақ Шайдул кас-сир, ингичка бўйнидаги учбурчак бақбақаси пайдар-пай лиқиллаб турган Райком бува, бирпасда ясаниб, медаль тўла қора костюмини кийиб олган Раис...

Раис машинадан тушишим билан шодон хитоб қилди.

— Мана, ўша „Машъал“имиз! Қўшоқжон Салимов! Буни қаранглар, бугун тўнғич фарзанди туғилди-ю, шундаям даладан чиқмайди. Бошқа участкада пахта тераётган экан, азамат.

Аллақаёқдан қайнатам пайдо бўлди.

— Қизча, қутлуғ бўлсин, ўғлим! — деди-ю, пешанамдан ўпмоқчи эди, юзимни чириллатиб ўгирдим. Раис уни нари суриб, яна хитоб қилди. — Бу участкага икки марта машина кирган. Ҳосилимизни қаранг! Учинчи теримга ҳам етилиб турибди.

Гапини қаранг. Оғзини очди, ичидан ёлғон чиқади, аблаҳ! Бунақа „кўргазмали пайкал“ларни мавсум охирига-ча атайлаб асраб қўйишингни фирт аҳмоқ ҳам биледи-ку!

— Бунақа майдондан бемалол олтмиш центнердан олса бўлади, — деди у жилмайиб. — Қани, Қўшоқжон! Бир кўрсат ҳунарингни! — у комиссия вакиллари ортиқча савол бериб, мени ўртага олишини хоҳламади шекли, зипиллаб пайкал бошида турган машина томон етаклади.

Машина чиндан ҳам яп-янги эди. Дарров сездим, шпинделлари топ-тоза, кабинасидан ёқимли ҳид келиб турибди. Буям кўргазмали машина! Икки соат пахта терасан-да, кейин яна олиб қўяди.

„Хунаримни“ кўргинг келиб қолдими? Ҳозир-да, шунақанги хунар кўрсатайки! Қизиқ, негадир қайнатанинг „Қизча қутлуғ бўлсин“, дегани қулоғим тагида яна жаранглаб кетгандек бўлди. Бундан чиқди, Наргиз қиз туғибди-да! Раиснинг қизи! Ҳаромхўрлар! Ҳамтовоқлар! Кўриб қўй!

Ричагни босиб шпинделларни шу қадар пастга туширдимки, ерга тегиб қолдиёв! Моторни юргизиб, кучим борича тепкини босдим. Машина қутурган филдек наъра тортиб, олдинга сапчиди. Чанг-тўзон кўтарилди. Бурилиб қарасам, бункерга пахта эмас, ғўзапоялар, мажақланган кўсаклар патир-путир тушяпти! Қойил! Ўзим ҳам бир зумда аллақанча жойни ағдар-тўнтар қилиб ташладимов! Мана бунинг отини ер ҳайдаш деса бўлади! Машинам ўтган жой шип-шийдам! На пахта бор, на ғўзапоя! Ер шудгор бўлиб кетганини айтмай-сизми!

Бир маҳал Раис билан Райком бува машина кетидан югуриб қолди. Негадир кулиб юбордим. Бу кунингдан баттар бўл, ҳамманг! Раис ранги гезарганча кўлини пахса қилиб бақирди. Эҳ-ҳе, ҳалиям дўқ қиляпсанми?! Мана бўлмаса! Машинани шиддат билан далага кўндаланг қилиб бурдим. Одатда, терим машинасини кескин буриб бўлмайди. Бункер залваридан ағдарилиб кетади. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Машина ўнг томонга оғдида, гурсиллаб думалаб тушди. Кабинадан отилиб кетдим. Пахтазор ўртасида анчагача қулоғим ғувуллаб ётдим. Бошим каттароқ кесакка урилган эканми, сирқиллаб оғрир, қулоғим шанғиллар эди.

Бир зумда устимга одам тўпланди. Шляпали, шляпасиз камиссия аъзолари, сурнайга ўхшаб ғийқиллаб нафас олаётган семиз обком вакили, учбурчак бақбақаси лиқиллаб турган Райком бува, Шайдул кассир, қайнатанинг, укки кўзлари ёниб турган Жовли ака, башанг

кийинган Раис, кўйинг-чи, „Ферма тоға“гача атрофимни ўраб олишди.

— Нима қилдинг, аҳмоқ! — Раис йиртилиб кетган ёқамдан бўғиб кўтарди. — Жамоа хўжалиги мулкини нима қилдинг, аблаҳ! — деди-да, юзимга тарсаки тортиб юборди.

Уриш мана бунақа бўлади, деб қоқ жағига чунонам мушт туширдимки, Раис пуфакдек учиб кетди. Беш қадамча нарига — ариқ ичига бориб тушди. Пишиқ экан, хунаса! Пақ этиб ёрилиб кетмаганига ҳайронман. Югуриб бориб қорнига тепдим. „Фиқ“ этган овозни ҳамма эшитди.

— Нима қияпсан! — Жовли ака хумдек бошини елкаси ичига тортиб чопиб келаётганини кўрдим. Йў-ўқ, мен Шайдул кассир эмасман, калла кўйишингни кутиб ўтирадиган. Яқин келса нақал қоқилган этигим билан қоқ жағига тепишни мўлжаллаб турган эдим, аллаким, уни қучоқлаб, тўхтатиб қолди. Жовли, ўлжасига етолмаган уккидек кўзлари ёниб, „хув-хув“ деб типирчилади.

— Қани, келавер! — дедим жазавам тутиб. — Кела қол!

Қизиқ, яқин келадиган мард йўқ!

Вой номардлар! Вой жўжахўрозлар! Ҳали сенларга хор бўлиб юрибманми!

— Камиссиянинг бошлиғи ким? — дедим бақриб. — Ким?!

Орага ғалати жимлик чўкди.

— Ким? — дедим жонҳолатда чинқариб.

Кулранг похол шляпа кийган одам даврадан ажраб чиқди. Секин-секин яқин келди.

— Ўзингизни босинг, ука! — деди осойишта оҳангда.

— Сизми, бошлиқ?! Сизми? Айтинг?

— Мен! — У елкамга қоқмоқчи эди, кўлини силтаб ташладим. — Ёлғон! — тилимга биринчи келган сўз шу бўлди. — Ёлғон! Гектаридан элик центнер ҳосил олганимиз — ёлғон! Бултур уч юз элик тонна пахта терганим — ёлғон! Бир қоп пул даромад қилганим — ёлғон!

Давра орасидан Райком буванинг овози келди.

— Ўртоқ вакил! Илтимос, қулоқ солманг, бунга. Бу бола — шизофреник!

— Сен ўзинг шизо... Шизо... — у ёғига тилим келишмади. Баттар ҳайқирдим. — Ўзинг шунақасан! Ҳамманг ўғрисан! Ана, бизнинг ҳақимизни ўмарган ўғри! — оғзидан кўпик чиқариб ётган Раисга имо қилдим. — Мана ўғрибоши, завод директори билан пул тақсимлайди! — Хумдек калласини саланглатиб ҳамон мен томонга юлқинаётган Жовлининг башарасига тупурдим.

Кулранг шляпали вакил елкамдан кучди.

— Ўзингизни босинг, ука! Ҳаммасини аниқлаймиз!

— Қўйвор! — дедим типирчилаб. — Ҳаммасини айтаман! Шайдул кассир пахта ўрнига пахта пунктига пул олиб борган. Панжи уйланганига беш йилдан ошди! Ҳалиям қарзидан қутулгани йўқ! Маош ололмайди.

— Қўйинг, Қўшоқжон! Уят бўлади! — соқоли қиртишланган қайнатам яқин келган эди, ифлос нарсани кўргандек юзимни ўгирдим.

— Йўқол, кўшмачи!

Аллақаёқдан тақирбош Викторов пайдо бўлди.

— Ну, дурак! — деди ялтироқ бошини чайқаб. — Ай дурак, а? Куп гапирма, ахмак!

— Сен аҳмоқ! Сен порахўр!

— Милиция! — оломон орасидан Райком буванинг ҳокимона хитоби янгради. — Милиция борми ўзи бу хўжаликда!

— Мана сенга мелиса! — дедим хунук қилиқ қилиб. — Ўша пуллардан сенам улушингни олгансан. Обком вакили ҳам. Бўлмаса, Эргашевни нега қаматдиларинг? Ҳалол одамни нега турмага тикдиларинг! Ҳамманг ўғрисан! Ҳамманг ҳаромхўрсан. Виждонсизлар! Еган-ичганларинг — ҳаром, кийган кийимларинг — ҳаром, топган-тутганинг ҳаром. Мана, от! Ўлдир. Ўлдириб қўя қол! Жонимдан тўйиб кетдим!

...Кейин нима бўлгани эсимда йўқ.

Кўзимни очсам, деразасига темир панжара тутилган каталакдек хонада ётибман. Кўйлагим ёқавайрон. Шимим лой. Этигим ечиб олинган. Бир маҳал эшик очилиб заҳил юзли, бурнининг учи қизил, кўзлари ола-кула одам кўринди. Турқи совуқ бўлсаям кийинишни бопларкан. Эгнида оппоқ кўйлак, қирраси чиқариб дазмолланган кулранг шим, гард юқмаган қора туфли... Темир каравотдан туриб, аранг қаддимни ростладим. Негадир бошим сирқиллар, сув ичгим келарди.

— Салимов? — деди у чақчайиб.

— Шунақа шекилли, — дедим хотиржамлик билан. Энди бу ёғи менга барибир! Кўлидан келганини қилмайдами? Ажаб, дилим равшан эди. Ўлай агар, нимага шунақа бўлганини ўзим билмайман... Фақат, отам билан онамга ачинардим.

— Хў-ўш... Менинг фамилиям — Қаландаров! Терговчиман! — заҳил юзли киши дафтар-қалам олди. Хонада курси йўқлиги учунми, темир каравотга ўтиришга иргандими, турган жойида кўлидаги қоғозларни титкилади. Негадир кулди. Қизиқ, кулиши ғалати экан. Худди калтакесак чирқиллаганга ўхшаркан. — Ҳурматингиз зўр, Салимов! Сизни овора қилмаслик учун кабинетга чақирмай, шу ернинг ўзида сўроқ қилиб қўя қоламиз. — Тўсатдан унинг кўзлари олайиб, овози қатъий тус олди. — Салимов! — деди шиддат билан. — Сиз жиноят Кодексининг... — қип-қизил бурнининг учини бармоғи билан пайдар-пай силаб, аллақанча рақамларни айтди. — „в“, „г“, „д“ пунктларига биноан жиноий жавобгарликка молик иш қилгансиз! Биринчидан, қонуний зағсдан ўтган хотинингиз Наргиз Кўшшаеванинг оғир оёқлилигини била туриб қорнига тепгансиз! Қасдан! Хотинингизни преждевременний дард тутиб қолган. Сиз жиноятни яшириш учун Кўшшаевани район роддомига мотоциклда олиб боргансиз! Роддом эшигига ташлаб қочгансиз. Яхшиямки, гражданка Кўшшаеванинг организми кучлилик қилган. Чақалоқ соғ-саломат туғилган, — терговчи сабзига ўхшаш қип-

қизил бурнининг учини яна силаб кўйди. Турган жойида қоғоз титкилади. — Хў-ўш! — деди салмоқлаб. — Уч кило-ю етти юз ўн етти грамм!

— Нима у?

Қаландаров ҳайрон бўлиб, юзимга қаради.

— Нима, „нима“?

— Уч кило-ю етти юз ўн етти грамм нима?

— Нима эмас, ким? — Қаландаров ер тепиниб ҳайқирди. — Чақалоқни айтаман, галварс! Сенинг қизингни! Хахолаб кулиб юбордим.

— Сўраб кўрдингизми, ўртоқ Қаландаров! Чақалоқ неча ойда туғилибди? Тўрт ойлик бола салкам тўрт кило бўладими?

Қаландаров кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Биринчидан, мен сенга ўртоқ Қаландаров эмас, гражданин терговчи Қаландаровман! Иккинчидан, саволни сен эмас, мен бераман! Хў-ўш... 31 октябрь куни кечқурун соат йигирма иккидан эллик тўққиз минут ўтганда гражданка Қўшшаевани уриб, роддомга ташлаб қочгансан. Орадан қирқ уч минут ўтгач, соат йигирма учдан қирқ икки минут ўтганида „Машъал“ жамоа хўжалигининг раиси, область советининг депутати, бир эмас, олтига ҳукумат нишони билан мукофотланган Тошмамаат Алимовнинг уйига мотоцикл миниб, бостириб боргансан. Мотоцикл люлкасида қасддан олиб борган болтанг бўлган. Шу болта билан ҳурматли ўртоқ Алимовнинг меҳнатда эришган ютуқлари учун мукофот тарзида берилган 50-91 КФЛ номерли „ГАЗ-24“ „Волга“ машинасини уриб пачақлагансан. Кейин этигининг кўнжидан тигининг узунлиги 29 сантиметрли суяк сопли пичоқ чиқариб, ўртоқ Алимовни сўймоқчи бўлгансан. Болтани топдик. Машина тагида ётган экан. Пичоқ қани?

— Раиснинг қорнида! Ёриб кўрсангиз топасиз! — дедим хотиржамлик билан.

— Бас! — Қаландаровнинг бурни баттар қизариб кетди. Назаримда бўйни ҳам қизариб, оппоқ кўйлагининг ёқаси лоларанг тусга кирдиёв! — Ўттиз иккинчи

октябрь, тфу, биринчи ноябрь куни нега Алимовни урдинг? Нега хизмат вазифасини бажариб турган раҳбарни тепдинг? Нега бўғдинг? Нега аллақандай ифвогар Эргашевни ҳимоя қилдинг?

Билмадим, яна кулгим қистади.

— Раис ўлмадими ҳали?! — дедим илжайиб. — Мен унинг калласига кетмон билан урувдим-ку!

— Шунақами? — терговчининг заҳил юзи ёришди. — Ёзиб кўямиз. — Хў-ўш... Жиноятчи Салимов Тошмамат Алимовни кетмон билан бошига урган. Яхши! Яна? Ўртоқ Менглиевни-чи? Униям тепибсан-ку!

— Аниқ эсимда йўғ-у, чамамда уни тепмадим. Чопдим. Кетмон билан бошини чопиб ташладим. Кетмон ўткир эди-да! Ўз кўзим билан кўрдим! Раис икковининг боши узилиб, сапчадек думалаб кетувди. Пайкалда иккала бош ҳалиям ёнма-ён ётган бўлиши керак, ўртоқ...

— Ўртоқ дема! — Қаландаров бир чақчайди-ю, ёзишда давом этди. — Яхши! Буниям делага тикиб кўямиз. — У кафтларини иштаҳа билан ишқалади. — Биласизми, Салимов! — деди мамнун жилмайиб, ҳатто овози ҳам мулойимлашиб кетди. — Шунча жиноят учун сизни камида ўн беш йил озодликдан маҳрум қилиш керак!

— Балки отарсиз?

— Энг сўнгги чорани кўриш ҳам мумкин! Албатта, бу ёғини суд ҳал қилади. Муҳими шуки, жиноятчи айбини бўйнига...

„Бўйнига“ дейиши билан сапчиб туриб бўйнига ёпишган эдим, қизил бурни кўкариб дод солди.

— Дежурний!

Ёшгина навбатчи милиционер қуюндек учиб кириб, қўлимдан тутди. Терговчи ҳансираб нафас олганча чиёллади.

— Сенга энг олий жазони олиб бермасам, Қаландаров отимни бошқа кўяман. Старший терговчи билан начальниқка бугун, ҳозир рапорт ёзаман!

Темир каравотга ўтириб, девор томонга қараб олдим. Кўлидан келганини қилсин!

— Мен шу ердаман! Нима гап? — деди кимдир эшик томонда.

— Ўртоқ старший терговчи! — Қаландаровнинг йиғламсираган товуши қулоғимга кирди. — Оғир жиноят устида қўлга тушган Салимов допрос пайтида мени бўғиб ўлдирмоқчи бўлди. Мана! Бўйнимни кўриб қўйинг. Мана, бармоқ излари турибди. Рухсат этинг, экспертизага боришга!

— Йўқол! — старший терговчи шунақанги ҳайқирдики, каталак хона зинғиллаб кетди. Кейин жимлик чўкди. Хайрият, даф бўлишди!

— Қўшо... — бошим устида шунақанги таниш, шунақанги меҳрибон овоз эшитилдики, ўрнимдан туриб кетдим. Бурилиб қарасам, хона ўртасида Шодивой турибди. Қандоқ яхши! Энди мени қадрдон дўстим, йўғ-е, собиқ дўстим Шодивой, старший терговчи гражданин Алимов сўроқ қилади! Хоҳлаган муддатни бўйнимга илади. Зўр-да, ўлдирсаям, дўст ўлдирсин!

Энди жойимга ўтираётган эдим, Шодивой илдам келиб қўлтиғимдан кўтарди.

— Вой жинни-ей! Терговчи деганиям жиноятчини қучоқлайдими ҳеч замонда!

Бир маҳал қарасам, кўзига ёш тўлиб турибди.

— Шоди? — елкасига туртдим. Жиннимисан?!

У юзимга диққат билан термилди.

— Қўшо! — деди овози хириллаб. — Биладан сенда гуноҳ йўқ.

Жаҳлим чиқиб кетди.

— Э, эсинг жойидами, Шоди! Айбсиз одамни бу ерга опкеладими? Отангни урганим — рост! Қорнига пичоқ санчганим рост! Ўлмай қолган экан, эртасига Жовли икковининг бошини кетмон билан чопиб ташлаганимам тўғри! Ўша кетмон шийпонда турибди. Биров илиб кетмасидан топтириб қўй. Хотинимнинг қорнига тепганим ҳам — рост. Бўлмаса, тўрт ойда туғармиди!

— Ўчир! — Шодивой шусиз ҳам варварак бўлиб кетган кўйлагимнинг ёқасига ёпишди.

— Кўйлакни йиртдинг, хумпар! — дедим бақриб.

— Кўшо! Кўшшаева билан гаплашдим. Сенга ҳеч қанақа даъвоси йўқ, — Шодивой кўзимга тикилди. — Айб — бошқаларда! Сен бегуноҳсан.

Қарасам, йиғлаб юборадиган! Тўғрисини айтсам, жўрамга раҳмим келди.

— Шоди-и! — дедим ялиниб. — Битта хўп де, жон ўртоқ! Мени қаматги-ин! Неча йил берсанг ҳам финг демайман.

— Ўчир!

— Шошма, мундай ўтиргин, жўра! — Шодивойнинг елкасини силаб, ёнимга ўтқаздим. — Ўзинг ўйлаб кўр. Сен ёш кадр бўлсанг. Беш йил бекорга ўқидингми? Қанча қийналдинг, тўғримми? Каникул пайтдаям қишлоққа келмадинг. Отанг сени ўқитаман деб шунча овора бўлди...

— Отам?! — Шодивой шу қадар алам билан инграб юбордики, ўзимнинг ҳам кўзимга ёш қуйилиб келди. Жўрам темир каравотда чўкканича юзини кафти билан тўсиб, узоқ ўтирди. Нима дейишни, нима қилишни билмасдим.

— Кўй, Шоди-и, хафа бўлма... — дедим секин.

— Отам... — Шодивой кўлларини туширди. Кўзида, одамнинг юрагини эзиб юборадиган алам бор эди. — Қандоқ бош кўтариб юраман, бу ерларда, жўра! — деди инграб. — Ким деган одам бўлдим?! Ўн битта неваралик одам ўн саккиз яшар қизни шу аҳволга солса! Ҳамма нарсани пул билан ўлчаса. Ҳаром-хариш йўллар билан обрў топса. Энамнинг кўзига қандоқ қарайман, дўстим. Опаларимнинг кўзига қандоқ қарайман!

— Бўлди, жўра, бўлди! — дедим елкасига қоқиб. — Ҳаммаси яхши бўлади.

— Биласанми, Кўшо! — жўрам бақириб юбормаслик учун титраб турган лабини тишлади. — Вилоят ички ишлар бошқармасида шу ишни менга топширишди. Сенинг ишингни! Отам билан райком атайлабдан областга боришган. Менинг кўлим билан сендан қасос олишмоқчи. Тушундингми?

— Яхши бўпти! — дедим енгил тортиб. — Мени қаматсанг, қутуласан! Отангни урганим рост-ку!

— Аҳмоқ! — Шодивойнинг кўзида ваҳимали ўт порлади. — Мениям ўзингга ўхшаган тентак деяпсанми, аҳмоқ!

Сал ҳовридан туширмасам бўлмайдиган.

— Шоди-и, — дедим ялиниб. — Отанг сени беш йил не умидлар билан ўқитди, жўра...

— Овсар! — Шодивой аламли кулди. — Биламан, ўқитди. Ҳар сессияда совға-салом, пачка-пачка пул жўнатди. Айтсам, барибир ишонмайсан! Мен ўша пулларни қайтариб юборардим. Ўқишга пул билан кирганим етади. Энди бу ёғига... — у бир нуқтага тикилганча узоқ жимиб қолди. Маъюс кулимсиради. — Мен юристлар энг ҳалол одам дердим. Адлия сўзи — адолат сўзидан олинган дердим. Қадимги юнонларнинг Фемида деган хотин Худоси бор. Адолат ўшандан қолган, деб ўқитишарди. Рост, домлаларимиз орасида ҳалол одамлар кўп эди. Аммо ҳар заҳётга пул йиғиб оладиган аблаҳлар ҳам бор эди, Кўшо! Ишонасанми шунга! — у алам билан бош чайқади. — Аввал боши мен ўқимоқчи эмасдим. Сен қаерда бўлсанг, мен ҳам шу ерда бўлмоқчи эдим. Кейин ўша таъмагир домлаларни кўриб, охиригача ўқишга қасд қилдим. Шунинг учун таътилда Қозоғистон, Россияда жон куйдириб ишладим. Бу ёқларга қайтмоқчи эмасдим.

— Барибир келдинг-ку, — дедим бошқа гап тополмай.

Шодивой хўрсинди.

— Келдим эмас, юборишди.

— Бўпти-да, ишлайвер.

Жўрам лабининг бир бурчи билан илжайди.

— Осон экан-да! Ўз отангни сўроқ қилиш ўйинчоқ экан-да! Ўша алдам-қалдамларда отамнинг ҳам қўли бор-ку! Ҳаммасининг илдизи бир-ку.

Қаранг, бу ёғини ўйламаган эканман. Шодивой шу қадар маъюс ўтирардики, жўрамга юрагим туздек ачиб кетди.

— Кўй, жўра! — дедим бошини силаб. — Хафа бўлма. Мени қаматсанг...

— Яна гапиради-я! — Шодивой еб юборгудек важо-
ҳатда чақчайди.

— Кулоқ солсанг-чи, аҳмоқ! — дедим жаҳлим чиқиб. —
Мени қаматсанг, ҳаммаси жойига тушади.

— Ўзинг аҳмоқ! — Шодивойнинг ҳам жазавази кў-
зиб кетди. — Эшакка ўхшаган бефаҳм. Қаматмайман!

— Қаматасан! Айбим бўйнимда-ку!

— Йўқ!

— Қаматасан! — алам устида темир каравотга мушт-
лаган эдим, кўлим чунонам санчиб кетдики, вой-вой-
лаб қолдим.

— Нима қилди, Кўшо? — жўрам кўлимни кафтлари
орасига олиб, силай бошлади. — Ёмон тегдими? Икки
қулоғинг билан эшитиб кўй, дўстим, сени қаматиб
кўймайман.

— Шоди! — дедим ялиниб. — Жон жўра! Дўст-
лигимиз ҳақи! Мени қаматгин. Битта жўралик қилгин.
Шунда ўзингга яхши бўлади.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

ГАПНИНГ ИНДАЛЛОСИ ЎКИ ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ХАБАРЛАР

Энди ишондингизми, дўхтиржон! Мен жиноятчи
эмасман, жинни ҳам эмасман. Раисга пичоқ ўқтал-
ганимдан тонмайман. Урганим ҳам рост. Шунинг учун
Раисдан тортиб Жовлигача, Райком бувадан тортиб
обком вакилигача мени жиноят курсисига ўтқазишга
хўп уринишди. Уч ойгина қамашди ҳам. Шодивой
бекорга беш йил ўқимаган экан. Шунақанги ғайрат би-
лан ишга киришиб кетдики, мени жиноятчи деган-
ларнинг ўзи думини қисиб қолди. Омадим чопганини
қарангки, турмушимизда ғалати ўзгаришлар бўлди.
„Ифвогар“ деганимиз ўша Эргашев энг покиза одам
экан. Қамоқдан чиқиб келиб, у ҳам Шодивойнинг ёнига
кирибди. Наргиз — мард хотин экан. Судда мени оқлаб
чиқди. „Салимовнинг қилчаям айби йўқ“, деди. Очиқ-
дан-очиқ шунақа деди.

Шундан кейин ҳам мени тўрт ой жиннихонада сақлашди. Баъзи бировлар кўздан узоқроқда туришимни хоҳлаган-да!

Онамнинг айтишича, қайнанам Раиснинг хотини билан роса юлишибди. „Эринг қизимга алимент берсин“, деб тўполон қипти. Раиснинг хотини „Бобоси тенги эркакнинг тўшагида ётган фар қизинг кучала еган жойига бориб қотсин“, дебди. Шундан кейин ҳаммаси бир-бирининг тагини ковлашга тушиб кетибди. „Ферма тоға“ Шайдул кассирни айблабди. Шайдул кассир бошбухни, бошбух Раисни, Раис Жовлини, Жовли завод директорини, завод директори Райком бувани, Райком бува обком вакилини! Хуллас, ҳамма ёқ тўс-тўполон бўлиб кетибди! Эргашев булар пахта ўрнига пул топширади, дегани рост экан. Ўша пуллардан бир улушини Раис ҳовлисидаги токнинг темир сўриси орасига тикқан экан, сув сизиб, аллақанчаси чириб кетганини кўриб афсусланибди. „Аслида салапан халтани беш-олти қават қилсам бўларкан“, дебди.

„Ферма тоға“нинг пичан ғарамидан яна битта „Волга“ чиқибди. Буниси оқ эмас, қаймоқранг эмиш. Шайдул кассир ўз ҳиссасини пат-патнинг эски баллонига тикиб, чордоққа ташлаб қўйган экан. Пулни топиб олишганида иккита хотини билан қўшилишиб роса йиғлабди.

Ҳаммадан ҳам Жовли ғалати йўлини топган экан. Бор бисотини темир идишга жойлаб, ҳожатхонага ташлаб қўйган жойидан суғуриб чиқаришибди. Ҳайронман, бунақа жойда ётган нарсани нимага ишлатмоқчи бўлганикин? Сасиб-бижиб, ҳаром бўлиб кетмайдими?

Тақирбош Викторов — қув экан. Текшир-текшир бошланганида Шодивойга ариза кўтариб кепти. „Ўртоқ Алимов, мен областимизда рўй бераётган припискарларни кўпдан бери кузатиб юрардим“, деб Раисдан тортиб Райком бувагача, обком вакилигача, ҳаммасининг сирини айтиб берибди. Шодивой, „Ўзингиз шу ишларга аралашмаганмисиз“, деса, „Мен кристаллий, чистий одамман“, деб туриб олибди. Эртасига

Викторовнинг ҳовлисидаги чўчқахонадан дипломат тўла пул, яна аллақанча олтин-жавоҳирлар чиқибди. Текширувчилар „бу нима“ дейишса, Викторов елка қисибди. „Дунёда чўчқадек аҳмоқ жонивор йўқ, кўчада учраган нарсани ташмалаб келаверади-да“, деб тураверибди. „Беш метр чуқурни ковлаб, хазинани кўмган ҳам чўчқами“, дейишса, индамай кулиб турганмиш.

Уша — отинг ўчгур жиннихонада ётганимда жонимга яна Шодивой оро кирди. Марказдан катта профессорни чақириб, мени текширтириб кўрди. Хайрият, руҳий касал эмас эканман.

Уйга келсам... Уйга келсам, отам қазо қилганига қирқ кун бўлган экан. Шу гапни эшитдим-у, тўсатдан йиқилиб тушдим. Ҳушимга келиб, ойнага қарасам, ўнг юзим оқиб тушган нондек чўзилиб кетибди. Бир кўзим катта, биттаси кичик... Сизнинг неврологический бўлимингизга қандоқ қилиб келганим ҳам эсимда йўқ.

Раҳмат, сизга дўхтиржон! Яхши даволадингиз. Мана, кўзим ҳам жойига келиб қолди. Аввал гўлдираб гапирардим. Шукур, тилим ҳам бийрон... Фақат, биласизми, дўхтиржон... Баъзан кечалари уйқум ўчиб кетади. Отам нега ўлди? Наргиз нега бахтсиз бўлди? Бегуноҳ бир қизалоқ нега туғилмасидан тавқи лаънат олди? Биласизми... Айниқса, Шодивойга ачинаман...

Икки ҳафта олдин Шодивой мени кўргани келди. Қиличдек жўрам нинадек бўпқопти. Рангида ранг йўқ. Катта тергов бошланганда раҳбарлардан илтимос қипти. „Мени шу ишдан озод қилинглар, ўз отамни қандоқ сўроқ қиламан?“ дебди. Тўғри-да! У ёқда онаси, бу ёқда опалари „Ўз отангдан айб излагандан кўра, ўлганинг яхшимасми?“ деб турса, бу ёқда минг-минг пуллар топилиб турса... Бошлиқлари жўрамнинг аҳволини тўғри тушунибди. Ишни бошқа терговчига олиб беришибди. Шунда Раис яна бир номардлик қипти. Шодивойга айтибди. „Янги терговчига шипшиб қўй, шу ишни бости-бости қилиб юборса, мен, Жовли, фермер, Шайдул, райком, обком вакили — ҳаммамиз йиғилишиб, нечта деса, шунча машина, қанча деса,

шунча пул топиб берамиз“, дебди. „Шундан қанчасини хоҳласанг, ўзинг олиб қолишинг мумкин“, дебди.

Ишонасизми, дўхтиржон, жўрам шу гапни айта туриб, юраги ёмон бўпқолди. Каравотимга йиқилиб тушди. Яхшиям ҳамшира бор экан, укол қилиб зўрға ўзига келтирди. Шодивой ҳуши жойига келиб йиғлади. „Кўшо, деди, дўстим, деди, ўз отам менга пора бермоқчи бўлса, қандоқ чидайман, наҳот ҳамма ёқ шунақа ҳаром-хариш бўпкетган бўлса“, деди.

Амаллаб юпатиб жўнатдим. Шунақа, дўхтиржон, айниқса, жўрамга жабр бўлди!

Чарчадингиз-а, дўхтиржон! Майли, дам олинг. Энди... Битта илтимос бор. Ҳамшираларингизга айтсангиз: тузалиб қолдим. Чап думбамга нина санчавериб, илматешик қилиб юборди. Нима? Ўнг томонга нина ўтмайди-да, дўхтиржон! „Қаллиқ ўйин“га бориб ўнг томондан айрилганмиз. Қоқ ярмиси Рексжоннинг оғзида қолиб кетган. Қолганиям — этикнинг тагчарми! Ҳамширанинг нинаси синиб қолади. Хўп денг, бошқа укол қилмасин, дўхтиржон! Кеча Шодивой яна келиб кетди. Менга тезроқ жавоб беринг. Хўпми? Шундоқ қилинг, дўхтиржон! Ишни соғиниб қолдим. Далани, пахтазорни қўмсаяпман. Терлаб-пишиб ишлагим келяпти. Бўптими, дўхтиржон! Раҳмат! Кўлни ташланг...

1987 йил

МУНДАРИЖА

<i>Биринчи боб</i> Касаллик тарихи.....	3
<i>Иккинчи боб</i> Мактабга кириб олдим.....	8
<i>Учинчи боб</i> Бизни синфда қолдирадиганнинг боши ўнта!.....	10
<i>Тўртинчи боб</i> Хих, тулпорим, хих!.....	18
<i>Бешинчи боб</i> Мушак сабзи.....	33
<i>Олтинчи боб</i> „Запорожец“дан туғилган „Волга“.....	40
<i>Еттинчи боб</i> Симли атлас.....	53
<i>Саккизинчи боб</i> „Кампир қонуни“.....	59
<i>Тўққизинчи боб</i> Биз талаба бўламиз!.....	70
<i>Ўнинчи боб</i> Домлажоннинг „хатоси“.....	87

<i>Ўн биринчи боб</i> „Арпатехника“ қоидалари.....	107
<i>Ўн иккинчи боб</i> Пахта пунктидаги мажлис.....	121
<i>Ўн учинчи боб</i> Наргизхоннинг ҳинду холи.....	131
<i>Ўн тўртинчи боб</i> Иғвогар.....	141
<i>Ўн бешинчи боб</i> Раис бува оталик қилмоқчи.....	150
<i>Ўн олтинчи боб</i> Қаллиқ ўйин.....	163
<i>Ўн еттинчи боб</i> Тўй.....	169
<i>Ўн саккизинчи боб</i> Шақ этди, пақ этди, пуфак ёрилиб кетди!....	187
<i>Ўн тўққизинчи боб</i> Гапнинг индаллоси ёки кулоққа чалинган хабарлар.....	209

ЎТКИР ҲОШИМОВ

ИККИ ҚАРРА ИККИ — БЕШ

„O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2018

Муҳаррир *М. Мирсаликов*
Бадий муҳаррир *Б. Ибрагимов*
Техник муҳаррир *Н. Ниязмуҳамедова*
Мусаҳҳиҳ *А. Лутфуллаев*
Компьютерда саҳифаловчи *М. Акбарова*

Нашриёт лицензияси АИ № 012. 20.07.2018. Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 08.09.2018. Бичими 84×108^{1/32}. Кегли 10,5 шпонли. Times TAD гарн. Офсет босма усулида босилди. Офсет қоғози. Шартли б. т. 11,34. Ҳисоб-нашриёт т. 9,22.
Иккинчи завод 5000 нусха. Буюртма №19-18^а

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент — 206,
Юнусобод тумани, Янгишаҳар кўчаси, 1- уй.
Шартнома № 193-18

84(5Ў)6
Ҳ 71

Ҳошимов, Ўткир

**Икки қарра икки — беш [Матн]:
Ў. Ҳошимов. — Тошкент: „O‘qituvchi“
НМИУ, 2018. — 216 бет.**

ISBN 978-9943-22-189-5

УЎК: 821.512.133-31
КБК 84(5Ў)6

Қатор асарлари билан ўқувчилар меҳрига сазовор бўлган иқтидорли адиб Ўткир Ҳошимовнинг ушбу ҳажвий қиссасини ўқиганда кайфиятингиз кўтарилади.

Кескин юмор остига олинган воқеалар ғоят ҳаётӣ, таъсирчан акс этган.

Мазкур асар китобхонлар томонидан катта қизиқиш билан ўқилиши шубҳасиздир.



© „O'qituvchi“ NMIU
100206, Toshkent sh.,
Yangishahar ko'chasi, 1,
Tel.: (+99871) 224-04-12,
E-mail: info@oqituvchi.uz,
Web-site: www.oqituvchi.uz

ISBN 978-9943-22-189-5



9 789943 221895